

Гончарова О.В.



Ёш спортчиларнинг жисмоний  
қобилиятларини ривожлантириш



Муаллиф:

*Гончарова О.В - магистр, ЎзДЖТИ жисмоний тарбия назарияси ва усулияти кафедраси катта ўқитувчиси.*

Тақризчилар:

*Керимов.Ф.А - профессор, педагогика фанлари доктори*

*Кошибахтиев И.А - профессор, педагогика фанлари доктори*

*Усмонхўжаев Т.С - профессор, педагогика фанлари доктори*

Гончарова О.В. Ёш спортчиларнинг жисмоний қобилияtlарини ривожлантириш: Ўкув қўлланма. Тошкент, 2005. – 176 с., илл.

Ўкув қўлланмасида ёш спортчиларнинг жисмоний тайёргарлиги бўйича замонавий билим ва тажрибалар умумлаштирилган. Жисмоний қобилияtlарни ёшга боғлиқ ҳолда ривожлантириш масалалари батафсил кўриб чиқилган.

Ўкув қўлланмаси жисмоний тарбия институти, жисмоний тарбия факультети ўқитувчи ва талабалари, спорт турлари бўйича тренерлар учун мўлжалланган.

In the manual were generalized the modern knowledge and experience on physical preparation of the young sportsmen. In detail were considered the questions of age development of physical abilities. The materials under the prevention of traumas are stated during physical preparation of the young sportsmen.

The manual is intended for the teachers and students of institutes of physical culture, faculties of pgysical education, and trainers on kinds of sports.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг илмий-усулий кенгаши тамонидан ўкув қўлланмаси сифатида нашрга тавсия этилган.

Қўлланма Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Фан ва Технологиялар маркази Давлат инновацион дастури доирасида тайёрланиб, нашрдан чиқарилган.

©ЎзДЖТИ нашриёт–матбаа  
бўлими, 2005 й.

## Кириш

Жамият ривожланишининг ҳозирги босқичида ёш спортчиларни тайёрлаш масалалари алоҳида аҳамият касб этиб бормоқда. Мамлакатимиз ҳамда чет эл мутахассисларининг қатор тадқикотлари жисмоний тайёргарлик муаммоларига бағишиланган. Уларнинг кўпчилиги асосан катта ёшли спортчиларда жисмоний сифатларни (куч, тезкорлик, чидамлик ва б.) тарбиялаш қонуниятлари юзага чиқаришга йўналтирилади. Мазкур кўлланмана ёш спортчиларда жисмоний қобилиятларни ривожлантириш муаммоларини очиб беришга қаратилган.

Ушбу ўкув кўлланмасида ёш спортчиларни тайёрлаш бўйича ҳозирги замон илм ва амалиёт ютуқларига таянадиган замонавий билимлар умумлаштирилган. Муаллиф ҳар бир бобни баён этишда ўз билим ва тажрибасига асосланади. Ўқув кўлланмасида жисмоний тарбиянинг таркибий қисми бўлмиш спортга тъериф берилган. Асосий дикқат эътибор ёш спортчиларни жисмонан тайёрлаш, жисмоний қобилиятларни шакллантиришга қаратилган. Биринчи бобда спорт машгулотларининг моҳияти, улар мақсади, вазифалари, восита ва тамойиллари очиб берилган. Иккинчи бобда ёш спортчиларнинг жисмоний тайёргарлиги баён этилган. Бу ерда жисмоний тайёргарликнинг аҳамияти, турлари, вазифа ҳамда воситалари батафсил кўриб чиқилган. Жисмоний қобилиятларни ривожлантиришнинг асосий қонуниятлари ва тамойилларига ҳам етарлича ўрин ажратилган. Ёш спортчилар жисмоний қобилиятларининг ёшига боғлиқ равишда ривожланиши масалалари хам чукур тадқиқ этилган. Шундан сўнг куч, тезлик ҳаракатларини мувофиқлаш қобилятларини, эгилувчанлик ва чидамлилик хусусида сўз юритилиб, уларни ривожлантириш усулиятлари кўрсатилган. Спорт фаолиятида жароҳатланиш тез-тез учраб турадиган ходиса, шунинг учун муаллиф ёш спортчиларни жисмонан тайёрлаш жараёнида жароҳатларнинг олдини олишга доир материалларни ҳам тақдим этади. Жароҳатлар юзага келишиниг айrim сабаблари кўрсатилиб, уларни бартараф этиш бўйича усулий тавсиялар берилган.

Ўқув кўлланмасини яратища энг сўнгти илмий тадқиқотлар натижасида тўпланган маълумотлардан фойдаланилади. Илгор спорт амалиёти тажрибалари ёритилган бўлиб, уларнинг

умумлашмаси мазкур китобнинг мазмунини ташкил этувчи соҳага оид кўпгина муаммоларни мутлақо янги нуқтаи назардан кўриб чиқиши имконини беради. Ўқув қўлланмаси материали таркибига жисмоний тарбия назарияси ва усулияти соҳасидаги умумлашган тажрибалар билан бир қаторда унинг айрим масалалари бўйича шахсий ишланмалар киради.

Ушбу китобни тайёрлашда яқиндан ёрдам берган кишиларга муаллиф чукур миннатдорчилик билдиради. Энг аввало, уни ҳар тарафлама қўллаб-қувватлаб турган, қимматли маслаҳатларини аямаган ва бунда юксак даражадаги касбий маҳоратни намойиш этган олим педагогика фанлари доктори, профессор, академик, Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг Спорт таълим муассасалари ва фан бошқармаси бошлиги - Ф.А. Керимовга чексиз ташаккур билдиради. Шунингдек, муаллиф китобнинг юзага келишида катта ёрдам берган физика - математика фанлар номзоди О.Парпиевга ҳам алоҳида раҳматлар айтади.

Муаллиф ўз қарашлари ва илмий фаолиятининг шакллашишига таъсир қўрсатган ҳурматли профессорлар: Ю.Ф.Курамшин, Ю.В. Верхощанский, Д.Д. Донском, Л.П. Матвеев, В.Н. Платонов, А.А. Новиков ва Х. Тунеманга, чукур миннатдорчилик изҳор этади.

*Мазкур китобни ўзбек тилига ўғиришида ёрдам берганлиги учун муаллиф М.С.Айходжаевага алоҳида ташаккур билдиради.*

Китоб муаллифи олдига қўйган вазифани қай даражада муваффакият билан бажара олганлиги хусусида ўзи холис мулоҳаза юритиши қийин, албатта, шунинг учун у билдирган ҳар бир танқидий фикр, истак ёки таклифни самимий мамнуният билан қабул қилиб, уларни келажакдаги ишларида албатта эътиборга олган бўлур эди.

E-mail: olenka.5@mail.ru

## **I.БОБ. СПОРТ МАШҒУЛОТЛАРИНИНГ МАҚСАДИ, ВАЗИФАЛАРИ, ВОСИТАЛАРИ, УСУЛ ВА ТАМОЙИЛЛАРИ**

### **1.1. Спорт машғулотларининг мақсади ва вазифалари**

*Спорт машғулоти* – бу танланган спорт турида юқори спорт натижаларига эришишига йўналтирилган педагогик ихтисослаштирилган спорт такомиллашуви жараёнидир.

**Спорт машғулотларининг мақсади** мазкур спортчи учун мумкин бўлган энг юқори тайёргарлик даражасига эришиш ҳамда мусобақа фаолиятида юксак натижаларни намойиш этишдан иборатдир.

Машғулот жараёнида қўйидаги *асосий вазифалар* ҳал этилади:

- 1) танланган спорт турининг техника ва тактикаси чукур ўзлаштирилади;
- 2) жисмоний қобилияtlар ривожининг зарур даражаси таъдақланади;
- 3) спортчилар организдақинг функционал имкониятлари кучаяди ва соғлиги мустаҳкамланади;
- 4) машғулот ва мусобақалар вақтида спортчи ҳаракатларининг юқори даражада жамланиши ва сафарбар этилишини таъминловчи руҳий, ахлоқий – иродавий сифатлар мақсадли равища тарбиялаб борилади;
- 5) спортчи тайёргарлигининг эришилган даражасини юзага чиқариш қобилиятини мажмуали тарзда такомиллаштириш ва уни мусобақа фаолиятида намойиш этиш амалга оширилади;
- 6) машқ ва мусобақа фаолиятини муваффақиятли олиб бориш учун зарур назарий билимлар ҳамда амалий тажриба эгалланади.

Машғулотнинг санаб ўтилган вазифалари мувозий (параллел) равища бажарилади. Бирон машғулотнинг асосий вазифалари тайёргарликнинг давр ва босқичлари, спортчиларнинг машқланганлик даражаси, алоҳида хусусиятлари, маҳорати, спорт тури хусусиятлари ва қатор бошқа омилларга қараб батафсил текширилади.

Машғулот вазифаларининг ҳар бири изчил тарзда, яъни спортчиларга қўйиладиган ва тобора ортиб борадиган талаблар шароитида ҳал этилади. Мазкур вазифаларни ҳал этиш натижасида спортчи тайёргарлигининг мувофиқ даражаси таъминланади, бу унинг юқори спорт натижаларига тайёрлигини кўрсатади.

Спорт машғулотларининг айрим хусусиятлари мавжуд:

- ◆ танланган спорт тури бўйича муайян спортчининг энг юқори натижага эришишга йўналтирилганлиги;
- ◆ машғулотларнинг қаътий чегараланган муддати ва мунтазамлиги;
- ◆ маълум қонуниятларга мувофиқ кўп йиллик режалаштириш;
- ◆ машғулот юкламаларининг изчил равишда ошириб борилиши;
- ◆ спортчининг етарлича мустақиллиги ҳамда машғулот жараёнига ижодий ёндашуви шароитида тренернинг раҳбарлик роли;
- ◆ спортчининг бутун ҳаёт йўлига фаол таъсир кўрсатиш (кун тартиби; шахсий ҳаётга, касб танланишига таъсир).

## 1.2. Спорт машғулоти воситалари

**Спорт машғулоти воситалари** – бу танланган спорт турининг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда шаклланадиган ҳар хил жисмоний машқлар бўлиб, улар тўрт асосий гурӯҳга бўлинади: умумтайёрловчи, ёрдамчи, маҳсус тайёрловчи ва мусобақа машқлари. Улар ёрдамида спортчиларнинг спорт маҳорати дараҷасини кўтариши мумкин.

**Жисмоний машқлар** жисмоний тарбиянинг асосий воситаси ҳисобланаб, улар ёрдамида спортчи организмига аниқ мақсадли таъсир кўрсатилади, шунингдек, улар ёрдамида ўқув-машиқ дарсларини самарали ташкил этиши ҳамда ўтказиш учун шароит яратилади, бу жараёнда согломлаштирувчи, таълим ва тарбияга оид вазифалар ҳал этилади. Спорт машғулотларининг ёрдамчи воситаларига: табиий мухитга боғлик, тиббий – биологик, руҳий ва моддий – техник воситалар киради.

**Умумтайёрловчи машқлар** спортчи организдақинг ҳар томонлама функционал ривожланишига ёрдам беради. Улар танланган спорт тури хусусиятларига мос бўлиши ва айни вақтда у билан муайян зиддиятда бўлиб, ҳар томонлама, уйғун жисмоний ривожланиш муаммоларинигина ҳал қилиши мумкин.

**Умумривожлантирувчи машқлар таркиби:** спорт гимнастикасидан (кўл, оёқларнинг турли ҳаракатлари, предмет билан, предметсиз, шерик билан ва шериксиз, турган жойда ва ҳаракатда), енгил атлетикадан, спорт ўйинларидан, акробатикадан

олинган машқлар кириши мумкин. Булар спортчига турли йўналишда таъсир кўрсатувчи, жисмоний сифатлар мажмуасининг ривожига ёрдам берувчи, шунингдек, турли малака ва кўникмаларни шакллантирувчи ҳаракатлардир. Улар қаторига қуидагилар киради:

1. Ўз спорт турига хос бўлган, лекин ундан организм фаолияти режими, ҳаракатларни бажариш йўллари ҳамда шароитлари билан фарқ қилувчи машқлар. Масалан: сузувида – мусобақа усулини ва мусобақа режимини кўлламаган ҳолда сузиш, сакровчида ҳар хил йўллар билан бажариладиган сакрашлар.

## 2. Бошқа спорт турларига хос машқлар.

Умумтайёрловчи машқлар доираси анча кенг ва хилма-хил. Уларни танлашда ушбу талабларга риоя қилиш керак: а) машқлар спортчининг ҳар томонлама ривожланишини таъминлаши; б) шу билан бирга, улар спорт ихтисослиги хусусиятларини акс эттириши лозим.

Шу билан боғлиқ ҳолда умумтайёрловчи машқлар спортчининг маҳсус хусусиятларини шакллантиришга билвосита таъсир кўрсатадиган сифат ҳамда кўникмаларнинг ривожланишига ижобий таъсир қилиши керак. Бошқача айтганда, улар ёрдамида у ёки бу спорт фаолиятини такомиллаштириш учун пойдевор яратилиши зарур.

## Спорт амалиётида умумтайёрловчи машқлар:

1) спортчининг спорт нуқтаи назаридан такомиллашувида ёрдамчи аҳамиятга эга бўлган малака ва кўникмаларни шакллантириш, мустаҳкамлаш ёки тиклаш учун;

2) спортчининг ишчанлик қобилияти умумий даражасини кўтариш ёки бир меъёрда сақлаб туриш учун;

3) жисмоний сифатларни ихтисослаштириб ривожлантириш мақсадида функционал пойдевор яратиш учун;

4) фаол дам олиш, ҳаракат юкламаларида спортчининг организмидаги тикланиш жараёнларини тезлаштириш, машғулотнинг бир меъёрдалигини бартараф этиш учун қўлланилади.

Умумтайёрловчи машқлар спортчини умумий *тайёрлаш* воситасидир. Бу ёрдамчи воситалари кам бўлган, машғулотлари маълум маънода бу меъёри (гимнастика, оғир атлетика, югуриш), яъни мусобақа машқлари асосий машғулот воситалари ҳисобланган спорт турларида алоҳида аҳамиятга эга.

**Ёрдамчи машқлар** у ёки бу спорт фаолиятида кейинчалик такомиллашиш учун маҳсус пойдевор яратувчи ҳаракат ва фаолиятларни ўз ичига олади. Бу машқлар гурухига спортчининг тренажер ва бошқа қурилмаларда ишлаш вақтида тезлик – куч сифатларининг ривожланишига ёрдам берадиган воситалар киради. Бошқа спорт турларидан олинган ҳамда спортчининг аэроб ва анаэроб имкониятларини оширишга йўналтирилган воситалар (кросс югуриш, эшкак эшиш ва б.).

**Маҳсус тайёрловчи машқлар** малакали спортчиларнинг машғулотлари тизимида марказий ўринни эгаллайди. Булар ҳаракатларнинг мувофиқлаш тузилиши, маконий, макон – вақт, ритм ҳамда энергетик тавсифларга, асад – мушак зўрикишлари, жисмоний қобилиятларнинг кўпроқ намоён бўлиши жиҳатларидан мусобақа машқларига анча ўхшаш бўлган ҳаракатлардир. Масалан, югурувчининг маҳсус тайёрловчи машқлари қаторига танланган масофанинг кесмалари бўйича югуриш; гимнастикачиларда – мусобақа комбинацияларининг элемент ва боғламларини бажариш; штангачиларда штангани тортиш ёки у билан ўтириб – туришларга ўхшаш машқлар; футболчиларда тўп билан ва тўпсиз алохида, гурух ҳамда жамоали ҳаракатлар ва комбинациялар киради.

Маҳсус тайёрловчи машқларни танлаб олиш танланган спорт турининг хусусиятлари билан белгиланади, шунинг учун бундай машқлар доираси, одатда, нисбатан чекланган бўлади.

Шуни назарда тутиш керакки, маҳсус тайёрловчи машқлар танланган спорт тури билан бир хил эмас – акс ҳолда уларни қўллашдан маъно чиқмас эди. Уларни танлаш шундай ҳисоб – китоб билан амалга ошириладики, улар спортчи учун зарур бўлган маҳсус жисмоний қобилиятлар ва ҳаракатлар техникасига мақсадли ва табакалаштириб таъсири кўрсатишини таъминлаши зарур.

Маҳсус тайёрловчи машқларни вазифасига қараб куйидаги турларга ажратадилар: а) ҳозирловчи – асосан ҳаракатлар техникисини ўзлаштиришга қаратилган; б) ривожлантирувчи – кўпроқ жисмоний ва руҳий қобилиятларни ривожлантиришга йўналтирилган; в) аралаш (комбинациялаштирилган) – айни бир вақтда ҳам сифатларни, ҳам ҳаракатлар техникасини ривожлантиришга йўналтирилган машқлар. Бундай таснифлар, албатта, маълум даражада шартлидир, чунки ҳаракат фаолиятининг шакли ва мазмуни ягона. Лекин бунда маъно ҳам йўқ эмас, негаки ҳозирловчи машқлар

шаклан танланган спорт турининг техникасига яқин туради, ривожлантирувчи машқлар эса, одатда, анча жиддий машғулот юкламалари билан боғлиқдир.

Мусобақа ва махсус тайёрлов машқлари спортчининг *максус* тайёргарлиги воситалари саналади.

**Мусобақа машқлари** бу танланган спорт турлари бўйича мусобақа шароитида кўлланиладиган таркибда мусобақа беллашувини олиб бориш воситаси сифатида хизмат қиладиган яхлит фаолият ёки ҳаракатлар йигиндишидир. Масалан, енгил атлетикада уларга машқларнинг ҳар хил турлари: найза, лаппак, босқон улоқтириш; эшкак эшишда: академик, байдарка ва каноэда муайян масофаларга эшкак эшиш, эшкакли слalom; оғир атлетикада: штангачи икки курашининг алоҳида машқлари – даст ва силтаб қўтариш киради. Шу маънода «мусобақа машқлари» тушунчаси «спорт тури» тушунчаси билан боғлиқ.

Усулий маънода: а) мазкур спорт тури учун белгиланган мусобақа қоидаларига тўла мувофиқ ҳолда ҳақиқий спорт беллашувини шароитида бажариладиган айни мусобақа машқлари; б) фаолият таркиби ва умумий йўналишига кўра мусобақа машқлари билан бир хил бўлган, лекин улардан режим хусусиятлари ва фаолият шакли жиҳатидан фарқланадиган мусобақа машқларининг машғулотга хос шакллари ажратилиди. Булар мусобақа машқларининг модель шаклларидир.

**Табиий муҳим воситалари** деб аталадиган машғулот гурухига қўёш радиацияси, сув ва ҳаво муолажалари, ўрта баландликдаги ва баланд тоғ худудларида бўлиш кабилар киради. Улар организмнинг совуқлик, иссиқлик, кислород етишмаслиги таъсирiga чидамлилигини ошириш, яъни спортчини чиниқтириш ҳамда саломатлигини мустаҳкамлаш учун кўлланилади. Ўрта баландликдаги ва баланд тоғли худуддаги (1400-2800-3200м) машғулотлар текислик шароитида спортчилар ишчанлик қобилиятининг ўсишига ва спорт натижаларининг яхшиланишига кучли таъсир кўрсатади.

Одатда, тоғли худудлардаги машғулотлар ўртacha 14-18 кун давом этади. Шу билан бирга, спорт амалиётида бундан қисқароқ муддат – 7-10 кун тоғли худудларда машғулот ўтказишдан ҳам фойдаланилади. Масалан, Россия, Швейцария, Германия енгил атлетикачилари машғулотларнинг қуйидаги тартибини қўллай-

дилар: 10 кун тоғда машғулот ўтказиш, 1 ҳафта текислиқда, кейин яна 10 кун тоғда (Ф.П.Суслов).

Тоғдаги машғулотлар тугаганидан кейин дастлабки икки ҳафта давомида ишчанлик қобилияти ва спорт натижалари аниқ ифодаланган тұлқинсімөн хусусият касб этади. Спорт натижалари ўсишининг биринчи тұлқини (күтарилиши) 3-6 – кунга, иккінчіси 14-25 – кунга ва учинчиси 36-45 – кунга тұғри келади. Бу алоҳида органлар ва тизимларнинг текислиқ иқлимигә ёки мусобақа ёхуд кейинги машғулотлар ўтказыладын жойнинг муайян иқлимигә қайта кўниши (иқлимга қайта мослашуви) билан боғлиқ.

Спорт амалиётининг кўрсатишича, кўпгина миллий, қитъа ва жаҳон рекорdlари тоғдаги тайёргарликдан кейин текислиқда 3-25 кун орасида ўрнатылган.

Спорт машғулотининг *тиббий – биологик воситалари* сира-сига: спортчининг оқилона суткалик режими ва шахсий гигиенаси, машғулот ўтказыладын жойни гигиеник таъминлаш, спорт жиҳозлари ва асаб – ускуналарининг гигиеник холати; биологик қиммати юқори озиқ – овқатлардан (оқсилли препаратлар, спорт ичимлик-лари, кислородлы коктейллар ва ҳ.к) фойдаланиб оқилона овқат-ланиш; кислороддан нафас олиш, сунъий ионлаштирилган ҳаводан нафас олиш (аэроионизация); сув муолажалари (душ, ванна, ҳам-мом); физиомуолажалар (ультрабинафша нурлари олиш, ёруғлик (иссиқлик) таъсири, ультратовуш, қисқа тұлқинли диатермия); бо-сим, кислород микдори, ҳароратни ўлчаб ўзгартириладын баро-камера ва термокамерада бўлиш, электр таъсир ўтказиши (электр уйқу, асаб – мушак тизимиға электр таъсир кўрсатиши, тананинг биологик фаол нұқталарига электр таъсир кўрсатиши – электро-пунктуация); уқалаш ва ўз-ўзини уқалашнинг ҳар хил турлари (кўл билан, асбоблар билан – вибрацияли (титратиб), пневмоуқалаш, сувли уқалаш ва ҳ.к.).

*Руҳий таъсир кўрсатиши воситалари* анча хилма-хил. Уларнинг энг мухимлари қуйидагилардир: идеомотор машқлар (ҳаракат фаолиятини бажаришдан аввал унинг ҳал құлувчи босқичларига алоҳида дикқат қылған ҳолда тасаввурда амалга ошириш); ишонтиришга асосланаган уйқу – ҳордик; мушак релаксацияси; аутоген руҳий – мушак машқлари; мусиқа (одатдаги, рангли мусиқа); яширин титрли фильмларни томоша қилиш; турмуш ва

бўш вақтни ташкил этиш («рухий енгиллик бериш» хоналарини яратиш); руҳий гигиена қоидаларига риоя қилиш.

**Моддий-техника воситаларига** спорт тренажёрлари, ихтиосослаштирилган асбоб – ускуналар, назорат ва ахборот аппаратлари киради. Уларни вазифасига кўра шартли равишда қўйидаги гурӯхларга тақсимлаш мумкин:

1. Бажарилган ҳаракатлар тўғрисида ахборот берадиган техник воситалар. Уларга мисол тариқасида «тезкор ахборот» асблорини келтириш мумкинки, бундай асблор жуда кўп миқдорда В.С.Фарфель ташаббуси ва раҳбарлиги остида ишлаб чиқилган эди. Улар машқни бажариш давомида ёки ундан кейин гавданинг ҳолати, ҳаракат тезлиги, суръати ва ритми, кучланиш катталиги ҳакида ахборот олиш учун кўлланилади. Спортчининг назорат қилинаётган ҳаракатлари ўлчами тўғрисидаги ахборот улар онгига ҳаракатларнинг миқдорий ва сифат хусусиятларини етказиш ҳамда уларга ҳатто энг тажрибали тренер томонидан нутқ ахборотларини етказишнинг оддий усуllibарда мумкин бўлмаган аниқ таҳрирлар киритиш имконини беради.

2. Спортчи ҳаракатларини, ўзини тутишини ёки шуғулланувчилар организмидаги режалаштирилган физиологик силжишларни дастурлаштириш бўйича техник воситалар. Булар, хусусан, товуш, ёруғлик, авто ва кардиолидерларга ўхшаш турли режалаштириш қурилмалари бўлиб, улар спортчига ташки (тезлик, суръат, машқ бажариш муддати) ёки ички юклама катталиклари (ЮҚС нинг муайян суръати); спорт ўйинлари ва яккакураш спорт турларида ўйин ёки жанг вазиятлари ҳамда жавоб ҳаракатларини моделловчи техник қурилмалардир.

3. Асосан: а) ҳаракатлар техникини ва тактик кўникмаларни ўрганиш, такомиллаштириш учун; б) мусобақа машқига яқин ҳаракат фаолияти тузилишида маҳсус жисмоний тайёргарликни такомиллаштириш учун мўлжалланган тренажёр қурилмалар. Масалан, сакровчи ва улоқтирувчилар учун тебранма ва маятниксимон тренажёрлар, сузувларнинг куч тайёргарлиги учун изокинетик тренажёрлар, қаршиликни ўлчаб беришга мослаштирилган эшкаксимон тренажёрлар ва ҳ.к.

Юқорида санаб ўтилган воситалардан мажмуали фойдаланиш ёш спортчиларнинг спорт машғулотлари жараёнидаги вазифаларни самарали ҳал қилишнинг зарурӣ шартидир.

### **1.3. «Усул», «усулий йўл», «усулият», «усулий ёндашув», «усулий йўналиш» каби дастлабки тушунчалар. Спорт машғуоти усуллари**

Машқ жараёнининг асосий вазифаси – бу юксак спорт натижаларига эришиш, шунинг учун уни ҳал этиш мақсадида асосан спортчининг жисмоний қобилиятларини ривожлантириш ва функционал имкониятларини оширишга йўналтирилган усуллардан фойдаланилади.

**Усул** – бу спортчиларни тайёрлаш билан боғлиқ муайян вазифаларни ҳал этиши учун машғулот воситаларидан оқилона фойдаланиш ўйлидир. Спорт фаолиятида «усул» тушинчасидан ташқари «усулий йўл» деган атама ҳам қўлланилади. **«Усулий йўл»** деганда машғулот ўтказиш жараёнларини ҳисобга олган ҳолда муайян педагогик вазифаларни ҳал этиши учун йўналтирилган восита ва усуллар ийгинидиси тушунилади.

**Машғулот усулияти** атамаси машғулотнинг муайян вазифаларини ҳал этиши ҳамда энг юксак машғулот самарасига эришишига йўналтирилган воситалар, усуллар ва усулий йўллар бирлигини ифодалайди.

Адабиётларда кўпинча «усулий ёндашув» ва «усулий йўналиш» каби тушунчалар учрайди. **Усулий ёндашув** – тренернинг спортчига таъсири ҳисобига ҳал этиши имконини берадиган бир турли, бир тандаги топширикчлар, усул ва усулий йўллардан фойдаланишига йўналтиради.

**Усулий йўналиш** – қўйилган вазифани бирор устувор омилнинг таъсири ҳисобига ҳал этиши имконини берадиган бир турли, бир тандаги топширикчлар, усул ва усулий йўллардан фойдаланишига йўналтиради.

Ҳаракат фаолиятини аниқ мақсадга йўналтириб ўргатиш тренердан ўргатиш усуллари тавсифларини билишни талаб этади. Барча усуллар шартли равишда уч асосий гурухга бўлинади: сўздан фойдаланиш усуллари (оғзаки), кўргазмали тарбия усуллари (кўргазмали) ва амалий усуллар. Ўз навбатида, уч гурухнинг ҳар бири таркибиға яна бир неча усул киради.

ҮРГАТИШ УСУЛЛАРИ ТАСНИФИ			
1. Билимларни ўзлаштиришга йўналтирилган усуллар	2. Ҳаракат малака ва кўникмалари-нинг ўзлаштирилишига йўналтирилган усуллар	3. Ҳаракат кўникмаларини такомиллаштириш ва жисмоний қобилиятларни ривожлантиришга йўналтирилган усуллар	
Сўздан фойдаланадиган усуллар	Кўргазмали ўзлаштириш усуллари	Амалий усуллар	
Хикоя килиш, тасвирилаш, сухбат, тушунтириш, таҳлил, кўрсатма, хисоблаб чиқиш	Кўрсатиш, плакат, кинограмма, видео ёзувлар намойиш килиш, овозли ва ёргуликли намойиш	Қатъий чегараланган машқ усулари, кисмларга бўлиб ўрганиш, яхлит ўрганиш	Кисман чегараланган машқ усуллари, ўйин, мусобака усуллари

**Билим эгаллашга йўналтирилган усуллар.** Билим эгаллашга йўналтирилган усуллар гурухини билимларни оғзаки тарзда ҳикоя қилиш, тасвирилаш, сухбат, тушунтириш ва нутқ орқали таъсир кўрсатишнинг бошқа шаклларидағи усуллар ташкил этади. Тренер томонидан кўлланадиган сўздан фойдаланиладиган усуллар бутун ўргатиш жараёнини фаоллаштиради, ҳаракат фаолиятлари тўғрисида яна ҳам тўла ва аниқ тасавурлар шаклланишига ёрдам беради. Мазкур усуллар ёрдамида тренер ўкув – машқ материалини ўзлаштириш натижаларини таҳлил этади ва баҳолайди.

Бу усуллар гурухи ахборотни сезги органлари воситасида узатиш ва қабул қилиш асосига қурилган (перцептив усуллар). Бунда вестибуляр анализатор, кинестезик анализатор, кўриш, эшитиш ва бошқа сезиб қабул қилиш тармоқлари муҳим роль ўйнайди. Ўрганилаётган ҳаракатларнинг сезгилар асосидаги шакл – шамойилини яратища кўргазмали ўзлаштириш усуллари кўлланилади. Кўргазмали усул материални жуда тез, чуқур ва мустаҳкам ўзлаштиришга ёрдам беради, ўрганилаётган ҳаракатларга қизиқишини ошириб, дикқатни фаоллаштиради.

Олдинда турган ҳаракат фаолиятлари умумий тасвирини яратиш учун спортчилар ўзига айтиб туриши ва идеомотор усул-

*ларидан* кенг фойдаланадилар. Уларнинг мохияти шундаки, мураккаб ҳаракат фаолиятини, масалан, волейболдаги ҳужум зарбаси ёки гимнастикадаги таяниб сақрашни бажаришдан аввал спортчи ушбу машқларнинг техникасини хаёлан тасаввур қилади (*идеомотор усул*), ҳаракатларни хаёлан бажариш давомида ҳаракатнинг бажарилаётган элементларини ё овоз чиқариб, ё «ичида» ўзига айтиб туради. Бу усуллар ҳаракат фаолиятини тез ўзлаштириш ҳамда такомиллаштиришга имкон беради, натижада ўргатиш сифати ошади. Ҳаракат фаолиятларини бажариш вақтида ички нуткни қўллашга асосланган усулларни *сўз билан ўзини бошқариши* усуллари дейилади. Улар анчайин турли – туман бўлиб, ўз – ўзига буйруқ бериш, ўзини ишонтириш, ўзига сингдириш ва х.к тарзида амалга оширилади. Масалан, ўз – ўзига буйруқ бериш ўзича шундай буйруқларни талаффуз қилишни назарда тутади: «мен масофани *тезроқ* югуриб ўтишим керак», «мен беллашувда *кучлироқ* бўлишим керак», «мен ўйин майдончасида *жонлироқ* бўлишим зарур» ва б. Ички нуткни ўз ҳаракатларини бошқариш сирасига киритиш ўқитиши – ўргатиш жараёнини интеллектуаллаштиради.

**Ҳаракат кўникма ва малакаларини ўзлаштиришга йўналтирилган усуллар.** Амалий усуллар спортчиларнинг ўз фаол ҳаракатларига асоссанган. Улар шартли равища 2 гурухга бўлинади: қатъий ва қисман чегараланган машқлар усули. Улар ҳаракат фаолиятини ҳаракатлар шакли, юклама ҳажми, унинг ошиб бориши ва дам олиш билан навбатлаш ва б.ни қатъий чегаралаган ҳолда кўп маротаба тақрорлашга асосланади, бунинг натижасида алоҳида ҳаракатларни танлаб ўзлаштириш, зарур ҳаракат фаолиятларини изчил равища шакллантириш имконияти пайдо бўлади. Машғулотнинг асосий умумий захирасини қатъий чегараланган машқ усуллари тизими ташкил этади (Л.П.Матвеев, 1991). Ҳаракат фаолиятларини ўргатишда булар яхлит ва тақсимланган усуллардир.

Қисмларга бўлиб ёки *тақсимлаб ўргатиш* усули ҳаракат фаолиятининг алоҳида қисмларини дастлаб ўргатиб, кейин зарур яхлит ҳаракатни тиклашни кўзда тутади. Мазкур усул кўп сонли элементлардан ташкил топган мураккаб мувофиқлашли ҳаракат фаолиятига ўргатишда қўлланилади. Ҳаракат фаолиятларини тақсимлаб ўргатиш усули асосида ўргатишда айрим қоидаларга риоя қилиш лозим:

- ◆ тақсимлаш мазкур фаолиятнинг тузилишини тубдан ўзгартириб юбормаслиги керак;
- ◆ тақсимлашда ўрганилаётган фаолият тузилишининг хусусиятларини, шунингдек, шуғулланувчиларнинг ҳаракат тажрибасини эътиборга олиш зарур;
- ◆ тақсимлашда ўрганилаётган машқнинг барча босқичлари қамраб олиниши лозим.

*Тўла ўргатиш ёки яхлит ўргатиш* усули ҳаракат фаолиятини ўргатишнинг якуний вазифаси қандай кўринишда бўлса, шундай ўрганишни назарда тутади. Бу усулдан кўпинча оддийроқ, усулий жиҳатдан қисмларга бўлиб ўргатиш мақсадга мувофиқ бўлмаган машқларни ва айрим содда ҳаракатларни ўзлаштиришда фойдаланилади. Яхлит ўргатиш усули мақсад қилиб кўйилган машққа тузилиш жиҳатдан қардош бўлган, аммо ўзлаштирилиши осонроқ маҳсус, тайёрловчи ва етиштирувчи машқларни қўллашни кўзда тутади.

*Қисман чегараланган машқ усуллари* шуғулланувчиларнинг ўз олдига кўйган вазифаларни ечиш учун фаолиятни нисбатан эркин танлаши имкониятини беради.

**Ҳаракат қўнималарини ривожлантиришга йўналтирилган усуллар.** Ўрганилаётган ҳаракат фаолиятларини такомиллаштиришда жисмоний сифатларни ҳаракат тузилишини ўзгартирмай, ўзаро боғлиқ таъсир деб аталмиш йўл билан (В.М.Дьячков бўйича), яъни ўзаро боғлиқ машқ усули билан рафбатлантиришга имкон берадиган қўшимча юкламали шароитда фаолиятнинг яхлит бошқарилиши билан тавсифланадиган усуллар етакчи ҳисобланади. Масалан, курашда асосий туриш ҳолатидаги ошириб ташлашларни такомиллаштиришда анча оғир вазн тоифаларидағи шерик танланади, бунда ошириб ташлашни бажариш техникаси бенуқсон бўлиши шарт. Бу тезлик – куч қобилиятларини ошириб ташлаш техникасини яхшилаш билан биргаликда ривожлантиришга ёрдам беради (Ф.А.Керимов, 2001).

Ҳаракат қўнималарини такомиллаштириш ҳамда жисмоний қобилиятларни йўналтириб ривожлантириш билан боғлиқ у ёки бу усулнинг моҳияти юкламанинг ҳар бир ўлчами: шиддати, давомийлиги, машқларни тақоролашлар сони, дам олишлар орасидаги муддат ва дам олиш хусусиятини бошқариш ҳамда ўлчаб беришнинг танланган йўли билан муайян даражада боғлиқ бўлади.

*Бир меъёрдаги усулнинг хусусияти шундайки, уни қўллашда шуғулланувчилар жисмоний машқни узлуксиз равища, нисбатан доимий шиддат билан, ҳаркатланиш тезлиги, иш суръати, ҳаракатлар катталиги ва амплитудасини сақлаб қолишга интилган ҳолда бажарадилар. Мазкур усулнинг 2 варианти бор: узоқ муддатли бир меъёрдаги машгулот (чидамлиликнинг аэроб таркибий қисдақи такомиллаштиришга ёрдам беради) ва қисқа муддатли бир меъёрдаги машгулот (чидамлиликнинг аэроб-анаэроб таркибий қисдақи ривожлантиришда қўлланилади). Бир меъёрдаги усулдан асосан циклик машқларда (югуриш, сузиш, велосипедда учиш) фойдаланилади. Бу усул ёрдамида қуйидаги вазифалар ҳал этилади: умумий ва маҳсус чидамлилик, ҳаракатлар тежамкорлигини ошириш, иродавий сифатларни тарбиялаш.*

*Бир меъёрдаги усулнинг устунлиги шундаки, у катта ҳажмли иш бажариш имконини беради, ҳаракат қўникмасининг баркарорлашувига кўмаклашади, юрак фаолияти қувватини оширади, мушаклардаги марказий ва периферик қон айланишини, ташки нафас аппарати қуввати ҳамда нафас олиш мушаклари чидамкорлигини яхшилайди, ички аъзолар ва мушаклар фаолияти мувофиқлигининг такомиллашувига кўмаклашади.*

Узоқ муддатли ва нисбатан мўътадил фаолият организмдаги турли функцияларнинг иш жараёнига уйғун равища аста – секин мослашиши учун етарлича қулай шароит яратади.

Бир меъёрдаги усулнинг камчиликлари унга организмнинг тез қўникиб қолиши бўлиб, натижада, машқланиш самараси пасаяди. Мунтазам шиддатли ишнинг узлуксиз давом этиши вақти билан ҳаракатларнинг одатий турғун суръати юзага келишига сабаб бўлади.

*Танлаш – йўналтириши машқлари* усули асосан организмнинг алоҳида ҳаракат сифатлари ёки морбофункционал хусусиятларини такомиллаштиришга йўналтирилганлиги билан тавсифланади. Масалан, кўл кучини ривожлантиришга йўналтирилган оғирликлар билан бажарадиган машқлар шулар сирасига киради.

Ҳаракат кўникмаларини такомиллаштириш, функционал имкониятларни кенгайтириш ва шу даражада сақлаб қолиш учун усулларнинг 2 гурухи: *стандарт-такрорий машқ ҳамда вариантили (ўзгарувчан) машқ* усуллари қўлланилади. Стандарт – такрорий машқ усуллари берилган ҳаракат ёки алоҳида машқларни уларнинг

тузилишини ҳамда юкламанинг ташқи ўлчамларини ўзгартирган ҳолда кўп бор такрорлаш билан тавсифланади. Мазкур усуллар ҳаракат фаолиятини мустаҳкамлаш, шунингдек, организмнинг муайян фаолиятга мослашувига ёрдам беради.

*Вариантли (ўзгарувчан) машқ усули* машқни узлуксиз бажариш давомида ҳаракат тезлигини, суръатини, ритмнинг давомийлигини, ҳаракатлар амплитудасини, кучланиш катталикларини ўзгартириш, ҳаракатлар техникасини алмаштириш, дам олиш оралиқларини турли варианtlарда қўллаш йўли ва бошқалар билан тавсифланади.

*Стандарт-такрорий ва вариантли (ўзгарувчан) машқ усуллари*, ўз навбатида, машқларни бажариш чоғидаги юкламалар ҳамда дам олишнинг уйғунлашуви билан боғлик тарзда 2 та гурухчага бўлинади: узлуксиз (яхлит) юклама режимидағи машқ усули ва оралиқли юклама режимидағи машқ усули. Биринчи ҳолатда бериладётган машғулот юкламаси дам олиш оралиқлари билан узилиб қолмаслиги керак. Юклама умуман тугаганидан кейингина дам олиш кўзда тутилган.

*Оралиқли усул* тақрорийга ўхшаб кетади. Уларнинг ҳар иккиси машқнинг муайян дам олиш оралиқлари билан кўп маротабалаб тақрорланиши асосига қурилади. Лекин, агар тақрорий усулда юкламанинг организмга таъсир кўрсатиш хусусияти мутлақо машқнинг ўзи билан аниқланса (давомийлиги ва шиддати билан), у ҳолда оралиқли усулда дам олиш оралиқлари ҳам катта машғулот таъсирига эга бўлади.

Муайян машғулотга бирлаштирилган машқ усулларининг турлича уйғунлаштирилиши «айланма машғулот» деб аталади. «Айланма машғулот»нинг асосини маълум бир тартибловчи схемага мувофиқ равишда танлаб, битта мажмуага бирлаштирилган бир нечта турдаги жисмоний машқларнинг серияли (яхлит ёки оралиқ танаффуслар билан) тақрорланиши ташкил этади. Айланма усул ташкилий – усулий иш шакли бўлиб, куч, тезлик, чидамкорлик ва уларнинг мажмуали шакллари – куч чидамлилиги, тезлик чидамлилиги ва тезлик кучининг ривожланиши ҳамда такомиллашувига ёрдам берувчи маҳсус танлаб олинган жисмоний машқлар мажмуасининг изчил бажарилишини кўзда тутади. «Айланама машғулот» деган ном шартли кўйилган. Шуғулланувчилар снаряддан снарядга ўтиб, бир жойдан бошқасига кўчиб, гўё айлана бўйлаб ҳаракат-

ланадилар. Айланма машғулотни ўтказиш учун аввалдан машқлар мажмуаси тузилиб, машқлар бажариладиган жойлар («бекатлар») белгиланади.

Спортчиларнинг масъулиятли мусобақаларга тайёрланиши жараёнида уларнинг кутилаётган мусобақа фаолиятига мослашуви катта аҳамиятга эга. Бунинг учун мусобақа машқларининг хусусиятларини машғулот жараёнида ҳеч бўлмаса қисман моделлаштириш зарур. Бунга мусобақа усулидан фойдаланиш орқали эришилади. Мусобақа усули жисмоний қобилияtlар, иродавий ҳамда маънавий сифатларни ривожлантириш, техник – тактик ҳаракатларни такомиллаштириш учун кўлланилади. Мусобақа усули маҳсус ташкил этилган мусобақа фаолиятини назарда тутади, бу ҳолда у ўқув дарсларининг самарадорлигини ошириш йўли ҳисобланади. Мусобақа усули спортчилар фаолиятини ғалабага йўналтиради, у кучайтириш ҳамда рағбатлантириш ёки мусобақа қоидаларига риоя этган ҳолда юксак натижаларга эришиш вариантидан биридир. Рақобат омили, шунингдек, мусобақаларни ташкил этиши ва ўтказиш шароитлари бор кучнинг сафарбар этилишига кўмаклашиб, жисмоний имкониятларнинг мумкин қадар намойиш этилиши учун кулай вазиятни юзага келтиради.

Машғулот жараёнида ўйин усулининг ҳам аҳамияти кам эмас. Ўйин усули асосини рамзий ёки шартли «вокеа»га (ўйин ғояси, режаси) мос ўйин ҳаракат фаолияти ташкил этиб, унда вазиятнинг тез-тез ўзгариб туриши шароитида ҳар хил (рухсат этилган) йўллар билан муайян мақсадга эришиш кўзда тутилади. Ўйин усулидан фойдаланиб, бир хил машқларни бажариш вақтида кулай ҳиссий иқлим яратиш, шунингдек, эпчиллик, тезкорлик, мўлжал олиш маҳорати, зийраклик, мустақиллик, ташаббускорлик сингари қобилияtlарни такомиллаштириш мумкин. Ўйин усулида ҳаракатларнинг қатъий белгиланган тартиби бўлмайди; уларнинг эҳтимолий бажарилиш шартлари, ижодий фаолиятнинг мустақил намоён бўлиши учун имкониятлари кенг, машғулотларда кўтаринки кайфият устун бўлади. Ўйин усулининг камчиликларидан бири ҳам йўналтирилганлиги, ҳам таъсир даражаси бўйича юкламани ўлчаб бериш имкониятининг чекланганлигидадир.

Шундай килиб, ўқув – машқ дарсларида барча санаб ўтилган усуллар турлича ўйғуллаштирилган тарзда, бунинг устига стандарт эмас, балки ўзгартирилган шаклларда, спорт тайёргарлигининг

муайян талабларини эътиборга олган ҳолда қўлланилади. Усулларни танлашда уларнинг белгиланган вазифаларга, умумдидактик тамойилларга, шунингдек, спорт машғулотининг маҳсус тамойилларига, шуғулланувчиларнинг ёш хусусиятлари, уларнинг малакаси ва тайёргарлик даражасига қатъий мувофиқлигига аҳамият бериш зарур.

#### **1.4. Спорт машғулотининг тамойиллари**

Педагогик адабиётларда «тамойил» сўзи умумий маънода «асос», «дастлабки ҳолат», «талаб» маъносида учратилади. Спорт машғулоти тамойили қонуниятларнинг инъикоси бўлиб, тренер машғулот ёки спорт беллашувини ташкил этиш ҳамда ўтказиш чоғида уларга риоя қилиши ва асосланиши зарур. Булар бошқарилувчи амалиёт сифатида фойдаланиладиган билимлардир.

Спорт машғулотлари назариясида ҳар хил таъсир соҳалари, у ёки бу даражадаги юқори мавҳумликка эга бўлган, спортчилар тайёрлашнинг умумий ёки хусусий қонуниятларини акс эттирувчи, яъни ўзаро поғонали (иерархик) муносабатларда бўлган турли́туман тамойиллардан фойдаланилади. Шундай умумпедагогик тамойиллар борки, улар ҳар қандай таълим – тарбия фаолияти, жумладан, педагогик ташкил этилган жараён сифатидаги спорт машғулотлари учун ҳам тўғри ҳисобланади. Бу ерда гап фақат дидактик тамойиллар (онглийлик ва фаоллик, кўргазмалийлик, тизимлийлик ва х.к.) эмас, тарбиявий тамойиллар (шахснинг ҳар томонлама ривожланиши, илмийлик, тарбиянинг ҳаёт билан боғлиқлиги ва х.к.) устида кетяпти.

Бироқ тренерлик фаолиятида риоя қилиш керак бўлган бутун тамойиллар тизими шугина эмас. Бу ерда жисмоний қобилиятлар-педагогик таъсиротнинг мунтазамлиги, педагогик таъсиротлар самарасини ўстириб борища кўникутирувчи – адекват чеклийлик ҳамда ўсиб бориш ва бошқалар жиддий аҳамиятга эга.

Бунда шуни ҳисобга олиш керакки, мазкур тамойилларнинг барчаси спорт машғулотларига нисбатан маҳсус ҳисобланмайди. Модомики, спортда машқ жараёнининг нафақат умумий, балки ўзига хос қонуниятлари ҳам объектив мавжуд экан, машғулотларнинг маҳсус тамойиллари тизими ишлаб чиқиши зарурияти туғилади. Улар машғулот таъсири ва унинг самараси орасидаги, спорт машғулоти мазмунининг таркибий қисмлари орасидаги, машқ

жараёнининг босқичлари билан спортчининг машқланганлик дарајаси ортиб бориши орасидаги ички жиҳатдан зарур жиддий алоқаларни белгилайди (Л.П.Матвеев). Бу тамойилларга чукур ихтисослашув ва юқори натижаларга йўналтирилганлик бирлиги, спортчининг умумий ва маҳсус тайёргарлиги бирлиги, машғулот жараёнининг узлуксизлиги, юкламани ошириб боришнинг тадрижийлиги ва юқори юкламаларга йўналиш бирлиги, юкламалар ўзгаришининг тўлкинсимон ва вариантлилиги, машғулот жараёнининг цикллилиги киради.

*Чукур ихтисослашув ва юқори натижаларга йўналтирилганлик бирлиги.* Мазкур тамойилга кўра, спорт машғулотлари яқин ва узоқ истиқболни эътиборга олган ҳолда ташкил этилиши керак. Истиқбол режасида ҳар бир спортчи ёки жамоа учун энг юқори бўлган спорт натижаси ўз аксини топиши зарур. Тайёргарликнинг ҳар бир босқичи ўз «максимал» натижасига эга. Бошловчи спортчи учун – кейинги спорт разряди меъёрлари, спорт устаси учун – халқаро тоифадаги спорт устаси меъёри ва ҳ.к.

Юқори натижаларга йўналтирилганлик тамойили кўп йиллик машғулотларнинг ҳар бир босқичида спортчи тайёргарлигига қўйиладиган ўсиб борувчи талабларда ифодаланади.

Юқори спорт натижаларига эришишга руҳий ҳозирликни шакллантириш қўйидаги омиллар таъсирида амалга оширилади:

1) спортдаги юқори натижаларнинг ижтимоий аҳамияти;

2) спорт билан шуғулланишнинг шахсий (ички эҳтиёж, хоҳиши) асослари (спорт устаси меъёрини бажариш, мамлакат, жаҳон, олимпиада ўйинлари чемпиони бўлиш);

3) янги муваффакиятга эришиш йўлида спортчи ва тренернинг ижодий фаоллиги (янги техника, тактика, машғулотнинг самарали восита ва усусларини излаш);

4) мазкур мамлакатда спорт ҳаракатининг ривожланиш ва ташкил этилиш дарајаси (мусобақа ўтказиш, спортдаги ютуқлар учун рағбатлантириш – спорт разряди бериш тизими, йирик спорт мусобақалари ғолибларини мукофотлаш, уларга орден ва медаллар топшириш ва ҳ.к.).

*Спортчининг умумий ва маҳсус тайёргарлиги бирлиги.* Мазкур тамойил асосида спорт ихтисослашуви билан спортчининг ҳар томонлама умумий ривожланиши орасида ўзаро алоқалар мавжудлиги тўғрисидаги тасаввурлар ётади. Спортдаги муваффа-

киятлар билан спортчининг ҳар томонлама ривожланиши орасидаги боғлиқликни икки қонуният орқали изоҳлаш мумкин:

1) Организм бирлиги, яъни барча аъзолар, тизимлар ва функцияларнинг фаолияти жараёнидаги ўзаро боғлиқлиги. Организм яхлит бирликдан иборат бўлганлиги сабабли, бир хил қобилиятларнинг ривожланиши бошқаларининг ривожидан айри ҳолда юз бера олмайди. Ҳар қандай хусусият, сифат, қобилият айни вақтда бошқа хусусият, сифат, қобилиятларнинг ривожи туфайли яхшироқ ривожланади.

2. Турли ҳаракат кўнималари ва малакаларининг ўзаро таъсири. Тузилишига кўра мусобақа машқларига ўхшашиб кўнимка ва малакалар доираси қанчалик кенг бўлса, янги кўнималарни эгаллаш ҳамда илгари ўзлаштирилганларини такомиллаштириш учун шароит шу қадар қулай бўлади.

Мазкур тамойилни юзага чиқаришда қуйидаги қоидаларга таяниш лозим:

- а) ҳар қандай спорт турида машғулот жараёни спортчининг ҳам умумий, ҳам маҳсус тайёргарлигини ўз ичига олиши керак;
- б) спортчининг умумий тайёргарлиги мазмунни кўп жиҳатдан унинг спорт ихтисослигига, маҳсус тайёргарлигининг мазмуни эса умумий тайёргарлик яратган шароитга боғлиқ бўлади;
- в) машғулот жараёнида умумий ва маҳсус тайёргарликнинг энг мақбул нисбатига риоя қилиш шарт, чунки уларнинг ҳар қандай нисбати ҳам спортчи учун фойдали бўлавермайди.

Ҳар бир муайян ҳолатда умумий ва маҳсус тайёргарликнинг нисбати спортчининг ёшига, спорт маҳорати даражасига, спорт ихтисослигига, алоҳида хусусиятлари, машқланганлик даражасига, машғулотнинг босқичи ва даврига боғлиқ.

**Машғулот жараёнининг узлуксизлиги.** Ушбу тамойилнинг уч асосий қоидаси бор:

1) спорт машғулоти йил давомида олиб бориладиган кўп йиллик жараён сифатида ташкил этилиб, унинг барча халқалари ўзаро боғлиқ бўлиши ва энг юқори натижаларга эришиш мақсадига бўйсундирилиши лозим;

2) ҳар бир кейинги машғулот, микроцикл, босқич, даврнинг таъсири аввалги натижаларга қўшила бориб, уларни мустаҳкамлаши ва ривожлантириши керак;

3) машғулотлар оралиғи шундай чегараланиши керакки, улар зарур сифат, қобилият ва қўникмаларнинг ривожланишини, умуман, спорт натижаларининг оғишмай ўсиб боришини таъминлаши шарт.

Спортчиларнинг машғулотида дарслар орасидаги танаффус-ларнинг 3-4 хил варианти кўлланиши лозим:

а) навбатдаги дарс суперкомпенсация босқичига, яъни спортчининг юқори ишchanлик даражаси даврига мос келади;

б) навбатдаги дарс ишchanлик тўла тикланган босқичга мос келади;

в) навбатдаги дарс организмнинг ишchanлик қобилияти ва айрим функционал кўрсаткичлари тўла тикланмаган, яъни спортчи турли даражада толиқкан даврга мос келади.

Мазкур қоидалар турли ёш ва малакага эга бўлган спортчиларни тайёрлаш амалиётида турлича акс этади. Масалан, ёш спортчиларни тайёрлашда катта юкламали машғулотларни нисбатан кам (ҳафта давомида 1-2 марта) кўллаб, ҳар куни бир марта дарс ўтказиш орқали узлуксизликка эришиш мумкин. Юқори тоифали спортчиларни тайёрлашда бундай режимнинг жуда яхши натижа бергани – шуғулланганикнинг мавжуд даражаси сақлаб турилишига олиб келишидир: улар билан ҳар куни 2-4 тадан, ҳафтасига 4-7 тадан катта юкламали машғулотлар ўтказиш зарур. Малакали спортчиларнинг машғулотларда пассив дам олиш кунлари умуман йўқ, узоқ давом этувчи фаол дам олиш эса шиддатли машғулотлардан кейин тайёргарликнинг навбатдаги босқичи юкламаларига тайёрланиш воситаси сифатида кўлланилади.

*Юкламани ошириб боришининг тадрижийлиги ва юқори юкламаларга йўналиши бирлиги.* Дунёдаги энг кучли спортчиларнинг тайёргарлик тажрибаси (югурувчилар, сузувлчилар, эшкакчилар, велоспедчилар ва б) кўрсатадики, спортдаги буюк ютуқларнинг кўпчилиги асосида фақат юқори даражадаги машғулот ва мусобака юкламалари ётади. Демак, спорт ютуқлари йўлидаги ҳар бир янги қадам машғулот юкламаларининг янги даражасини ҳам кўзда тутади.

Мазкур тамойилни рўёбга чиқаришда қуйидаги қоидаларга риоя қилиш зарур:

1. Спорт муваффақиятларининг ўсиши алоҳида машғулотларда, шунингдек, ҳафта, ой, йил ва бутун кўп йиллик машғулотлар

давомида юкламалар ҳажми ҳамда шиддатини оғишмай тобора орттира бориш туфайлигина содир бўлади.

2. Спортчининг функционал имкониятлари жиддий ортишини таъминлаш учун унинг шуғулланганлик даражаси, алоҳида хусусиятлари, танланган спорт турининг ўзига хос жиҳатлари, машғулот жараёнининг босқичи ва даврига мувофиқ равишда машғулотга вақт-вақти билан энг юқори юкламаларни киритиб туриш лозим.

3. Спортчининг машқулланганлик даражаси ортган сайин юклама «максимуми» ҳам ошиб бориши керак, чунки илгари «максимум» бўлган юклама энди оддийга айланиб, организмнинг функционал қобилияtlари ўсишига ёрдам бермай қўйиши мумкин.

*Юклама ўзгаришиларининг тўлқинсимон ва вариантлилиги.* Спорт натижаларининг ўсиб бориши бажариладиган юкламанинг катталиги ва давомийлигигагина эмас, унинг вариантлилиги, ўзгарувчанлигига ҳам боғлиқдир.

Маълумки, бир меъёри, бир тусли юклама, ҳатто унча юқори даражада бўлмаса ҳам, спортчини вариантли юкламага қараганда тезроқ толиқтиради. Шунинг учун машғулот жараёнида машғулот юкламаларини, унинг ҳажми ва шиддати ўлчамлари динамикасини муайян тарзда ўзгаририб туриш зарур, шунда спортчининг шуғулланганлик даражаси мунтазам ўсиб боради.

Юкламалар динамикасининг қўйидаги шакллари, вариантлари мавжуд:

1. *Юкламаларнинг тўлқинсимон ўзгариши.* Бунда юкламалар тобора ортиб боради, аввал кескин ўсиб, кейин камайтирилади, шундан сўнг бу «тўлқин» яна юқорироқ даражада такрорланади. Тўлқинсимон тебранишлар юкламанинг ҳажми ўзгаришига ҳам, шиддати ўзгаришига ҳам бирдек хосдир. Умумий юклама ўзгаришларининг ҳар бир «тўлқини» бунда гўё ҳажм ўзгариши ва шиддат ўзгариши «тўлқин»ларига ажralиб, улар вақт жиҳатидан бирбирига мос тушмайди.

Дастлаб юклама ҳажми ортади, бу вақтда шиддат паст суръатларда ўсиб боради, кейин, маълум барқарорлашувдан сўнг ҳажм камая боради, шиддат эса ортади. Юкламаларнинг бундай ўзгаришлари машғулот жараёнининг турли босқичлари, даврларида учрайди. Бир неча тоифадаги «тўлқинлар» ажратилади:

а) кичик тўлқинлар, машғулот микроциклларидағи юкламалар ўзгаришини тавсифлайди;

6) ўртача тўлқинлар, машғулот мезоциклларидағи юкламалар ўзгаришларини ифодалайди;

в) катта тўлқинлар, машғулот мақроциклларидағи (яrim йиллик, йиллик, кўп йиллик) юкламалар ўзгаришини тавсифлайди.

*2.Юкламаларнинг тўғри чизиқли – ўсиб борувчи ўзгариши.* Бу ҳолда юкламанинг ҳажми ҳам, шиддати ҳам аста-секин, бир вақтнинг ўзида, мувозий (параллел) тарзда ортиб боради. Масалан, машғулот, ҳафта, ой сайин машғулот юкламаси ўсиб боради. Амалиётнинг кўрсатишича, машғулотларнинг дастлабки йилларида ҳажмнинг йилига 30-45%, шиддатнинг эса 15-20% гача бир меъёрда ўсиши мумкин ва мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

*3.Юкламаларнинг поғонали ўзгариши.* Бунда юкламаларнинг ўсиши уларнинг бир неча машғулот давомида нисбатан барқарорлашуви билан алмашиниб туради. Бу машғулот ишига мослашув жараёнлари боришини енгиллаштиради. Бир поғонадан иккинчи сига ўтиш чоғида юкламалар тўғри чизиқли ўсишга қараганда анча кескин ўзгаради. Ўзгаришларнинг бундай шакли катта юкламаларни ҳам ўзлаштиришга имкон беради.

*4.Юкламаларнинг сакраш йўли билан ўзгариши.* Бу ҳолда юклама машғулотнинг айни босқичи учун имкон даражасида бўлган максимумгача кескин орттирилиб, кейин худди шундай кескин тарзда муайян даражага тушади. Юкламаларнинг ўсишидаги ”сакрашлар” организмнинг функционал ва мослашиш имкониятларига энг юқори талаблар қўяди. Улар машқланганлик даражасини оширувчи муҳим омил ҳисобланади. Лекин бундай ”сакрашлар” спортчи уларга аввалдан тайёрланиб борган бўлсагина ўзини оқлади. Акс ҳолда юкламаларни ўзгартиришнинг бундай шакли саломатликка, спорт натижаларининг ўсишига салбий таъсир қиласи.

Юкламаларни ўзгартиришнинг у ёки бу шаклини кўллаш машғулот олдига қўйилган мақсадларга, спортчининг ёши ва малакасига, спорт ихтисослиги, машғулотнинг босқичи ва бошқаларга боғлиқ.

*Машғулот жараёнининг цикллилиги.* Цикллилик деганда машғулот жараёнининг (дарслар, босқичлар, даврлар) вакт давомида навбатма – навбат такрорланадиган алоҳида халқаларининг нисбатан якунланган айланма ҳаракати тушунилади.

Мазкур тамойил машғулотни ташкил этишда амалга оширилади. Унинг моҳияти шундаки, бутун машқ жараёни – унинг энг

оддий халқаларидан (алохидар дарс) кўп йиллик машғулотларнинг босқичларигача – ҳаммаси цикллар шаклида тузилиши керак. Цикллар куйидагича фарқланади:

1) кичик машғулотлар ёки микроцикллар; уларнинг давомийлиги 2-3 кундан 7-10 кунгача;

2) ўртача машғулотлар ёки мезоцикллар; уларнинг давомийлиги 3 ҳафтадан 5-6 ҳафтагача;

3) катта машғулотлар ёки макроцикллар; уларнинг давомийлиги 3-4 ойдан 12 ойгача ва ундан кўпроқ (масалан, ярим йиллик, йиллик ва тўрт йиллик (олимпиада) цикллари).

Ҳар бир янги цикл аввалгисининг давоми, ривожи ҳисобланади. Цикллар машғулотнинг вазифалари, восита ва усувлари, машғулот ва мусобақа юкламасининг катталикларини тизимлаштиришга, машқ жараёнини энг мақбул тарзда таъминлашга имкон беради.

### **Ўз-ўзини текшириш учун савол ва топшириқлар.**

1. Спорт машғулотлари нима?
2. Спорт машғулотларининг мақсад ва вазифалари, ўзига хос ҳусусиятлари нималардан иборат?
3. Спорт машғулотларининг воситалари деганда нима тушунилади?
4. Спорт машғулотларининг қандай воситалари мавжуд?
5. Спорт машғулотлари воситаларининг ҳар бирига таъ-риф беринг.
6. Қуйидаги тушунчаларнинг ҳар бирига тавсиф беринг: “усул”, “усулий йўл”, “усулий ёндашув”, усулий йўналиш”, “усулият”.
7. Ўқитиш (ўргатиш) усувлари таснифини очиб беринг.
8. Спорт машғулотларида қандай усувлар қўлланилади?
9. Қатъий чегараланган машқ усувларини очиб беринг.
10. Айланма машғулот, мусобақа ва ўйин усувларининг бир – биридан фарқи нимада?
11. Спорт машғулоти тамойилларининг аҳамиятини очиб беринг.
12. Спорт машғулотининг ҳар бир тамойилига таъриф беринг.

### **Адабиётлар:**

1. Волков Л.В. Теория и методика детского и юношеского спорта. Киев, Олимпийская литература, 2002. – 294 с.
2. Гуревич И.А. 1500 упражнений для моделирования круговой тренировки. 2-е изд., Минск, 1980. – 256 с.

3. Дьячков В.М. Совершенствование технического мастерства спортсменов. – М.: Физкультура и спорт, 1970.
4. Иванков Ч.Т. Теоретические основы методики физического воспитания. – М.: «Инсан», 2000. – 352 с.
5. Керимов Ф.А. Спорт кураши назарияси ва усулияти: Т.: УзДЖТИ, 2001. – 286 с.
6. Матвеев Л.П. Основы спортивной тренировки. – М.: Физкультура и спорт, 1977. – 280 с.
7. Матвеев Л.П. Основы общей теории спорта и системы подготовки спортсменов. – Киев, 1999.
8. Основы управления подготовкой юных спортсменов / Под общей ред. Проф. М.Я. Набатниковой. – М.: Физкультура и спорт, 1982. – 280 с., ил.
9. Платонов В.П. Общая теория подготовки спортсменов в олимпийском спорте. – Киев. Олимпийская литература, 1997. – 584 с.
- 10.Современная система спортивной подготовки/Под ред. Ф.П. Суслова, В.Л. Сыча, Б.Н. Шустрина.– М.: «СААМ», 1995. – 445 с.
- 11.Теория и методика физического воспитания: Учебник/Под ред. Т.Ю. Круцевич. – в 2-х томах. – Киев: Олимпийская литература, 2003. – 424 с.
- 12.Теория и методика физической культуры: Учебник/Под ред. Проф. Ю.Ф. Курамшина. – 2-е изд., испр. – М.: Советский спорт, 2004. – 464 с.
- 13.Теория спорта /Под ред. Проф.В.Н. Платонова. – К.: Вища шк., 1987. – 424 с.
- 14.Филин В.П., Фомин Н.А. Основы юношеского спорта. – М.: Физкультура и спорт, 1980. – 255 с., ил.
- 15.Филин В.П. Теория и методика юношеского спорта. – М.: Физкультура и спорт, 1987.
- 16.Харре Д. Учение о тренировке. – М.: Физкультура и спорт, 1971. – 328 с.
- 17.Шолих Ю.М. Круговая тренировка. М.: Физкультура и спорт, 1966.

## **П.БОБ. ЁШ СПОРТЧИЛАРНИ ЖИСМОНИЙ ТАЙЁРЛАШ**

### **2.1. Ёш спортчиларни жисмоний тайёрлаш тушунчаси, унинг аҳамияти, турлари, вазифалари ва воситалари**

Ёш спортчиларни жисмоний тайёрлаш спорт машғулотларининг энг муҳим таркибий қисмларидан ҳисобланиб, организмни ҳар томонлама ривожлантириш, соғликни мустаҳкамлаш, жисмоний қобилиятларни такомиллаштириш ва тайёргарликнинг барча бошқа турлари учун мустаҳкам функционал база яратишга йўналтирилган жараён сифатида тушунилади.

Замонавий спорт спортчиларнинг жисмоний тайёргарлигига юксак талаблар қўяди. Буни қўйидаги омиллар билан изоҳлаш мумкин:

1) Спортдаги ютуқларнинг ўсиб бориши ҳар доим спортчидан жисмоний қобилиятлар ривожининг янги даражасини талаб киласди;

2) Жисмоний тайёргарликнинг юқори даражаси машғулот ва мусобақа юкламаларини оширишнинг зарурый шарти.

Қўлланиладиган воситаларнинг таъсир кўрсатиш хусусияти ва йўналишига кўра жисмоний тайёргарликни умумий жисмоний тайёргарлик (УЖТ), ёрдамчи ҳамда маҳсус жисмоний тайёргарлик (МЖТ) турларига бўлиб ўрганилади.

Ёш спортчиларнинг умумий жисмоний тайёргарлиги (УЖТ) юксак натижаларга эришиш учун пойdevор, зарур асос ҳисобланади. У қўйидаги вазифаларни ҳал этишга қаратилган:

1) ёш спортчилар организдақинг функционал имкониятларини ошириш;

2) жисмоний сифатлар – куч, тезкорлик, чидамкорлик, эпчиллик ва эгилувчанликни ривожлантириш;

3) ёш спортчилар организдақинг жисмоний ривожланишидаги нуқсонларни йўқ қилиш.

УЖТ таркибиغا ниҳоятда турли – туман воситалар киради; улар сирасида снарядлар билан бажариладиган, шерикликда, маҳсус қурилмаларда амалга ошириладиган машқлар, ҳар хил спорт турлари – акробатика, енгил атлетика, спорт ўйинлари, сузиш ва бошқаларга хос умумривожлантирувчи машқлар бор.

Ёш спортчиларнинг ёрдамчи жисмоний тайёргарлиги маҳсус жисмоний қобилиятларни ривожлантиришга йўналтирилган самарали фаолият учун зарур бўлган функционал асосни юзага келтиришга мўлжалланади. У маҳсус йўналишга эга бўлиб, қуидаги вазифаларни ҳал этишга қаратилган:

1) спортчининг танланган спорт турига хос ҳаракат ғаолиятларида намоён бўладиган функционал имкониятларини ривожлантириш;

2) организмнинг юқори даражадаги маҳсус юкламаларга чидамлилиги қобилиятини такомиллаштириш;

3) тикланиш жараёнларининг кечиши шиддатини орттириш.

Ёш спортчиларнинг маҳсус жисмоний тайёргарлиги (МЖТ) танланган спорт тури бўйича мусобақа ғаолиятининг хусусиятлари қўядиган талабларга қатъий риоя қилган ҳолда жисмоний қобилиятларни ривожлантиришга қаратилган. Ёш спортчиларни маҳсус жисмоний тайёrlаш қуидаги вазифаларни ҳал этади:

1) танланган спорт тури учун хос бўлган жисмоний қобилиятларни такомиллаштириш;

2) танланган спорт тури бўйича муваффакиятли техник - тактик такомиллашув учун зарур бўлган ҳаракат кўнимкамаларини чукурлаштириб ривожлантириш;

3) ихтисослаштирилган машқларни бажаришда кўпроқ қатнашадиган алоҳида мушак гурухларини танлаб ривожлантириш.

Ёш спортчиларнинг МЖТ ҳаракат кўнимкамлари тизимидағи энг муҳим ҳаракат сифатларини ривожлантиришга йўналтирилади. Шунинг учун маҳсус жисмоний тайёргарликнинг асосий воситалари сифатида мусобақа машқлари уларнинг спортчи организмига таъсирини кучайтирувчи ҳар турли мураккаблаштирувчи унсурлар билан биргаликда кўлланилади.

Жисмоний тайёргарликнинг барча турлари муайян ўхшашликларга эга. Ёш спортчиларнинг жисмоний тайёргарлиги спорт ихтисослиги билан чамбарчас боғлиқ. Машқ жараённада жисмоний тайёргарликнинг бирор турига етарлича баҳо бермаслик охироқибат спорт маҳоратининг кучайишига тўсқинлик қиласди. Ёш спортчиларнинг машғулотларида УЖТ ва МЖТ воситалари нисбати қўйиладиган вазифалар, спортчиларнинг ёши, малакаси, уларнинг алоҳида хусусиятлари, машғулот жараённинг босқич ва даврлари, организмнинг айни пайтдаги ҳолатидан келиб чиқиб ўзгартирилади.

Спортчининг малакаси ошиб борар экан, МЖТ воситаларининг хиссаси ортиб, УЖТ воситаларининг ҳажми шунга мувофиқ тарзда камайиб боради.

## **2.2. Жисмоний қобилияйтларнинг умумий тавсифи. Жисмоний қобилияйтлар ҳақида тушунча, улар намоён бўладиган асосий шакллар**

Шахснинг жисмоний маданиятини шакллантириш жараёнида шуғулланувчилар ҳаракатларни ва улар билан боғлиқ билимларни ўзлаштирибгина қолмай, ўз жисмоний қобилияйтларини ҳам ривожлантирадилар.

Хозирги вақтда инсоннинг ҳаракат имкониятларини тавсифлаш учун “жисмоний қобилияйтлар” ва “жисмоний сифатлар” атамаларидан фойдаланилади. Бу тушунчалар маълум маънода ўхшаш бўлсаларда, лекин бир хил эмаслар.

Афсуски, адабиётларда мазкур тушунчаларнинг таърифи ва ўзаро алоқаси ҳақида бирмунча қарама – қарши фикрларни учратиш мумкин.

Масалан, бир ҳолатда жисмоний қобилияйтлар организмнинг ҳаракат фаолиятида иштирок этётган ҳамда унинг таъсирини белгилайдиган функционал тизимлар лаёқатининг намоён бўлиш шакллари сифатида тушунилади (Г.Г.Наталов, 1977), бошқасида ҳаётда, айниқса, ҳаракат фаолиятида амалга ошириладиган ва асосини жисмоний сифатлар ташкил этадиган инсонга хос имкониятлар назарда тутилади (А.П.Матвеев, 1991); учинчисида қобилияйтлар деганда, организмнинг руҳий – физиологик ва морфологик хусусиятларига асосланувчи ривожланган туфма қобилият нишоналари тушунилади (Е.П.Ильин, Б.В.Евстафьев, 1987).

Жисмоний қобилияйтлар – инсоннинг у ёки бу мушак фаолияти талабларига жавоб берадиган ва унинг самарали бажарилишини таъминлайдиган руҳий – физиологик ҳамда морфологик хусусиятлари мажмуасидир.

Инсон ҳаракат имкониятларининг алоҳида жиҳатларини ифодалаш учун узоқ вақт “жисмоний (ҳаракатлантирувчи) сифатлар” деган атама қўлланилган. Хозир айрим муаллифлар уни “жисмоний сифатлар” тушунчасининг содда формаластик мазмуни туфайли илмий муомаладан чиқариб юборишни ва уларнинг ўрнига фақат

“жисмоний қобилиялар” атамасини қўллашни таклиф қилмоқдалар. Шунга қарамай, кундалик нутқда ва илмий – усулий адабиёларда мазкур атама анча кенг тарқалган. Шунинг учун, эҳтимол, бу икки тушунча орасидаги ўхшаш ва фарқли томонларни аниқлаш, улардан фойдаланиш вазиятларини белгилаб олиш ўринлидири.

Энг аввало, қайд этиб ўтиш керакки, “сифат” тушунчаси ҳар доим бирон – бир нарсага нисбатан қўлланилиб, унинг бошқа нарсалардан фарқлаб турадиган, моҳиятига хос белгисини ифодалайди, хусусан, буюм, хом ашё, озиқ – овқат маҳсулоти, ҳаёт сифатлари, шахснинг, билимнинг сифати ва ҳоказо ҳақида шундай гапирилади. Жисмоний тарбия соҳасида ҳам бу атамадан ҳудди шу маънода фойдаланиш лозим.

Демак, инсоннинг жисмоний сифатларини унинг ҳаракат имкониятларига хос баъзи хусусиятлар сингари жисмоний қобилиялар намоён бўладиган ўёки бу шаклларга нисбатан қўллаб текшириш, яъни улар тўғрисида амалга ошириб бўлинган қобилиялар асосида фикр юритиш мумкин.

Инсон сифат жихатидан бир-биридан фарқ қилувчи турлитуман қобилиялар эгаси бўлиши мумкин. Айнан шу турли жисмоний қобилияларнинг сифатий ўзига хослиги унинг жисмоний сифатлари тўғрисида гувоҳлик беради. Турмушда, жисмоний тарбия ва спортда инсон қобилияларининг сифатига хос хусусиятлар “кучли”, “тезкор”, “чаққон”, “эгилувчан” деган ибораларда ўз акси ни топган. Бу сифатларнинг ҳаётдаги аҳамияти уларни айириб кўрсатиш мезони ҳисобланган. Аслида, жисмоний сифатлар алоҳида жисмоний қобилияларнинг эришилган даражаси, уларнинг аниқлиги, ўзига хослиги, аҳамияти ифодаси саналади. Масалан, инсоннинг куч қобилияларини олайлик. Улар мушакларнинг зўрикиш даражаси юқори, қисқариш тезлиги эса нисбатан унча катта бўлмаган куч машқларида намоён бўлади. Асли куч қобилиялари “суст куч”, “сиқувчи куч”, “статик куч” каби куч сифатларини тавсифлайди. Тезлик – куч қобилиялари мушакларнинг жиддий зўрикиши ва уларнинг юқори қисқариш тезлигини талаб этувчи машқларда юзага чиқади. Тезлик – куч қобилияларининг ривожланиши, энг аввало “портловчи” куч деб аталадиган сифатда акс этади.

Юқорида тилга олинган куч сифатлари инсоннинг куч қобилияларини яхлит тарзда аниқлаш ва фарқлашга имкон беради.

Худди шундай бошқа жисмоний қобилияларнинг ҳам сифат тафовутларини ифодалаш мумкин. Жисмоний қобилиялар ва сифатлар орасида кўп маъноли боғлиқлик бор. Бир хил қобилият турли жисмоний сифатларни намоён қилиши, турли қобилиялар эса улардан фақат биттасини тавсифлаши мумкин. Масалан, «эпчил» сифати асосида кўргина қобилиялар: мувофиқлаш, тезкорлик, куч ва бошқалар ётади. Тезлик – куч қобилиялари фақат «куч» эмас, «тезкорлик» сифатида ҳам ўз аксини топади.

Шундай қилиб, инсоннинг жисмоний сифатлари жисмоний қобилиялари билан узвий боғлиқ бўлиб, турли харакатлар чоғида уларнинг намоён бўлиш хусусиятлари билан белгиланади, жисмоний қобилияларнинг ривожланиш ва намоён бўлиш даражасига бир томондан атроф – муҳит омиллари (турмушнинг ижтимоий – майишӣ шароитлари, иқлимий ва географик шароит машғулот ўтказиладиган жойларнинг моддий таъдақланганлиги, уларни ривожлантириш усулияти ва ҳ.к.), иккинчи томондан эса организмнинг турли тасъирларга ўзига хос реакцияси билан боғлиқ бўлган ирсий омиллар («мотор» қобилият нишоналари) таъсир ўтказади, жисмоний қобилият нишоналари сифатида инсон организдақинг анатомик, физиологик ва руҳий хусусиятлари юзага чиқади. Бирор бир фаолиятни бажариш жараёнида “мотор нишоналар” организмнинг мослашиш ўзгаришлари асосида такомиллашиб, тегишли жисмоний қобилияларга айланади.

Таъкидлаш зарурки, “мотор нишоналар” кўп функцияли бўлиб, мушак фаолияти шароитларига қараб у ёки бу йўналишда ривожланиши ва у ёки бу шаклдаги жисмоний қобилиялар ривожини таъминлаши мумкин. Профессор Ю.В. Верхованскийнинг фикрича, бундай шакллар ҳаракат фаолияти турлари қанча бўлса, шунча кўп бўлиши мумкин, чунки уларнинг ҳар бирига ўзига хос тузилиш, ҳаракатларнинг мақсадли йўналтирилганлиги, мушаклар мувофиқлаши, организм фаолияти режими ҳамда унинг қувват билан таъдақланиши каби хусусиятлар хосдир. Шу сабабли ҳам организмдан чидамлилик ёки ҳаракатлар тезкорлигини ривожлантиришга жавобгар бўлган қандайдир алоҳида механизмларни излаш бефойда. Уларнинг такомиллашуви асосида инсон организдақинг морбофункционал ихтисослашувига олиб келадиган мослаштирувчи таъсир, бутун бир адаптив реакция ётади. Морбофункционал қайта қуришлар организмни тўлалигича қамраб олади. Бироқ бу

энг кўп даражада ва биринчи навбатда асосий иш юкламасини кўтарадиган мушак гурухлари ҳамда уларнинг иш қобилиятини таъминловчи физиологик тизимларга тааллуқлидир. Функционал ихтисослашувнинг бундай танлаш хусусияти, асосан, организмнинг маълум фаолият шароитидаги иш режимига, унинг яққол намоён бўлиш даражаси эса жисмоний юкламаларнинг шиддати ва ҳажмига боғлиқ.

Хозирги вақтда жисмоний қобилиятларни беш асосий турга ажиратиш қабул қилинган: куч, тезкорлик ва мувофиқлаш қобилиятлари, чидамкорлик ва этилувчанлик. Уларнинг ҳар бири ҳаракат фаолиятининг ҳар хил турларида хилма хил шаклларда намоён бўлади.

### **2.3. Жисмоний қобилиятлар ривожланишининг асосий қонуниятлари**

Барча жисмоний қобилиятларнинг йўналтириб ривожлантирилишига хос қатор қонуниятлар мавжуд. Улар таркибига қўйидагилар киради:

**I. Ҳаракат – жисмоний қобилиятлар ривожланишининг етакчи омили.** Қобилиятларнинг шаклланишида ҳам тугма, ҳам атроф мухит омиллари катта аҳамиятга эга. Бироқ тенг шароитларда жисмоний қобилиятларнинг ривожланишида инсоннинг руҳий-физиологик табиатини такомиллаштиришга қаратилган ҳаракат фаоллиги ҳал қилувчи рол йўнайди. Шунинг учун ҳам жисмоний машқлар билан шуғулланган кишиларда турли аъзолар ва тизимларнинг морфологик ҳамда функционал кўрсаткичлари, ҳаракат тайёргарлиги умуман юқори бўлади. Организмнинг функционал ва морфологик такомиллашуви учун зарур омил сифатида фаолият, машқнинг аҳамиятини биринчи бор Жан Ламарк кўрсатиб берган эди. Ўзининг “Биринчи қонуни” бўлмиш “машқ қонунини” тузар экан, у ёзган эди: “Бирон-бир аъзодан тез – тез ва сусайтирмай фойдаланиш аста-секин шу аъзони мустаҳкамлайди, ривожлантиради, йириклиштиради ва унга қанча муддат фойдаланилса, шунча узоққа етадиган куч ато этади, аъзодан мунтазам фойдаланмаслик эса уни сездирмай заифлаштириб қўяди, таназзулга олиб келади, изчил равишда қобилиятларни торайтириб, охир-оқибат унинг йўқолиб кетишига сабаб бўлади”. Шу тариқа Жан Ламарк табиатнинг

умумий қонунларидан бирини ифодалаб берди. Бу қонуннинг яна ҳам чуқурроқ ўрганилишига кейинчалик П.А. Лесгафт, А.А. Ухтомский, И.П.Павлов, Г.Ф.Фольборт, Н.Н. Яковлев ва бошқалар катта хисса қўшдилар.

**II. Қобилияtlар ривожининг ҳаракат фаолияти режимиға боғлиқлиги.** Жисмоний қобилияtlар уларнинг намоён бўлишинигина эмас, уларни бажаришнинг муайян режимини ҳам талаб қила-диган фаолият жараёнида ривожланади. Режим деганда, бир машғулот ёки машғулотлар тизими доирасида қандайдир жисмоний машқларнинг бажарилиши ва улар орасидаги дам олиш тушунилади. Керакли тартиби үрнатишда, энг аввало, инсоннинг иш қобилиятидаги босқичлар тебраниши муҳим аҳамиятга эга. Жисмоний машқларни бажариш жараёнида организмнинг қувват ва функционал заҳиралари сарфи билан боғлиқ ҳолда ишчанлик қобилияти дара-жаси пасаяди.

Дам олиш чоғида (машқ тугатилгач) ишчанлик қобилиятининг тикланиши юз беради. Инсон организми бу вақтда бир неча ҳолатларни: ишчанлик қобилияти сусайган босқични; ишчанлик қобилияти тўла тикланган босқични ва, ниҳоят, ўта тикланган, яъни ишчанлик қобилияти кучайган босқични босиб ўтади. Санаб ўтилган босқичларнинг ҳар бири бошқа шароитлардан ташкари, бажарилган ишнинг хусусиятлари, шиддати ва давомийлигига боғлиқ бўлган муайян узунликка эга бўлади.

Ҳар бир кейинги машқ дам олишнинг қайси босқичида тақрорланишига қараб, ҳаракат фаоллигининг уч асосий режимини ажратиб кўрсатиш мумкинки, улар жисмоний сифатларнинг ривожланишига ҳар хил таъсир кўрсатади:

*1-режим:* бунда дарсдаги ҳар бир кейинги машқ қисқа муддатли дам олиш оралиқлари билан, яъни ишчанлик қобилияти тўла тикланмаган босқичда тақрорланади. Ишчанлик қобилиятининг барча кўрсаткичлари мунтазам пасайиб боради. Иш ва дам олишнинг бундай навбатлашиш режими чидамлиликнинг ривожланишига мосдир.

*2-режим:* ҳар бир кейинги машқ организмнинг бир қанча функционал кўрсаткичларини фаолият кўрсатишдан аввалги дара-жага қайтарадиган дам олиш оралиқлари билан, яъни ишчанлик қобилияти тўла тикланган босқичда тақрорланади. Бундай режим

тезкорлик, куч ва мувофиқлаш имкониятларини ривожлантиришга йўналтирилган дарсларга хос бўлади.

**3-режим:** бунда ҳар бир кейинги машқ ишчанлик қобилияти ортиги билан тикланган босқичга мос келувчи анча узоқ муддатли дам олиш ораликлари билан такрорланади. Бундай режимда машқ тақрорлангани сайнин инсоннинг ҳаракат имкониятларида ҳар томонлама ўзгаришлар кузатилади – мушак кучи ва тезкорлик ошиб, чидамлилик пасаяди.

**III. Жисмоний қобилиятлар ривожланишининг босқичлилиги.** Жисмоний қобилиятларни ривожлантириш динамикасида – бир хил юкламаларни узоқ муддат давомида, кўп маротаба бажаришда – учта нисбатан мустақил босқични шартли равишда айириб кўрсатиш мумкин:

*Биринчи – қобилиятларнинг ривожланиши даражасини ошириши;*

*Иккинчи – қобилиятларни ривожлантиришида максимал кўрсаткичларга эришиш;*

*Учинчи – жисмоний қобилиятларни ривожлантириши кўрсаткичларининг пасайини;*

Биринчи босқичда юклама қўллаш натижасида организмда ҳар томонлама мослаштирувчи ўзгаришлар юз беради, улар ҳаракат фаолияти хусусиятлари билан боғлиқ жисмоний қобилиятларнинг ўсишига ва функционал имкониятларнинг аста-секин кенгайишига сабаб бўлади.

Иккинчи босқичда мослаштирувчи ўзгаришлар ўсиб боргани сайнин стандарт юклама организмда тобора камроқ функционал силжишларга сабаб бўлади. Бу мослаштирувчи жараёнларнинг турғун адаптация босқичига ўтганлигидан дарак берувчи бир белгидир. Тегишли қобилиятларнинг намоён бўлиши асосида ётувчи тана аъзолари ва тизимларининг имкониятлари жиддий тарзда кенгайиб беради. Уларнинг фаолиятида тежамлилик ва ўзаро мувофиқлашув кучаяди. Буларнинг барчаси қобилиятларнинг максимал даражада намоён бўлиши учун шароит яратади.

Учинчи босқичда мазкур юклама организмдаги функционал имкониятларнинг кенгайиши туфайли мослаштирувчи силжишларни юзага келтирмай қўяди, яъни унинг ривожлантирувчи таъсири ё пасаяди, ёки умуман йўқолади. Қобилиятлар ривожи яна давом этиши учун қўлланиладиган юкламаларнинг хусусиятлари ва маз-

мунини ўзгартириш (бошқа машқлар танлаш, иш шиддатини ошириш, унинг давомийлиги ёки машқларни бажариш шароитларини ўзгартириш), шу тариқа жисмоний қобилиятлар учун янги, юқори-роқ талаблар қўйиш зарур. Бошқача айтганда, қобилиятлар ривожи-ни гўёки биринчи босқичга ўтказиш керак.

**IV. Қобилиятлар ривожининг нотекис ва гетерохронлиги (турли вақтга мансублиги).** Ривожланишнинг нотекислиги бир босқичдаги жисмоний қобилият кўрсаткичларининг ўсиш даражаси бошқалардагига қараганда анча жиддий бўлиши мумкинлигини билдиради. Бу унча катта бўлмаган вақт кесмалари (масалан, бир неча ҳафта, ойлик дарслар) учун ҳам, умуман ривожлантириш жара-ёни учун ҳам (айтайлик, бир неча йиллик машғулотлар учун) тўғри бўла олади. Одатда, жисмоний қобилиятларнинг энг кўп ўсиши жисмоний машқлар билан шуғулланишнинг бошланғич даврида кузатилади. Бирон – бир қобилиятнинг ривожланиш даражаси кўта-рила борар экан, унинг ўсиш суръати пасаяди. Жисмоний қоби-лиятлар ривожи уларнинг ўсиш суръати пасайиши билан боғлик экан, зарур силжишларга эришиш учун ривожланишнинг ҳар бир кейинги босқичида тобора кўп вақт керак бўлаверади.

Жисмоний қобилиятларнинг ривожланиш кўрсаткичлари ўзгаришларида (ўсишида) гетерохронлик (турли вақтга мансублик) ходисаси кузатилади. У алоҳида жисмоний қобилиятларнинг шиддатли ўса бошлашига мос келадиган лаҳзаларнинг вақт нуқтаи наза-ридан ўзаро мувофиқ келмаслигида намоён бўлади. Maxsus тадқи-қотлар ва амалий тажриба шуни кўрсатадики, инсон ҳаётининг муайян ёш даврида қобилиятлар ривожига таъсир кўрсатадиган кулаг имкониятлар мавжуд бўлади, чунки улардан айримларининг ўсиш суръатлари бошқа ёш даврларида нисбатан анча юқори бўлади. Бу даврларни одатда сенситив (хиссий) ёки критик деб атайдилар, чунки улар организмнинг ривожланишида алоҳида аҳамиятга эга.

Айрим қобилиятларнинг ривожланишида жисмоний тарбия-нинг энг кучли таъсири уларнинг жадал суръатда табиий ривожла-ниши даврига мос келиши аниқланган. Бошқа ёш даврларида маз-кур қобилиятга педагогик таъсир кўрсатишнинг самарадорлиги нейтрал ёки ҳатто салбий бўлиши ҳам мумкин. Шунинг учун муайян жисмоний қобилиятларни такомиллаштиришда энг қулаг

ёш давларини ўтказиб юбормаслик жуда муҳим, чунки кейинроқ буни амалга ошириш анча қийин кечади.

Болаларда алоҳида жисмоний қобилиятларнинг жадал ривожланиш давлари расмда кўрсатилган. Кўриниб турибдики, уларнинг ҳар бири ўз сенситив даврига эга. Бу давларнинг вақт чегаралари ўғил ва қиз болаларда бир хил эмас. Одатда, кўпгина қобилиятларнинг жадал ривожлана бошлаши вақти нуктаи назаридан қизлар ўсмири болалардан 1-2 йилга олдинда борадилар.

Таъкидлаш зарурки, турли муаллифларнинг илмий-усулий адабиётларида у ёки бу қобилият ривожланишининг ҳар хил сентитив давлари кўрсатилганлигига дуч келиш мумкин. Бундай тафоутларнинг бир неча сабаби бўлади:

1. Бирон-бир қобилиятни ўлчаш учун бир хил бўлмаган тестлардан фойдаланиш.

2. Жисмоний қобилиятлар кўрсаткичларининг ўсиш суръатларини аниқлаш учун турли ёндашув ва формулаларни қўллаш.

3. Текшириш учун танлаб олинган синалавчиларнинг бир турли эмаслиги (текширилаётган кишилар сонининг турличалиги, уларнинг жисмоний ривожланиши, тайёргарлик даражаси, умумий фаолият режими ва бошқаларнинг бир хил эмаслиги).

**V. Қобилиятлар ривожланиш кўрсаткичларининг қайтарилувчанлиги.** Жисмоний машқлар билан мунтазам шуғуланиш натижасида эришиладиган функционал ва тузилишга хос ўзгаришлар қайтарилувчан бўлиб, улар тескари ривожланиши ҳам мумкин. Шуғуланишда нисбатан қисқагина узилиш бўлса кифоя, шу заҳоти функционал имкониятлар даражаси пасая бошлайди, тузилишга хос белгилар тескари томонга ривожлана боради ва оқибатда жисмоний қобилиятларнинг кўрсаткичлари ҳам пасаяди. Биринчи навбатда, тезлик қобилиятлари, кейинроқ куч ва охирада узок муддатли фаолиятга чидамлилик қобилиятлари сусаяди. Спортчиларни кузатиш шуни кўрсатадики, 5 ой давом этган машғулотларни тўхтатиш ҳаракатлар максимал суръатининг дастлабки даражасига 4-6 ойдан сўнг, мушак кучи максимал суръатининг дастлабки даражасига 18 ойдан сўнг, чидамлиликнинг худди шундай кўрсаткичига эса 2-3 йилдан сўнг олиб келади.

**VI. Жисмоний қобилиятларнинг кўчиши.** Турли жисмоний қобилиятлар бир-бирлари билан чамбарчас алоқада ривожланади. Бир қобилиятнинг ривожланиш даражасидаги йўналтирилган ўзга-

риш бошқасининг ривожланиш даражасида ўзгаришлар содир бўлишига олиб келади. Бу ходиса “жисмоний қобилиятларнинг кўчии” деб аталади.

*Кўчии ижобий ва салбий бўлиши мумкин.* Ижобий кўчишда бир қобилиятнинг ривожланиши бошқасининг такомиллашувига таъсир кўрсатади. Масалан, “портловчи” кучнинг ортиши – ҳаркатлар тезлигига. Салбий кўчишнинг хусусияти шуки, бир қобилиятнинг ривожланиши иккинчисининг ўсишини секинлаштиради ёки унинг ривожланиш даражасини пасайтиради.

*Кўчии бир таркибли ва ҳар хил таркибли бўлади.* Бир таркибли кўчишда бир хил қобилият даражасининг қўлланилаётган ва қўлланилмаётган машқлар орқали ортиши кузатилади. Масалан, осилиб турган ҳолда қўлларни букиб – ёзиш орқали куч чидамлилиги ортади; худди шу қобилият қўлга таянган ҳолда уларни букиб – ёзиш чоғида ҳам ривожланади. Ҳар хил таркибли кўчишда бир қобилиятнинг ривожланишига олиб келадиган машғулот худди шу қатори бошқа жисмоний қобилиятлар даражасининг ҳам ўзгаришига олиб келади. Масалан, блокли қурилмада шуғулланганда қўл букувчиларининг изометрик кучи ортар экан, бу куч чидамлилигининг ҳам ошишини таъминлайди.

*Кўчии яна икки томонлама* (масалан, агар куч қобилиятлари ривожлантирилганда, тезлик қобилиятлари ҳам такомиллашса, тезлик қобилиятлари такомиллаштирилганда эса куч қобилиятлари ҳам ривожланиб боради) ва *бир томонлама* (масалан, ҳаракат тезкорлиги ривожлантирилганда, реакция вақти ҳам такомиллашади, лекин реакция вақтини яхшилашга йўналтирилган машқлар ҳаракат тезкорлиги ривожига мутлақо таъсир кўрсатмайди) бўлади.

Нихоят *тўғридан тўғри ва билвосита* кўчиш турлари ажратилади. Тўғридан – тўғри кўчишда бир қобилиятнинг ривожланиш даражаси кўтарилса, бу бошқа қобилиятнинг ривожида бевосита акс этади. Масалан, қисқа масофаларга югурувчилар оёқ мушакларининг тезлик – куч тайёргарлиги даражаси ортса, югуриш тезлиги ҳам кучаяди. Билвосита кўчишда қобилиятнинг такомиллашуви учун факат шароит яратилади. Масалан, спринтер оёқларининг максимал кучи тезкор югуриш натижаси билан ҳеч қандай тўғридан – тўғри алоқага эга эмас.

Лекин унинг сакраш машқлари билан боғлиқлиги борки, уларнинг натижалари, ўз навбатида, тезкор югуриш билан анча

мустаҳкам алоқада хисобланади. Шунинг учун оёқларнинг максимал кучини ривожлантиришга йўналтирилган дарслар тезлик - куч қобилиятлари учун функционал база яратишга ёрдам беради, улар эса пировард натижада югуриш тезлигини белгилайди. Кўчиш турларининг таъсири кўпгина спорт турларида маҳсус ва умумий жисмоний ривожлантириш вазифаларини ҳам этишда қўлланилади.

Бир хил қобилиятларнинг бошқаларига кўрсатадиган таъсир кучи ва хусусиятлари кўп жиҳатдан қўйидаги омилларга боғлиқ:

1. Педагогик таъсиротнинг устун йўналишлари ва уларни ривожлантириб навбатлашга (масалан, тезлик ва куч, чидамлилик қобилиятларини баробар талаб қилувчи машқлардан иборат дарс улардан фақат биттасини ҳатто икки баробар оширилган юклама билан ривожлантиришга қаратилган машғулотдан кўра яхшироқ натижада беради).

2. Шуғулланувчиларнинг жисмоний тайёрлик даражасига (жисмоний тайёрлик даражаси паст бўлганда, бир қобилиятнинг ривожланиши одатда бошқаларининг ҳам ривожланиш даражаси ортишига олиб келади, бироқ кейинчалик қобилиятларнинг бундай мувозий тарзда ўсиши тўхтаб қолади).

Жисмоний қобилиятларнинг “кўчиши” жиддий педагогик аҳамиятга эга. Шу ҳодиса туфайли жисмоний машқларнинг нисбатан тор доираси билан шуғулланган ҳолда ҳаракат фаолиятининг ҳар қандай турини муваффақиятли ўзлаштириб олиш мумкин. Бу имконият жисмоний тарбия амалиётида кишиларни меҳнат, спорт фаолиятига, ҳарбий ишга тайёрлашда қўлланилади.

**VII. Ҳаракат малакалари ва жисмоний қобилиятларнинг ўзаро алоқаси ва бирлиги.** Жисмоний қобилияtlар фаолият чоғида намоён бўлар экан, уларни ҳаракат малака ва кўнимкамларидан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Инсоннинг у ёки бу ҳаракат фаолиятини қай даражада ўзлаштириб олганига қараб тегишли жисмоний қобилиятларини юзага чиқариш даражаси ҳам ўзгаради.

## **2.4. Жисмоний қобилиятларни ривожлантириш тамойиллари**

Ҳаракатга ўргатиш ва жисмоний қобилиятларни ривожлантириш жараёнлари, уларнинг таъсир объекти битта - жисмоний машқларни бажараётган муайян одам бўлишига қарамай, турли

конуниятларга бўйсунади. Конуниятларнинг ўзига хослиги уларни рўёбга чиқариш учун тегишли педагогик (усулий) амалларни талаб килади: харакатларга ўргатиш учун - бир хил педагогик тамойиллар, жисмоний қобилиятларни ривожлантириш учун бошқалари. Айтмоқчи, харакат фаолиятларини ўзлаштиришда бу педагогик жараённинг алоҳида хусусиятларидан ҳисобланади.

Жисмоний тарбия соҳасида педагогик жараённи олиб борувчи киши уни фақат таълим ва тарбия тамойилларига эмас, жисмоний қобилиятларни ривожлантириш тамойилларига мувофиқ равишда қуриши керак бўлади. Бунда шуни ҳисобга олиш лозимки, жисмоний машқларга ўргатиш тамойиллари ягона талабларни ўзида акс эттиради: ҳар қандай педагогик жараён онглилик, фаоллик ва бошқа тамойиллар асосига қурилиши зарур. Аммо мазкур тамойилларнинг аник рўёбга чиқарилиши (яъни восита ҳамда усусларнинг танлашиши) ҳал этиладиган вазифаларга (ё ўргатишнинг, ёки жисмоний қобилиятларни ривожлантиришнинг вазифаларига) мувофиқ бўлиши шарт. Дейлик, харакат фаолиятини ўргатишда тадрижийлик тамойили ҳозирловчи машқлар тизими қуриш орқали, жисмоний қобилиятларни ривожлантиришда эса жисмоний юклама тизими қуриш орқали амалга оширилади.

Демак, жисмоний қобилиятларни ривожлантиришнинг ҳар қандай усулияти дидактик тамойилларнинг ўзига хос тарзда амалга оширилишини кўзда тутиши лозим. Ҳаракатларга ўргатиш ўрганувчига берилаётган жисмоний юкламаларнинг таъсирига боғлиқ экан, организмнинг тахмин қилинаётган юкламаларга жавоб таъсири қонуниятларини ҳисобга олиш эҳтиёжи пайдо бўлади. Шунинг учун ҳам инсоннинг ҳолати билан жисмоний юкламаларнинг уларни вақт нуқтаи назаридан ташкил этиш билан боғлиқ тарздаги алоқалари қонуниятларини ифодаловчи алоҳида, ўзига хос тамойиллар мавжуд.

### ***1.Педагогик таъсиротнинг мунтазамлиги тамойили.***

Мазкур тамойил инсоннинг жисмоний қобилиятларини ривожлантириш учун жисмоний машқлар билан мунтазам шуғулланиши заруриятини кўзда тутади. Чунки қобилиятлар, аввало, ўзлари намоён бўладиган фаолият жараёнида ривожланадилар ва такомиллашадилар. Мазкур тамойил асосида шундай қонуниятлар ётадики, улар инсон организмида ҳаракат ҳамда фаолиятларнинг такрорий таъсири, ишchanлик қобилияти тикланишининг ҳар бир

босқичида иш ва дам олишнинг турлича навбатлашуви қандай акс этишини, шунингдек, машғулотлар орасида ўзини оқламайдиган даражадаги узок муддатли танаффуслар юз бергандা, қобилиятлар ривожининг қайтарилувчанлигини тавсифлайди.

Жисмоний қобилиятларни ривожлантиришда таъсиротларнинг мустақиллиги алоҳида дарс доирасида у ёки бу машқларни зарур тартибда бажариш, шунингдек, маълум вақт мобайнода (ҳафта, ой, чорак, йил ва х.к.) дарс ва улар орасидаги дам олиш ораликларини тўғри навбатлаш орқали таъминланади. Алоҳида дарсда ҳаракат фаолиятини кўп маротабалаб бажариш ҳамда дарсларнинг ўзини такрорлаш натижасида инсон организмидаги функционал силжиши юз бериб, улар тегишли таъсирни тавсифлайди. Ҳар бир машқни бажаргандан сўнг ёки дарс якунида организмда содир бўладиган ўзгаришларни тез муддатли (*яқин*) таъсир сифатида белгилайдилар. Бу таъсир дархол йўқ бўлмайди, у маълум муддат сақланиб туради. Аввалги дарс тугаганидан кейинги дарс бошлангунига қадар организмнинг ҳолатида кузатиладиган барча ўзгаришлар четга сурилган ёки *шакли ўзгартирилган таъсир* деб аталади. Агар дарслар орасида ҳаддан ташқари узок танаффус бўлса, бу таъсир умуман йўқолиб кетиши мумкин, бу эса жисмоний қобилиятлар ривожида жиддий тарзда акс этмайди. Шунинг учун жисмоний қобилиятлар кўрсаткичларида ижобий ўзгаришлар бўлиши ёки уларнинг эришилган даражасини сақлаб қолиш учун танаффусларга йўл қўймаслик керак, улар дарсларнинг ижобий таъсирини йўққа чиқаради. Бошқача айтганда, педагог педагогик жараённи шундай қуриши керакки, ҳар бир аввалги дарснинг “излари” кейинги дарснинг таъсири устига “қопланиши” (унга қўшилиши) зарур. Бундай иш олиб бориш натижасида *жамғарилувчи (тўпланувчи) таъсир* юзага келади, организмда мослашиш билан боғлик чукур қайта қуришлар амалга ошиб, улар тана аъзолари ва тузилмаларнинг сифат жиҳатидан янги функционал даражага ўтишига эришиш имконини беради.

Демак, мунтазамлик тамоилини амалга жорий этишда жисмоний қобилиятлар ривожланишининг асосини ташкил этувчи функционал ҳамда тузилишга оид мослашув жараёнларининг узлуксизлиги, яъни доимийлигини таъминлаш лозим. Бунга, энг аввало, ҳар бир қобилиятни такомиллаштириш учун энг мақбул саналган ҳаракат фаоллиги режимига риоя қилиш орқали эришилади, унинг

асосида эса, маълумки, иш ва дам олишни у ёки бу тарзда навбатлаш тартиблари ётади.

**2. Педагогик таъсиротлар натижасини ўстиришида юксалтириб бориш ва мослаштирув – адекват чегаравийлиги тамойили.** Мазкур тамойил жисмоний қобилияtlар ривожланишининг босқичма – босқичлиги ва бир текисда бормаслиги қонуниятларига асосланади. Бу тамойилга кўра, жисмоний қобилияtlарни такомиллаштириш жараёнида иккита, бир қарашда ўзаро зид йўналишларни уйғуллаштириш зарур бўлади.

Аста-секин, даражама – даража, яъни тадрижий равищда юкламани ҳам алоҳида бир машғулотда, ҳам қатор машғулотлар давомида ошириб бориш инсон организдаинг уларга мослашишини осонлаштиради, содир бўлаётган мослашув жараёнларини чуқурлаштиради ва мустаҳкамлайди, шу тариқа юкламаларнинг янги, юқорирок даражасига ўтиш учун шароит яратишга ёрдам беради. Организмдаги аъзолар ва тизимларнинг жисмоний имкониятларига мос келмайдиган, ҳаддан ташқари баланд талаблар қўйиш, жисмоний қобилияtlарни тез ўстиришга уриниш (жадаллаштирилган машғулотлар) тескари таъсир кўрсатиб, саломатлик учун зарарли бўлиши ҳам мумкин.

Шуни ёдда тутиш керакки, юклама таъсирида организмдаги турли аъзолар, тизим ва функцияларнинг морфологик такомиллашуви суръатлари бир хил бўлмайди. Демак, шуғулланиш жараёнида турли йўналишдаги машқларни кўллаш ҳар бир ҳолатда юкламанинг ўзига хос тарзда ошириб борилишини талаб қиласди. Масалан, “шпагат” машки учун бўғимлардаги ҳаракатчанликни оширишда жиддий ютуқларга З ойлик машғулотлар давомида эришиш мумкин, ҳаракат аппаратининг бир неча мушак гурухларидагина ҳажмни сезиларли катталаштириш учун камида 6 ой зарур бўлади. Айни вақтда юрак – қон томир ва нафас тизимлари фаолиятини яхшилаш мақсадида 10-12 ой давомида мунтазам шуғулланиш керак. Жисмоний қобилияtlар хусусида сўз борганда, бу тафовутларни содда қилиб қўйидагича ифодалаш мумкин: эгилувчанлик кун сайин ортиб боради; куч – хафта сайин; тезкорлик – ой сайин; чидамлилик эса йил сайин.

Юкламаларни ошириб боришдаги тадрижийлик чегаравий (максимал) юкламаларнинг кўлланилишини истисно этмайди, балки кўзда тутади. Бундай юкламалар муайян шароитларда жисмоний

қобилияларнинг ривожланиш даражасида жуда юқори ижобий ўзгаришларга сабаб бўла олади. Чегаравий юклама деганда, инсон организдакинг функционал заҳираларини тўла сафарбар этадиган, лекин унинг мослашиш имкониятлари чегарасидан чиқмайдиган юклама тушунилади. У организмнинг меъёрида фаолият кўрсатишига зарап келтирмайди, унинг ҳаддан зиёд зўриқишига сабаб бўлмайди. “Чегаравий” юклама тушунчаси нисбий маънога эга: тайёрликнинг бир даражасида чегаравий ҳисобланган юклама бошқасида бундай саналмайди. Шу тариқа мунтазам машғулотлар жараёнида организмнинг функционал имкониятлари ортиб борар экан, илгари максимал бўлган юклама одатдагига айланиб боради.

Шундай қилиб, максимал юкламанинг ҳақиқий кўрсаткичларини инсоннинг муайян жисмоний ҳолатига нисбатангина аниқлаш мумкин.

Албатта, жисмоний қобилияларни ривожлантиришда максимал юкламаларни шуғулланувчиларда тегишли тайёргарлик мавжуд бўлганда, уларнинг ёшини, алоҳида хусусиятларини, шунингдек, юкламаларнинг ҳам ўзига хос жиҳатларини эътиборга олган, бошқа тамойилларга риоя қилган ҳолда қўллаш зарур.

Жисмоний юкламанинг катталиги унинг ҳажми ва шиддати билан тавсифланади. Шунга кўра юклама иш ҳажмини ошириш ёки уни бажариш шиддатини кучайтириш ёхуд бир вақтнинг ўзида ҳар иккала кўрсаткични ўзгартириш ҳисобига амалга оширилади. Амалиётда юкламани тадрижий равишда орттириб боришнинг турли шаклларидан фойдаланилади: тўғри чизиқли, кўтариувчи, поғонали, тўлқинсимон ва сакровчан равишда орттириш.

### ***3. Тури хусусиятли педагогик таъсиrotларни вақт мобайнида оқилона тақсимлаши ва уйғунлаштириши тамойили.***

Бу тамойил бир машғулот доирасида ҳам, машғулотлар серияси доирасида ҳам катталиги ва йўналиши жиҳатидан турлича юкламаларнинг ўзаро алоқаси ҳамда навбатлашув тартибининг оқилона асосланиши, мақсадга мувофиқлигига риоя қилинишини талаб этади. Уни жорий этиш учун иш ва дам олишни навбатлаш негизида ётувчи қонуниятларни ҳамда жисмоний қобилияларнинг “кўчиши” қонуниятларини ҳисобга олиш муҳим аҳамиятга эга.

Жисмоний қобилияларни ривожлантириш жараёнида кўпроқ танлаб таъсир қилувчи ва мажмуали тавсифдаги, ҳар хил – катта, ўрта ва кичик юкламалардан фойдаланиш мумкин. Биринчи тилга

олинган юкламалар асосан алоҳида қобилиятларни, масалан, тезкорлик ва куч қобилиятларини, кейингилари эса турли фаолият чоғида тезкорлик ва чидамлилик имкониятларини изчил ёки мувозий тарзда (айни бир вақтда) такомиллаштиришни кўзда тутади.

Алоҳида машғулот ёки машғулотлар серияси давомида маълум бир қобилиятни ривожлантиришда бир хил йўналишдаги юкламалардан фойдаланиш инсон организмига мажмуали юкламаларга қараганда анча чукур, лекин чегараланган таъсир кўрсатиши исботланган. Амалиётда танлаб таъсир кўрсатувчи юкламаларнинг турли уйғунликдаги варианtlари кўп учрайди. Масалан, бир машғулот мобайнида чангичи – пойгачининг аэроб чидамлилигини ривожлантириш учун факат моторли чангиларда харакатланишдан фойдаланиш мумкин. Лекин бу машқни турли усуллар режимида бажариш лозим: дастлаб оралиқли, кейин эса бир меъёрли усул қўлланилади ёки, аксинча, бир усулдаги машғулот тузилишида бир йўналишли ҳар хил воситалар мажмуасидан фойдаланиш мумкин.

Мажмуали йўналишдаги юклама организмга анча кенг, аммо юзакироқ таъсир кўрсатади. Турли қобилиятларни ривожлантиришга қаратилган мажмуали йўналишдаги юкламаларни қўллашда, биринчى навбатда, куйидагиларга эътибор бериш зарур:

1) оқилона изчилликни, яъни ҳар хил қобилиятларни ривожлантиришга қўмаклашадиган юкламаларни машғулотга киритиш тартиби ва кетма – кетлигини аниқлаб олиш;

2) юкламалар ҳажми ва шиддатининг оқилона нисбатини танлаш.

Маълумки, тезкорлик хусусиятига эга бўлган юкламалар чидамлиликнинг кўпроқ намоён этилишини талаб қиласидиган юкламалар учун қулай физиологик шароит яратади. Улар эса ўзидан кейин бир неча соат мобайнида (агар жиддий ўсиш юз берган бўлса), тезкорлик машқларининг бажарилишига салбий таъсир кўрсатадиган “из” қолдириб кетади. Яна шу ҳам аниқланганки, тезкорлик юкламалари куч хусусиятларига эга бўлган таъсиротлар билан яхши уйғунлашади, бунда ижобий давомли таъсир маълум шароитда, яъни куч машқлари тезкорлик машқларидан аввал бажарилгандаги ҳолатда ҳам, уларнинг тескари кетма – кетлиги ҳолатида ҳам амал қилиши мумкин.

Шунинг учун мажмуали машғулотларда юкламанинг энг мақбул кетма-кетлигини танлашда уларнинг асосий йўналишига қараб қуидаги тартибда қўллаш мумкин:

**КУЧ => ТЕЗЛИК => ЧИДАМЛИЛИК**  
ёки  
**ТЕЗЛИК => КУЧ => ЧИДАМЛИЛИК**

Бу тартиб алоҳида машғулот ичидаги машқлар кетма – кетлиги учун ҳам, хафталик ёки унга давомийлиги жиҳатидан яқин цикллардаги машғулотлар кетма – кетлиги учун ҳам тўғри ҳисобланади. Албатта, кўрсатилган тартиб жисмоний тарбия ва спорт амалиётида ягона эмас. Бир катор омилларга (шуғулланувчиларнинг тайёрлиги, қўлланилаётган юкламаларнинг катталиги ва ўсиб-ўзгаришлари, машғулотларнинг умумий йўналиши ва х.к.) боғлиқ равишда уйғунлаштиришнинг бошқача тартиблари ҳам учраши мумкин.

Ҳар бир муайян ҳолатда юкламаларнинг ҳажми ва шиддати тўғрисидаги масала уларнинг хусусиятлари, йўналиши ва қўлланишидаги изчиллигини, шуғулланувчиларнинг функционал ҳолати, ўзига хос алоҳида жиҳатларини эътиборга олиб ҳал этилади. Юкламаларни мажмуали – мувозий тарзда ташкил этишга хос хусусиятлардан бири тайёргарликнинг қандайдир босқичида бир вақтнинг ўзида асосан ҳар хил йўналишдаги юкламалар таъсиrottidan фойдаланишдир. Бундай ташкил этиш тизими, иш ҳажми ёки шиддати ортишига қарамай, организмга бир меъёrlи, ялпи таъсир кўрсатади. Бунда юкламанинг маҳсус таркиби қисмларига организмнинг табақалаштирилган мослашув реакциялари сустифодаланади, чунки ундаги мослашиш жараёнлари умумлаштирувчи хусусиятга эга. Натижада юкламанинг ривожлантирувчи таъсири тезгина йўқолиб, мослашув жараёни секинлашади, жисмоний қобилиятнинг ривожланиши даражаси барқарорлашади ёки ҳатто пасаяди.

#### **4. Таъсиротларнинг мақсадда йўналтирилганлиги ва мосла-шув адекватлиги тамоилии.**

Жисмоний қобилиятларнинг шаклланиши ва такомиллашуви асосида инсон организдақинг ҳаракат фаолияти шароитларига узоқ муддатли мослашуви механизмлари ётади. Қобилиятларнинг изчил кучайиб боришига жавобгар бўлган орган ва тизимлардаги мос-

лашув ўзгаришларининг фойдалилиги улар жисмоний юкламага қанчалик адекват бўлса, шунчалик юқори бўлади. Юклама туфайли организмда биокимёвий, морфологик, физиологик ва руҳий ўзгаришлар юз беради, улар муайян ривожлантирувчи таъсир кўрсатади. Жисмоний тарбия жараёнида юзага келадиган қўпгина таъсирларнинг организм томонидан изчил тарзда тўпланиши оқибатида қобилиятларнинг тадрижий, узлуксиз ўсиши таъминланади.

Бироқ фаолиятлар ривожланиши даражасининг бундай ўсиб бориши машғулот таъсирининг мақсадга йўналтирилганлиги ҳамда (кўйилган мақсадга мувофиқ) адекватлиги таъдақлангандагина юз беради. Шунга кўра жисмоний қобилиятларни ривожлантиришда жисмоний фаолликнинг энг мақбул режими танланар экан, аввало, жисмоний юкламанинг йўналиши ва катталигини, унинг ҳажми ҳамда шиддатини тўғри белгилаб олиш; бир машғулот доирасида ҳам, машғулотлар тизимида ҳам куч, тезлик, мувофиқлаш билан боғ-лиқ юкламаларни дам олиш билан оқилона навбатлаш учун шароит яратиш; муайян вақт давомида юкламаларни оширишнинг тегишли шаклларини ҳамда уларни алмашлаб қўллаш тартибини кўзда тутиш зарур.

### **5. Педагогик таъсиротнинг ёши адекватлиги тамоили.**

Бу тамоилига кўра педагог шуғулланувчиларнинг қобилиятларини шакллантиришда уларнинг ўшига мувофиқ хусусиятларни, яъни онтогенезнинг табиий равишда алмашиниб турадиган даврларини ҳисобга олиб иш кўриши зарур. Албатта, бу организмдаги турли аъзо ва тизимларда қонуний тарзда кечадиган ўзгаришлар кетидан кўр-кўrona эргашишни билдирамайди. Бу ерда гап мазкур ўзгаришларни эътиборга олган холда кўп йиллик машғулотлар давомида тегишли руҳий – физиологик функциялар, хусусиятларга ўз вақтида танлаб таъсир кўрсатилишини таъминлаш устида кетяпти.

Организм вояга етадиган, яъни етилаётган йилларда у ёки бу қобилиятнинг шаклланишидаги кризисли давр бошланганлигини биладиган педагог уларнинг ривожланиши даражасига мақсадга мувофиқ тарзда, самарали таъсир кўрсатиши, организмнинг яширин имкониятларидан тўла фойдаланиши мумкин. Кекса ва катта ёшлилар организмига инволюцион ўзгаришлар хос бўлиб, бу даврда жисмоний тайёргарлик даражасини ошира бориш эмас, балки

имкон кадар қобилятлар ривожидаги ортга қайтиш ўзгаришларига қарши туриш лозим.

#### ***6. Жисмоний қобилятларни ривожлантириша ўзиб борувчи таъсиротлар тамойили.***

Унинг моҳияти шундаки, фойдаланиладиган педагогик таъсириотлар (воситалар, усууллар ва шакллар) шахснинг шу қобилятлари ривожланиш даражасига мувофиқ бўлиши керак. Бироқ бу мувофиқлик мутлақ бўлмаслиги лозим.

Жисмоний қобилятларни узлуксиз ривожлантириб туриш учун ташки таъсирлар муайян қобилятнинг ички ривожланишидан ўзиб бориши керак. Агар ташки таъсирларнинг ички ривожланишлардан бирмунча ўзиб борувчи бундай мувофиқлиги бўлмаса, унда қобилятлар ривожида тўхташ, котиб қолиш (турғунлик) юзага келади. Қобилятлар ривожланишидаги турғунлик, одатда, қолипга айланган усулиятнинг, ўзиб борувчи мувофиқлик тамойили амал қилмаётганлигининг, усулий йўллардан фойдаланишининг қобилятлар ривожидан ортда қолишининг натижасидир.

#### ***7. Қобилятларни ривожлантириша мутаносиблик тамойили.***

Инсон ҳаётининг ҳар бир ёшига хос ривожланиш босқичида қобилятлар даражасидаги энг мақбул нисбатга риоя қилинишини кўзда тутади. У ёки бу қобилятларнинг энг муваффақиятли мутаносиблиги алоҳида машқларда натижаларнинг янада юкори даражасини таъминлайди.

Машғулотлар жараёнида тайёргарликнинг турли воситаларини тўғри тақсимлаш ҳисобига алоҳида қобилятлар ривожида зарур мутаносиблика эришиш мумкин.

#### ***8. Ўзаро боғлиқ ҳолда таъсир кўрсатиш тамойили.***

Бу тамойил жисмоний қобилятларни ривожлантириш ва ҳаракат кўникмаларини шакллантириш жараёнларининг ўзаро узвий алоқаси ҳамда уни бошқариш имкониятига асосланади. Бу тамойилга кўра, машғулотлар таъсири зарур қобилятларни ривожлантиришгина эмас, уларни муайян машқнинг ҳаракат тузилмасида қўллаш малакасига ҳам мос бўлиши зарур. Бунга бир вақтнинг ўзида куч, чидамлилик ва бошқа қобилятларни, ҳаракат кўникмасининг алоҳида элементларини ёки бутун бир кўникмани шакллантиришга йўналтирилган маҳсус машқларни танлаб олиш йўли билан эришиш мумкин. Сузишда қўллар ҳаракати тузилмасида улардаги мушак кучини ривожлантириш учун шерикни шатакка

олиб ёки резина тасма билан унинг қаршилигини енгиб қўл билан сузиш тавсия этилади; енгил атлетикада оғирлаштирилган белбоғ таққан ҳолда сакраш машқлари, баландликка ва узунликка сакрашлар бажарилади.

## **9. Жисмоний қобилиятларни ривожлантириша ёш хусусиятлари**

Ёш спортчиларни тайёрлаш ишини муваффакиятли амалга ошириш учун ривожланишнинг ёш хусусиятларини, тайёргарлик даражасини, танланган спорт тури хусусиятларини, жисмоний сифатлар ривожининг ўзига хос жиҳатларини, ҳаракат кўнкима ва малакаларининг шаклланишини синчилаб ҳисобга олиш зарурдир.

Тренернинг ёш зоналарини билиши кўп йиллик машқ жараёнини яхшироқ тизимлаштиришга имкон беради. Бироқ ёш кўп йиллик машғулотнинг оқилона тизими қуришда эътиборга олиш зарур бўлган ягона омил эмас. Спортчиларнинг алоҳида жисмоний қобилиятларини, жисмоний сифатларни тарбиялаш учун энг қулай даврларни, шунингдек, техник – тактик фаолиятларни сифатли ўзлаштириш учун мойилликни ҳам чуқур ўрганиш лозим. Ёшлик даврида барча жисмоний қобилиятлар заҳираси мавжуд бўлади. Бунинг учун оқилона ва мунтазам педагогик таъсиротлар таъдақланган бўлиши керак. Ёш спортчиларнинг жисмоний қобилиятларини ривожлантиришга қаратилган педагогик таъсирот ёшга мос ривожланиш жараёнининг у ёки бу погонасида ўсиши энг ёрқин ифодаланган қобилиятларнинг тўла намоён бўлишига ёрдам беради. 2-жадвалда мактаб ёшидаги болалар ҳаракат фаолиятларининг ривожланишидаги сезги босқичлари топографияси берилган.

Юқоридаги қаторда ўғил болаларда ҳаракат фаолияти ривожланишининг сезирлик босқичлари, пастки қаторда эса қизлардаги худди шундай босқичлар кўрсатилган. Мазкур маълумотларнинг ҳисобга олиниши тренерга у ёки бу жисмоний қобилиятларнинг ўсишидаги тўхтаб қолишларга барҳам бериш имкониятини яратади.

Жисмоний қобилиятлар тушунчасига айнан ҳаракат фаолиятининг намоён бўлиши билан бирга бу намоён бўлишнинг ўзига хослигини белгиловчи рухий – физиологик хусусиятлар ҳам киради.

Кучнинг миқдорий ўлчами сифатида мушак зўриқишининг катталиги хизмат қиласи; тезкорликнинг ўлчами – мушак қисқаришлари тезлиги, унинг яширин даври, шунингдек, муайян масофа кесмасида ҳаракатланиш тезлиги; чидамкорликники – мушак иши-

нинг бажарилиш давомийлигидир. Периферик харакат аппарати, ички органлар фаолиятининг ҳолати, биокимёвий жараёнлар ҳар бир жисмоний сифатнинг намоён бўлишида ўзига хос хусусиятларга эга бўлади. Жисмоний сифатларнинг такомиллашувида онгли иродавий назорат катта аҳамият касб этади. Маълумки, тезлик чидамлилигининг намоён бўлиши билан боғлиқ иш жараёнида танг ҳолатни енгиб ўтиш малакаси 400-1500 м га югуришдаги муваффакиятни жиддий даражада олдиндан белгилаб беради.

Жисмоний сифатларни ривожлантиришнинг тузилишга хос асослари таянч – харакат аппарати, марказий ва периферик асаб тизими, ички аъзолардаги ижобий морфологик ҳамда биокимёвий ўзгаришлар билан боғлиқ. Демак, жисмоний сифатларнинг ривожланиш даражаси соматик ҳамда вегетатив фаолиятларнинг муовфикалигига тўғридан – тўғри алоқадор экан.

**Чидамлилик.** Умумий чидамлилик кенг мушак гурухларининг иштироки билан кечадиган аэроб хусусиятли мушак фаолиятини узоқ муддат давомида бажариш қобилиятидир (масалан, югуриш, чангидаги ҳаракатланиш, сузиш кабилар). Умумий чидамлиликнинг ривожланиш даражаси асаб ва эндокрин тизимларининг функционал имкониятлари, юрак унумдорлиги, ҳаракат ҳамда вегетатив аппаратлар ишининг созланганлиги билан белгиланади.

Мактабгача ёшдаёқ болалар чидамлиликни ривожлантиришга йўналтирилган аэроб хусусиятли нисбатан узоқ муддатли ишларни бажариш қобилиятига эга бўладилар. 5-6 ёшли болалар бир дарс давомида 1,5 км масофани, бир йил мунтазам шуғулланганда эса 2,5 км гача масофани югуриб босиб ўта оладилар.

Кичик мактаб ёшида аэроб йўналишдаги юкламалар афзалроқ саналади. Улар юрак қон томир ва нафас тизимларининг мақбул тарзда ишлаши учун шароит яратади. Бундай машқларнинг самарадорлиги машғулотларнинг дастлабки йилларида юқори шиддатли маҳсус юкламалар бериладиган вақтдагидан паст бўлмайди. Демак, паст шиддатли аэроб юкламаларни кўллаш билан физиологик фаолиятларнинг ҳаддан зиёд зўриқишига олиб келадиган ўта шиддатли юкламалар ёрдамида эришиладиган натижаларга организм учун мақбул воситалар ёрдамида ҳам эришиш мумкин. Чидамлиликни ривожлантирадиган суст шиддатли машқлар таъсирига, айниқса, 8-10 ёшли болалар сезгир бўлади. 12 дан 15 ёшгача бу

машқларнинг самадорлиги камайиб, чидамлилик барқарорлашади ёки бирмунча пасаяди.

Болалар ва ўсмирлар чидамлилигини ривожлантирувчи физиологик жиҳатдан асосланган воситалар сирасига организмнинг аэроб унумдорлигини оширувчи циклик машқларнинг ҳар хил турлари киради. Бу жиҳатдан давомийлиги аста-секин ошириб бориладиган мўътадил кувватли (максималнинг тахминан 60% и чегарасида) бир меъёрли югуришнинг бошқа машқларга нисбатан афзал эканлиги маълум бўлди. Шу мақсадда машғулотларга характератли ўйинлар ва ўйин машқларини киритиш тавсия этилади.

Максималнинг 75% даражасидаги тезлик билан юриш давомийлиги бўйича тестлар ўтказилганда, ўғил болаларда 13-14 ёшда, кизларда эса 10-13 ёшда чидамлиликнинг энг катта ўсиши кузатилиди. Ўсмирлик даврида паст шиддатли югуриш билан бир қаторда тезлиги ўзгарувчан югуриш, 400-500м га (ўғил болалар учун) ва 200-300м га (қиз болалар учун) тез суръатли югуриш қўлланилади. Югуришнинг ҳафталик ҳажми 35-45 км гача оширилади.

Болалик ва ўсмирлик ўшларида умумий чидамлиликни ривожлантиришга йўналтирилган жисмоний машқларга қўйиладиган асосий талаб – юқори хиссий кўтаринкилик заминида машғулотларнинг юмшоқ, эҳтиётловчи режимини яратишидир. Бу талабнинг бажарилиши ёш спортчиларда машғулотларга бўлган қизиқишини қўллаб-куватлаш ҳамда кейинги ихтисослашув учун шароитни юзага келтиришнинг зарур шарти ҳисобланади. Ўсмирлик давригача мактаб спорт тўғараклари шароитида маҳсус чидамлиликни тарбиялаш учун физиологик пойдевор пайдо бўлади.

Чидамлиликни ўстиришга қаратилган жисмоний юкламаларга ўртacha жисмоний ривожланиш даражасига эга бўлган болалар ва ўсмирлар тезроқ мослашадилар. Жисмоний ривожланиш даражаси юқори бўлган мактаб ўкувчиларида тезлик ва тезкорлик – куч машқларини бажариш чоғидаги ишчанлик уларнинг жисмоний ривожланиш даражаси ўртacha ёки паст бўлган tengdoшларидағига нисбатан юқорироқ бўлади. Жисмоний ривожланиш кўрсаткичлари паст бўлган болалар ва ўсмирлар умумий чидамлиликда бўлганидек, маҳсус чидамлилик жиҳатидан ҳам tengdoшларидан анча орқада бўладилар. Жисмоний ишчанлик қобилиятининг энг мақбул кўрсаткичлари нуктаи назаридан жисмоний ривожи ўртacha бўлган болалар ажралиб турадилар. Жисмоний ривожланиш кўрсаткичлари

паст ёки ўта юқори бўлғанларда юрак – қон томир тизими, таянч-харакат аппаратига хос функционал носозликлар кўпроқ учрайди. Спорт билан мунтазам шуғулланишнинг алоҳида жисмоний ривожланиш кўрсаткичларига таъсири доим ҳам бир хил эмас. Лекин, шубҳасиз, жисмоний машқлар организмнинг шакллари ва фаолиятини такомиллаштиришга ёрдам беради.

**Тезкорлик.** Тезкорлик инсоннинг ташки таъсирларга бир зумда жавоб қайтариш ҳамда тез ҳаракатлар бажара олиш қобилиятидир. Спорт амалиётида тезкорлик тезлик – куч сифатларининг ўзига хос шаклларида намоён бўлади. Асад жараёнларининг ҳаракатчанлиги, мушакка берилган асад импульсининг амалга ошиш тезлиги ва самарадорлиги тезкорликнинг физиологик шартлари саналади. Тезкорлик сифатининг намоён бўлиши АТФ қисқаришлар қувват манбайнинг ресинтезини таъминловчи биокимёвий реакциялар тезлигига ҳам боғлиқ. Катта тезлик билан ҳаракатланишда инсоннинг фақат функционал хусусиятлари эмас, морфологик сифатлари: бўйи, тана оғирлиги ҳам катта аҳамиятга эга.

Тезкорликни тарбиялашда қўлланиладиган жисмоний машқлар тузилишига кўра маҳсус ҳаракат кўнникмаларига яқин бўлиши лозим. Бошқача айтганда, спорт ихтисослашуви доирасида тезкорликни ривожлантириш учун самарали воситалар сифатида техник жиҳатдан мукаммал ҳаракат шаклларини тилга олиш зарур бўлиб, улар максимал тезликда бажарилиши мумкин. Ҳар бир машқнинг давомийлиги шундай бўлиши керакки, охирига бориб унинг тезлиги пасаймасин. Тезлик пасайгач, машқни тақроран бажариш ўз маънносини йўқотади: тезлик кўтарилмайди. Толиқиши асоратлари бўлган ҳолда тезлик машқларини тақрорлаш тезлик чидамлилигини ривожлантириш воситаси саналади. Болалик ва ўсмирлик даврида тезкорликни тарбиялаш воситалари турлича. Булар юқори тезликда бажариладиган умумривожлантирувчи машқлар, ўйинлар, ўйин машқлари, қисқа масофаларга югуриш ва бошқалар.

Кичик мактаб ёшидаги болаларда 15м дан 30м гача бўлган масофаларга толиқтирмайдиган қисқа муддатли тез югуриш тезлик-куч сифатларини ривожлантирувчи самарали восита ҳисобланади. Бу воситадан фойдаланганда, риоя қилиш зарур бўган асосий шартлар – югуришнинг табиий шаклларидан узоқ бўлган юқори суръатли ҳаракатларни амалга ошириш, юқори ҳиссий кўтарикиликини пайдо қилиш. 10-11 ёшли ўкувчиларда тезкор фаолиятни

бир неча бор бажариш (қисқа масофаларга тақроран югуриш) қобиiliyati кучаяди. 13-14 ёшли ўсмиrlарда югуриш тезлиги ва тана узунлиги орасида чамбарас алоқа кузатилади: баланд бўйли ўсмиrlар паст бўйли тенгдошлари олдида шубҳасиз устунликка эга. 10-11 ёшли болаларда бундай боғлиқлик йўқ: баланд бўйлилар ҳам, паст бўйлилар ҳам бир хил тезликда югурадилар. Демак, жисмоний етилиш даврида тезлик сифатлари намоён бўлишида бундай етилиш даражаси ҳамда у билан боғлиқ жисмоний ривожланиш савияси ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Мактаб ёшидаги болалар қисқа муддатли тезлик – куч юкламаларига яхши чидайдилар. Улар билан машғулот ўтказганда, сакраш, акробатика машқлари, гимнастика, снарядлардаги динамик машқлар кенг қўлланилади.

Шу билан бирга, болалар нафасини қатъий назорат қилган ҳолда турғун вазиятларни сақлаб туришни билишлари керак. Машқларни бажаришда тўғри ҳолатни тутиб туриш эҳтиёжи туфайли турғунлик машқларини қўллаш зарурияти юзага келади. Бу ёнда қад-қоматни шакллантириш учун турғунлик машқларининг ўзига хос ўрни бор. Қад-қомат орқадаги мушакларнинг турғунлик чидамилилиги билан чамбарчас боғлиқ. Шунинг учун уни ривожлентириш комат бузилишининг олдини оладиган восита ҳисобланади.

11-12 ёшли болаларда тезлик – куч сифатларининг шиддатли ўсиши кузатилади. Тезлик – куч сифатларини ривожлентиришда портлаш хусусиятига эга бўлган динамик машқларга устунлик берилади. Чукурликка сакрашдан сўнг юкорига сакраб чиқишнинг самарадорлиги жуда юкори. 12-14 ёшлар орасида асосан тезлик – куч сифатларининг ривожланиши ҳисобига ҳаракатланиш тезлиги ҳам жадал суръатлар билан ўсиб боради. Шунинг учун тезлик – куч машқларидан кенг фойдаланиш мазкур сифатнинг кучайишига кулаги шароит яратади.

Ўсмиrlик даврида тез югуриш технологиясини ўрганиш учун физиологик имкониятлар пайдо бўлади. Тезкорликни ривожлентириш воситалари сирасига имкон чегарасидаги ёки чегара олди тезлик билан 20 м дан 60 м гача югуриш, майдо қадамлаб югуриб, кейин тезлашиш, шунингдек, мушакларнинг зўрикишига кўра бир-бирига зид машқлар киради. 14-15 ёшларга бориб, тезкорлик асосидаги ёш билан боғлиқ функционал ва морфологик қайта куришларнинг суръатлари сусаяди. Шу сабабли тезлик ва тезлик-куч машқларининг самарадорлиги ҳам пасаяди. 15 ёшдан кейин фа-

кат машқлар ёрдамидагина тезлик – куч сифатларининг ижобий ўзгаришларига эришиш мумкин.

**Mushak kuchi.** Мушак кучи мушакнинг зўриқиши даражаси, шунингдек, ташки қаршилик ёки оғирликка қарши ҳаракатлар катталиги билан тавсифланади. Мушак кучиниг морфологик асоси мушак толасидаги қисқартирувчи оқсил миқдори, мушак толаларининг йўғонлиги ҳисобланади. Куч сифатининг максимал намоён бўлишида натижага руҳий ҳозирлик кўриш, иродада ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Мушак кучининг намоён бўлиши, шунингдек, мушак толаларининг тезкор ёки суст турига ҳам боғлиқ. Агар мушакларда тезкор толалар кўпроқ бўлса, инсон юқори суръатли тезлик – куч ҳаракатларида максимал кувватни ривожлантиришга, портлаш хусусиятига эга бўлган фаолиятни бажаришга қодир бўлади. Суст мотор бирликларининг кўпроқ бўлиши узоқ муддат мобайнида мушак зўрикишини сақлаб туриш имконини беради. Бундай кишиларда куч чидамлилиги портлаш типидаги кишиларнига қараганда анча баланд бўлади.

Мунтазам машғулотларда максимал мушак кучи мушакларнинг мутлақ (анатомик) кўндаланг ўлчами ўсишига, шунингдек, фаолиятга жалб қилинган асад – мушак (мотор) бирликларининг сафарбар этиладиган физиологик захиралари ҳисобига ортиб боради. Турли оғирликлар (максимал, катта, ўрта, кичик) билан ишлашнинг динамик режимида ривожлантириладиган зўриқиши максималдан камроқ бўлади. Демак, динамик кучнинг мутлоқ қийматлари уни ўлчаш мумкин бўлган шароитларда хар доим максималдан бирмунча кичикроқ бўлади.

Асад – мушак бирликлари максимал миқдорининг ишчи ҳолатини таъминлаш учун чегаравий ёки чегара олди даражасидаги оғирликлар зарур. Улар кучни нисбатан кам қувват сарфлаб ривожлантириш учун шароит яратади. Чегаравий бўлмаган оғирликлардан фойдаланиш мушак кучини оширишда у қадар самарали эмас, бироқ улар мушак массасини ўстириш учун қулай имконият туғдиради. Ёш спортчи иродасининг максимал даражада намоён этилиши талаб қилинадиган мусобақа вазиятлари максимал кучнинг ривожланишида катта натижага беради, аммо бу ўта кескир куролдан унинг тайёрлигини қатъий индивидуаллаштириб баҳолашда фойдаланиш керак. Кичик оғирликлар (максимал вазннинг 10% дан кам) кучни

ривожлантиришда мақсадға мувофиқ әмас. Улар мушак кучини ортиши учун зарур шароит яратмайды, бу ҳолатда мейёридан ортиқ тикланиш таъсири (эффекті) жуда кичик.

Кучни ривожлантириш учун қулай морфологик ҳамда функционал шароит 9-10 ёшларда юзага келади. Ұғил болаларда динамик күч машқларига юқори сезгирилк 2 даврдан иборат бўлади: 9 ёшдан 10-12 ёшгача ва 14 дан 17 ёшгача. Қиз болаларда 11 ёшга келиб күч чидамлилиги 15-16 ёшли қизларнинг кўрсаткичларига етиб олади. 7-10 ёшли ўқувчиларда турғун кучланишлар толиқишининг тез ривожланиши билан кечади.

Мактабларда 5-8 - синфларнинг жисмоний тарбия дарсларида кичик оғирликлар (1-2 кг) билан динамик күч машқлари, арқонга чиқиш, юқ ташиш, чўян тўп иргитиш кабилардан муваффақият билан фойдаланилмоқда. 15-16 ёшда күч чидамлилигининг ортиши муносабати билан 2-3 кг ли оғирликлар билан ўтказиладиган машқлар сони кўпаяди, арқонга вақтга қараб чиқиш, кураш элементлари қўлланилади. Бу ёшдаги қизларда күч машқлари нисбий мушак кучининг камайиши туфайли чегараланади. Ўсмирлар билан ўтиладиган машғулотларда турғун вазиятларни, дастлабки ҳолатларни, осилиб, таяниб туришларни талаб этувчи машқлардан фойдаланиш лозим.

Болаларни максимал кучнинг намойиш этилиши билан боғлик спорт турларига эрта жалб этиш ўзини оқламайди.

**Эпчиллик ва эгилувчанлик.** Эпчиллик мувофиқлаш нұқтаи назаридан мураккаб ҳаракатларни бажариш, уларни тез ўзлаштириш, юзага келган вазиятга қараб ҳаракатларни ўзгартира олиш қобилияти билан тавсифланади. Эпчилликни ривожлантириш учун ҳаракатларни фақат оқилона ва тез ўзлаштириш әмас, уларни ўзгарувчан вазиятларда мақсадға мувофиқ тарзда қўллаш каби усууллар физиологик асосланган саналади. Кичик мактаб ёшидаги болаларда бунинг учун ҳаракатли ўйинлар, спорт ўйинлари элементлари (масалан, мини-футбол), ўйин машқлар, эстафетадан фойдаланилади.

Эпчилликни тарбиялашда ҳаракат кўникмалари заҳирасини муттасил янгилаб туришга алоҳида эътибор бериш керак. Бу янги ҳаракатларнинг шаклланишида мия пўстлоғи “ижодий” фооллигининг юқори даражасини таъминлайди. Ўсмирлик даврида асосан алоҳида спорт турларига хос бўлган жисмоний машқлар эпчил-

ликни тарбиялаш воситалари саналади. Масалан, баскетболда эпчиликни тарбиялаш учун спортчини техник усуллар ҳамда тактик ҳаракатлар билан яхши “куроллантириш” керак.

Бироқ маълум даражада умумий хусусиятларга эга бўлган эпчиликни тарбиялаш усуллари ҳам бор. Масалан, бўшашиб малакаси барчага зарур сифат – эпчиликнинг намоён бўлиш шарти саналади. Кутимаган кўзгатувчи учун жавоб таъсирига сарфланадиган вақт вазият ўзгарганда ҳаракатлар тезкорлигини ифодалайди. Тўсатдан берилган сигналга ҳаракат жавобини рағбатлантириш йўли билан мақсадли равишда уни қисқартириш эпчиликни тарбиялашнинг физиологик асосланган усули ҳисобланади.

Эпчиликни тарбиялашда маконда мўлжал олишни, шунингдек, ҳаракатнинг маконий ва вақт билан боғлиқ хусусиятларини таҳлил этишни такомиллаштириш муҳим аҳамиятга эга бўлади. Эпчиликни ривожлантириш усули ҳамда ўзига хос таъсир сифатида берилган баландликка юқорига сакраш, турган жойдан узунликка (муайян шартлар билан чегаралаб) сакраш, “бумеранг” ҳамда “слалом” типида югуриш (мураккаб шакллар тизимида) каби машқлар қўлланилади. Эпчиликни мажмуали тарзда ривожлантиришнинг энг самарали воситалари спорт ва ҳаракатли ўйинлардир. Уларда бу сифатни такомиллаштирувчи элементлар энг мутаносиб тарзда жамланган.

Эгилувчанлик бўғимлар ҳаракатчанлиги даражасини кўрсатади. Ҳаракатчанликнинг микдорий ифодаси – ҳаракатлар амплитудаси. Эгилувчанлик улоктиришларда, айрим сакраш турларида, гимнастик ҳамда акробатик машқларда, янги ҳаракат шаклларини янада самарали эгаллашда шиддат натижаларининг кўтарилишига қўмаклашади.

Кичик мактаб ёшида эгилувчанликни шакллантириш учун қулай шароит мавжуд. Бу, энг аввало, таянч – ҳаракат аппаратининг морфологик хусусиятларига боғлиқ ва мушакларнинг юқори чўзилувчанлиги, умуртқа поғонасининг ҳаракатчанлиги демақдир. 7-10 ёшли болаларда эгилувчанликнинг ривожланиш суръатлари табиий равишда жуда юқори эканлиги кузатилади. 11-13 ёшли қизларда ва 13-15 ёшли ўғил болаларда фаол эгилувчанлик максимал катталикларга эришади.

7 дан 10 ёшгача бўлган давр ҳаракатлар эпчилигининг ривожланиш суръатлари юқорилиги билан тавсифланади. Бунга

МАТ нинг (марказий асаб тизими) мослашувчанлиги, харакат анализаторининг шиддатли такомиллашуви ёрдам беради, у хусусан, харакатнинг маконий ҳамда вақт хусусиятларида ифодаланади.

Мактабдаги жисмоний тарбия дарсида юзага келган ўйин вазиятига қараб фаолиятни қўққисдан ўзгартириши талаб қиласиган ўйинларни қўллаш, турли аңжомлар билан машқлар бажариш, шунингдек, тананинг алоҳида қисмлари билан мувофиқлашган ҳаракатларни бажариш каби мураккаблаштирилган топшириклар бериш эпчилик сифатининг такомиллашувига ёрдам беради.

Ўсмирлик даврида эгилувчанликни такомиллаштириш учун чўзилишга оид маҳсус машқлар, тўла амплитудали ва шерик билан бажариладиган машқлар кўп қўлланилади. Бу ёшда маълум спорт турига хос жисмоний машқлар эгилувчанликни тарбиялашнинг асосий воситалари саналади.

Жуда эрта гўдаклик давриданоқ тўғри қад – қоматни тарбиялашга катта аҳамият бериш керак. Физиологик жиҳатдан тўғри қомат нафас олиш, қон айланиш, овқат ҳазм қилиш тизимлари, таянч-харакат аппаратининг энг мақбул фаолиятини таъминлайди. Тўғри қомат ҳаракатлар мувофиқлигини енгиллаштиради. Кўпгина спорт машқларини (масалан, гимнастикада) нотўғри ривожланган қомат билан бажариб бўлмайди.

Тўғри қоматни шакллантириш учун унинг бузилиши олдини оладиган чораларни қўллаш зарур. Булар қаторига, энг аввало, бир турли, узоқ муддат сақлаб туриладиган вазиятларга барҳам бериш, бир кўлда юқ кўтармаслик, юмшоқ ўринда ухламаслик кабилар киради.

Қомат бузилганда, умуртқа бурмаларининг шакли ўзгаради, бош эгилиб, елкалар бир-бирига яқинлашади. Куракларнинг асимметриклиги кўзга ташланади. Нафас олиш, қон айланиши, овқат ҳазм қилиниши, ҳаракатлар мувофиқлиги ва, умуман, ташки кўриниш ёмонлашади.

Қомат бузилишининг энг кенг тарқалган турлари - эгилиб ёки шалвираб юриш ва умуртқанинг қийшайиши. Агар дастлабки икки турда маҳсус таҳрирловчи машқларга ҳожат бўлмаса, умуртқа қийшайишида албатта маҳсус даволовчи жисмоний тарбия билан шугулланиш зарур.

Тўғри қоматни сақлаб туришга йўналтирилган жисмоний машқларни шундай танлаш керакки, бунда бош, елкалар, гавданинг ҳолати тўғри бўлиши, гавда ва бўйин, қўл-оёқ мушакларининг кучини ривожлантириш лозим. Бошда ҳар хил буюмларни тутиб туриш, таянч юзасини кичрайтирган ҳолда машқлар бажариш, мувофиқлашни тўғри ушлаш, тургунлик машқлари тўғри қомат рефлексини мустаҳкамлашга кўмаклашади. Машқларни бажараётганда доимо тана ҳолатини таҳир қилиш, болада тўғри қомат (айниқса, унинг бузилиши билан юзага келадиган нохуш асоратлар) тўғрисида аниқ тасаввурлар ҳосил қилиш, қоматни нотўғри тутиб туришдан ноқулайлик ҳис этишга ўргатиш керак. Бу ўтирганда ҳам, юрганда ҳам, жисмоний машқлар билан шуғулланганда ҳам тўғри ҳолатни сақлашга имкон беради.

Қоматни мунтазам назорат қилиб боришни, уй вазифаси учун машқларни тўғри танлашни жисмоний тарбия ўқитувчиси амалга ошириши лозим.

Тўғри қоматни шакллантирувчи ҳамда таҳирловчи машқларни бажариш жисмоний тарбия дарслари вақтида ҳам, уйдаги мустақил машғулотларда ҳам ўқувчиларнинг эҳтиёжига айланиши зарур.

Ёшлик давридаги жисмоний тайёргарлик таркибига тўғри қад-қоматни, ҳаракат кўнималарини шакллантириш, ҳар томонлама жисмоний ривожланиш, техник ҳаракатларни ўзгартириш учун зарур бўлган жисмоний сифатларни ривожлантириш ва бошқалар киради.

12-14 ёшларда тезкорлик, эпчиллик ҳамда эгилувчанликни ривожлантириш мақсадга мувофиқдир. 15-16 ёшли ўсмирларда куч ривожланиб, тезлик-куч машқларини бажариш қобилиятлари пайдо бўла бошлайди. 16-18 ёшларда куч ва тезликни талаб этувчи машқларни ўзлаштириш осон бўлади. Чидамлиликни такомиллаштириш учун шароит пайдо бўлади. Чидамлиликни бошқа жисмоний сифатлар билан бир вақтнинг ўзида ривожлантириш керак. Профессор В.П.Филин (1980) “Бу ёшда чидамлиликка қаратилган узок муддатли ва бир томонлама машғулотларда ёшларга хос бўлган тезлик юкламаларига мосланганлик даражаси пасаяди”, - деб огохлантирган эди.

12-15 ёшларда кучни ривожлантириш, асосан, шуғулланувчинг ўз тана массаси, тўлдирма тўплар, гантеллар, гимнастика

снарядларида бажариладиган машқлар ёрдамида амалга оширилади. Оғирликлар сифатида ҳар хил оғирликдаги тошлар ҳамда штанга қўлланилади.

Профессор В.П.Филиннинг тадқиқотлари шуни кўрсатдики, 13 ёшдан бошлаб бўғимлардаги харакатчанлиқда ўсиш бошланади, 15 ёшда у энг юқори даражага эришади, 16-17 ёшларда кўрсат-кичлар пасаяди. Шунга кўра, ўспиринлик даврида эгилувчанлик ва бўғимлардаги харакатчанлиқни оширадиган машқларни қўллаш шарт.

12-13 ёшларда эгилувчанлик ҳамда бўғимлардаги харакатчан-лиқни анжомларсиз ва кичик оғирликдаги анжомлар (гимнастика таёғи, гантеллар, тўлдирма тўплар) ёки шерик билан ўтказиладиган, таъсирни кучайтирувчи ва шу тариқа аста – секин харакатлар амп-литудасини ошириб борадиган фаол – суст хусусиятли машқлар ри-вожлантиради. Шунингдек, катталарга караганда кўпроқ қоматни шакллантирувчи машқлар қўлланилади.

Шундай килиб, турли – туман воситалар ҳар томонлама жис-моний тайёргарликни таъминлайди.

### **Ўз - ўзини текшириш учун савол ва топшириқлар.**

1. Жисмоний тайёргарлик деганда нима тушунилади?
2. Жисмоний тайёргарликнинг қандай турларини биласиз?
3. “Жисмоний қобилиятлар”, “жисмоний сифатлар” тушунча-ларига тавсиф беринг.
4. Жисмоний қобилиятларнинг ривожланишидаги қандай қо-нуниятларни биласиз?
5. Жисмоний қобилиятни ривожлантириш қонуниятларининг ҳар бирига тавсиф беринг.
6. Жисмоний қобилиятларни ривожлантиришнинг қандай та-мойиллари сизга маълум?
7. Жисмоний сифатларни ривожлантириш тамойилларининг ҳар бирига тавсиф беринг.
8. Жисмоний сифатларни ривожлантиришнинг ёш хусусиятлари аҳамиятини очиб беринг.

### **Адабиётлар:**

- 1.Верхушанский Ю.В. Основы специальной физической подготовки спортсмена. – М.: Физкультура и спорт, 1988. – 331 с., ил.
- 2.Волков Л.В. Теория и методика детского и юношеского спорта. Киев: Олимпийская литература, 2002. – 294 с.
- 3.Иванков Ч.Т. Теоретические основы методики физического воспитания. – М.: «Инсан», 2000. – 352 с.
- 4.Керимов Ф.А. Спорт кураши назарияси ва усулияти. – Т.: УзДЖТИ, 2001. – 286 с.
- 5.Курысь В.Н. Основы силовой подготовки юношей. – М.: Советский спорт, 2004. – 264 с.: илл.
- 6.Матвеев Л.П. Основы спортивной тренировки. – М.: Физкультура и спорт, 1977. – 280 с.
- 7.Матвеев Л.П. Основы общей теории спорта и системы подготовки спортсменов. – Киев, 1999.
- 8.Основы теории и методики физической культуры: Учебник для техникумов физ. Культ./ Под ред. А.А. Гужаловского. – М.: Физкультура и спорт, 1986.
- 9.Основы управления подготовкой юных спортсменов/Под общей ред. Проф. М.Я. Набатниковой. – М.: Физкультура и спорт, 1982. – 280 с.
- 10.Платонов В.П. Общая теория подготовки спортсменов в олимпийском спорте. – Киев. Олимпийская литература, 1997. – 584 с.
- 11.Теория и методика физического воспитания: Учебник/Под ред. Т.Ю. Круцевич. – в 2-х томах. – Киев. Олимпийская литература, 2003. – 424 с.
- 12.Теория и методика физической культуры: Учебник/Под ред. Проф. Ю.Ф. Курамшина. – 2-е изд., испр. – М.: Советский спорт, 2004. – 464 с.
- 13.Теория спорта /Под ред. Проф.В.Н. Платонова. – К.: Вища шк., 1987. – 424 с.
- 14.Филин В.П., Фомин Н.А. Основы юношеского спорта. – М.: Физкультура и спорт, 1980. – 255 с., ил.
- 16.Филин В.П. Теория и методика юношеского спорта. – М.: Физкультура и спорт, 1987.

- 17.Фомин Н.А., Вавилов Ю.Н. Физиологические основы двигательной активности. – М.: Физкультура и спорт, 1991. – 224., ил.
- 18.Харре Д. Учение о тренировке. – М.: Физкультура и спорт, 1971. – 328 с.
- 19.Холодов Ж.К., Кузнецов В.С. Теория и методика физического воспитания и спорта: Учебное пособие для студентов высших учебных заведений. – М.: «Академия», 2000. – 480 с.

### **III. БОБ. КУЧ ҚОБИЛИЯТЛАРИ ВА УЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ УСУЛИЯТИ**

#### **3.1. Куч қобилиялари ҳақида тушунча, уларнинг турлари.**

##### **Куч қобилияларининг ривожланиш даражасини ва намоён бўлишини белгиловчи омиллар**

Куч қобилиялари, уларнинг намоён бўлиши организмнинг таъсирланиши натижасида рўй беради, у руҳий, мушак, мотор, вегетатив, гормонал функциялар сифатлари ва организмнинг бошқа физиологик тизимларининг асосида юз беради. Булардан келиб чиқкан ҳолда куч қобилиялари соддалаштирилган «мушаклар кучи» тушунчасига боғлиқ бўлмайди, чунки бу уларнинг факатгина қисқариш хусусиятларининг механик тавсифистикаси бўлар эди холос. Мушак кучи ҳар бир ҳаракат амалининг ривожланувчи таркибий қисмидир. У намоён қилинаётган тезлик, ташки қаршилик ва ишнинг давомийлигига боғлиқ ҳолда сифат тавсифи эга бўлиши мумкин (1 расм).

*Мушак кучи инсоннинг жисмоний имкониятларини тавсифловчи кўрсаткич сифатида – бу мушаклар кучланиши оқибатида ташки қаршиликни енгиз ёки унга қаршилик кўрсатиш қобилиятидир.*

Куч қобилиялари фаол спорт йўналишида ривожланаётган ҳолларда, машғулот самараси максимум сарфланаётган куч ва унинг намоён бўлиш вақтига боғлиқлигини эътиборга олиш лозим. Куч қобилияларини ривожлантиришда машғулот зўриқишини қўллаш технологияси қўйидаги турли имкониятларнинг намоён бўлишига асосланиши мумкин: бир марталик, қайтарма, даврий ёки нодаврий ишда; кичик ёки катта ташки қаршиликка қарши; машғулот машқларининг жадал ёки суст тезлиги; тушакларнинг турли бошлангич – бўшашибган ёки таранглашган ҳолатларидан.

Мушак кучини белгиловчи муҳим жиҳатлардан бири бу *мушакларнинг ишлари тартибидир*. Ҳаракат амалларини бажариш жараёнида мушаклар кучини намоён қилиши мумкин:

♦ ўз узунлигини камайтирганда (енгиб ўтувчи, яъни *миометрик тартиб*, масалан штангани ётган ҳолда кўтариш);

♦ унинг чўзилишида (ён берувчи, яъни *плиометрик тартиб*, масалан елкада ёки кўкракда штанга билан ўтириб туриш);

◆ узунлигини ўзгартирмасдан (ушлаб турувчи, яни изометрик тартиб, масалан 4-6 с давомида эгилган ҳолда чўзилган қўлларда гантелларни ушлаб туриш);

◆ узунликнинг ўзгариши ва мушакларнинг таранглашуви (аралаш, яни *ауксомоник тартиб*, масалан, ҳалқаларга тиralган ҳолда кўтарилиш, тиralган ҳолда кўлларни чўзиш («крест») ва «крест»ни ушлаб туриш).

Биринчи иккита тартиб мушакларнинг динамик, учинчиси – статик, тўртинчиси – статодинамик ишига тааллуқлидир. Мушак ишларининг бу тартиблари «динамик куч» ва «статик куч» атамаслари билан белгиланади.

Кучнинг энг юқори катталиги кўнувчи ишлашда намоён бўлади, айрим ҳолларда изометрик кўрсаткичлардан икки баравар юқори бўлади.

Мушаклар ишлатилишининг ҳар қайси тартибида куч секин ва тез намоён бўлиши мумкин. Бу уларнинг ишлаш тавсифидир. Кўнувчи тартибда ҳар хил ҳаракатларда намоён бўладиган куч ҳаракат тезлигига боғлиқ ва тезлик катта бўлган сари куч ҳам катта бўлади.

Изометрик шароитларда куч нолга teng. Бундаги куч плиометрик тартибидаги куч катталигидан анча камроқ. Мушак-лар статик ва кўнувчи тартибларга нисбатан камроқ кучни енгувчи тартибда ривожлантиради. Ҳаракатлар тезлигининг кучайиши билан намоён бўлаётган кучнинг катталиги камаяди.

Суст ҳаракатларда, яни ҳаракат тезлиги нолга яқин келса, изометрик шароитларда куч катталиги куч кўрсаткичларидан фарқ қилмайди.

Баъзи вақтларда ишлашнинг изометрик тартиби ён берувчи ҳаракатларда мушаклар узунлигини зўрлаб узайтириш ҳоллари кузатилади. Бу масалан, амортизацион босқичларда юқори баландликдан ерга сакраганда, ҳамда тушаётган жисмнинг кинестик қувватини учирish зарур бўлган бошқа сакрашларда намоён бўлади.

Ён берувчи тартиб доирасида мушаклар узунлигини зўрлаб узайтириш ҳолларида ишлашнинг изометрик тартибида намоён бўладиган кучдан анча каттароқ (1,5-2) куч намоён бўлиши мумкин.

Енгувчи тартибда мушак кучларининг намоён қилиш имкониятлари изометрик ва кўнувчи тартибларга кўра камроқдир. Шуни ёдда саклаш лозимки, мушаклар кискаришининг тезлиги

канча катта бўлса, камроқ намоён бўладиган ва аксинча яъни намоён бўлаётган куч ҳамда мушакларнинг қисқариши кучи ўртасида тескари пропорционал боғлиқлик бўлади.

Кучни ривожлантириш технологиясида изометрик шароитларда намоён бўладига максимал куч ҳамда оғирликлар билан ўтказиладиган машқлардаги куч ва тезлик ўртасидаги муносабатларнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олиш лозим. Куйидаги коида мавжуд – юклатилмаган мушак, максимал тезлик билан қисқаради. Агар оғирлик ёки қаршилик кучи аста-секин катталашса, катталашувига мос ҳолда (оғирлик массаси ёки қаршилик катталиги бўлишидан қатъий назар) мушаклар кучи ўсади, лекин маълум бир вақтгача. Бу ҳолат оғирлик ёки қаршилик катталашганда ишлаб турган мушакларнинг кучини кўпайтирмай қолганда келади.

Мисол тариқасида резина копток ва 0,5-1 кг.ли темир шарни келтиришимиз мумкин. Резина коптокни отишдаги куч темир шарни отишдаги кучдан камроқ бўлади. Копток оғирлигини астасекин оғирлаштириб борища жисмга таъсир қиладиган куч копток оғирлигига боғлиқ бўлмай қолади ва бўғимлардаги изометрик куч ривожланиши даражаси билан белгиланадиган пайт келади.

Мушаклар ишлашининг изотопик тартиби доимий кучланиш ёки ташки юклама таъсирида мушакнинг қисқариши билан тавсифланади. Бу тартибда, юклама қанча кам бўлса, мушак қисқаришининг тезлиги кўпроқ бўлади ёки акси бўлиши мумкин.

Бу тартиб ташки қаршиликни енгиш бўйича машқлар учун хосдир (гантеллар, штангалар, қадоқдошлар, блок курилмалардаги оғирликлар).

Изотоник тартибдаги машқларнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, снарядга қўйиладиган куч катталиги траектория бўйича ўзгаради.

Ташки оғирлик билан амалга ошириладиган машқларни бажаришда шуни унутмаслик керакки, юқори тезлик билан гантел ёки штангада бажариладиган машқларда ҳаракат бошидаги мушакнинг максимал кучайиши снарядга тезлик беради. Кейинги иш эса асосан снаряд ҳаракатининг пайдо бўлган инерцияси фонида бажарилади. Шу муносабат билан оғирлаштиришнинг бундай туридаги теридаги машқлар тезлик, динамик кучни ривожлантириш учун кутилаётган самарани бермайди. Агар бу машқлар бир маромда секин ёки ўрта суръатда бажарилса, шунингдек оғирлик миқдори

инобатга олинса, мушак массасининг максимал кучи ва ўсиши самарали ривожланади. Умуман олганда, гантеллар ва штангалар билан бажариладиган машқлар ҳаммага қулай бўлганлиги учун уларни бажариш осон, шу жумладан умумий жисмоний ривожла-нишга жуда фойдали

Берилган режимларга ва мушак фаолиятининг хусусиятига мос равишда инсоннинг куч қобилияtlари икки турга ажратилади;

1. Статик ва суст ҳаракатлар шароитларида намоён бўладиган **шахсий куч** қобилияtlари.

2. Енгувчи ва ён берувчи хусусиятли тез ҳаракатларни бажаришда ёки кўнувчи ишдан енгувчи ишга тез ўтишда намоён бўладиган **тезлик – куч** қобилияtlари.

Инсоннинг шахсий **куч қобилияtlари** маълум бир вақт давомида меъёрга етган оғирликни мушакларнинг максимал кучайиши билан ушлаб туришда (ишнинг статик хусусияти) ёки катта оғирликдаги жисмларни силжитишда намоён бўлади.

Охирги ҳолда тезликнинг деярли аҳамияти йўқ, ҳаракатлар эса максимал даражага етади. (ишнинг хусусияти спорт атамасологияси бўйича суст, динамик). Ишнинг бу хусусиятига мос равишда мушак кучи **статик ва суст динамик** бўлиши мумкин.

**Тезлик-куч қобилияtlари** куч билан бир қаторда ҳаракат тезлиги хам зарур бўлган ҳолатларда намоён бўлади.

Бунда, ташки оғирлаштириш қанча юқори бўлса, ҳаракат кучли тавсифга эга бўлади, оғирлик қанча кам бўлса, ҳаракат шунча тез бўлади.

Тезлик – куч қобилияtlарининг намоён бўлиш шакллари у ёки бу ҳаракатдаги мушак кучайишининг тавсифига боғлиқ. Бу ҳаракет ҳар-хил ҳаракатлардаги қувват кучайишида, уни катталигига ва давомийлигини ривожлантириш тезлигига намоён бўлади.

Тезлик – куч қобилияtlарининг муҳим тури «портлаш» кучидир. **«Портлаш» кучи** – кучнинг юқори кўрсаткичларини кам вақт ичида намоён этиш қобилияtlаридир.

У спринтер югуришдаги стартда, отишларда, боксда ва бошқа турларда аҳамияти катта.

Кўриниб турибидики, спорт устасида нафақат куч намоён бўлишининг юқори даражаси мавжуд бўлиб, балки энг муҳими, у кучнинг максимал катталигига жуда қисқа вақт ичида эришади.

Портлаш ҳаракатининг таркибий қисмлари учта бўлиб, асабмушак фаолиятининг қуидаги хусусиятлари билан белгиланади:

Мушакларнинг максимал кучи, мушаклар кучайишининг бошланишида ташқи ҳаракатни тез намойиш этиш қобилияти (старт кучи), кўзгалаётган массасининг тезлашуви жараёнида ишчи ҳаракатни ўстириш қобилияти – тезлаштирувчи куч. Аниқланганидек, бу хусусиятлар у ёки бу даражада ҳар бир инсонга унинг ёши, жинси, спорт билан шуғулланиши, ҳаракат фаолиятининг туридан қатъий назар тааллуклидир.

«Портлаш» кучининг ривожланиш даражасини қуидаги формула ёрдамида ҳисобланадиган тезлик – куч индекси ёрдамида аниқлаш мумкин:

$$J=F \max / t \max,$$

Бунда  $J$ - тезлик-куч индекси;

$F$  max-берилган ҳаракатда кўрсатилган кучнинг максимал кўрсаткичи;

$t$  max-максимал кучга эришиш вақти.

Кучни бирданига намоён этиш мумкин эмас. Максимал кучни кўрсатиш учун мушакларга вақт керак. Аниқланганидек, таҳдақан ҳаракат бошланишидан 0,3 сония ўтгандан сўнг мушак максимум 90% га teng кучни намоён этади. Шу билан бирга спортда 0,3 сониядан камроқ вақтда бажарадиган ҳаракатлар кўп. Масалан, энг кучли спринтерларда югуриш олдиаги итарилишга 100-60 мс, узунликка сакрашда 150мс «фосбюри-флоп» усулида баландликка сакрашда 180мс, чанғи трамплинида 200-180мс, найзани отишка таҳдақан 150мс .

Бу ҳолларда инсон максимал кучни кўрсатишга улгурмайди. Шунинг учун куч қобилияtlарини етакчи омили намоён бўлаётган кучнинг катталиги эмас, балки унинг ўсиш тезлиги, яъни куч градиентидир.

Спортчиларнинг малакаси ошгани сари найзани отишдаги ҳаракатларда, ядрони итаришда, югуришда, сакрашдаги итарилишларга сарф этиладиган вақт камайиши бунга исбот бўла олади.

Шундай қилиб, тезлик – куч машқларида максимал кучнинг ошиши натижани яхшилашга олиб келмаслиги мумкин. Демак, куч кўрсаткичлари паст, лекин юқори гридиент кўрсаткичларига эга бўлган Спортчилар, каттароқ куч имкониятларига эга бўлган рақибини ютиш мумкин.

Замонавий тадқиқотлар натижасида куч қобилиятларининг яна бир намоён бўлиши кузатилади ва мушакларнинг қайишқоқ деформация энергиясини тўплаш ҳамда қўллаш қобилияти «реактив қобилият» деб номланади. Бу қобилият мушакларнинг интенсив механик чўзилишидан кейин, яъни уларнинг динамик юкламаси максимал ривожланаётган шароитларда кўнувчи ишдан енгувчига тез ўтишдаги кучли ҳаракат пайдо бўлиши билан тавсифланади.

Дастлабки чўзилиш мушакларнинг қайишқоқ деформациясини келтириб чиқаради ва уларда маълум кучланиш потенциалини (нометаболик энергия) тўплашни таъминлайди.

Аниқланганидек, амортизация босқичсида мушаклар чўзилиши қанча кескин бўлса, мушаклар кўнувчи ишлашдан енгувчига ишлашга шунча тез ўтади, уларнинг қискариш кучи ва тезлиги ҳам шунча юқори бўлади. Мушакларнинг кейинги қайишқоқ энергиясини сақлаб қолиш учун, югуришда, сакрашда ва бошқа ҳаракатларда юқори тежамкорлик натижасини таъминлайди.

Масалан, гимнастикачиларда кўнувчи ишдан енгувчига ўтиш вақти сакраш даражаси билан кескин боғлик.

Ижтимоий тарбия амалиётида инсоннинг мутлоқ ва нисбий мушак кучини ҳам фарқлайдилар.

*Мутлоқ куч инсон кучи потенциалини тавсифлайди ва изометрик тартибда чекланмаган вақтда максимал эркин мушак ҳаракатининг катталиги билан ёки кўтарилган юкнинг энг юқори оғирлиги билан ўлчанади.*

**Нисбий куч** мутлоқ куч каттилигининг жисм массасига нисбатан муносабати билан, яъни жисмнинг бир кило оғирлигига тўғри келадиган куч катталиги билан баҳоланади. Бу кўрсаткич ҳар хил вазнданаги инсонларнинг тайёргарлигини тақъослаш учун кулай.

Нисбий куч = Максимал куч  
жисм оғирлиги

Лаппак, босқон улоқтирувчилар ядро итарувчилар, катта вазнданаги штангачилар учун мутлоқ куч кўрсаткичлари катта аҳамиятга эга. Жисм оғирлиги ва куч ўртасида маълум бир боғлиқлик мавжуд: катта вазнданаги инсонлар каттароқ оғирликни кўтаришлари мумкин ва кўпроқ куч кўрсатиш мумкин. Шунинг учун штангачилар, оғир вазн тоифаларидағи курашчилар ўз вазнини кўпайтириш орқали мутлоқ кучини оширишга интиладилар.

Жисмоний машқларнинг кўп қисмига эса мутлоқ куч эмас, нисбий куч кўрсаткичлари муҳимроқдир.

Куч қобилиятларининг ривожланиши ва намоён бўлиши кўп омилларга боғлиқ. Энг аввало, уларга мушаклар жисмоний кўндалангининг катталиги таъсир этади. У қанча қалин бўлса, шунча бошқа тенг шароитларда мушаклар ҳаракатини ривожлантириш мумкин. Мушакларнинг ишчи гипертрофиясида мушак толалари миофибриллари сони ва ҳажми қўпаяди, шунингдек, саркоплазматик оқсилилар концентрацияси ошади. Бунда мушакларнинг ташқи ҳажми кам микдорда катталашиши мумкин, чунки биринчидан, зичлиги катталашади, иккинчидан, машқ қилинаётган мушаклар устидаги тери ёгининг қатлами камаяди.

Инсон кучи *мушак толаларининг* таркибига боғлиқ. «Суст» ва «тез» мушак толалари бир-бири билан фарқланади. «Суст» мушак кучайиши тез толаларга нисбатан уч баробар камроқ тезлик билан кучни ривожлантиради. «Тез» мушак кучайиши асосан, тез ва кучли қисқаришларни амалга оширади. Катта оғирлик ва кам тақрорлашлар сони билан бажариладиган қувват машқлари «тез» мушак толаларини сафарбар қиласди. Кам оғирлик ва кўп сонли тақрорлашлар билан бажариладиган машғулотлар эса ҳам «тез», ҳам «суст» толаларни фаоллаштиради. Жисмнинг турли толаларида «суст» ва «тез» толаларнинг фоизи бир хил эмас ва ҳар хил инсонларда кескин фарқ қиласди. Демак, ирсий нуқтаи назардан уларнинг қувват ишига нисбатан ҳар хил имкониятлари мавжуд.

Мушак қисқаришларига уларнинг эгилувчанлик хусусиётлари, ёпишқоқлиги, анатомик тузилиши, мушак толаларининг тузилиши ва кимёвий таркиби таъсир этади.

Санаб ўтилган омиллар мушак ичидаги мувофиқлашни тавсифлайди. Шу билан бирга куч қобилиятларини намойиш этишда мушаклар ишида қарама – қарши йўналишлардаги ҳаракатни амалга оширадиган синегист ва антогонистларнинг мувофиқлашуви ҳам таъсир этади.

Куч қобилиятларининг намоён бўлиши мушак ишини қувват билан таъминлаш самарадорлигига боғлиқ.

Бунда анаэроб ресинтез АТФ тезлиги ва кучлилиги, креатинфосфат микдори даражаси, мушак ичидаги ферментлар фоллиги ҳамда, қондаги гемоглобин микдори ва мушак тўқимасининг имкониятларида муҳим рол ўйнайди.

Куч дастлабки бадан қиздириш ва МАТ нинг қўзғалишини оптимал даражада кўтариш таъсирида кўпаяди ва аксинча, меъёрдан ортиқ қўзғалиш ва чарчаш мушаклар максимал кучини камайтириш мумкин.

Куч имкониятлари шуғулланаётганларнинг ёши ва жинси шунингдек, яшаш тартиби, ҳаракат фаоллигининг хусусияти, ташқи муҳит шароитларига боғлиқ.

Куч кўрсаткичларининг энг юқори табиий ўсиши ўсмирларда 13-14 ва 16-18 ёшда, қиз болаларда 10-11 ва 16-17 ёшларда кузатилади.

Энг юқори суръат тана ва оёқларни эгувчи йирик мушакларнинг куч кўрсаткичлари кўтарилиди. Кучнинг нисбий кўрсаткичлари эса 9-11 ва 16-17 ёшдаги болаларда бир маромда кўтарилиб боради. Ўғил болаларда куч кўрсаткичлари барча ёш гурухларида қиз болаларга нисбатан юқори. Куч ривожланишининг индивидуал суръатлари балоғатга етиш муддатига боғлиқ. Буларнинг ҳаммасини тайёргарлик усулятида инобатга олиш зарур

### **3.2. Куч қобилиятларининг ривожланиши усулияти.**

#### **Куч қобилиятларини ривожлантириш воситалари.**

Куч қобилиятларини ривожлатиришда қаршилиги юқори бўлган машқлардан фойдаланилади. Қаршилик моҳиятига нисбатан улар уч гурухга ажратилади:

1. *Ташқи қаршилик билан боғлиқ бўлган машқлар.*
2. *Ўз тана оғирлигини енгизи билан боғлиқ бўлган машқлар.*
3. *Изометрик машқлар.*

#### **Ташқи қаршилик билан боғлиқ бўлган машқларга қўйидагилар киради:**

- ♦ оғирликлар билан амалга ошириладиган машқлар (штанга, гантел, тўлдирилма коптоклар, қадоқтошлар), шу жумладан тренажёрлар ҳам. Бу машқлар универсаллиги ва танланиши билан кулади;
- ♦ қайишқоқ жисмлар қашилиги билан бажариладиган машқлар (резина амортизаторлари, жгутлар, эспандерлар, блок қурилмалари ва ҳ.к.)

◆ ташқи мухит қаршилигини енгиш машқлари (тоққа югуриб чиқиши, құмда, қорда, сувда, шамолга қарши югуриш ва х.к.)

Ташқи қаршилик машқлари кучни ривожлантиришнинг энг самарали воситаларидан биридир. Уларни танлаб, юкламани түғри аниқланса, барча мушак гурухларини ва мушакларни ривожлантириши мүмкін.

**Изометрик машқлар** ишлаб турған мушаклар ҳаракат бирликтарининг максимал сонини бирданига кучайтириш имкониятига әга. Улар құйыдагиларга бўлинади:

◆мушакларнинг суст ҳаракатидаги машқлар (кўлларда, елкаларда, белда оғирликни ушлаб туриш) ;

◆маълум вақт давомида ва маълум ҳолатда мушакларнинг фаол кучайишидаги машқлар (ярим букилган оёқларни түғрилаш.)

Нафасни тўхтатиб бажариладиган бундай машқлар организмни кислород бўлмаган жуда қийин шароитларда ишлашга ўргатади. Изометрик машқлар билан ўтказиладиган машғулотлар кам вақт талаб этади ва уларни ўтказиш учун керак бўлган жиҳозлар жуда содда. Улар ёрдамида турли хил мушак гурухларига таъсир этиш мүмкін ва қисқа вақт ичида маҳсус жиҳозлар ёрдамида мухим кучланиш яратиш имконини беради.

### **3.3. Мушаклар ҳақида қисқача маълумотлар.**

**Мушак – анатомик тўқима бўлиб, асаб импульслари таъсирида қисқарадиган, кўндаланг – чиқиши ёки силлиқ мушак тўқимасидан иборат бўлган инсон танасининг органи.**

*Скелет мушаклари – скелет мускуллари – алоҳида бойламлар ташкил қилиб, бириктирувчи тўқималардан юпқа парда билан ўралган. Мушаклар пайлар орқали суюкларга ёпишади ва инсон ҳаракатланишини таъминлайди.*

Тренер, жисмоний тарбия ўқитувчиси ёки спортчи алоҳида мушак гурухларининг жойланиши ва улар ёрдамида бажариладиган ҳаракатларни яхши биладилар. Шунинг учун улар машқ дастурларининг моҳиятини ва мазмунини яхшироқ тушунадилар, мустақил равишида машқлар мажмуасига зарур бўлган машқларни танлаб оладилар ёки бу машғулотларнинг дастурларини мустақил равишида ишлаб чиқа оладилар.

**Бўйин.** Кўкрак – елка – курак мушаклари бўйиннинг олди ва ён томонларида жойлашган ва бошни буришида, эгишда кўкрак қафасининг кўтарилишида катта рол ййнайди. Погонали мушаклар бўйин ичидаги жойлашган бўлиб, умуртқа погонасини харакатлантиришида ва нафас олганда кўкрак қафасини кўтаришида ёрдам беради.

**Қўллар.** Дельта кўринишдаги мушаклар елка камарини қоплаб туради. Уч боғлам мушакдан изборат: олди, ўрта ва орқа; уларни ҳар бири қўлларнинг ёнга ҳаракат қилишига ёрдам беради.

**Елканинг икки бошли мушаги қўлнинг** олд томонида тирсакдан юқори жойлашган ва тирсак бўғимларида қўлни букади.

**Елканинг уч бошли мушаги қўлнинг** орқа томонида тирсакдан юқорида жойлашган. Тирсак бўғимларида қўлни бўкади.

**Бармоқларни букувчи ва ёзувчи** мушакларни елка камаридаги мушаклар ҳаракатлантиради. Елканинг ички томонидаги мушаклар бармоқларни букади, ташқи томондаги мушаклар ёзади.

**Кўкрак.** Катта кўкрак мушаги кўкрак қафасининг юзасида жойлашган. Қўлни гавда бўйича ҳаракатлантиради.

**Олди тишили мушаклар** кўкрак қафасининг ён томонларида жойлашган. Қовурганинг умуртқа погонаси томонга бурилишида ёрдам беради. Қовурға орасидаги мушаклар қовурғалар орасида жойлашади ва нафас олишда ёрдам беради.

**Корин.** Кориндаги мушаклар бир неча қават бўлиб, корин деворини ҳосил қиласи. Пай тўсиклари бу мушакларни тўрт қисмга бўлиб туради. Корин мушаклари гавдани ростлашга ёрдам беради.

**Ўроқсимон ташқи мушаклар** қориннинг ён томонида жойлашган. Бир томонлама қисқарганда гавда айланади, икки томонлама қисқарганда эса эгилади.

**Орқа.** Трапеция кўринишидаги мушак кўкрак қафаси ва бўйиннинг орқа томонида жойлашган. Қовурғаларни кўтариб туширади, умуртқа погонасига олиб келади, бошни орқага тортади ва бир томонлама қисқаришида ён томонга букади. Кенгайтирилган мушаклар кўкрак қафасининг орқа томонида жойлашган. Елкани гавда томонга қимирлатади ва қўлни олдинга, орқага тортади.

**Узун мушаклар** умуртқа погонаси бўйлаб жойлашган. Гавдани ҳар томонга букади, айлантиради.

**Оёқлар.** Думба мушаклари тос-сон бўғимларида оёқларни ҳаракатлантиради ва олдига эгилган гавдани тўғирлайди.

**Тўрт бошли мушак** сон қисдақинг олдида жойлашган. Оёқ тиззаларини букади. Тос-сон бўғимларида сонни букади ва айлантиради.

*Икки бошли мушак* соннинг орқа томонида жойлашган. Тиззаларни букади ва тос-сон бўғимларидаги сонни букади ва айлантиради.

*Икра оёқли мушаклар* тиззанинг устида жойлашган. Оёқ кафти букилиши ва оёқдаги тизза бўғимларининг букилишига ёрдам беради.

*Камбала кўринишидаги мушаклар* тиззанинг ичидаги жойлашган оёқ кафтини букади.

### **3.4. Мушаклараро мувофиқлаш ҳақида тушунча. Мушакларнинг ўзаро ҳаракатини белгиловчи омиллар.**

Спортда фақат битта мушакни ишлатиб ҳаракатларни бажариш мумкин эмас. Ҳар қандай ҳаракат масаласини ечиш учун кўп мушаклар ёки мушаклар гурухлари иштирок этади.

Кучнинг салоҳият базаси асосан кўндаланг кесишган мушак тўқималаридан, мушакларнинг ҳажмидан, мушакларнинг тузилишидан ва мушак ичидаги мувофиқлашлардан иборат бўлади. Бу яна шуни билдирадики, асаб тизими аниқ ҳаракат вазифаларини ечиш учун мушакларни ишлатишга қаратилиади.

Ҳаракатдаги мушак ва мушаклар гурухининг бу ўзаро фаоллиги мушаклараро мувофиқлаш деб аталади. У доим маълум бир ҳаракат тури билан боғлиқ бўлиб, бир ҳаракатдан иккинчисига ўтмайди.

*Антогонист мушаклар* бир вақтда иккита қарама-қарши йўналишда фаолият кўрсатади. *Синергист мушаклар* ҳамкорликда маълум бир ҳаракатни амалга оширади. Синергист ва антогонистлар ўзаро фаолият юритадилар.

Тезкорлик ва кучлиликда орқа билан ётган ҳолда, кўл тўғирланади ва юқори қаршилик енгилади, шу билан бир вақтда импульсларда бирга ишлатиб трицепс ва мушаклар бирлигининг имкониятларидаги ҳаракатлар сони максимал тезлашади. Импульслар сериясида ва қисқариш бошланганда блокировка сигнали келади, шунингдек, мушак тўқималари ҳеч қандай бошқарувсиз қисқариб боради. Двигател бирликларидаги сигнал блокировкалари

харакатда антагонист бирликлар билан боғлиқ, шунинг учун куч йўқотилмасдан, ҳеч тўсикларсиз ҳаракат бажарилади.

Штангани оддий кўтаришда мушаклар фаолигининг дастлабки портлаши амалга ошади, чунки синергист мушак - қисқаради, антагонист мушак - эса кучсизланади. Бу қўл-оёқ ҳаракатининг тезлашувига олиб келади. Кейин тинч оралиқ давр келади. Бу даврда антагонист қисқариши муносабати билан қўл-оёқ ҳаракати секинлашади. Ҳаракат охирида мушак - антагонистнинг кучайиши бу ҳаракатни тўхтатиши керак.

Синергист ва антагонист ишидаги бу келишувчилик мушаклар чўзилишига боғлиқ. Чўзилган мушакларнинг афзаллиги шундаки, улар тинчлик ҳолатида бир оз кучланган бўлиб, (ўз узунлиги мувофиқлашининг тахминан 15%) бу дастлабки ҳолатдан катта кучини ривожлантиришга қодир бўлади. Бошқа томондан улар ҳаракатларни катта амплитуда билан амалга оширади. Бу эса тезлашувнинг узунроқ йўлини ва кучнинг мавжуд потенциалини қўллаш имкониятини беради. Катта амплитуда билан ҳаракатларни юмшоқроқ, эгилувчан ва равон амалга ошириш мумкин, чунки антагонистлар уларни кечроқ тормозлашни бошлайди.

Ҳаракатда қанча кўп мушаклар ёки мушаклар гурухи иштирок этса, ҳаракат шунча мураккаблашади, қувват машқларини бажариш учун мушаклараро мувофиқлаш шунча катта рол ўйнайди.

Хар хил спорт турларининг машғулотлари амалиётида мураккаб техник ҳаракатлар алоҳида қисмларга (элементларга) бўлинади. Бундай ҳаракатнинг мақсади қувват машғулотси орқали мусобақа фаолиятининг амалга оширишда бевосита иштирок этган мушак гурухларини ривожлантиришдир. Бу мушак гурухларини кучайтириш маҳсус машқлар ёрдамида амалга оширилади. Машқлари тузилиши мусобақа машқлар структурасининг бир қисмигагина мос келади. Мураккаб бўлмаган маҳсус машқлар ёрдамида мусобақа фаолиятида иштирок этётган мушакларни қаттиқ кучайтириш ва шу орқали уларни самаралироқ ривожлантириш мумкин.

Мушак гурухлари маҳсус машқлар ёрдамида яхши мослашади ва мустаҳкамланиб, шу спорт тури учун маҳсус ўқитиш техникаларини талаб қиласди. Агар мушаклар етарлича яхши ривожланмаган, уйғунилиги бузилган бўлса, қийинчиликлар пайдо бўлади. Масалан, ядро улоқтириш спортида маҳсус машқлар ёрдамида қўл ва оёқларнинг мушак букилиш жойларида куч кўпайтирилади, лекин гавда

мушакларига эътибор берилмайди. Бу эса мушаклар мослашувига жиддий бузилишига олиб келади.

Агар мушаклар ўртасидаги мослшув қўйилган талабларни бажармаса, мушакларнинг бошланғич синергисти фаолиятсизлигидан кейинги тўсатдан ҳаракати биоэлектрик кучларни йўқотади, яъни кучларнинг тормозланиши эртароқ уланса, жуда катта куч йўқотишга тўғри келади. Булардан фарқ қилган ҳолда, мушаклар ўртасидаги мослашув даражаси юқори бўлиши учун ҳаракат силлик, бир хил меъёрда, аниқ бажарилса, кучлар тежаб қолинади. Яна шуни айтиш керакки, мушаклар орасидаги ўзаро ҳаракат қоидага кўра, текширилган ҳаракатларда яхшиланади.

Кучнинг юқори потенциал базасини дастлабки шарт-шароитлар ташкил қиласи, лекин бунга, яъни ҳаракатни бутун кучи билан бажаришга ҳам ишонч йўқ. Қачонки спортчи ўзининг потенциал кучини маълум мақсадларда ишлатса, мушаклар орасидаги мослашув ҳаракатга мос келсагина тушуниб етади.

Спорт билан шуғулланган кишиларнинг шуғулланмаганлардан спорчидан фарқи шундаки, унинг нафақат мушаклари кўп балки, улар спортда юқори натижаларни қўлга киритишида ўз потенциал кучларини тўғри ишга соладилар, ва ютуқларга эга бўладилар.

### **3.5. Турли мушак гурухларининг куч қобилияtlарини ривожлантириш учун машқлар.**

Таклиф этилаётган машқлар катта мушак гурухларини ишга туширувчи, таъсир машғулотлари, алоҳида мушак ва мушаклар гурухлари учун машғулотларни ўз ичига олади. Гантеллар, штангалар, резина ва қўл остидаги ясама предметлар спорт анжоми сифатида қўлланилиши мумкин.

#### ***Бўйин мушаклари учун машқ:***

♦ бошни олдинга қилган ҳолда таяниб, кафтларни билан полга тиралиб, бўйинни олдга - орқага ва ён томонларга букиш. Кураш кўпригига туриб бўйинни олдга - орқага букиш.

♦ деворга бош билан таяниб турган ҳолда бўйинни олдга - орқага ва томонларга букиш. Бошни эркин тутиб чалқанча ётган ҳолда, пешонага оғирликлар қўйиб бўйинни томонларга букиш.

♦ бошни эркин тутиб қорин билан ётган ҳолда бошга оғирликлар қўйиб юқорига ва пастига кўтариб тушуриш.

***Кўл ва елка айланаси учун машқлар:***

♦ умумий таъсир машғулоти. Кўлларни юқ билан турли ҳолларда букиб – ростлаш: кўкракдан, туриб, ётиб, ўтириб ва ёнлама тахтада ётиб. Брусларда ётган ҳолда қўлларни букиб - тўғрилаш, зарур ҳолларда қўшимча юклар билан. Яккачўпда осилиб тортилиш. Арқонга оёқлар ёрдамисиз кўтарилиш.

♦ панжаларни ривожлантириши учун машғулот. Теннис коптогини, кўл эспандерини кўп марталаб қисиш. Кўл панжаларини букиш, тўғрилаш ва оғирликлар билан тирсак бўғимида айланма ҳаракатлар қилиш. Арқонда осилиб турган юкни айланувчи грифга ўраш. Ўтирган ҳолатда қўлларда оғирлик билан панжаларни юқорига ва пастига букиб тўғрилаш. Ётган ҳолда кафт билан таянчини панжалар таянчига алмаштириш.

*Кўл букувчиларини ривожлантириши машғулотлари.* Турган ҳолатда оғирликларни пастан ва юқоридан ушлаб қўлларни букиб тўғрилаш. Ўтирган ёки ётган ҳолатда гантелларни кўкракка яқинлаштириб узоқлаштириш. Турган ҳолатда гавдани олдга эгиб штанга билан қўлларни букиб тўғрилаш.

*Кўл ростловчиларини ривожлантириши машғулотлари.* Оғирикларни бош орқасидан, тирсакларни юқорида тутган ҳолда кўтариб тушириш. Резина тасманинг бир учини оёқлар билан ушлаб, тирсакларни вертикал ушлаган ҳолда, қўллар тўғрилангунгача резинани юқорига тортиш.

*Дельтасимон мушакларни ривожлантириши учун машғулотлар.* Тўғриланган қўлларда гантелларни ушлаган ҳолда елка сатҳигача юқорига ва ён томонларга кўтариш. Ўтирган ҳолатда, қўлларни бир оз букиб, икки гантелни кўтариш.

*Кўкрак мушакларини ривожлантириши учун машғулотлар.* Ётган ҳолатда тўғри қўлларда гантел ушлаб, уларни бир-бирига яқинлаштириш ва узоқлаштириш. Маҳкамланган резинага ён билан турган ҳолда, тўғри қўллар билан уни кўкраккача чўзиш.

***Бел мушаклари учун машқлар.***

Елкаларда оғирлик билан эгилиш. Товоналар билан гимнастик деворга тиравлган ҳолда оғирлик билан гавдани букиш. Оғирликларни (ядро, тош, штанга диски) бошдан ошириб ирғитиш. Резина-

нинг бир учини оёқлар билан босган ҳолда, бошқа учини ушлаб гавдани эгиш ва ростлаш.

### ***Корин мушаклари учун машгулотлар.***

Ерда ёки ёnlама тахтада ётган ҳолатда, қўллар бош ортида, оғирлик ёки ва уларсиз гавдани кўтариш. Яккачўпда ёки гимнастик деворда осилиб оёқларни кўтариш, худди шу амал ерда ёки ёnlама тахтада ётган ҳолда. Оёқлар билан қимирламайдиган таянчга илингандан ҳолда гимнастик скамейкада ўтириб гавдани букиб тўғрилаш. Ётган ҳолатда оёқлар билан турли ҳаракатларни бажариш: юқорига - пастга, томонларга, айланана ва ҳ.к.

Осиған ҳолатда оёқлар билан айланана ҳаракатлар бажариш. Турган ҳолатда, оёқлар елка кенглигидан, гавда олдинга эгилган, қўллар гантеллар билан икки томонга ёзилган - гавда бурилишларини бажариш, қўлларни билан чап ва ўнг оёқларнинг учига теккизиш. Гимнастик бурчак ҳолатини осиған ёки таянган ҳолда сақлаб туриш.

### ***Оёқ мушаклари учун машгулотлар.***

♦ умумий таъсир машқлари. Кўкраклар ва елкаларда оғирликлар билан ўтириб туриш. Ўтирган ҳолатдан оғирлик билан сакраб туриш. Оғирликлар билан сакраш.

♦ сонни ростловчи мушаклар учун машқлар. Бир оёқ билан олдинга қадам ташлаб, елкаларда оғирлик билан ўтириб туриш, орқадаги оёқ тиззада бир оз букилган. Бир оёқда ўтириб туриш.

♦ сонни букувчи мушаклар учун машқлар. Коринга ётган ҳолда шерикнинг қаршилигини енгган ҳолда оёқларни букиш. Маҳкамаланган резинани оёқлар билан чўзиш.

## **3.6. Куч қобилияtlарини ривожлантириш усуллари**

Куч қобилияtlарининг йўналтирилган ривожланиши фақат мушаклар максимал тарапглашгандагина юз беради. Шунинг учун куч тайёргарлиги усулиятининг асосий муаммоси, машгулотлар жараёнида мушаклар кучланишининг энг юқори даражасини таъминлашдир. Усулий жиҳатдан максимал кучланишлар ҳосил килишнинг турли йўллари бор: ўта оғир юкларни бир неча марта кўтариш, катта бўлмаган оғирликдаги юкларни кўп марталаб кўтариш; мушаклар доимий ўзилган ҳолда ташки қаршиликларни

енгиш ва х.к. Келтирилган мушак кучланишларини ҳосил қилишнинг қўйидаги усуллари мавжуд:

1. *Максимал уринишлар усули*
2. *Чегаравий бўлмаган уринишлар усули*
3. *Изометрик уринишлар усули*
4. *Изокинетик уринишлар усули*
5. *Динамик уринишлар усули*
6. *«Жадал» усул*

Таъкидлаб ўтиш керакки, усулларнинг бундай номланиши куч машғулотлари назарияси ва амалиётида кенг тарқалган. Уларнинг яхши томони қисқалигида. Лекин илмий нуқтаи назардан кучни ривожлантириш усулларини бундай номлаш жуда ҳам тўғри эмас, чунки масалан, максимал изотермик ва изокинетик уринишлар усуллари, қайтарма машқлар синфига ҳам киради. Мушакларнинг динамик қисқариши нафақат динамик уринишлар усулига, бошқа кўплаб усуллар учун ҳам хосдир.

**Максимал уринишлар усули.** Мазкур усул машғулотларни субмаксимал, максимал ва ўта максимал оғирликлар билан ўтказишга асосланган. Ҳар бир машқ бир неча марта тақрорланади. Бир уринишда чегаравий ва ўта юқори қаршиликни енган, яъни оғирлик 100% ва ундан кўп бўлган ҳолда машқларни тақрорлашлар сони 1-2, кўпи билан 3 марта бўлиши мумкин. Уринишлар сони 2-3, уринишдаги қайтаришлар орасида дам олиш 3-4 дақ., уринишлар орасида 2 дан 5 дақ.гача. Чегарага яқин қаршиликлар билан машқларни бажаришда (максималдан 90-95% оғирлик билан) бир уринишдаги ҳаракатлар қайтарилиши сони 5-6, уринишлар сони 2-5. машқларни қайтариш орсидаги дам олиш вақти 4-6 дақ. Ва уринишлар орасида 2-5 дақ. Ҳаракатлар суръати – эркин, тезлик – энг камдан максималгача. Амалиётда бу усулнинг турли йўллари бор, уларнинг асосида оғирликларни оширишнинг турли усуллари ётади.

Назарда тутиш керакки, чегаравий юкламалар ҳаракатлар техникасини назорат қилишни қийинлаштиради, жароҳат олиш ва кўп шуғулланиб юбориш хавфини кучайтиради айниқса, болаларда ва бошловчиларда. Шунинг учун у олий малакали спортчиларнинг машғулотларида асосий, лекин ягона бўлмаган усулдир. У ҳафта-сига 2-3 марта кўлланилади. Катта вазнлар, баъзи ҳолларда 7-14 кунда бир марта ишлатилиди. 100% дан ортиқ юклар билан машқлар

шериклар ёрдамида ёки махсус мосламаларни қўллаш йўли билан ўтказилади. 16 ёшгача бўлган болаларга бундай усулни қўллаш тавсия этилмайди.

Қайтарма максимал уринишлар усули максимал динамик кучни мушаклар ҳажмини сезиларли қўпайтирмасдан ошириш учун асосий ҳисобланади. Уни қўллаш учун спортчи олдиндан тайёргарлик кўрган бўлиши лозим. Ушбу усул ўсмирларнинг куч даражасини баҳолаш учун ўтказиладиган назорат синовлари асосида ётиши мумкин. Назорат учун машқлар, масалан, полдан штангани тортиш; горизонтал ётган ҳолда штанга кўтариш; елкада штанга билан ўтириб туриш.

*Такрорий чегаравий бўлмаган уринишлар усули.* Маъноси чегаравий бўлмаган ташқи қаршиликни то қаттиқ чарчагунча ёки «охиригача» такрорлаш.

Ҳар бир ёндашувда машқлар танаффуссиз бажарилади. Бир машғулотда 2-6 серия бажарилади. Бир серияда 2-4 ёндашув. Машғулотлар орасидаги танаффус 2-8 дақ., сериялар орасидаги 3-5 дақ. Машғулотлар давомида ташқи қаршиликлар катталиги максималдан 40-80% ни ташкил қиласди. Ҳаракатлар тезлиги катта эмас. Катта оғирлик билан қайтаришлар сони кам бўлганда, асосан максимал куч ривожланади ёки бир вақтнинг ўзида кучнинг қўпайиши ва мушаклар ҳажмининг ортиши юз беради. Ва, аксинча, қайтаришлар сони кўп бўлиб, оғирлик микдори кам бўлганда асосан, чидамлилик сифати ортиб боради.

Бу усулни қўллагандага машғулот самарасига машқларни такрорлашнинг ҳар бир серияси якунида эришилади. Сўнгги такрорлашларда ишлаётган ҳаракат бирликлари микдори максимумгача етади, уларнинг синхронлиги кузатилади, физиологик жараён худди катта қаршиликларни енгаётгандай бўлади.

«Охиригача» усулининг учта асосий йўли мавжуд:

1. Машқлар бир машғулотда «охиригача» бажарилади, ёндашувлар сони ҳам «охиригача» эмас.
2. Бир неча уринишларда машқлар «охиригача» бажарилади, ёндашувлар сони «охиригача» эмас.
3. Машқлар ҳар бир уринишда «охиригача» бажарилади, ёндашувлар сони «охиригача».

«Охиригача» усулида ишлаш энергетик жиҳатдан кам унумли бўлсада, амалиётда кенг қўлланилади. У ҳаракатлар техникасини

яхшироқ назорат қилиш, жароҳатлардан сақланиш, мушаклар гипертрофиясига кўмаклашиш имконини беради. Ба ниҳоят, бу усул - бошловчиларни тайёрлаш учун ягона бўлган усул, чунки кучнинг ривожланиши қаршилик катталигига боғлиқ эмас. Уни ҳал қилувчи ролни куч катталиги ўйнаган, намоён бўлиш тезлиги эса катта аҳамиятга эга бўлмаган ҳолларда қўллаш мақсадга мувофиқ.

**Изотермик уринишлар усули.** Қисқа муддатли максимал кучланишларни бажариш билан ифодаланади. Изотермик кучланишлар давомийлиги одатда 5-10 с. Кучланиш катталиги максимумдан 40-50% бўлиши мумкин ва статистик куч мажмуалари, турли мушак гурухлари кучини ривожлантиришга йўналтирилган 5-10 машқдан иборат бўлиши керак. Ҳар бир машқ 3-5 марта, 30-60 с танаффус билан бажарилади. Навбатдаги машқларни бажаришдан олдин дам олиш 1-3 дақ. Изотермик машқларни машҳулотга хафтасига 4 марта гача қўшиш мумкин, уларга 10-15 дақ. Ажратилса кифоя. Мажмуавий машқлар ўзгартмаган ҳолда таҳдақан 4-6 хафта қўлланилиши мумкин, сўнгра у баъзи бошланғич ҳолатларнинг ўзариши ҳисобига янгиланади.

Изотермик машқларни бажаришда тана ҳолатини ёки бўғимларнинг бурчак катталиги жиҳдий аҳамиятга эга. Елка олди букувчи-ларининг бўғимларининг катта бурчагида машғулот куч ўсишини кам таъминлайди, лекин машқ қилинмаётган бўғимларга яхши таъсир кўрсатади. Изотермик кучланиш бўғим бурчаги  $90^0$  да,  $120^0$  ва  $150^0$  га нисбатан, гавдани эгувчиларнинг ўсишига катта таъсир кўрсатади.

**Изокинетик уринишлар усули.** Бу усулнинг ўзига хослиги у қўлланилганда ташқи қаршилик катталиги эмас, ҳаракатнинг доимий тезлиги катталиги берилishiшадир. Машқлар маҳсус тренажерларда бажарилади, улар турли тезликларда ҳаракат қилишга имкон беради. Масалан, кроль ёки брасс билан сузишда қулочлаб эшишнинг бутун амплитудаси бўйича. Бу мушакларнинг бутун ҳаракат давомида оқилона юклама билан ишлатишига имкон беради.

Изокинетик усулда замонавий тренажерларда бажариладиган куч машқлари бўғимларнинг ҳаракат тезлигини 1 секундда 0 дан 200 тагача ўзгаришиш имконини беради. Шунинг учун бу усул куч қобилиятларининг ҳар хил турларини - «суст», «тез», «портглаш» кучини ривожлантириш учун ишлатилади. Усул сузиш, енгил атлетика, спорт ўйинларида – оёқ ва қўллар билан зарбалар, копток

ирғитиши ва шу кабиларда куч тайёргарлиги жараённан кенг қўлланилади. Мазкур усулдан фойдаланилганда бадан қиздириш машқлари шарт эмас ва шу билан оғирликлар ёрдамидаги машғулотлардан фарқланади.

Машқларни бажариш вақтида одам ўзининг натижаларини монитор ёки бошқа восита орқали кўриб туради, шу аснода ўзи билан ўзи ёки бошқа шахслар билан беллашиши мумкин.

**Динамик уринини усули.** Максимал тезлик ёки суръатда катта бўлмаган оғирликлар билан (30% гача) машқлар бажарилади. У тезлик куч қобилиятларини - «портлаш» кучини ривожлантириш учун қўлланиллади. Бир ёндашувда такрорлашлар сони 15-25 марта. Машқлар 3-6 серия билан бажарилади, улар орасидаги танаффус 5 – 8 дақ.

Оғирлик вазни шундай бўлиши керакки у ҳаракат техникасининг бузилишига сабаб бўлмасин ва ҳаракатни бажариш вақтида тезликни пасайтирумасин. Масалан, ватерполчиларда отиш кучини ривожлантириш учун 2 кг ли медицинбол қўлланилганда, энг яхши натижалар кўрсатилди, найза улоқтирувчиларда 3 кг.

«Жадал» усул мушак гурухларини пастга тушаётган юқдан ёки тана оғирлигинининг кинетик энергиясидан фойдаланган ҳолда жадал рағбатлантиришга асосланган.

Бу усул асосан турли мушак гурухларининг «амортизация» ва «портлаш» кучини ривожлантириш учун ҳам қўлланиллади. Мисол тариқасида оёқларнинг «портлаш» кучини ривожлантириш учун чукурга сакраб тушиш ва сакраб чиқиш машқини келтириш мумкин. Амортизация ва ундан кейинги ердан итарилиш худди бир бутундай бажарилиши керак.

Куйидаги усулият билан ўтказиладиган бундай машқнинг катта самарадорлиги тасдиқланган. Машқ 70-80 см баландликдан,

бир оз букилган тиззалар билан «кўниш» ва тез, катта куч билан юқорига сакрашдан иборат. Сакрашлар серияли бажарилади 2-3 серия, ҳар бирида 8-10 та сакраш. Сериялар орасида дам олиш вақти 3-5 дақ. Машғулот кўпи билан ҳафтасига икки марта ўтказилади. Кўшимча оғирлик сифатида шахсий вазн ишлатилади. Амортизациядан сакрашга ўтиш жуда тез бўлиши керак, танаффус машғулот самарасини камайтиради.

«Жадал» усулни қўллаш бу ҳолларда маҳсус тайёргарликни талаб қиласиди, жумладан, кўп ҳажмда штанга билан сакраш. Катта

бўлмаган баландликдан бошлаш керак ва асталик билан зарур баландликкача кўтарилади. Масалан, гимнастлар учун чуқурликка 50-60 см дан сакраш, тепаликка (матлар уюми) сакраб чиқиши ёки планкадан думалаб ўтиш самаралидир. Югурувчилар учун сакраш баландлиги 0,75 –1, 1-1,5 м.

Сакраш учун кўйидаги микдорлар оқилона хисобланади: 10 мартадан 4 серия – яхши тайёргарлик кўрган спортчилар учун ва 2-3 серияда 6-8 марта - камроқ тайёргарлик кўрганлар учун. Сериялар орасидаги дам олиш 6-8 дақ. Давомида енгил югуриш ва бўшашиб учун машқлар бажарилади.

Оғирликлар билан «жадал» усулда машқларни бажаришда кўйидаги қоидаларга риоя қилиш зарур:

- ◆ уларни мушакларни қиздирувчи маҳсус машқлардан кейин қўллаш мумкин;
- ◆ «жадал» харакатлар микдори серияда 5-8 марта тақрорлашдан ортмаслиги лозим;
- ◆ «жадал» таъсир катталиги юк вазни ва ишчи амплитуда катталиги билан ифодаланади. Ҳар бир ҳолда бу кўрсаткичлар жисмоний тайёргарлик дарражасига боғлиқ ҳолда аникланади;
- ◆ тананинг бошлангич ҳолати машғулотда ривожлантирилаётган ишчи кучланишнинг ҳолатига мос равишда танланади.

### **3.7.Куч қобилияtlарининг турлари ва уларни ривожлантириш усуслари**

*Максимал кучни ривожлантириши. Максимал куч – асаб мушак тизимига мушаклар максимал қисқарганда берилиши мумкин бўлган энг катта куч. Максимал кучни ривожлантириш асосида иккита усул ётади: максимал уринишлар усули ва тақрорий – серияли усул.*

Куч тайёргарлигининг назарияси ва амалиётида максимал уринишлар усулининг бир неча йўли ўз жойини топган.

**1-йўл.** Машқлар, максималдан 90-95% оғирлик билан, бир ёндашувда 2-3 марта бажарилади. Бир машғулотда ёндашувлар орасида 3-5 дақ. Ҳордиқ билан 2-4 марта бажарилади. Бу жуда самарадор машқни мушаклар ишининг икки тартибида бажариш мумкин. Биринчи тартибида ёндашувда барча харакатлар тақрорлашлар орасида мушакларни бўшаштирмасдан бажарилади.

*Мактаб ёшидаги болалар ҳаракат фаолиятининг ривожланишида сезги босқичлари топографияси (А.А.Гужаловский бўйича).*

2-жадвал

Жисмоний сифатлар	Ёш даврлари (йил)									
	7-8	8-9	9-10	10-11	11-12	12-13	13-14	14-15	15-16	16-17
Куч	•• •••	••• •••	+	••• •••	••• •••	+	• •••	+	••• •••	••• •••
Тезкорлик	••• •••	•• •••	+	••• •	+	+	+	+	+	+
Тезлик-куч сифатлари	+	+	+	+	+	+	+	+	+	+
Статик чидамлилик	+	+	••• ••	+	+	+	+	+	+	+
Динамик чидамлилик	+	• ••	•••+ +	• +	••• •••	+	+	++	+	++
Умумий чидамлилик	+	+	+	• •••	+	+	+	+	+	+
Эгилувчанлик	+	+	+	+	• +	+	• •••	+	••• ••	••
Мувофиқлаш	+	•• +	+	+	+	+	+	+	+	+

Шартли белгилар:

- + - Субкритик ва критик даврлар;
- – паст сезирлик босқичи;
- – ўртача сезирлик босқичи;
- – юкори сезирлик босқичи.

Масалан, штанга билан ўтириб туриш бўйича ёндашувни бажариш вақтида штанга доимо елкаларда бўлади ва мушаклар табиийки таранглашган холатда бўлади. Иккинчи тартибда ёндашувда ҳар бир машқ орасида қисқа муддатга, бир неча секунд мушакларни бўшаштириш билан боғлиқ. Бунинг учун, машқ амалларини бажариб бўлгандан кейин, юқдан ҳолис бўлиб (штангани жойига қўйиб), «ишчи» мушакларни силтаб бўшаштириш ва дарҳол навбатдаги ҳаракатни бажаришга киришиш лозим. Иккала тартиб ҳам жуда самарали. Иккинчи тартиб «портлаш» кучини ва мушакларни бўшаштириш (дам олдириш) лаёқати фаол намоён бўлишини такомиллаштиришни таъминлайди.

**2-йўл.** Машғулотлар давомида маълум миқдорда ёндашувларни бажариш керак, улардан: 1) оғирлик вазни максималдан 90% - 3 марта; 2) вазн 95% - 1 марта; 3) вазн 97% - 1 марта; 4) 100% плюс 1 – 2 кг – 1 марта. Тўрт ёндашув билан чекланиш мумкин, улардан: 1) вазн 90% - 2 марта; 2) вазн 95% - 1 марта; 3) вазн 100% - 1 марта; 4) 100% плюс 1 – 2 кг – 1 марта. Иккала машқда ҳам ёндашувлар орасида фаол ҳордиқ учун 2 – 3 с. бўшаштирувчи машқлар билан танаффус қилиш керак. Охирги машқни спортчи 100% плюс 1-2 кг юклама билан бажара олмаслиги эҳтимоли бор, бунда бу ёндашувни олдингиларни қайтариш билан алмаштириш мақсадга мувофиқ.

**3-йўл.** Машғулот давомида 4-5 ёндашувнинг ҳар бирида бир марта 100% вазн билан машқ амалга оширилади. Танаффуслар давомийлиги навбатдаги ёндашувни бажаришга тайёрлик билан аниқланади.

**4-йўл.** З ёндашув 120-130 % юклама билан амалга оширилади. Ҳар бир ёндашув 4-5 такрорлашдан ва 3-4 дақ. Мушакларни бўшаштириш учун танаффуслардан иборат. Штанга ёки бошқа оғирлик бошлангич холатга маҳсус мосламалар ёрдамида ёки шериклар томонидан узатилади.

**5-йўл.** Кучни ривожлантиришнинг барча олдинги йўлларида мушаклар енгиб ўтувчи тартибда ишлайди. Таклиф этилаётган йўл мушакларни ён берувчи ва енгиб ўтувчи тартибларда навбатлашга йўналтирилган. Бунга ўхшаш кўплаб машқлар мавжуд. Масалан, 120-140% вазни штанга билан ўтириб-туриш, бунда штанга елкага турган ҳолда мосламадан олинади. Ўтириб-туришнинг якуний босқичида штанга дисклари шериклар томонидан жадал ечиб олинади, қолган 70-80% вазн билан тез туриш керак. Шундай

килиб, 3 ёндашувни ўз ичига олган 2 серия бажарилади, ҳар бир ёндашувда 2-4 машқ ва 3-4 дақ. Мушакларни бўшаштириш учун танаффус бўлади. Бир машғулот давомида кўпи билан 3та 5-7 дақ.лик фаол ҳордиқни ўз ичига олган сериялар бажарилади.

Кўрсатилган барча меъёrlар догма эмас ва ишга жалб қилинадиган воситалар микдоридан келиб чиққан ҳолда ўзгариши мумкин. Масалан, штанга билан ўтириб туришга ёндашув ва сериялар кўлларни гантел билан букиб ёзишникидан кам бўлиши керак.

**Такрор – серияли уринишлар усули** максимал уринишлар усулидан шу жиҳати билан фарқланадики, бунда ўсишни таъминлайдиган асосий машғулот омили бўлиб оқилона ва субмаксимал оғирликлар билан ишлаш чегаравий давомийлиги хизмат қиласи. Усул ёндашув ва такрорлашлар ҳажмининг кўплиги ва улар орасида танаффуслар йўклиги билан ажралиб туради. Машқларда барча ҳаракат амаллари суст суръатда, такрорлашлар орасида мушакларни бўшаштирмасдан бажарилиши керак. Сериялар маълум микдорда такрорланувчи бир неча ёндашулардан иборат. Такрор-серияли уриниш усули қуйидаги мақсадларда кўлланилади:

- ◆ мушаклар ҳажмини маромида ривожлантириш учун;
- ◆ мушаклар ҳажмини кескин кўпайтириш учун;
- ◆ инсоннинг кучини ошириш учун.

Мушаклар ҳажмини маромида ривожлантириш мақсадида такрор-серияли усулни кўллашнинг бир неча йўллари мавжуд.

**1-йўл.** Максимал оғирликнинг 70-80% кўлланилади: бир ёндашишда машқлар 5-6 марта такрорланади. Бир серия 2-3 ёндашувни ўз ичига олади. Ёндашувлар орасида фаол ҳордик 4-5 дақ., сериялар орасида -6-8 дақ. Машғулотлар 2-4 сериядан иборат.

**2-йўл.** Уч хил турли ёндашувлардан иборат серия бажарилади: 1) оғирлик максималдан 80%, ёндашувда машқни 10 марта такрорлашга интилиш керак; 2) оғирлик 90% - 5 марта; 3) 92-95% - 2 марта 3-4 дақ танаффуслар билан.

**3-йўл.** Тўрт хил турли ёндашувлар орасида 5-6 дақ. Танаффус билан бажарилади: 1) вазн 70% - 12 марта такрорланади; 2) вазн 80% - 10 марта; 3) вазн 85% - 7 марта; 4) 90% - 5 марта. Машғулотда 8-10 дақ. Танаффус билан 21 серия бажарилади.

**4-йүл.** Мушакларнинг статик ва динамик иш тартиби уйғунлашуви кўзда тутилади. Бунда 75-80% вазн билан ён берувчи харакат амаллари бажарилади; куйи холатда 2-3 с. танаффус қилинади. Сўнг максимал тезлиқда енгиб ўтувчи амал бажарилади. Ёндашувда машқ 2-3 марта такрорланади. 2-3 такрорланишли 2 серияни бажариш мақсадга мувофиқ. Ёндашувлар орасида танаффус 4-5 дақ., сериялар орасида 6-8 дақ.

**5-йўл.** Бундан олдинги йўлдаги каби мушакларнинг статодинамик тартибда ишлаши назарда тутилади. Вазн 70-80%. Машқнинг биринчи қисмида 40-60% вазн билан бир текис изометрик уринишни бажариш лозим, сўнг тез енгиб ўтувчи харакатга ўтиш керак. Бир ёндашувда қисқа танаффуслар билан 5-6 такрорлашни бажариш тавсия қилинади; машғулотда 3-5 ёндашув, орлиқда 4-5 дақ. Танаффус билан.

Кўрсатилган тартиб ва талаблар асосида бажарилган такрор – серияли усул ёрдамида мушак ҳажмининг кескин ўсиши паст тезлиқда намоён бўладиган максимал кучнинг ривожланишига задак яратади. Мазкур усул бошланғич куч тайёргарлигига жуда самарали бўлади.

Мушаклар ҳажмини ошириш учун такрор – серияли усул билан бажариладиган машқларнинг бир неча турли технологик йўллари мавжуд.

**1-йўл.** Вазн 75-80%. 10-12 такрорлашда харакатларни секин, қаттиқ чарчаш аломатлари пайдо бўлгунга қадар бажарилади. Жами 2-4 ёндашув, оралиқларда 2 дақ.гача фаол ҳордиқ билан бажарилади. Бир машғулотда 2-3 гурух мушакларга таъсир қиласидиган машқларни танлаш мақсадга мувофиқ.

**2-йўл.** Вазн 60-70%. Ҳар бирида 15-20 марта машқ ижро этиладиган 3-5 ёндашув бажарилади. Ёндашувлар орасида 2-3 дақ. Танаффус.

**3-йўл.** Вазн 80%. Бир гурух мушакларга таъсир этадиган 3-5 ёндашувда 8-10 тадан такрорлаш бажарилади. Ёндашувлар орасида 2-3 дақ. Танаффус. Қаттиқ чарчаган ҳолларда танаффус 5 дақ.гача чўзилади.

**4-йўл.** Вазн 85-95%. 4-8 ёндашувда 5-8 тадан такрорлаш оралиқда 3-4 дақ. Танаффус билан бажарилади.

**5-йўл.** Вазн 85-90%, қаттиқ чарчаш аломатлари сезилгандан сўнг шерик ёрдамида енгиб ўтиш қисмида 2-3 қўшимча машқ

бажарилади. Янги ёндашувга тайёр бўлгунгача етадиган вақт оралиғида танаффус билан 2 ёндашувни бажариш мақсадга мувофиқ.

**6-йўл.** Бир хил миқдордаги такрорлашлар бажарилади, лекин навбатдаги ёндашувларда вазн енгиллашиб боради. Масалан: 70x10; 65x10; 60x10. ёндашувлар орасида 2 дақ. Танаффус. Мазкур йўл тез чарчайдиган майда гуруҳ мушакларини машқ қилдиришга ёрдам беради.

**7-йўл.** 25-35% вазн билан сакраб туриш. Бошланғич ҳолат-0,3-0,4 м баландликда полдаги оғирлик боғланган ҳолда эгилиб турилади. 8-10 марта сакралади. 2 ёндашувда 2-3 серия, 2 дақлик. Танаффус билан.

Максимал кучни изотермик усулни қўллаган ҳолда ҳам ривожлантириш мумкин. У мушаклар узунлигини ўзгартирмай, қисқа муддатли максимал кучланишларни бажаришга асосланган. Бир машғулотда 4-5 статик куч машқларини бажариш тавсия қилинади, асталик билан 10-11 тага етказилади.

**Портлаш кучини ва мушакларнинг таъсирчанлик қобилиятини ривожлантириш.** *Портлаши кучи* – инсоннинг энг қисқа фурсатда энг катта кучини намоён қилиши қобилияти. *Мушакларнинг таъсирчанлик қобилияти* – асаб-мушак аппаратининг (AMA) ўзига хос хусусияти, мушакларнинг шиддатли механик чўзилишидан сўнг кескин намоён бўладиган кучли ҳаракат уриниши.

Портлаш кучи инсон ҳаракатларида мушакларнинг изотермик ва динамик иши тартибларида намоён бўлади. Динамик тартибда, одатда, турли катталиклардаги ташқи қаршиликларни енгишга тўғри келади. Вақт бўйича портлаш уринишининг намоён бўлиш тавсифи ташқи шароитларга, максимал кучни ривожланганлик даражасига боғлиқ бўлади ва ишлатиган мушакларнинг бошланғич – старт кучининг (Q)ни намоён бўлиши билан ифодаланади. Ҳар қандай шароитдаги портлаш уринишиларида инсон старт кучини имкон қадар тўла ишлатишга ҳаракат қиласи. Тезланиш кучининг (G) намоён бўлиш хусусияти ташқи қаршиликнинг катталигига ҳамда аввал таъкидлангандай, ишлатиган мушакларнинг максимал кучига боғлиқ. Замонавий илмий натижалар, старт кучининг ривожланиши мушаклар кучи намоён бўлишининг тезланувчи ва максимал йўлларига нисбатан қийин кечади.

Оғирликлар билан ва сакраш машқлари тақрор – серияли усулда бажарилади, уларнинг энг кўп тарқалганлари қуида келтирилган.

**1-йўл.** Вазн максималдан 60-80%. Ёндашувда максимал тезликда 4-6 тақрорлаш бажарилади. Тақрорлашлар орасида мушакларни бўшаштириш лозим. Тақрорлашлар суръати ўртача. Ҳар бир серияда 2-4 ёндашув, оралиқда 4-6 дақ. Танаффус. Машғулотда 2-4 серия, оралиқларда 6-8 дақ. Танаффус.

**2-йўл.** Вазн 60-80%. Машқлар реверсив тартибда, яъни мушакларнинг ён берувчи тартибидан енгиб ўтувчи тартибига ўтиш билан бажарилади. Оғирликни баландликнинг 1/3 қисмига қадар қўтариб, кескин тушириш керак ва ўша заҳоти қўтарувчи енгиб ўтувчи тартибга ўтиш лозим. Ёндашувда 3-5 тақрорлашлар бажарилади. Серия 2-3 ёндашувдан иборат, оралиқда 4-6 дақ танаффус. Машғулот 7-8 дақ. Танаффусли 2-4 сериядан иборат.

**3-йўл.** Мушаклар – оёқларни ростловчилар учун машғулот. Елкада оғирлик билан баландликдан сакраб тушиш. Вазн 30-60% оралиқда бўлиши мумкин. Ҳар бир сакраб тушиш амортизацияли ўтиришдан сўнг, ён берувчи тартибдан дарҳол енгиб ўтувчига ўтиш билан бажарилади. Ёндашувда 4-6 марта сакралади. Ҳар бир серияда 2-3 машқ бўлиб, оралиқда 6-8 дақ. Фаол ҳодик.

**4-йўл.** Оёқ мушакларининг портлаш кучини ривожлантириш учун сакраш машқлари. Машқлар максимал оғирликлар билан бир ва кўп марта сакраш орқали бажарилади.

Бир марталик сакрашларни жойида ўтказиш мумкин. Бир серияда 4-6 марта сакралади, сериялар орасида куч қайта тиклангунга қадар танаффус қилинади. Машғулот давомида 3-5 серия бажарилади.

Кўп марталик сакрашлар 4 мартадан 10-12 марта гача бир оёқда ёки икки оёқда бажарилади. Ёндашувда 3-4 марта сакралади, серияда 2-3 ёндашув мавжуд, танаффуслар 3-4 дақ. Сериялар миқдори қаттиқ чарчаш алломатлари пайдо бўлгунигача.

Портлаш кучини ва мушакларнинг таъсирчанлик қобилиятини ривожлантиришда «жадал» усул алоҳида ажralиб туради. У пастга тушаётган оғирликнинг кинетик энергиясидан фойдаланишга мўлжалланган. Баландликдан сакраб «қўнаётганда» амортизация вақтида мушакларнинг юқ энергиясини ютиш жараёни юз беради. Шундай қилиб, мушакларда ортиқча потенциал кучланиш

хосил бўлиб, дарҳол мушакларнинг фаол ҳолатга ўтишига сабаб бўлади. «Жадал» усул «амортизацион» кучни ривожлантиришда ҳам қўлланилади. Мазкур усул чукурликка сакраш машқларини бажаришда кўп қўлланилади, уларнинг энг кўп тарқалган йўллари қўйидагилар.

**1-йўл.** Дастребки ҳолат – елкаларда штанга билан туриш. Ярим ўтирган ҳолдан портлаб туриш.

**2-йўл.** ДХБХ – оғирликли қўлларни баландга кўтариб ушлаб туриш. Ярим ўтирган ҳолдан портлаб туриш.

**3-йўл.** ДХБХ – баландлик четида туриш. Чукурликка сакраб, дарҳол гимнастик ҳолатни қайд этиш. Худди шу йўл билан белга оғирликларни боғлаб бажарилади.

**4-йўл.** ДХ – баландлик четида туриш. Чукурликка сакраб, дарҳол қайта юқорига сакраш.

**5-йўл.** БХ – баландлик четида туриб. Оғирлик билан чукурликка сакраб дарҳол қайта юқорига сакраш.

**6-йўл.** БХ – баландлик четида туриб. Чукурликка сакраб дарҳол қайта юқорига жадал сакраш ва тўсиқдан сакраб ўтиш.

**7-йўл.** БХ – баландлик четида туриб. Чукурликка сакраб дарҳол қайта юқорига сакрашларнинг серияси.

**Тезлик кучини ривожлантириш.** *Тезлик кучи – нисбатан катта бўлмаган ташқи қаршиликларга қарши тезкор ҳаракатлар шароитида намоён бўлади ва АМАнинг мушакларни старт ва тезланувчи кучини белгиловчи хусусиятлари билан таъминланади.*

Тезлик кучини ривожлантириш учун динамик уринишлар усиладан фойдаланилади. Бу усул машғулот машқларини максимал тезликда, нисбатан катта бўлмаган – 30%гача оғирлик билан бажаришга асосланган. Бундай усул тезлик – куч қобилиятларини, тез ва портлаш кучини ривожлантириш учун қўлланилади.

Асосий шартлардан бири – оғирлик ҳаракат амаллари техникасига ҳалақит бермаслиги уни бузмаслиги, ҳамда амал бажарилиш тезлигини пасайтирмаслиги лозим.

Тезлик кучини оғирликлардан фойдаланиб ривожлантиришнинг бир неча технологик йўллари мавжуд.

**1-йўл.** Вазн-30-70% (машқда қўлланиладиган ташқи қаршиликка нисбатан). Ҳаракатлар 6-8 марта ўрта суръатда бажарилади. Серияда 2-4 ёндашув бажарилади, танаффус 3-4 дақ. Бир машғулотда 2-4 серия, фаол ҳордиқ 5-7 дақ.

**2-йўл.** Статодинамик хусусиятили машқлар асос қилиб олинган, максималдан 60-80%, оралиқда 2-3 изотермик кучла-ниш бажарилиб, тезликда 30% оғирлик билан ҳаракатланилади. Изотермик кучланишни бажариш учун маҳсус мосламада юк ушлаб турилади. Бир ёндашув 4-6 ҳаракатдан иборат, дам олиш ихтиёрий. Серия 2-4 ёндашувни ўз ичига олган, танаффус 3-4 дақ. Бир машғулотда 2-4 серия бўлиб, орлиқдаги танаффус 5-7 дақ.

**3-йўл.** Машқ асосан старт кучини ва, хусусан, мушакларнинг старт кучини ривожлантиришга йўналтирилган. Вазн-60-65%. Ҳаракатнинг бошланишидаги қисқа муддатли портлаш уриниши бажарилади. Машқни қўллаш технологияси юқоридаги йўлга ўхшаш.

Тезлик кучини ривожлантиришда муваффақиятга эришишнинг муҳим шарти машқни такрорлаш олдидан мушакларни бўшаштиришдир.

Тезлик кучини ривожлантиришнинг энг кўп тарқалган ва содда воситаси сакрашдир. Уларни қўллаш жараёнида асосий технологик омил - итарилиш тезлиги ва ҳаракат қувватини оширмаслика интилиш. Максимал тезлик ва портлаш кучини ривожлантиришда икки муҳим шартни ёдда тутиш лозим.

Биринчиси – ҳар бир шуғулланувчи ўзининг бошланғич жисмоний ва, хусусан, тезлик-куч тайёргарлигини эътиборга олиши лозим ва шундан келиб чиқсан ҳолда, маълум таъсирга эга машқларни танлаши керак. Шуни назарда тутиш лозимки, агар машқларнинг таъсир кучи катта бўлса, организмга зарар етиши, кам бўлса, умуман самара бермаслиги мумкин.

Иккинчиси – мушаклар юқори тезликли, таъсирчан, портлаш юкламаларидан кейин, ўзига хос ҷарчашдан ҳалос бўлиши, янги юкламаларга тезкорлик билан тайёрланиши керак. Бунинг учун доимо ва мақсадли равишда эгилувчанликка машқлар бажариш керак, турли тортилишлар, чўзишиш, айланма ҳаракатлар билан танаффусларни тўлдириш мақсадга мувофиқ.

**Куч чидамлилигини ривожлантириш.** *Куч чидамлилиги деб инсоннинг ташқи қаршиликларга узоқ вақт бардоши берши ёки унга қарши туриши қобилиятига айтилади.* Куч чидамлилигини ривожлантириш мураккаб технологик жараён ҳисобланади. Унинг мураккаблиги мажмуали ёндашувнинг талабларига мувофиқ бир машғулотда ҳам вегетатив функцияларга, ҳам кучни такомил-

лаштиришга йўналтирилган таъсир воситаларини кўллашда кўзга ташланади. Таъсир воситалари ва усуллари шундай танланадики, улар бир-бирига қарши бўлмасдан, чидамлиликнинг ривожланиши ва намоён бўлишига кўмак бермоғи, машғулотдан машғулотта натижаларнинг яхшиланишига олиб келиши керак. Куч чидамлигигина ривожлантириш учун *такрорий чегаравий бўлмаган уринишлар* усули кўлланилади. Куч чидамлилигини ривожлантиришнинг бир неча йўллари мавжуд.

**1-йўл.** Вазн-максималдан 30-70%. Такрорлашлар микдори 5 тадан 12-14 тагача, янги ёндашув учун куч йигилгунига қадар хордиқ чиқарилади. Ёндашувлар микдори шугулланувчининг тайёргарлик даражасига боғлиқ. Бу усул ҳаракат фаолияти учун куч чидамлилигини, кислород етишмовчилири шароитида таъминлашга кўмак беради.

**2-йўл.** Вазн-60%. Ўрта суръатда такрорлашлар сони 15 тадан 30 тагача. Машғулотда 2-5 ёндашув, оралиқда 4-5 дақ. Танаффус.

**3-йўл.** Вазн 20-дан 70% гача. Ёндашувда такрорлашлар сони «оҳиригача». Машғулотда ёндашувлар сони 4-5 тадан ортмаслиги тавсия қилинади. Танаффус давомийлигини ўзгартириб турли натижаларга эришиш мумкин. Агар хордиқ кам бўлса (1-3 дақ), мушакларнинг ички анаэроб энергетик имкониятлари фаол сарфланади. 5-10 дақика танаффусда мушак аппаратининг анаэроб ишлиши такомиллашади.

Куч чидамлилигини ривожлантиришнинг икки асосий ташкилий шакли мавжуд. Биринчisi – танланган машқлар сериясини бажариш. Иккинчи йўл – айланма машғулот шакли.

**Инсоннинг ташқи қаршиликни енгисш ёки мушак кучланишлари ҳисобига қаршилик күрсатиш қобилияти**



1 расм. «Куч» харакат (жисмоний) сифатининг умумий характеристикиси (К.Д.Чермит бўйича, 2005)

## **Ўз-ўзини текшириш учун саволлар ва топшириқлар**

1. Мушак кучи деганда нима тушунилади?
2. Мушаклар ишининг қандай тартибларини биласиз?
3. Куч қобилиятларининг қандай турларини биласиз?
4. «Шахсий куч қобилиятлари»ни ифодаланг.
- 5.«Тезлик – куч қобилиятлари»ни ифодаланг.
6. «Портлаш кучи» тушунчасини ифодаланг.
7. Портлаш кучининг ривожланиш даражасини нима билан баҳолаш мумкин?
8. Куч қобилиятларининг асосий жиҳати нимада?
9. Куч градиенти қандай формула билан аниқланади?
- 10.«Мутлоқ куч» ва «нисбий куч» тушунчаларини таърифланг.
- 11.Мушакларнинг физиологик кўндаланги куч қобилиятлари ривожланиши ва намоён бўлишига қандай таъсир кўрсатади?
12. Қандай мушак тўқималари сизга маълум?
- 13.Куч қобилиятларини ривожлантирища қандай воситалар қўлланилади? Уларнинг ҳар бирини таърифланг.
- 14.Куч қобилиятларини ривожлантиришнинг ёш хусу-сият-лари аҳамиятини очиб беринг.
15. Мушакларнинг қандай турлари сизга маълум?
16. Мушакларро мувофиқлаш деганда нима тушунилади?
- 17.Турли мушак гурухларини ривожлантириш учун машқ-лардан мисол келтиринг.
- 18.Куч қобилиятларини ривожлантиришнинг қандай усулларини биласиз?
19. Максимал уринишлар усулини таърифланг.
- 20.Чегаравий бўлмаган такрорий уринишлар усулини таъ-рифланг.
21. Изотермик уринишлар усули нима билан ифодаланади?
22. Изокинетик уринишлар усулини таърифланг.
23. Динамик уринишлар усули хусусиятларини очиб беринг.
- 24.«Жадал усул» деганда нима тушунилади ва қандай кучни ривожлантириш учун қўлланилади?
25. Қуйидаги тушунчаларни ифодаланг: «максимал куч», «портлаш кучи», «таъсирчанлик қобилияти», «тезлик кучи», «куч чидамлилиги».

### **Адабиётлар:**

1. Бомпа Т. Подготовка юных чемпионов: перев. С англ./Т. Бомпа – М.: ООО «Издательство Астрель»: ООО «Издательство АСТ», 2003. – XII, 260 с.: ил.
2. Вайщеховский С.М. Книга тренера. М.: Физкультура и спорт, 1971. – 312 с., ил.
- 3.Верхшанский Ю.В. Основы специальной физической подготовки спортсмена. – М.: Физкультура и спорт, 1988. – 331 с., ил.
4. Верхшанский Ю.В. Основы специальной силовой подготовки в спорте. – М.: Физкультура и спорт, 1970. 264 с.
5. Волков Л.В. Теория и методика детского и юношеского спорта. Киев, Олимпийская литература, 2002. – 294 с.
6. Зациорский В.М. Физические качества спортсмена. – Изд. 2-е. – М.: Физкультура и спорт, 1970.
- 7.Иванков Ч.Т. Теоретические основы методики физического воспитания. – М.: «Инсан», 2000. – 352 с.
- Керимов Ф.А. Спорт кураши назарияси ва усулияти: Т.: УзДЖТИ, 2001. – 286 с.
- 8.Кузнецов В.В. Специальная силовая подготовка спортсменов высших разрядов. М.: Физкультура и спорт, 1970. – 208 с.
- 9.Кузнецов В.В. Специальная силовая подготовка спортсмена. М.: Советская Россия, 1975. – 208 с.
- 10.Курысь В.Н. Основы силовой подготовки юношей. – М.: Советский спорт, 2004. – 264 с.: ил.
- 11.Матвеев Л.П. Основы общей теории спорта и системы подготовки спортсменов. Киев, 1999.
- 12.Платонов В.П. Общая теория подготовки спортсменов в олимпийском спорте. – Киев: Олимпийская литература, 1997. – 584 с.
- 13.Развитие двигательных качеств школьников: (развитие быстроты, выносливости, силы и равновесия)/ Под ред. З.И.
- 14.Кузнецовой. – М.: Просвещение, 1967. – 204 с.
- 15.Сухоцкий И.В. Силовая подготовка учащихся ПТУ допризывного и призывного возрастов: Метод. Пособие для ПТУ. – М.: Высш. Шк., 1990. – 80 с.: ил.
- 16.Теория и методика физического воспитания: Учебник./Под ред. Т.Ю. Круцевич. – в 2-х томах. – Киев. Олимпийская литература, 2003. – 424 с.

17. Теория и методика физической культуры: Учебник / Под ред. Проф. Ю.Ф. Курамшина. – 2-е изд., испр. – М.: Советский спорт, 2004. – 464 с.
18. Теория спорта /Под ред. Проф.В.Н. Платонова. – К.: Вища шк., 1987. – 424 с.
19. Филин В.П. Воспитание физических качеств у юных спортсменов. – М.: Физкультура и спорт, 1974. – 232 с.
20. Харре Д. Учение о тренировке. – М.: Физкультура и спорт, 1971. – 328 с.
21. Хартман Ю. Тюннеманн Х. Современная силовая тренировка. Шпортферлаг: Берлин. – 1988. – 336 с.: ил.
22. Чермит К.Д. Теория и методика физической культуры: опорные схемы: учебное пособие – М.: Советский спорт, 2005. – 272 с.

## **IV. БОБ. ТЕЗЛИК ҚОБИЛИЯТИ ВА УНИ РИВОЖЛАНТИРИШ УСУЛЛАРИ.**

### **4.1. Тезлик қобилияти ҳақида тушунча. Тезлик қобилияти даражасини ривожлантириш омиллари ва тезлик қобилияйтларининг пайдо бўлиши.**

Инсоннинг ҳаракат масалаларини жадал суръатларда бажара олиш имкониятини ифодалаш учун бир неча йиллар давомида «тезкорлик» атамаси ишлатилиб келинган. Ҳаракат тезкорлигининг кўплаб шакллари мавжудлигини ва уларнинг ўзига хослигини эътиборга олиб, бу атамаси сўнгти вақтларда «тезлик қобилияти» тушунчасига алмаштирилди (2 расм).

*Тезлик қобилияти – бу дақимал вақт оралиғидаги шароитда ҳаракатларнинг бажарилишини таъсисиқловчи инсон хусусиятларининг функционал мажмуласи.*

Тезлик қобилиятынинг элементар ва мажмуавий шакллари мавжуд (3 расм). Элементар шаклга тезлик қобилияйтларининг тўртта тури киради.

1. Берилган хабарни тез сезиш қобилияти.

2. Юқори тезлиқдаги ҳаракатни якка локал бажариш қобилияти.

3. Ҳаракатни тез бошлаш қобилияти (баъзида амалиётда кескин бажариш билан аталади).

4. Ҳаракатни максимал суръатда бажариш қобилияти.

Хозирги вақтдаги йиғилиб қолган бир қатор илмий омилларнинг кўрсатишича, бу қобилияtlар ҳам мураккаб тизимга эга.

Элементар тезлик ҳаракати максимал суръати тезлик қобилиятынинг ягона шакли дейиш мумкин эмас. Бунга ҳаракатнинг юқори суръат кўрсаткичлари орасидаги дастлабки ҳолатнинг бажарилишини, юкнинг ҳар хил оғирлиги ва ортиқча оғирликсиз ҳаракат амплитудаси ўзгаришларидаги алоқанинг йўқлиги каби омиллар гувоҳлик қиласи.

Максимал суръатнинг юқори кўрсаткичлари кўлларни оёқларга нисбатан, ўнгни чапга нисбатан, дистални проксималга нисбатан кузатилиади.

Тезлик пайдо бўлишининг элементар шакллари ва бошқа қобилияtlари йиғиндинисидаги мажмуавий техника малакаси билан

таъдақланиши тезлик лаёқатини жадал мураккаб актларда кўри-ниши алоҳида спорт турларига ҳосдир.

Мажмуавий шаклларга тааллукли бўлган ҳолатлар:

◆ *стартда максимал имкониятларча бўлган тезликни олии қобилияти.* (старт тезлик қобилияти) спринтерга югуришдаги старт тезлигини ошириш, конъкида югуриш ва эшкак эшиш спортида, футболдаги, сакраш, теннисдаги коптокни олиш;

◆ *масофа тезлигида юқори дараҷасаларга эришии қобилияти* (масофа тезлик қобилияти) югурища, сузища.

◆ *бир ҳаракатдан бошқасига тез ўтиши қобилияти.*

Тезлик қобилияти дараҷасини ривожлантириш омиллари:

1. Асаб жараёнининг ҳаракатчанлиги, яъни асаб марказининг хаяжонланиш ҳолатидан тормозланиш ҳолатидаги ўтиш тезлиги.

2. Турли мушак тўқималари эгилувчанлиги ва чўзилувчанлигининг ўзаро муносабати.

3. Ички ва ўрта мушакларнинг мувофиқлаш самарадорлиги.

4. Ҳаракат техникасининг мукаммалиги.

5. Ирода фазилатларини, кучларини, мувофиқлаш қобилиятлари, эгилувчанлигини ривожлантириш дараҷаси.

6. Мушаклардаги АТФнинг микдори, унинг ресинтези ва парчаланиш тезлиги (тикланиш).

Тезлик қобилиятларининг ҳосил бўлиши ташки мухитдаги ҳароратга ҳам боғлиқ. Ҳаракатнинг максимал тезлиги  $+20-22^0$  ҳароратда кузатилади ва  $+16da^0$  6-9% га тушиб кетади, шунинг учун инсон тезлик қобилиятлари ўзига хос хусусиятларга эга.

Унча баланд бўлмаган тезлик масофасида яхши старт тезкорлигини эгаллаган ҳолда, бир ҳаракатни бошқасига нисбатан секин бажариш ёки бунинг акси бўлиши мумкин. Бу билимларни ўрганиш амалиёт учун фойдалидир. Баскетболчилар, футболчилар, теннисчилар учун старт тезлиги мухим бўлган машқлар танланади. Асосий дикқатни масофа бўйлаб югуришга эмас, балки турли ҳолатларда старт тезлигининг ҳаракат йўналишини тез ўзгартиришга қаратилади.

Тезлик қобилиятларининг алоҳида шакллари ўртасидаги нисбий эркинлик ҳаракат вазифалари юқори тезликка хатосиз эриша олмаслигини кўрсатади.

Тезлик қобилиятининг тўғридан – тўғри кўчиш ҳаракатлари мувофиқлаш – ўхшашлигига кузатилади.

Машгулотлардаги оёқларни букиш тезлиги ядро улоқтиришда, спринтерча югуришда, жойидан туриб сакрашда яхши натижаларни эгаллашда мухим аҳамиятга эга, лекин сузишда, боксда бу ҳаракат аҳамиятсиз.

Тезлик қобилиятининг турли мувофиқлаш ҳаракатлардаги кўчиши жисмонан заиф тайёрланган спортчиларда кузатилади.

## 4.2. Тезкорлик ҳаракатини сезиш ривожланишининг услубияти

Ҳаракатни сезиш тезлиги оддий ва мураккаб бўлади.

**Оддий сезии** – аввалдан маълум бўлган ҳаракатни бажариш учун кутилмаган хабар. Масалан кутилган хабар бўйича, югуришга старт бериш, тез отиш, кўкракдан ёки бошдан ошириб тўп ташлаш. Сезишнинг қолган тури ҳаммаси мураккабдир.

Сезиш ҳаракатининг 3 та босқичи бор:

1. **Сенсорлик** – хабар берилган вақтдан бошлаб мушак фаолли-гининг биринчи белгиларигача.

2. **Премоторлик** – ҳаракат бошлангунга қадар мушакнинг электр фаоллигининг пайдо бўлиши. Бу босқич барқарорлашган ва 25-60 м/с ни ташкил қиласди.

3. **Моторли** - ҳаракат бошланишидан то тугагунча давом этади. Сенсор ва премоторли босқич яширин таъсирининг таркибий қисм-ларини ҳосил қиласди, моторлиси эса ҳаракатни ташкил қиласди.

Оддий ҳаракат сезгисининг бутунлай қисқариш вақти машғулот пайтида моторли таркибий қисмлар ҳисобига содир бўлади. Перцептив ва ҳаракатли жараёнлар мустақил ҳисобланади, лекин латент таркибий қисмларининг ҳаракатларида фарқлар кўп.

Летент вақт сезиш физиологик тассаввурларга кўра беш қисмдан иборат.

1. Рецептордаги ҳаяжон қўзгатувчидан сезувчи аъзолар орқали, яъни кўз, қулоқ, сезги хисси, вестибуляр асабоблар орқали қабул қилинади.

2. Ҳаяжоннинг марказга интилма асабларидан МАТга узатилиши.

3. Ҳаяжоннинг асаб тармоқлари бўйича ўтиши ва электр хабарининг шаклланиши.

4. Ҳаяжоннинг МАТ дан мушакларга узатилиши.

5. Мушакларнинг қўзғалиши ва унда механик ҳаракатнинг пайдо бўлиши.

Рецепторда ҳаяжоннинг пайдо бўлишига сарф қилинадиган вақт қўзгатувчининг жисмоний табиатига ва қабул қилувчи рецепторнинг хусусиятларига боғлик.

Қўзгатувчининг кўриш рецепсиясидаги товуш ва хисларни қабул қилиш вақти анча қисқарди, шунингдек, асаб импульсларидағи ёруғлик энергияларини ҳосил қилувчи фотокиёмвий жараён охирги ҳолатларда сезиларли вақтни эгаллади.

Ҳаяжоннинг марказга интилма асабдан МАТга узатилиш вақти асаб жараёнининг ҳаракатига боғлик. Бу омиллар кўп даражада машқлар таъсирида ўзгаради. Қўзғалиш вақтида асаб толаларининг узунлиги унинг қалинлигига боғлик. Асаб импульсларининг тезлиги 50-120 м/с га teng. Аниқланишича, машғулотлар натижаси ёшга боғлик эмас ва спортчи ғолиблик чўққисини 9-10 ёшдан 25-28 ёшгача эгаллаши мумкин.

Латент ва моторли таркибий қисмларнинг ўзаро муносабатлари вақтнинг умумий натижасидаги тавсиф сезгиларига, ёшга, спорт турига, спортчи мутахассислигига, организмнинг ҷарчаш жараёнига боғлик.

Оддий сезиш тезлигининг кўринарли яхшиланиши мураккаб вазифа, чунки гап ўнлаб, баъзида юзлаб секундларни ютиш ѩақида кетмоқда.

Латент таркибий қисмларнинг умумий вақтига 20-25%, моторлига 75-80% кетади. Масалан, олий малакали спринтерларнинг стартёр отилганнаги умумий вақти 0,30-0,40с, бунда латент даври 0,06-0,10с, мотор-0,24-0,30. Элемент стартининг амалга ошиши туфайли спрингдаги умумий натижага 0,05-0,08 с га яхшиланди.

Оддий сезгида тезликнинг юқори кўчиши кузатилади: бирдан берилган хабарга спортчининг бирор органи тез жавоб беради ва гавданинг шу қисми бошқа қисмларга нисбатан тез қабул қилувчи хисобланади. Масалан: хабарни кўли билан тез сезган спортчи оёғи билан ҳам тез қабул қиласди. Спортчининг эътибори кўпроқ, хабар қабул қилишга (сезишнинг сенсор тури) ёки бўладиган ҳаракатга (сезишнинг моторли тури) қаратилади, бу эса оддий сезиш вақтига боғлик.

Сезиш тезлигининг ошиши мушакларни ҳам қўзғатади, шунинг учун паст стартга яна ҳам ундаш таклиф қилинади. Тезлик

сезгиси кутилаётган хабарга боғлиқ. Бошловчи ва ижро этувчи жамоа ўртасидаги энг қулай вақт 1,5 с.

Спринтерча югурувчининг «диккат» буйруғи билан пистолетдан отилган ўқ ўртасидаги вақтда нафас ушлаб туриш старт сезишини камайтиради. 25-30 дақи=али бадан қиздиришдан кейин эса сезиш вақти қисқаради. Агар бир нечта старт бажарилса (1,5-2 дақ. Интервал билан), 7-8 уринишда вақтнинг яхшиланиши кузатиласи.

Оддий сезиш тезликни кучайтириш учун бир қанча машқларни таклиф киласи ва бу машқларни бажаришда олдиндан кўниккан хабарида ҳаракатлантиради. ( товушли, кўз билан кўрилган, ҳис этилган.)

Масалан: тренер буйруғи билан паст стартда югуриш;

♦ айлана бўйлаб юрганда, тренернинг кутилмаган тез қисқа хабаридан кейинги ( кафтига уриш, хуштак чалиш) бажариладиган (юкорига сакраш, ёнга сакраш, ўтириш, ҳаракат йўналишини  $180^0$  ёки  $360^0$  га ўзгаришиш) ҳаракатлар;

♦ тренернинг хабари билан коптокни ташлаш (кўкрақдан ёки бошдан ошириб).

«Тезликни сезиш» машқлари анча енгил шароитларда, яъни мусобақага вақт жуда оз қолганда бажарилади.

Масалан; ҳаракатни сезиш тезлигини ривожлантириш учун спринтли стартда машқлар бошланишидаги турли ҳолатларни, яъни старт берилишида, ўтирганда, тиззалаб ўтирганда, орка билан ётганда қўллаш мумкин. Бу машқларнинг бажарилиши товушларга боғлиқ бўлган ҳолатлардагина, яъни баланд хабарлардан (отиш, хуштак чалиш) тортиб то секин хабарларгача (бармоқларни шиққиллатиш) ишлатиласи.

Тезликка таъсирнинг кенг тарқалган йўлларидан бири такрорлаш усули бўлиб, кутилмаган хабарда машқларнинг кўп марта бажарилишини назорат қиласи. Бу усулда сенсорли ва моторли сезгиларнинг босқичини яхшиланишига ёрдам беради. Машғулотларда энди бошловчилар учун ижобий натижаларни беради, лекин тезлик сезгиларида кейинги қўлланилишида мустаҳкамланиб, яхшиланиши қийинчилик билан ўтади.

Оддий сезгининг ўта мустаҳкамланиб кетишидан сақланиш учун машғулотларда, асосан, мактаб ёшидаги болаларда, ўйин усуллари қўлланилади. Бу усулда вазифани бажаришдаги шароит-

нинг доимийлиги ёки ўзгариб қолиши, шерикларнинг бир-бирига ўзаро муносабати ёки қарши ҳаракатлари ҳисобга олинади. Бундай ҳолатлардаги машқлар кутилмаган хабарга тез таъсир қилувчи ҳаракат элементлари бўлган спорт ўйинларида қўлланади.

Сенсор усул бу тезликни сезиш ва қобилият орасидаги унча катта бўлмаган вакт оралигини (ўнлаб, юзлаб секундлар) фарқлашга асосланган. Бу усул тезликни сезиш ва бошқариш қобилиятини ривожлантиришга қаратилган бўлиб, ҳаракатлантирувчи таъсирнинг сенсор таркибий қисмларини яхшилади. Бу усул сенсор таркибий қисмларнинг ҳаракат таъсирини яхшилашга асосланган. Масалан, уч босқични қўриб чиқамиз: *биринчи босқичда ўкувчи ҳабарни эшитиб, максимал тезликда ҳаракатни бажаради. Ҳар бир уринишдан кейин ўқитувчи белгилаган вактни айтиб туради. Иккинчи босқичда ҳам ҳаракатлар шундай юқори тезлиқда бажарилади лекин ўқитувчи ўкувчидан қайси вактда ҳаракатни бажарганини сўрайди. Жавобни эшитиб, ўзи аниқ далиллар асосида белгилаган вактни кўрсатади. Учинчи босқичда ўқитувчи ўкувчига аввал ўзи ўрганган тезликни сезишни вазифа қилиб топширади.*

*Мураккаб таъсир қуйидагиларга бўлинади:*

- ♦ ҳаракатланаётган объектга таъсир;
- ♦ танлаш таъсири.

Таъсирнинг бу турлари кўпроқ ўйинларда ва якка курашларда учрайди. *Тезликни сезиш ҳаракат қилаётган объектга нисбатан 0,18-1,00с ни ташкил қиласди. Латент босқичи бу таъсирда оддийга нисбатан кўпроқ, яъни 300 м/с га етиши мумкин.*

Сезгининг яширин даври ҳаракат қилаётган жисмга нисбатан тўрт элементдан тузилади.

1. Одам ҳаракатланаётган жисмни кўриши керак (тўпни, ўйинчини);
2. Ҳаракат тезлиги йўналишини баҳолаш керак;
3. Ҳаракат режасини танлаш;
4. Амалга ошириш.

Вактнинг асосий қисми (80%) кўз билан кузатишга кетади, яъни катта тезлик билан ҳаракатланаётган жисмни кузатади.

Кўриш қобилиятини машқ қилдириш, машғулотларга алоҳида эътибор бериш, шунингдек, ҳаракат қилаётган объектни машқларда ишлатиш керак.

Уларни бошқаришда:

- ◆ объектнинг тезлик ҳаракатини аста-секин кўпайтириб бориш керак;
- ◆ объект билан шуғулланувчилар ўртасидаги масофани қисқартириб бориш керак;
- ◆ ҳаракатланаётган объект ўлчовини кичрайтириш керак.

Бу қобилиятларни ривожлантириш усулларидан бири баскетбол, футбол, қўл тўпи каби спорт турларидаги коптоклардир, яъни одатдагига кўра кичкинароқ коптоклар ишлатилади.

Вақт таъсирини қисқартиришда спортчи томонидан отилган футбол коптоги ёки шайбанинг ҳаракатланиш йўналишини олдиндан била олиш қобилияти муҳим рол ўйнайди. Замонавий хоккей турида шайбанинг учиш тезлиги 50 м/с. Демак, дарвозабон 10 м оралиқдан отилган шайбани тутишга улгура олмайди. Лекин ҳаракатланиш йўналишини олдиндан билиш қобилияти бўлгани учун дарвозабон ундан ҳам яқин масофадаги шайбани тутиб олади.

*Танлаш таъсири* шерикнинг, рақибнинг ёки атроф муҳитнинг ўзгаришига мос равишда қатор имкониятлардан керакли ҳаракат жавобини танлаш билан боғлиқ. Танлаш таъсири таъсирнинг жуда мураккаб туридир. Бу ерда вақтни сезиш узоқ машғулотлар мобайнида тўпланган тактик ходисаларни ва техник усулларни ажратса олишга боғлиқ.

Улар қўйидагиларга бўлинади.

*1. Ҳаракатнинг жавоб ҳусусияти ва унинг бажарилиши шартларини аста-секин мураккаблаштириши.* Масалан, дастлаб спортчини олдиндан ўзи билган санчиш ёки уришдан химоя қилишга ўргатилади (химояланувчи хужумнинг қачон ва қайси томонга қаратилишини билмайди), кейин ўқувчига иккита ёки учта хужумдан биттасига жавоб бериш таклиф қилинади. Бора-бора у ҳақиқий курашга айлантириб юборади.

*2. Рақиб ҳаракатини олиндан билиши қобилиятини ривожлантириши,* яъни фақат рақибнинг ўзига эътибор бериш эмас, балки кўзга ташланмайдиган, тайёр бўлмаган ҳаракатлари ва кўринишига (қоматига, мимикасига, ҳаяжонланишига) ҳам қараш керак. Масалан; кўпчилик боксчилар рақибининг финтини унинг зарбаларидан, оёқларининг бошланғич ҳолатидан, юз ва кўзларидан, оёқлари щаракатидан, гавда бурилишидан, кўлларининг ҳолатидан билиб оладилар.

### **4.3. Якка щаракат тезлиги ва ҳаракат частотасининг ривожланиши усулияти**

**Якка щаракат тезлиги** юқори тезликда алоҳида ҳаракат амалларини бажара олиш қобилиятида намоён бўлади. Масалан: найза отишда, волейбол тўпини уришда, киличбозликдаги санчишда қўлнинг щаракати, футбол тўпини тепишда оёқларнинг щаракати.

Кўшимча ташки қаршилик бўлмагандан, якка щаракатларнинг энг катта тезлигига эришилади. Бунга мушакларнинг портлаш қобилияти мисол бўла олади. Бу ҳолатларда якка щаракат тезлигини куч қобилияtlари ривожланиши билан биргаликда олиб бориш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Шу мақсадда куч машқлари кенг қўлланилади. Масалан: турли оғирликдаги камарлар ва жилетлар ишлатиш, югуриш ёки сақраш машқларида оғилаштирилган оёқ кийимларни ишлатиш, қўл билан ҳаракат ўйинларида кўрғошин солинган манжетлардан фойдаланиш, боксёр уришларида оғирлаштирилган қўл-қоплардан фойдаланиш, енгил атлетикада оғироқ снарядлардан фойдаланиш.

Бу қуроллар фақат юксиз машқларда техника малакасини ўзлаштириб олингандан кейингина қўлланади. Кўшимча юкнинг кўплиги ҳаракат техник контраст (вариантли) усул тезлик имкониятларини оширишда фойдалиdir. Унинг мазмуни тезлик машқларини бажаришда қийин шароитдан енгил шароитга алмасиб туришидан иборат. Масалан: 5кг дан 10кг гача бўлган ичи тўлдирилган коптокларни уриб машқ бажариш боксдаги уриш тезлигининг ошишига ижобий таъсир қиласи.

Боксчининг ҳаракат тезлигини ривожлантириш учун гантеллардан фойдаланиш усули тажрибаларда тасдиқланди. Гантеллар билан зарбалар имитация қилинади: тўғри зарба (вазн 4 кг гача) 5-6 марта, пастдан ёнга (вазн 1,5-2 кг) 5-6 марта иккала қўл билан худди шундай ҳимоя; чапга ва ўнга ён бериш ва шўнфиш, орқага букилиш (вазн 4кг гача) ҳар томонлама 5-6 марта. Худди шу машқлар оғирликсиз тақрорланади. Ҳаракатни бирдан бошлаш ва дархол тугатиш учун машқлар бошида мушакларни эркин қўйишни билиш керак.

Югуришда, сузишда, эшкак эшишда, велосипед спортида тезлик қобилияtlарининг бошқа – ҳаракатнинг юқори суръати катта

рол ўйнайди яъни, ҳаракатни вакт бирлигидаги юқори суръати. Масалан: юриш суръати 1 дақиқада 120-140 қадам, эшкак эшишда 1 дақиқада 30-40та эшиш, спринтерча югуришда 1 секундда 4,9-5,0 қадам.

Шунга эътибор бериш керакки, «суръат» сўзи билан «тезлик» сўзи бир хил маънони билдиргани билан улар ўхшаш эмас. Масалан: қўлни турли баландликка кўтариб, пастига бир хил суръатда туширилади лекин, қўлнинг тушиш тезлиги хар хил бўлади. Югуриш тезлиги бир хил частотада, лекин ҳар хил қадам узунлигига турлича бўлади. Кўриниб турибдики, югуриш тезлиги узунликка, қадамлар эса частотага боғлиқ.

Спринтерча югуриш натижалари ва суръат кўрсаткичлари орасидаги турли масофа участкаларида алоқалар мавжуд. Ҳаракат суръати ва югуриш натижалари орасидаги 1-1,5 м масофа участкасидаги ишончли алоқа йўқ бўлиб қолади. Бу омилни шундай тушунтириш мумкин яъни, старт тезлиги техникаси жуда мураккаб бўлиб, жаҳоннинг энг кучли спортчилари орасида ҳам бу ҳатола кузатилади.

Натижа ва суръат орасидаги алоқалар катталиги 35-50 ва 51-65 м участкадаги спортчилар билан эмас, балки бошқа спортчилар гурухи билан солиштирган ҳолда кузатилади. 86-100м участкада бу алоқа камайиб кетади. Спринтдаги натижалар малакасининг ошиши, масофа участкасидаги намоён бўлган ҳаракат суръатининг юқори кўрсаткичларига боғлиқ.

Юқори суръатни ушлаб туриш учун, одамларнинг мушакларни тез қисқартириш ва бўшаштириш қобилияти (антагонистлар-мушак) муҳим аҳамиятга эга.

Бу қобилиятнинг ривожлантириш усулий йўли ортиқча зўриқишишиз катта частоталарда такроран бажарилади. Бундай машқларнинг узунлиги ҳаракат частотаси сақланган ҳолда вақтлар билан аниқланади. Тезкорликни етишмаслиги туфайли мушакларнинг бўшашишида зўриқиши пайдо бўлади, яъни мушаклар бўшашишга улгурмасдан яна қайтадан қисқариш керак. Натижада қисқаришда мувофиқлаш ва бўшашишда антагонистик мушак гурухлари бузилади. Бир гурух мушакларнинг бўшашиши, иккинчисининг қисқариши жароҳат олишга сабаб бўлади.

Мушакларни бўшаштириш усулини ривожлантиришга уч та йўл орқали эришилади:

1. Мушаклар ҳаракатларда қатнашмаганлиги учун зўрикишининг максимал даражада камайиши. Масалан: конькида югуришда бу тезлик факат орқа, бўйин, қўл ва гавда мушакларига тегишли бўлади.

2. Антогонистлар – мушак зўриқишини йўқотишда асосий ҳаракатга қарши турган қўзгалиш туфайли унинг амплитудаси камаяди ва ташқи кучлари кўпаяди. (конькида югуришда сон мушаклари ва тиззани букувчи мушаклар)

3. Мақсадга мувофиқ ритмда мушакларнинг зўриқишдан бўшашибга ўтиб туришини таъминловчи ҳаракат ҳодисасини ўрганиш.

#### **4.4. Тезлик қобилияtlарининг пайдо бўлишида мажмуавий шаклларнинг ривожланиш усулияти**

Юқорида кўриб чиқилган ҳаракат ҳодисаларидағи тезлик қобилияtlари доимо биргаликда намоён бўлишади. Уларнинг мажмуавий пайдо бўлиши ҳаракат фаолиятининг асосий мазмуни хисобланади.

Мавсумий спринтер ҳаракатлари бир неча босқичлари билан фарқланади.

1. Ҳаракатнинг бошланиши (старт) ва старт тезлиги.
2. Тезликни сақлаш (унинг нисбий мустаҳкамланиши).
3. Тезликни пасайтириш.

Ҳар бир босқич спринтердаги тезлик қобилияtlарининг бир марта кўринишидир: биринчиси – старт тезлик қобилияти, иккинчиси – масофа тезлик қобилияти, учинчиси – спринтернинг бардошлилиги. Масалан: кучли спринтерлар 100 м га югуришда максимал тезликни йўлнинг 40-50м қисмида эгаллашади, 85 м да секинлашиб, кейин пасайиб кетади. Ҳар бир босқичнинг хиссаси спорт натижаларида қуйидагича бўлади: старт-3%, старт тезлиги – 30%, максимал тезлик – 52%, тезликни пасайиши – 5% тезлик қобилияtlарини ошириш даражасининг ривожлантиришни иккита усулияти бор.

1. Тезлик қобилияти намоён бўлишини аниқловчи алоҳида таркибий қисмларни тахминий такомиллаштириш.

2. Бир бутун такомиллаштириш, бунда маълум спорт тури учун тавсифли бўлган алоҳида қобилияtlарни бир бутун ҳаракат амалларига бирлаштириш кўзда тутилади.

Тезлик қобилияти ривожланиши мажмуавий шаклининг намоён бўлиши воситаси сифатида юқори тезликда бажариладиган машқлардан фойдаланилади. (одатда уларни тезлилик деб аталади.)

Машқларнинг турли йуналишларига қарамасдан бу восита мажмуавий тавсифга эга яъни, бир вақтда тезликнинг ҳар хил турига турлича таъсир ўtkазади. Тезлик машқларнинг техникаси машқлар бажарилишининг юқори тезликда ўтишини таъминлаш керак. Машқларни шу даражада ўзлаштириб олиш керакки, асосий эътиборни унинг бажарилиш усулига эмас, балки унинг тезлигига қаратиш керак. Машқлар давомийлиги таъсирида чарчаб қолиб, бажарилиш тезлигини пасайтириб юбормаслиги керак. Машқларнинг давомийлиги тезлик қобилияtlари мажмуасини эгаллашга қаратилган бўлиб, спорт турларидаги (яккакурашларда, тезлилик-кучлилик ва мураккаб мувофиқлаштириб турларда) 5-10 секунд бўлиши мумкин.

Мажмуавий тезлик қобилиятининг ривожланишида тақрорлаш усули етакчи ҳисобланади. Бу ҳолатдаги асосий тенденциянинг вазифаси машғулотларда юқори тезликни оширишга ҳаракат қилишdir. Бу вазифага усулларнинг ҳамма таркиблари бўйсунади (масофа узунлиги, машқ бажарилишини самарадорлиги, дам олиш оралиғи, тақрорлашлар сони ва дам олиш хусусияти). Масофа узунлиги (машқларнинг давомийлиги) шундай танланадики, ҳаракатланиш давомида унинг тезлиги (ишнинг самараси) пасайиб кетмаслиги керак. Бунда ҳаракат юқори тезликда бажарилади ва ҳар уринишда яхши натижаларни кўрсатишига ҳаракат қилинади. Уринишлар орасидаги дам олиш оралиғи катта бўлиши керак, шунда организм ўзини тиклаб олади ва тезлик пасайиб кетмайди.

Ўйин ва мусобақа усулларидан фойдаланилганда қўшимча рағбат, қизиқиц, хис-ҳаяжон кўтарилиши, шуғулланувчиларнинг рақобатчилик кайфияти кабилар ҳисобига тезлик пайдо бўлиш имкониятлари ошади.

Вариатив усул тезлик имкониятларини ўстиришнинг натижавий усулларидан бири бўлиб, тезлик машқлари қийинлашиб қолганда, уни оддий ва осон йўлга алмаштириб, мушак ҳаракатидаги кучланишни енгиллаштиради ва ҳаракат тезлигини оширади. Шу мақсадда куйидаги машқларни бажариш таклиф қилинади: тоқقا чиқиши, қумда югуриш, юқ билан югуриш.

Тезлик машқларини енгиллаштирилган шароитда бажариш ҳаракат тезлигини оширади. Бунга ҳолатларга қуйидаги ҳаракатлар, мисол бўла олади: велосипедни пастликка қараб ҳайдаш, филдиракли конъкида учиш, шамол бўйлаб югуриш, оқим бўйлаб сузиш ва х.к. Машқ бажаришни енгиллаштирувчи маҳсус курилма югурувчига, эшкак эшувчига тезликни 5-20% оширишига ёрдам беради. Шунингдек, ҳаракат тезлигини оширишга етакчи шерикларнинг чақирави, овози ёрдамида ҳам эришиш мумкин.

Амалиётда тезлик қобилияти кўп бўлгани билан спорт натижалари ўсиши ҳолати камайиб кетган спорт турларини ҳам учратиш мумкин. Машғулотлар билан кўп шуғулланса ҳам, спринтернинг машқлари натижаси яхшиланмасдан, тезлик тўсифи пайдо бўлган. Бунинг бирдан – бир сабаби машғулотларда факат бир хил воситалардан, усуллардан, вазифалардан ва машғулот шароитларидан фойдаланишдир. Натижада, динамик ҳаракатнинг стерео типи пайдо бўлади, яъни бош миянинг ярим шаридағи асаб жараёнларини чидамли бўлишига сабаб бўлади. Шунинг учун тезлик қобилиятларини ривожлантиришнинг муҳим вазифаларидан бири тезлик тўсигини пайдо бўлишининг олдини олиш, агар у пайдо бўлган бўлса ҳам уни енгиб ўтишдир.

«Тезлик тўсигини» енгишда янги ўрганувчи спортчиларга тор доирадаги машқларни бериш керак эмас, балки кенг вариативли бошқа воситаларни қўллаб, юқори натижаларни қўлга киритиш лозим.

Малакали спортчилар билан ўтказилган машғулотларда машқ вазифаларининг хажми камайтирилиб, тезлик – куч, умумий тайёргарлик, маҳсус тайёргарлик томонлари кучайтирилди.

Тезлик тўсигини енгишда енгиллаштирилган шароит яратилади, шундагина спортчи юқори тезликни оширишга ўзини тайёрлайди ва натижаларга одатдаги шароитларда ҳам эришади.

Тезлик машқларини бажаришда спортчининг иродаси ва руҳий тайёргарлиги ўзини хаёлан ғалабага йўналтириши муҳим рол ўйнайди. Хаёлан ғалабага йўналтиришдаги тезликни олиш икки ҳолатда бўлади: машқларни ҳеч қандай зўрикишсиз эркин бажариш

**Тезкорлик – инсоннинг мальум шароитлардаги минимал вақт оралығыда харакатлар бажариш қобилияты. Бу инсон харакатининг тезлик характеристикаларини тұтрыдан тұтры ифодаловчи функционал хусусиятлари мағмусаси**

## Тезкорлик (тезлик қобилиялары)

Тезкорликниң намоён бўлиши

Харакат таъсирчанлигининг лагент вақти

Бир марталик харакат тезлиги

Харакатлар частотаси

Бутун харакат амалиюн бажарилиши тезлиги

Тезкорликниң намоён бўлишини аниқловчи омиллар

Асад жараёнларининг харакатчалиги

Турли мушак түқималарининг нисбати

Ички ва мушаклараро координация самарадорлиги

Харакат техникасининг такомиллігі даражаси

Мушакларнинг АТФ тарқиби, уюннегемирилиши ва қайта тикланыш тезлиги

Тезлик қобилияларини ривожлантириш масалалари


Үрганиб олинган харакат күйикмалари билан уйғунашған тезлик қобилияларининг ҳар томонлама ривожланғанлығы

Натиска тезлик сифатлари билан белгиланадиган фәолият турларыда тезкорликни максимал ривожлантириш

Мальум фәолият турининг самарадорлиги боянып бўлган тезлик қобилияларини такомиллаштириш

2 расм. «Тезкорлик» харакат сифатининг умумий характеристикаси.  
(К.Д.Чермит бўйича, 2005)

## Тезкорлик (тезлик қобилиятлари)



3 расм. Тезликни ривожлантириш усуули асослари.  
(К.Д.Чермит бүйича, 2005)

ва юқори тезлиқда бажариш. Албатта бу йүнзрөк бажаришга ўзини мажбур қилиб, ирода қудратини күрсатади;

◆ ҳаракатни «етакчисини» тезроқ бажариш учун бутун диққатни түплаш керак. Мадомики, ҳамма ҳаракат бутунлигича ҳаракатланувчи актларга боғланган экан, улардан бирини ёрдами туфайли қолгани хам тезлаб кетади. Шунинг учун шундай ҳаракат топиш керакки, хам бутун машқлар мувофиқлашсига боғлик бўлсин.

Масалан: спринтерча югуришда спортчи ҳаракатни хам қўли билан хам оёғи билан тезлаштиради.

◆ аниқ мақсадга эришиш учун катталикка ёки кўзда тутилган нарсага қаратиши.

Масалан: қисқа масофага белгиланган вақт ичида боришига ҳаракат қилиш, лента устидан сакраб ўтиш, шахсий рекордини ўрнатиш, снаряни нишонга теккизиш.

Диққатни жисмга қаратиш тезлик ёки сакраш элементи бор ҳаракатларда муҳим ахамиятга эга.

Бунинг учун биринчи навбатда аниқ мақсаддалар учун турли сакрашлардан фойдаланилади: қўл, бош, оёқ билан тупга байроқ-гача, икки дараҳт шохига тегиши. Масалан: баскетболчилар қўлини баскетбол ҳалқасига юқорига сакраб теккизишиди.

### **Ўз-ўзини текшириш учун саволлар ва трофициклар**

- 1.«Тезлик» атамаси нимани англатади?
2. Тезлик қобилиягининг сизга маълум бўлган қандай шакллари бор?
3. Тезлик қобилиягининг қандай турлари элементар шаклларга тегишли?
4. Тезлик қобилиягининг қандай турлари мажмуали шакл-ларга тегишли?
5. Оддий таъсирга таъриф беринг.
6. Латент таъсирининг вақти нима.
7. Оддий таъсирнинг тезлик ривожланишига машқлардан ми-соллар келтиринг.
8. Тезлик таъсирининг амалга ошиши учун кенг тарқалган усуулар қандай?
9. Оддий таъсирнинг тезлик ривожланишида ўйин усули қан-дай мақсадларда ишлатилади?

10. «Сенсор усулни» таърифланг.
11. Мураккаб таъсирга таъриф беринг.
12. Мураккаб таъсирнинг қандай турларини биласиз? Ҳар бирига таъриф беринг.
13. Ҳаракатланувчи объектга нисбатан яширин таъсирнинг босқичлари қандай элементлардан ташкил топган?
14. Тезлик таъсирининг ривожланишидаги ўзига хос хусусиятларни очинг.
15. Якка ҳаракат тезлигиде нимани тушунасиз? Мисоллар келтиринг.
16. Контраст усулга таъриф беринг.
17. Тезлик қобилияти мажмуасининг ривожланишида қайси усул етакчи хисобланади? Нима учун?
18. «Тезлик тўсифини» енгиш учун нима қилиш керак?
19. Тезлик қобилиятларини амалга оширишда руҳий тайёр-гарлик қандай рол ўйнайди?

#### **Адабиётлар:**

- 1.Бомпа Т. Подготовка юных чемпионов: перев. С англ./Т. Бомпа – М.: ООО «Издательство Астрель»: ООО «Издательство АСТ», 2003. – XII, 260 с.: ил.
- 2.Вайщеховский С.М. Книга тренера. М.: Физкультура и спорт, 1971. – 312 с., ил.
- 3.Волков Л.В. Теория и методика детского и юношеского спорта. Киев, Олимпийская литература, 2002. – 294 с.
- 4.Зациорский В.М. Физические качества спортсмена. – Изд. 2-е. – М.: Физкультура и спорт, 1970.
- 5.Иванков Ч.Т. Теоретические основы методики физического воспитания. – М.: «Инсан», 2000. – 352 с.
- 6.Керимов Ф.А. Спорт кураши назарияси ва усулияти: Т.: УзДЖТИ, 2001. – 286 с.
- 7.Курамшин Ю.Ф. Методы обучения двигательным действиям и развития физических качеств: Теория и технология применения: Учебное пособие. – СПб., 1998.
- 8.Матвеев Л.П. Основы общей теории спорта и системы подготовки спортсменов. Киев, 1999.
- 9.Озолин Н.Г. Современная система спортивной тренировки. М.: Физкультура и спорт, 1970. – 480 с., ил.

- 10.Платонов В.П. Общая теория подготовки спортсменов в олимпийском спорте. – Киев. Олимпийская литература, 1997. – 584 с.
- 11.Развитие двигательных качеств школьников: (развитие быстроты, выносливости, силы и равновесия)/ Под ред. З.И. Кузнецовой. – М.: Просвещение, 1967. – 204 с.
- 12.Теория и методика физического воспитания: Учебник/Под ред. Т.Ю. Круцевич. – в 2-х томах. – Киев. Олимпийская литература, 2003. – 424 с.
- 13.Теория и методика физической культуры: Учебник/Под ред. Проф. Ю.Ф. Курамшина. – 2-е изд., испр. – М.: Советский спорт, 2004. – 464 с.
- 14.Теория спорта /Под ред. Проф.В.Н. Платонова. – К.: Вища шк., 1987. – 424 с.
- 15.Филин В.П. Воспитание физических качеств у юных спортсменов. – М.: Физкультура и спорт, 1974. – 232 с.
- 16.Харре Д. Учение о тренировке. – М.: Физкультура и спорт, 1971. – 328 с.
- 17.Холодов Ж.К., Кузнецов В.С. Теория и методика физического воспитания и спорта: Учебное пособие для студентов высших учебных заведений. – М.: «Академия», 2000. – 480 с.
- 18.Чермит К.Д. Теория и методика физической культуры: опорные схемы: учебное пособие – М.: Советский спорт, 2005. – 272 с.

## **V. БОБ. МУВОФИҚЛАШ ЛАЁҚАТЛАРИ ВА УНИ РИВОЖЛАНТИРИШ УСУЛИЯТИ**

### **5.1. «Ҳаракатларни мувофиқлаш», «мувофиқланғанлик», «мувофиқлаш лаёқатлари» тушунчаларининг таърифи**

Бирон ҳаракат фаолиятини бажаришда инсоннинг мувофиқловчи имкониятларини тавсифлаш учун назария ва жисмоний тарбия усулиятида, узок вақт «чаққонлик» атамаси қўлланилиб келинган. Хозирги кунда уларни белгилаш учун кўп ҳолларда «мувофиқлаш лаёқатлари» атамаси ишлатилмоқда. Бу тушунчалар маъноси бўйича яқин бўлгани билан, таркиби бўйича бир хил эмас (5 расм).

«Мувофиқлаш лаёқатлари» тушунчасига таъриф бериш учун бошлангич нуқта бўлиб «мувофиқлик» сўзи хизмат қилиши мумкин (лотинча coordination сўзидан олинган бўлиб мувофиқлаштириш, тартибга солиш маъносини билдиради).

«Ҳаракатларни мувофиқлаш» тушунчасига келадиган бўлсак, унинг маъноси лотинчадан таржимасига қараганда анча кенг. Хозирги вақтда ҳаракатлар мувофиқлигининг бир неча таърифлари мавжуд. Уларнинг барчаси, ушбу мураккаб ҳодисанинг қандайдир алоҳида жиҳатларини очиб беради (физиологик, биомеханик, нейрофизиологик, кибернетик)

Н.А.Бренштейннинг ёзишича «ҳаракатлар мувофиқлиги» бизнинг органларимиз ҳаракатларининг эркинлик даражасини енгид ўтишдир, яъни уларни бошқариувчи жараёнга айлантиришдир.

Бу таъриф, орадан анча вақт ўтган бўлишига қарамасдан, ҳозирги кунда ҳам энг кўп тарқалган ва тан олингандардандир. Н.А.Бренштейннинг (1991) фикрича ҳаракат аппаратини бошқаришида энг қийини бу эркинлик даражаларини енгид ўтишдир. Маълумки, О.Фишернинг (1906) ҳисоблари бўйича гавда, бош ва оёқ – қўллар ўртасида бўлиши мумкин бўлган 107 дан ортиқ эркинлик даражаси мавжуд. Масалан, фақат оёқ – қўлларнинг ўзи 30 тадан эркинлик даражасига эга. Шунинг учун, ҳаракатлар мувофиқлигига инсон ечиши лозим бўлган асосий масала - ортиқча эркинлик даражаларини камайтиришдир.

Ҳаракат аппаратини бошқаришдаги кийинчиликларнинг асосийлари қўйидагилар:

1. Диққатни инсон танасининг қўплаб бўғимлари ва қисмлари ҳаракатларига teng тақсимлаш, уларни ўзаро мувофиқлаштириш.

2. Инсон танасига хос бўлган қўплаб эркинлик даражаларини енгиб ўтиш.

3. Мушакларнинг эгилувчанлиги (Н.А.Бренштейн, 1991).

Кейинги вақтда бир бутун ҳаракат амалларини тузишнинг мураккаблигини ҳаракат дастурларининг ўзгариши (бир аъзонинг ҳаракатини бошланишининг иккинчиси билан усма-уст тушиши) билан боғлашмоқда. Ҳаракат дастурлари йифилган тажрибалар таъсири остида шаклланади. Ҳаракат дастури – ўтган, хозирги ва келажакни «бирлаштирувчи» ҳаракатни унинг маъноси билан мувофиқлаштирувчи. Ҳаракат дастурларининг бир вақтли ва кетма-кет таъсири ўтиш жараёнлари билан боғланган. Улар орасида ўтиш ҳолатлари мавжуд, унда ҳаракатларни бошқаришнинг марказий тузилмаларида бир эмас, иккита ёки бир неча дастурлар мавжуд бўлади. Ўтиш механизmlари ҳаракатларнинг биомеханик тузилмаси-нинг пайдо бўлишида асосий механизм ҳисобланади.

Физиологик жиҳатдан «ортиқча эркинлик даражаси» тушунчалини киритиш мувофиқликни таърифлаш учун етарли, бироқ педагогик томондан нотўғри,, чунки тушунчада мувофиқликнинг амалий томони учун муҳим бўлган – вазифани муваффақиятли ечиш томонидан маҳрум бўлган (Д.Донской, 1971). У ҳаракат амалларини бажаришда мувофиқликнинг уч турга ажратишни таклиф қилган – асаб, мушак ва ҳаракат мувофиқлилиги.

*Асаб мувофиқлилиги* – ҳаракатларни мушакларнинг торайиши ҳисобига бошқарувчи, асаб жараёнларини мувофиқлаштириш. Бу маълум шароитларда (ички ва ташқи) ҳаракат вазифасини ечишга олиб келадиган асаб жараёнларининг уйгунилиги.

*Мушак мувофиқлилиги* – ҳам асаб тизими, ҳам бошка омиллардан тана қисмларига буйруқлар етказиб берувчи мушаклар торайишини мувофиқлаштириш.

*Ҳаракат мувофиқлилиги* – тана қисмларининг фазо ва вақт бўйича, бир вақтлик ва кетма-кет, ҳаракат вазифасига, атроф муҳит ва инсон ҳолатига мос ҳаракатларининг мувофиқлаштирилган уйгунилиги. У мушак мувофиқлилиги билан, гарчи белгилансада (Д.Донской, 1971) у билан бир хил эмас.

Бир хил вазифалар қўйилсада, лекин турли ташқи шароит, инсоннинг ҳар хил ҳолатларида ҳаракатлар йиғиндиси масалани

муваффакиятли ечиш учун ўзгаради. Бунда ҳаракатлар мувофиқлилиги аввало ҳаракатлар тизими сифатини, унинг мақсадга мувофиқлигини, масалага ва шароитга мослигини белгиловчи мезонни ўз ичига олади. Сифат, мувофиқлашув жараёнидан кейин эмас, унгача ҳам эмас, жараённинг ўзида, ҳаракат амалининг боришида аниқланади.

Ҳаракат мувофиқлиги ҳақила сўз кетганда, юқорида кўрсатилган мувофиқликлардан ташқари, унинг сенсор-мотор ва мотор-вегетатив турларини ажратиш лозим, вазифанинг бажарилиш сифати уларга боғлиқ. Биринчиси таянч – ҳаракат аппаратининг ва хусусан сенсор тизимларининг (кўриш, эшлиши, вестибуляр, ҳаракат ва бошқ.) фаолиятини мослаштириш билан боғлиқ.

Инсондаги сезишиги органларининг ахамияти улкан. Улар орқали биз дунёни таниймиз, унда юз бераётган ўзгаришларни ва ўзимизнинг танамиизда юз бераётган жараёнларни сезамиз. Мувофиқликнинг сенсор-мотор тури ташқи сигналларни тез ва аниқ таҳлил қилишини талаб этади.

Инсоннинг ҳаракат амаллари, фаолиятнинг бошқа барча турлари каби организмнинг бир бутунлигини намоён қиласди. Иҳтиёрий мушак ҳаракатлари қандайдир маънода мушак фаолиятини (нафас олиш, юрак-қон томир ва ҳ.к.) таъминловчи вегетатив тизимнинг фаолияти билан боғлиқ. Шунинг учун жисмоний ҳаракатларни бажаришда ҳаракат масалаларини ечишга вегетатив функцияларнинг таъсири ҳам катта. Кўплаб тажрибаларнинг натижалари бунинг тўғрилигини кўрсатмоқда. Чарчаш, касалланиш, кучли эмоционал таъсир, узоқ вақт тизимли машқ қиласлик оқибатида организмнинг турли функциялари биринчи навбатда ҳаракат аппарати ва мушакларнинг ишлашини таъминловчи алоҳида тизимлар орасида мувофиқлик бузилиши юз беради. Охир оқибат, буларнинг ҳаммаси ҳаракатнинг турли кўрсаткичларини бошқариш сифатида акс этади.

Демак, ҳаракатлар мувофиқлилигига организмнинг турли органлари ва тизимлари функционал фаолиятининг мувофиқлашган йигиндиси, яъни бир бутун сифатида (тизимли сафия) ёки организмдаги бир ёки бир неча тизимларининг мувофиқлашган ҳолда ишлаши натижаси сифатида қараш мумкин.

Ҳаракатлар мувофиқлиги ҳаракат фаолиятининг сифат кўрсаткичи сифатида бир ҳолларда яхшироқ, бошқа ҳолларда ёмонроқ такомиллашган бўлиши мумкин.

**Мувофиқлаштирилғанник** – қўйилган вазифа, организм ҳолати ва фаолият шартларига мос бўлган мувофиқлашган ҳаракатлар йигиндиси. У турли инсонларда турлича намоён бўлади. Инсоннинг мувофиқлаштирилғанлигини баҳолашда турли мувофиқлик қобилияtlарини акс эттирувчи бир қатор мезонларни кўллаш мақсадга мувофиқ. Ушбу мезонлар асосида турли инсонларнинг ҳаракат амалларини бошқариш самарадорлиги даражасини баҳолаш мумкин.

Маълумки, мактабгача ва мактаб ёшидаги баъзи болалар мувофиқлик тестларида ўз тенгдошлари ёки катталарнинг ҳам ўртача кўрсаткичларидан кўпроқ натижага эришадилар (В.С.Фарвель). Бу ҳол, болаларнинг мувофиқлик соҳасида ўта юқори лаёқатлари борлигидан дарак беради.

Шундан келиб чиқкан ҳолда, *мувофиқлик лаёқатларига инсоннинг, турли мураккабликдаги мувофиқлашув масалаларни ечиш жараёнида намоён бўлувчи ва ҳаракат амалларини бошқариш муваффақиятини таъминловчи хусусиятлари йигиндиси деб таъриф берии мумкин.*

Мувофиқлик лаёқатларининг табиий асоси бўлиб организмнинг тұғма, наслий ва анатомо – физиологик хусусиятларини қамраб олувчи қобилияtlар хизмат қиласи. Уларга асаб тизимининг хусусиятлари (куч, ҳаракатчанлик, асаб жараёнларининг тургунлиги), бош мияннинг тузилиши, унинг алоҳида соҳаларини етуклиқ даражаси, сенсор тизимларнинг ривожланиш савияси, асаб-мушак аппаратининг тузилиши ва ишлаши, рухий жараёнларнинг хусусиятлари (сезиш, хотира, диққат, фикрлаш), феъл-автор ва бошқалар киради (Ю.Ф.Курмышин, 1985)

Мувофиқлик лаёқатлари инсоннинг у ёки бошқа фаолиятга қобилияти борлигини тавсифлайди у маълум кўникмалар ва билим олиш жараёнида такомиллашади. Айтилғанлардан, мувофиқлик лаёқатлари ва ҳаракат кўникмалари турли тушунчалар бўлишига қарамасдан ўзаро чамбарчас боғлиқ эканлиги келиб чиқади.

## **5.2. Чакқонлик – мувофиқлаштириш лаёқатларининг мажмууний намоёнлиги сифатида**

Кўп йиллар давомида илмий-усулий бўлиши адабиётларда «чакқон» деганда нимани тушуниш керак, уни қандай белгилари мавжудлиги, чаққонликнинг инсондаги бошқа хусусиятлар билан

ўзаро боғлиқлиги масалалари кенг мунозарага сабаб бўлиб келмоқда (Н.А. Бронштейн; В.М.Зациорский; В.И.Лях; ва бошқ.). Лекин ҳозирги кунгача олимлар орасида чаққонликнинг аниқ таърифи мавжуд эмас. Турли ва жуда қарама – қарши фикрлар мавжуд. Бир ҳолларда чаққонлик мувофиқланганлик, мувофиқлаш лаёқатлари билан белгиланса, бошқа ҳолларда мувофиқлаш лаёқатлари кўрсаткичларининг ҳосиласи, учинчи ҳолда - мувофиқлаш лаёқатларини намоён бўлишини чегараловчи, инсоннинг психомотор хусусиятлари билан боғлайдилар. Бунда, чаққонликнинг ўлчовлари сифатида турли белгилар ишлатилиди.

Инсоннинг бу сифатини табиатини ўрганишда Н.А. Бронштейннинг «Чаққонлик ва уни ривожланиши» (1991) номли китобининг ўрни катта.

Чаққонликнинг мувофиқлаш, унинг ўзига хос белгилари, намоён бўлиш шакллари тўғрисида келтирилган назарий ғоялар ва қарашлар «чаққонлик» тушунчасини ҳажмини аниқлаш ва маъносини тушунишга имкон яратди.

Таъкидлаб ўтиш лозимки, чаққонлик факат шароитнинг кутилмаган ва оғирлашган вазиятларида, инсондан бундай вазиятлардан тез, аниқ ҳаракатлар кутилаётган, тўсатдан ва олдиндан айтиб бўлмайдиган ҳолларда намоён бўлади.

Чаққонлик мувофиқлаш лаёқатларининг интеграл кўриниши сифатида намоён бўлади. Мувофиқлаш лаёқатлари ва чаққонликнинг фарқи шундаки, мувофиқлаш лаёқатлари характеристикларнинг мувофиқлаштирилганлигини бошқариш билан боғлиқ бўлган фаолиятнинг барча турларида, чаққонлик эса ҳаракатларни тез ўзгартириш, зукколик билан кутилмаган ҳаракат қилиш керак бўлган вазиятларда намоён бўлади. Булардан келиб чиккан ҳолда чаққонликка инсоннинг ихтиёрий кутилмаган ҳаракат вазифасини тўгри, унумли ёчиш хусусияти деб қараш мумкин.

*Чаққонлик-инсоннинг мураккаб ва мајмуавий психофизик сифати. Унинг ривожланганлик даражаси мураккаб мувофиқлаши масалаларини ёчишида қатнашуви психомотор имкониятларнинг ривожланганлик савияси билан аниқланади. Бундай масаларни ёчиш учун инсон ҳам жисмоний, ҳам руҳий тайёр бўлиши лозим. Яхши ривожланган чаққонлик сифати – ҳаракатларни бошқаришнинг олий шаклларидан бири. Бежиз эмаски, Н.А.Бронштейн ҳаракат чаққонлиги – ҳаракатларни бошқариш маликаси деб таъкидлаган.*

### **5.3. Мувофиқлаш лаёқатларининг намоён бўлиш шакллари ва баҳолаш мезонлари**

**Мезон** – бирон нарсани баҳолаш, аниқлаш ёки синфларга ажратиши белгиси. Табиийки, мувофиқлаш лаёқатларининг (МЛ) мезонлари бўлиб инсоннинг мувофиқлаш имкониятлари савиасини ўлчаш, баҳолаш белгилари хизмат қиласди.

Млни баҳолаш бош мезонлари сифатида тўртта асосий белги ажратилган;

- 1.Ҳаракат бажарилишининг тўғрилиги, яъни ҳаракат талаб қилинган мақсадга олиб келади;
2. Натижага тезлиги;
3. Ҳаракат ва амалларнинг самарадорлиги;
4. Инсонга кутимаган мураккаб вазиятдан чиқишига ёрдам берадиган ҳаракат топқирлиги.

Мазкур мезонларнинг сифат ва микдор томонлари мавжуд. Млнинг сифат тавсифларини баҳолаш асосий мезонларига, мослик, мақсадга мувофиқлик ва ташаббускорлик, микдор мезон-ларига – аниқлик, тезкорлик, тежамкорлик, ҳаракатларнинг турғунлиги ва кўп куч талаб қилмаслиги киради. Амалиётда ушбу мезонлар билан бир қаторда бошқалар ҳам эътиборга олинади. Кўп ҳолларда Млнинг белгилари алоҳида эмас балки бир-бири билан яқин боғланган ҳолда намоён бўлади. Шунинг учун, Млни таърифлашда бир марталик мезонлардан ташқари, икки ёки ундан кўп белгилар бўйича Млнинг ривожланиш даражаси ҳақида хуроса қилиш мумкин бўлган мажмуавий мезонлар кенг қўлланилади. Бундай мажмуавий мезонлар қаторида мақсадли ҳаракат амалларининг ёки бу амаллар йигиндининг бажарилиш самарадорлиги кўрсаткичлари ҳам бор. Масалан, МЛ, 3 киши 10 ёки 3 киши 15 м.га югуриш, коптоқнинг (қўллар, оёқлар билан) ҳаракат йўналишини ўзгартириб югуришда бошқариш натижалари; яккаураш ва спорт ўйинларида ҳимоячи ёки ҳужумчининг ҳаракат амалларини бажариш самарадорлиги; тўсатдан ўзгарган шароитларда ҳаракат амалларини қайта мувофиқлаш тезлиги кўрсаткичлари билан ўлчанади. Бироқ санаб ўтилган Млни баҳолаш мезонлари, замонавий илмий маълумотларга биноан, мураккаб тузилишга ва ўзига хос турларга эга. Хусусан, ҳаракатлар аниқлигини назарда тутгандада, қандай аниқлик ҳақида сўз

кетаётганини айтиб ўтиш зарур, чунки аниқлик жараён ёки финал хусусиятга эга бўлиши мумкин. Аниқлик финал хусусиятга эга бўлган ҳолда, у мерганлик билан бир хил. МЛ, баҳолашнинг аниқлиги, ҳаракатнинг турли кўрсаткичларини ўлчаш, бирлаштириш, билан тавсифланishi мумкин. Аниқликнинг баъзи кўрсаткичлари билан ўзаро мослик йўклиги аникланган. Ҳаракатлар амплитудасини яхши диффенциациялаш мумкин, лекин нисбатан ёмон қайтарилган ҳолда, яъни берилган кўрсаткични қайтариш. Бу Млнинг бошқа белгиларига ҳам тегишли.

Ҳаракатлар тежамкорлиги Млнинг хусусиятларидан бири сифатида ортиқча ва кераксиз ҳаракатларсиз, зарур қувватни кам сарфлаш билан тавсифланади. У нафақат ҳаракатлар техникаси самарадорлигига, балки шуғулланувчиларнинг жисмоний тайёргарлиги даражасига ҳам боғлиқ. Тежамкорлик ҳаракат натижасини, унга эришиш учун сарфланган харажатларга нисбати билан аникланади.

Турғунлик-асосий биомеханик ҳаракатлар ва бирон машқда кўрсатилган натижанинг кичик хили. У эътиборга олинаётган кўрсаткичларнинг энг кичик тарқоқлиги билан тавсифланади. Тарқоқлик, яъни кўрсатилган натижалардаги фарқ қанча кичик бўлса турғунлик шунчалик катта бўлади.

Турғунлик ҳақида сўз юритганда, аввало, натижанинг ёки қандайдир бошқа тавсифномаларнинг белгиланган қийматлар ва чегаралар соҳасида бўлиши назарда тутилади. Бу соҳа қанчалик кичик бўлса, юкори ва қуий чегаралар яқин ва кўрилаётган кўрсаткичининг соҳасига тушиш фоизи юкори бўлса, турғунлик шунчалик катта бўлади.

Ҳаракат тизими тавсифномаларининг ўта четлашиши ҳаракатларни бошқариш самарадорлигини пасайтиради (Н.А. Бернштейн, 1947; Д.Д.Донской, 1968). Бошловчиларда ҳаракат амалларини эгаллаш жараёнида турли кўрсаткичлар четлашуви катта ҳаракатлар аниқ бўлмайди. Техникини эгаллаб борган сари ҳаракатлар аниқ бўлади, четлашувлар камаяди.

Такомиллашув мувофиқлаш натижаларининг юкори савијасини ва уларнинг турғунлигининг таъминлайди. Эътибор бериш лозимки, натижалар турғунлигини ортиши доим ҳам унинг савијасини ортишига олиб келавермайди. Масалан, гимнастнинг ҳалқаларда 7,0-7,2 балл оралиғида баҳоланганди натижаси, 8,5-9,0 балл оралиғида баҳоланганди натижага қараганда катта турғунлик даражасидан гувоҳлик

беради. Агар гимнаст, айтайлик ҳалқаларда 8,0 дан – 8,5 гача балл олса, аввал 7,8 дан- 8,0 гача балл олган бўлса турғунлик камайган бўлади, гарчи натижа даражаси кўтарилиган бўлса ҳам.

Ҳаракат амалларининг самараదорлиги нафақат турғунлик, балки машқларнинг ишонч билан бажарилиши билан ҳам белгиланади. Ушбу кўрсаткичлар, қандайдир маънода ўзаро боғланган бўлсаларда, ҳаракатлар тизимининг турли хоссаларини тавсифлайди. Ишончлилик, инсоннинг ҳали яхши ўрганилмаган кўрсаткичларидан бири. Муаммонинг мураккаблиги, инсон танасини бошқариш механизмининг мураккаблигидандир. Б.Н.Коренбергнинг (1970) фикрича, ишончлилик – белгиланган натижали ҳаракатларни бажариш эҳтимоли ёки белгиланган вақтдаги мақсадли самара. Машқларни бажариш ишончлилигининг мезони бўлиб, белгиланган даражага эришиш ёки ундан ортиш ҳизмат қиласди. Агар машқлар белгиланган даражадан паст савияда бажарилса, бу ҳаракатлар ишончлилигининг даражасини пастигини кўрсатади. Масалан, гимнастнинг беллашувларда маълум машқлар учун 9,5 балл баҳо олиш имкони бор ва бу унинг хозирги вақтдаги тайёргарлик ва спорт маҳорати савиясидир, агар у 9,5 – 9,7 балл олса ишончлилик юқорилигини, агар 7,5 – 8,0 балл олса ўртacha ёки пастигини кўрсатади. Биринчи ҳолда турғунлик ва ишончлилик мос келмоқда, иккинчисида эса йўқ.

Бу ерда икки тур кўрсаткичларни ажратиш лозим:

1. Мутлоқ – шахснинг куч, тезлик, тезлик – куч қобилияtlари даражасини ҳисобга олмасдан.

2. Нисбий (парциал) – бу қобилияtlарни ҳисобга олиб, қандайдир йўл билан четлатилган ҳолда.

Асосий Млга қуйидагилар киради:

- ◆ ҳаракатнинг турли ўлчамларини дифференциациялаш лаёқати (вакт, фазовий, куч ва бошқ.);
  - ◆ фазода мўлжал олиш лаёқати;
  - ◆ мувофиқлаш сақлаш лаёқати;
  - ◆ ҳаракатларни кушиш (комбинациялаш) лаёқати;
  - ◆ ўзгарувчан вазиятга ва вазифанинг ғайри оддий қўйилишига кўниши лаёқати;
  - ◆ белгиланган суръатларда вазифаларни бажара олиш лаёқати;
  - ◆ ҳаракатлар таъсирчанлиги вақтини бошқариш лаёқати;

◆ ҳаракатнинг турли белгиларини, уларнинг бажарилиш шартларини ва умуман вазиятнинг ўзгаришини олдиндан кўра билиш лаёқати;

◆ мушакларни унумли бўшашибира олиш лаёқати.

Амалиётда барча кўрсатилган лаёқатлар тоза ҳолда эмас балки мураккаб ўзаро боғлиқликда учрайди. Ҳаракат амалиёти турининг ўзига хослиги ушбу мувофиқлаш лаёқатларига турли талаблар кўяди. Фаолиятнинг бир турида маълум лаёқатлар мухим ўрин эгалласа, бошқасида иккинчи даражали бўлади.

Мазкур ўта мухим лаёқатлар спорт йўналишларида кўп жиҳатдан муваффакиятни белгилайди. Шунинг учун мувофиқлашга тайёрланиш жараённида уларнинг ривожланишига алоҳида эътибор билан қараш ҳаракатларни мувофиқлаш қобилияти бир қатор руҳий-физиологик омиллар билан белгиланишини назарда тутмоқ лозим. Булар:

1. Сенсор тизимнинг функционал ҳолати.

2. Марказий асад тизимининг тана ҳолатини бошқариш ва алоҳида қисмларини ҳаракатлантира олиш даражаси.

3. Инсоннинг ҳаракатларни ёдда саклаб қолиш ва уларни қайтара олиш имконияти.

Ҳаракат мувофиқлилиги кўп жиҳатдан шуғулланувчилар томонидан ҳаракат вазифаларини тушунишлари ва уни ҳал қилишнинг аниқ усулини топа олиш қобилиятларига боғлиқ.

Турли ёш даврларида, мувофиқлаш лаёқатларининг алоҳида турларини ривожланишида нотекислик кузатилади. 15 –16 ёшга келиб уларнинг анча яхшиланиши кузатилади. Бу ёшда ёшларнинг ривожланиш даражаси катталарникига яқинлашади.

#### **5.4. Мувофиқлаш лаёқатларини ривожлантириш усулияти**

Мувофиқлаш лаёқатларини ривожлантиришда педагогга турли ҳаракат амалларини бошқариш сифатини тавсифловчи ҳам умумий ва ҳам хусусий масалаларни ечишга тўғри келади (6 расм).

Масалан, «Ҳаракатнинг вақт ўлчамларини дифференциациялаш қобилиятини такомиллаштириш» умумий масаласи куйидаги хусусий масалаларни ечишни назарда тутади:

◆ ҳаракат давомийлигини дифференциациялаш қобилиятини ривожлантириш;

◆ ҳаракатнинг алоҳида босқичлари давомийлигини дифференциациялаш қобилиятини ривожлантириш;

◆ ҳаракат суръатини дифференциациялаш қобилиятини ривожлантириш. Мувофиқлаш лаёқатини ривожлантириш учун мослашувчанлик, ҳаракатларни тартибга солиш, уларни бир бутунга айлантиришга қаратилган талабларни қўювчи машқлар кўлланилади. Улар қўйидагиларга эга бўлиши керак:

◆ мувофиқлаш мураккаблигига, шуғулланувчилар учун мушкуллик туғдира олиши;

◆ таркибида янгилик, файри оддийлик элементлари бўлиши;

◆ ҳаракатлар бажарилишининг турли шаклларига ва ҳаракат масалаларининг кутилмаган ечимлари билан ажralиб туришлари;

◆ ҳаракатнинг турли ўлчамларини тартибга солиш, назорат ва ўз-ўзини баҳолаш бўйича вазифаларни ўз ичига олиши.

Баъзи мувофиқлаш лаёқатларини ривожлантириш усулиятини кўриб чиқамиз.

**«Вақтни ҳис қилиш», «фазони ҳис қилиш» ва мушак кучланишларини ҳис қилиш» ни такомиллаштириш.** Мувофиқлаш лаёқатларини такомиллаштириш ҳаракатлар йўналишини белгилаш, амплитудасини, вақтини, суръати ва тезлигини, мушак кучланишлари катталигини ва бошқа хусусиятларни ривожлантириш асосида юз беради. Ҳаракатнинг айрим белгиларини аниқ йўналтириш қобилияти кўп жиҳатдан инсонда кўриш, эштиш ва айниқса, мушак - ҳаракат сезгиларини ривожланиш даражасига боғлиқ. Кўп холларда буни кинестизия деб аташади. Кинестизияни яна «мушак билан ҳис қилиш» дейишади.

Бу қобилиятни такомиллаштириш жараёнида «фазони ҳис қилиш», «вақтни ҳис қилиш», «ривожланаётган кучланишларни ҳис қилиш» каби ҳиссиётлар ва тасаввурлар шаклланади, уларнинг ривожланганлик даражасига техника, тактикани ўзлаштириш самарадорлиги ва умуман ўз ҳаракатларини бошқара олиш қобилияти боғлиқ бўлади.

Спорт фаолиятининг ҳар бир тури инсон қобилияларига, ҳаракатнинг у ёки бу ўлчамларини аниқлаш бўйича талаблар кўяди. Бу ҳолда, ихтисослашган ҳиссиётларни такомиллаштириш турли машқларни бажариш жараёнида юз беради.

Масалан, «вақтни ҳис қилиш» - ҳаракатнинг бирон қисмини бажарилиш давомийлигини аниқ ҳис қилиш (масофани босиб ўтиш,

харакатни бошлаш, коптокни узатиш ва ҳ.к.) деярли барча ҳаракат фаолиятида жуда муҳим.

Ҳозирги даврда «вактни хис қилиш»ни шакллантириш учун жисмоний тарбия ва спортда, хис қилиш, ўзгартириш, давомийликни, суръатни дастурлаш имконини берадиган турли техник ва тренажер воситаларидан фойдаланишга катта аҳамият берилмоқда.

Масалан, спорт юришида, спортчига маҳкамлаб қўйиладиган, икки қадамли босқич бузилганда овоз берадиган, кичкина назорат-ахборот қурилмасидан фойдаланилади.

«Фазони хис қилиш» ҳаракатнинг фазодаги ўлчамларини хис қилиш, баҳолаш ва тартибга солиш билан; қандайдир объектгача бўлган масофани (мўлжални) аниқлаш билан боғлиқ. Масалан, боксчилар беллашуви вактида рақибгача бўлган масофа, футбол ёки волейболда коптокнинг учиш траекторияси ва ҳ.к.лар.

Фазовий ҳиссиётлар аниқлигини такомиллаштириш билан бир қаторда, биз чукур ихтисослашган тавсифга эга бўлган «фазони хис қилиш»ни ҳам такомиллаштирамиз. Бу ўз аксини «масофани хис қилиш», «тўсиқларни хис қилиш» ва бошқа аниқ ихтисослашган фазовий ҳиссиётларда топади.

13-14 ёшга келиб кўп ҳаракат амалларининг аниқлигини таъдақлайдиган кўриш-мотор функциялари ривожланишнинг энг юнг юқори даражасига етади ва катталарникига яқинлашади.

«Фазони хис қилиш»ни ривожлантиришда қуйидаги турдаги масалалар қўлланилади.

◆ маълум шароитларда андозавий фазовий тавсифларини тақрорлаш аниқлигига. Масалан, гимнастика машқларини кўп марталаб бажаришда тананинг маълум холатини, шаклини ва ҳаракатлар йўналишини спорт - техник маҳорат андозасига мос равища аниқ тақрорлаш.

◆ чегараланган фазовий муҳитда уринишлар сериясида параметрларнинг алмашлаш аниқлигига. Бундай масаларнинг тўрт хилини ажратиш мумкин:

1. Фазовий хусусиятларнинг катталиклр фарқини аста-секин кўпайтириб бориш. Масалан, футболда копток узатишларни 25 м. Дан 30, 45 ва 50 м.гача.

2. Ҳаракатларнинг белгиланган ўлчамларининг катталиклар фарқини аста-секин камайтириб бориш. Масалан, баскетбол тўпини

саватга аввал узоқ масофадан ташлаш, кейин масофани қисқартириб бориш.

3. Кескин фарқ қилувчи машқларни кетма-кет бажариш, яъни ҳаракатлар ўлчамларининг «қўпол» ва «нозик» дифференциациялаш. Масалан, тўпни саватга узоқ масофадан ва энг яқин жойдан ташлаш.

4. Фазовий хиссиётларни баҳолашда кўпол ва нозик катталикларни босқичма-босқич яқинлаштириш.

Масалаларни муваффақиятли ҳал этиш учун турли усулий ёндашувлар қўлланилади. Хусусан, тананинг белгиланган ҳолати ва ҳаракатини макет ва қўғирчоқларда моделлаштириш, ҳаракат шароитига қўшимча йўналтирувчи предмет ва белгиларни киритиш, ҳаракатнинг йўналиши, траекторияси шаклини, қадамлар узунлиги, сакраш жойи, байроқлар, йўл қўйилган хатолар тўғрисида ахборот берувчи воситалардан фойдаланиши.

**Мушак кучланишларини бошқариши қобилияти.** Ҳаракат-нинг куч ўлчамларини аниқлигини ривожлантириш воситаси оғирлаштирилган машғулотлардир. Уларни бажаришда предметлар вазни маълум йўл билан белгиланади. Улар билан баландликка сакралади, турли вазндаги снарядлар улоқтирилади, ҳамда оғирликларни ўзгартириш имконини берувчи тренажерлардан фойдалинилади.

Ҳаракатнинг куч ўлчамларини аниқлигини ошириш устида ишлаш «мушак кучланишларини ҳис килиш»нинг шаклланишига олиб келади. Бу ҳис турли ҳаракат амалларида ўзига хос хусусиятга эга. Мазкур қобилиятнинг ривожланиш даражасини тезкор объектив ахборот усули ёрдамида ошириш мумкинлиги аниқланган.

**Мувофиқлашни сақлаш қобилиятини тақомиллаштириши.** Мувофиқлаш-мувофиқлаш лаёқатларининг таркибий қисми сифатида бу турли ҳаракат ва ҳолатларда тананинг турғун ҳолатини сақлаб колишидир. Статик ва динамик мувофиқлаш мавжуд.

Статика ва динамикада мувофиқлашни сақлаш инсоннинг ташқи муҳит билан фаол ўзаро таъсирининг мураккаб шартларидан биридир. Баъзи спорт турларида (гимнастика, акробатика, парашют спорти ва бошқ.) мувоффақиятга эришиш кўп жиҳатдан мувофиқлаш функциясининг ривожланганлик даражаси билан белгиланади. Статокинетик мувофиқлашнинг паст даражасида умумий аҳволнинг ёмонлашуви, бош айланиши, кўнгил айниши, ҳатто ҳушини йўқотишлар кузатилади.

Статокинетик турғунликни ривожлантириш учун мувофиқлаш бүйича машқлар қўлланилади, уларни бажаришда тананинг турғунлигини сақлаб туриш қийин кечади. Бунда қуидагилар қўлланилади:

- ◆ тана қисмларини турғунлиги учун биомеханик ноқулай бўлган ҳолатларда мувофиқлаш сақлаш (масалан, қўлда турганда);
- ◆ статистик ҳолатларда ва инсоннинг юқорига ёки пастга ҳаракатланиши вақтида тана ҳолатини сақлаб туриш (гимнастик ёғочда ҳаракатланиш);
- ◆ қўшимча ҳалақит бериш шароитида статик ва динамик турғунликни сақлаш (кўзлар юмуқ ҳолда бир неча марта айлангандан сўнг бир чизиқда юриш).

Маълумки, бирон ҳолатни сақлаган вақтда инсон танаси умуман ҳаракатсиз қолмайди, у доим тўлқинланиб туради. Худди инсон бир оз вақтга мувофиқлашини йўқотади ва дарров уни тиклайди. Турғунликни сақлаш тенгликни шундай бошқаришга ёрдам берадики, бунда тана тўлқинланиши вақтида оғирлик марказининг проекцияси таянч майдони ташқарисига чиқмаслиги лозим.

Хозирги вақтда, статокинетик турғунлик машғулотларининг фаол, суст ва аралаш усусланидан фойдаланилади. Фаол усуlda, шуғулланувчилар кўп мартараб махсус машқларни такрорлайдилар (турли бурилишлар, букилишлар, айланма ҳаракатлар ва х.к.). Пас-сив усуlda махсус қурилмалар (центрифуга) қўлланилади.

Мувофиқлашни ривожлантиришнинг самарали усули аралаш усуслидир. Тенгликни сақлаб туриш қобилиятини такомиллаштириш учун усулий ёндашувларни қўллаш мақсадга мувофиқдир (3-жадвал).

**Ритм қобилияtlарини такомиллаштириши.** Инсоннинг ҳаракат фаолиятини тавсифловчи омиллардан бири ритмик ҳаракатларни бажара олиш имкониятидир. Ритм ҳаракатларда умумлаштирувчи ҳолдир. У турли элементларнинг бир бутун сифатида боғланишига ёрдам беради. Ҳаракатларнинг ритмини тўғри аниқлаш педагог учун жуда муҳимдир. Ҳаракатларнинг мақсадга мувофиқ ритмини «ушлаш» билан спорт натижаларини ҳам кўтариш мумкин. Шуғулланувчиларда кутилмаган чаққонлик ҳисси пайдо бўлади, у бир муҳим нарсани топганини тушунади, шунинг учун аввалгидан кам куч сарфлаган ҳолда кўпроқ самарага эришади. Ритмлилк мотор иқтидори кўрсаткичларининг бири сифатида намоён бўлади. Бу қобилияtlар одатда икки йўл билан аниқланади.

1. Инсон ритмик ҳаракатларни бирин кетин ва белгиланган вақт оралиғида келаётган овоз ёки бошқа сигналларга мос бажараётганда.

2. Ҳаракат вақтида ритмни сигналларни эшигандан сүнг белгиланганда (яъни хотира бўйича). Масалан, чўплар билан дўмбирага уриб ва бошқ.

Ҳаракат ўлчамларининг (фазовий, вакт, куч) белгиланган ритм андозасидан четлашиш даражаси муваффақиятлар кўрсаткичлари бўлиб хизмат қиласди.

Болаларнинг ритмик қобилиятларини баҳолашда, берилган ритмни қайтаришнинг мутлоқ хатолигини эмас, балки маълум тестда ҳар бир боланинг шахсий суръатини эътиборга оладиган ўзгарувчан (трансформацияланган) хатоликни ишлатиш мақсадга мувофиқлиги тасдиқланган.

Нисбатан мустакил ритмик қобилиятларнинг икки тури мавжудлиги аниqlанган. Биринчиси ритмик ҳаракатларни асосан бир текис, иккинчиси нотекис бажарилишида намоён бўлади.

Ритмик қобилиятни тарбия қиласа бўлади. Бунда асосий шартлардан бири мусиқа ва ҳаракат ҳиссини мақсадли такомиллашибаришидир.

**Тенг салмоқлиликни сақлаб турувчи, қобилиятни  
такомиллашибариш борасида кўлланиладиган услубий амаллар.  
(Л.П.Матвеев бўйича)**

3-жадвал

Мувофиқлашни сақлаб туриш қобилиятига кўйиладиган талабларни ошириш усуллари	Усулларни амалда кўллаш мисоллари
Нотургун ҳолатни сақлаб туриш вақтини ошириш.	«Қалдирғоч» ҳолати – гавдани горизонтал ҳолдан орқага бир оёқда туриб эгиш ва шу ахволда тана мувофиқлашини имкон қадар кўп вақт сақлаб туриш
Кўз ёрдамида ўз-ўзини назорат қилишни вақтинча тўхтатиш ёки чеклаш	Кўзлар боғланган ҳолда гимнастик ходада статистик машклар ва айланышлар ёки гурух акробатик машкларини бажариш
Таянч майдонини	Гимнастик скамейкада статистик ва

камайтириш	динамик харакатлар, сакраш ёки бир оёқда юриш.
Таянч юзаси баландлигини ёки тананинг оғирлик марказидан таянчгача бўлган масофани ошириш	Баландлиги оширилган гимнастик ходада харакатланиш ва тана холатини ўзгартирмаслик
Нотурғун таянч киритиш	Харакатланётган ходада, горизонтал осилган арконда харакатланиш
Мувофиқлашни саклашга ҳалақит берувчи харакатларни киритиш	Айланма харакатлардан сўнг статис-тик холатларни саклаш (полда, гимнастик ходада, музда ва ҳ.к.)
Шерикни мувофиқлашдан чиқарувчи харакатларни киритиш	Нисбатан нотурғун холатдаги якка-курашда мувофиқлашни саклаш вазифаси кўйилган шерикни тортиб олиш
Харакатда мувофиқлаш саклашни қийинлаштири-диган ташки мухитни кўллаш	Нокулай шароитларда, ёмон об-ҳаво шароитида чангидга югуриш, велосипедда учиш,

Кўйидагилар ритмлиликни ривожлантиришнинг воситалари бўлиши мумкин:

- ◆ саноқ, мусиқа остида, шеър ўқиган ҳолда қўл, оёқ, бош ва гавда харакатларини бир жойда туриб бажариш;
- ◆ юриб ҳаракатланиш – қарсак чалиб юриш, бир ҳил суръатда юриш ёки югуриш, мусиқа остида ёки мураббий командаси билан суръатни ва харакат йўналишини ўзгартириш;
- ◆ рақс машқлари;
- ◆ импровизацион машғулотлар – мусиқа остида импровизация билан харакатланиш, замонавий мусиқага эркин рақс тушиш.

*Мушакларни эркин бўшашибтириши қобилиятини таомиллашибтириши* лаёқатлари кўп жиҳатдан мушакларни эркин бўшашибтириш қобилияти билан белгиланади. Махсус тайёргарлик ўтмаган, кўпчиликда бу қобилият яхши намоён бўлмайди. Аёл-спортчиларда мушакларни бўшашибтириш жараёни эркакларга қараганда фаолроқ юз беради.

Турги мушаклар гурухларини бўшашибтира олмайдиганларда қон айланиши қийин кечади, харакатлар тезлиги пасаяди, харакатлар техникаси ёмонлашади ва ҳ.к.

Мушакларни бўшашибтиришнинг икки шакли мавжуд.

*Биринчи шакл* инсоннинг бўшашибтириш қобилиятини ифодалайди ва ишда қатнашмаётган мушакларни таранглаштирмаслик имко-

ниятида намоён бўлади. Масалан, спринтерча югуриш вақтида елка айланаси мушакларини ортиқча таранглаштириш оёқларнинг мушаклари иши самарасини камайтиради.

*Иккинчи шакл* иш бажарилгандан сўнг мушакларни бўшашиш тезлиги билан ифодаланади. Бу ерда мушаклар фаоллигини давом эттиришнинг икки йўли бор: фаолликни бошқа мушакларга ўтказиш ёки уларни қайта ишга солиши.

Мушакларни эркин бўшашириш қобилиятини ривожлантириш учун маҳсус машқлар бажарилади. Улар уч гурухга бўлинади:

**I.** Шуғулланувчиларга мушакларини таранглашган ҳолдан бўшашигана ҳолга ўтганлигини ҳис қилишни ўргатувчи машғулотлар. Уларнинг усулияти қуидагича. Мушаклар гурухи таранглаштирилади ва бир неча усул билан бўшаширилади:

- ◆ мушаклар таранглиги даражаси, тананинг ушлаб турган бўғими оғирлигини ҳис килгунга кадар камайтирилади ва унинг «ташлаб юборилиши» билан уйғунлашади;
- ◆ мушакларнинг секинлик билан бўшашиши оқибатида тананинг қисми бир ҳолатдан бошқасига ўтади;
- ◆ мушаклар таранглашган ҳолдан тез, аниқ бўшашигана ҳолга ўтади.


**II.** Бир вақтнинг ўзида бир гурух мушакларни таранглаштириш ва бошқаларини бўшашириш қобилиятини ривожлантиришга йўналтирилган машғулотлар. Буларга тананинг бўшашигана қисми ҳаракати, бошқа қисмлар ҳаракати ҳисобига инерция бўйича юз берадиган машғулотлар киради.

**III.** Умумривожлантирувчи тавсифга эга машғулотлар. Уларда асосий эътибор ҳаракатнинг ҳар бир давридаги дам олиш босқичсида мушакларнинг бўшашишига қаратилади. Бўшашишга йўналтирилган машғулотларни бажаришда ҳаракат босқичларини нафас олиш босқичлари билан уйғунлаштириш фойдали: таранглашганда нафас чиқариши ёки ушлаб туриш, бўшашигандан чиқариш.


Чаққонлик – инсон қобиляйтлари:  
 -яңғы харакат амалинің унумлары таңдаудың  
 -үзгәрувчан шароитта харакат масалаларини мұваффақиятлаудың



4 расм. Харакат сипати «чаққонлик»ни умумий характеристикаси (К.Д.Чермет бүйича, 2005)



5 расм. Чакконликни ривожлантириш вазифалари ва воситалари (К.Д.Чермит бүйича, 2005)



6 расм. Чакқонликни ривожлантириш услугбияти асослари (К.Д.Чермит бўйича, 2005)

## **Ўз-ўзини текшириш учун саволлар ва трпшириқлар**

- 1.Мувофиқлаш лаёқатлари атамаси остида нима тушунилади?
2. «Ҳаракатлар мувофиқлиги» тушунчасини ифодаланг.
- 3.«Мувофиқлашланганлик» тушунчасига тавсифистика беринг.
4. Ҳаракат амалларини бажаришда мувофиқликнинг қандай уч тури мавжуд? Уларни ифодаланг.
- 5.«Чаққонлик» тушунчасини ифодаланг.
- 6.«Мезон» атамаси нимани билдиради?
- 7.Мувофиқлаш лаёқатларини баҳолаш мезонлари сифатидаги тўрт белгини айтинг.
- 8.Ҳаракат мувофиқлигига лаёқат қандай руҳий-физиологик омиллар билан белгиланади?
- 9.Мувофиқлаш лаёқатларини ривожлантиришда педагог ёки тренерга қандай хусусий масалаларни ечишга тўғри келади?
- 10.«Вақтни хис қилиш», «фазони хис қилиш» ва «мушак кучланишларини хис қилиши» ҳиссларнинг моҳиятини тушунтиринг.
11. «Мувофиқлаш» тушунчасини ифодаланг.
- 12.Мувофиқлашнинг қандай турлари сизга маълум? Уларни ифодаланг.
13. Ритмик қобилияtlарнинг хусусиятлари нимада?
- 14.Ритмлийкни ривожлантириш учун қандай воситалар қўлланилади?
15. Мушакларни бўшашибирининг қандай шаклларини биласиз?
16. Мушакларни бўшашибирин қобилиятини такомиллаш-тиришда қандай усулий ёндашувлар қўлланилади?

### **Адабиётлар:**

- 1.Бернштейн Н.А. О ловкости и ее развитии. – М.: Медицина, 1991.
- 2.Бомпа Т. Подготовка юных чемпионов: перев. С англ./Т. Бомпа – М.: ООО «Издательство Астрель»: ООО «Издательство АСТ», 2003. – XII, 260 с.: ил.
- 3.Вайцеховский С.М. Книга тренера. М.: Физкультура и спорт, 1971. – 312 с., ил.
- 4.Волков Л.В. Теория и методика детского и юношеского спорта. Киев, Олимпийская литература, 2002. – 294 с.

- 5.Зациорский В.М. Физические качества спортсмена. – Изд. 2-е. – М.: Физкультура и спорт, 1970.
- 6.Иванков Ч.Т. Теоретические основы методики физического воспитания. – М.: «Инсан», 2000. – 352 с.
- 7.Керимов Ф.А. Спорт кураши назарияси ва усулияти: Т.: УзДЖТИ, 2001. – 286 с.
- 8.Курамшин Ю.Ф. Методы обучения двигательным действиям и развития физических качеств: Теория и технология применения: Учебное пособие. – СПб., 1998.
- 9.Лях В.М. Координационные способности школьников. – Минск, Полымя, 1989.
- 10.Матвеев Л.П. Основы общей теории спорта и системы подготовки спортсменов. Киев, 1999.
- 11.Озолин Н.Г. Современная система спортивной тренировки. М.: Физкультура и спорт, 1970. – 480 с., ил.
- 12.Платонов В.П. Общая теория подготовки спортсменов в олимпийском спорте. – Киев. Олимпийская литература, 1997. – 584 с.
- 13.Развитие двигательных качеств школьников: (развитие быстроты, выносливости, силы и равновесия)/ Под ред. З.И. Кузнецовой. – М.: Просвещение, 1967. – 204 с.
- 14.Теория и методика физического воспитания: Учебник/Под ред. Т.Ю. Круцевич. – в 2-х томах. – Киев. Олимпийская литература, 2003. – 424 с.
- 15.Теория и методика физической культуры: Учебник/Под ред. Проф. Ю.Ф. Курамшина. – 2-е изд., испр. – М.: Советский спорт, 2004. – 464 с.
- 16.Теория спорта /Под ред. Проф.В.Н. Платонова. – К.: Вища шк., 1987. – 424 с.
- 17.Филин В.П. Воспитание физических качеств у юных спортсменов. – М.: Физкультура и спорт, 1974. – 232 с.
- 18.Харре Д. Учение о тренировке. – М.: Физкультура и спорт, 1971. – 328 с.
- 19.Холодов Ж.К., Кузнецов В.С. Теория и методика физического воспитания и спорта: Учебное пособие для студентов высших учебных заведений. – М.: «Академия», 2000. – 480 с.
- 20.Чермит К.Д. Теория и методика физической культуры: опорные схемы: учебное пособие – М.: Советский спорт, 2005. – 272 с.

## **VI. БОБ. ЧИДАМЛИЛИК ВА УНИ РИВОЖЛАНТИРИШ УСУЛИЯТИ**

### **6.1. Чидамлилик түшүнчаси. Чарчаш ва чидамлилик. Чидамлилик турлари**

*Чидамлилик – инсоннинг бирон ҳаракат фаолиятими узок  
вақт давомида унинг самарасини пасайтиrmасдан бажарии  
қобилияти.*

Ишнинг давомийлиги охир оқибат чарчаш билан чегаралан-  
ганлиги муносабати билан чидамлиликни организмнинг чарчашга  
бардош бериш имконияти деб ҳам ифодалаш мумкин. Чарчаш – узок  
вақт давомидаги оғир фаолият натижасида организмнинг меҳнат  
лаёқати пасайиши билан тавсифланадиган ҳолати (7 расм). У, иш  
бошлан-гандан сўнг маълум вақт ўтиши билан пайдо бўлади ва  
фаолиятни аввалги самара билан бажара олмаслиқда намоён бўлади.  
Чарчаши ривожланиши З босқичда ўтади:

1. Компенсацияланган чарчаши босқичи, кийинчиликларнинг  
ортиб боришига қарамасдан, инсоннинг аввало иродавий уриниш-  
лари ва ҳаракат амалларинининг биомеханик тузилишини қисман  
ўзгартириш хисобига аввалги суръатларни сақлаб туриш вақти.

2. Декомпенсацияланган чарчаши босқичси, инсоннинг барча  
уринишларига қарамасдан, фаолият самарасини сақлаб қола олмас-  
лиги. Агар шу ҳолатда иш давом эттирилса, бир оздан кейин уни  
бажаришдан бош тортиш вақти келади.

3. Тўла чарчаши босқичи. чарчаш ҳолатида даврий ҳаракат  
амалларини бажаришда тезликнинг, қадамлар узунлиги ва  
частотасининг ўзгариши келтирилган (конькида югуриш мисолида).  
Компенсацияланган чарчаши босқичсида, қадамлар узунлиги камайган  
бўлишига қарамасдан, тезлик қадамлар частотаси ортиши хисобига  
сақланиб туради. Чарчаш бирламчи мушакларнинг қисқариш кучи  
камайишида намоён бўлади, натижада муздан итарилиш кучи ва  
тезлигининг камайиши, қадамлар узунлигининг қисқариши юз  
беради. Қадамлар частотаси бу ерда компенсатор механизм ролини  
ўйнайди ва маълум вақтгача тезликнинг кескин ўзгармаслигини  
таъминлайди. Декомпенсацияланган чарчаши босқичсида қадамлар  
частотаси ортишига қарамасдан, тезлик пасая бошлайди. Чидамли  
одамларда бир хил шароитларда чарчашнинг биринчи ва иккинчи

босқичлари кечроқ юз беради, тұла чарчаш босқичсида ҳам ишга лаёқат суръати бошқаларга қараганда секинроқ пасаяди.

Чидамлилик жисмоний фаолиятнинг ҳамма турида зарур. Жисмоний машқларнинг бир турида у спорт натижасини таъдақ-лайди (юриш, ўрта ва узоқ масофаларга югуриш, чанғи спорти), бошқаларда – маълум тактик амалларни бажариш имконини беради (бокс, кураш, спорт ўйинлари ва бошқ.), учинчиларда – қиска муддатли кўплаб катта юкламаларга бардош бериш ва кучларнинг тез орада қайта тикланишини таъминлайди (спринтерча югуриш, сакраш, оғир атлетика ва бошқ.)

Чидамлиликнинг ривожланганлиги даражасини икки гурух кўрсаткичлар асосида баҳолаш мумкин:

1. *Ташқи кўрсаткичлар* чарчаш вақтида инсон ҳаракат фаолиятининг натижавийлигини ифодалайди.

2. *Ички кўрсаткичлар* маълум фаолият бажарилишини таъминловчи организм қисмлари ва тизими фаолиятида юз бераётган маълум ўзгаришларни акс эттиради.

Даврий машқларда чидамлиликнинг ташқи кўрсаткичлари:

- ◆ белгиланган вактда босиб ўтилган масофа (масалан, бир соатли югуриш ёки 12 дақиқалик Купер тестида);
- ◆ анча узоқ бўлган масофани кам вақт сарфлаган ҳолда босиб ўтиш (Масалан, 5000 м га югириш, 1500 м га сузиш);
- ◆ белгиланган тезликда энг узоқ масофани «охиригача» босиб ўтиш (масалан, белгиланган 6,0 м/с тезликда югуриш).

Куч машқларидаги чидамлилик қўйидагилар билан ифодаланади:

- ◆ ушбу машқни тақрорлай олиш миқдори билан (тортилиш, бир оёқда ўтиришнинг чегаравий миқдорлари);
- ◆ тана холатини кўп вақт давомида ўзгаришсиз сақлаш ёки куч машқларини энг кам вақтда бажариш (Масалан, 5 м арқонга осилиб чиқиши; 6 марта тортилгандан кейин ва бошқ.);
- ◆ белгиланган вақтда энг кўп ҳаракатлар миқдори (масалан, 10 с да энг кўп ўтириб туриш).

Барча жисмоний машқларда инсоннинг чидамлилик белгиси бўлиб ишнинг бошида, ўртасида ва якунида ҳаракат амаллари биомеханик кўрсаткичларининг ўзгариш хусусиятлари хизмат қиласи. Турли вақт оралиқларида уларнинг кўрсаткичларини таққослаб, чидамлилик даражаси хақида хулоса берилади. Одатда,

машқ якунида бу кўрсаткичлар қанчалик кам ўзгарса, чидамлилик даражаси шунча юқори бўлади.

*Чидамлиликнинг ички кўрсаткичлари:* инсоннинг чарчаган ҳолатида марказий асад тизими, юрак-қон томир, нафас олиш, эндокрин ва бошқа тизимларидағи ўзгаришлар.

Чидамлилик инсоннинг бошқа жисмоний имкониятларининг ривожланганлик даражасига боғлиқ. Булардан келиб чиқсан ҳолда иккι тур кўрсаткичларни қўллаш таклиф қилинади:

1. *Мутлоқ* – куч, тезлик ва мувофиқлаш лаёқатларининг ривожланганлигини ҳисобга олмасдан.

2. *Нисбий* – куч, тезлик ва мувофиқлаш лаёқатларининг ривожланганлигини ҳисобга олган ҳолда.

Масалан, агар барча шугулланувчиларга бир хил масофани югуриб ўтиш таклиф қилинса, у ҳолда югуриш натижалари чидамлиликнинг мутлоқ кўрсаткичларини ифодалайди. Бунда кўпинча хар хил одамларнинг бир хил кўрсаткичлари уларнинг чидамлилиги бир хил дегани эмас, чунки унинг намоён бўлиши боғлиқ бўлган бошқа жисмоний сифатлар кўрсаткичлари эътиборга олинмаган.

Тезлик, куч ва мувофиқлаш лаёқатлари нисбатан бир хил одамларнинг чидамлилиги таққосланганда, нисбий чидамлилик кўрсаткичлари олинади. Чидамлиликнинг намоён бўлиш имкониятларини таққослаш маълум инсонлардаги максимумдан маълум фоизларни ҳисоблаш йўли билан амалга оширилади. Масалан, максимал югуришнинг 60% ва штангани кўтаришда мушаклар кучининг 50%. Чидамлиликнинг нисбий кўрсаткичларини баҳолаш учун чидамлиликнинг турли коэффициентлари ва индекслари қўлланилади, улар маълум формулалар ёрдамида ҳисоблаш йўли билан топилади. Бунда кучли ва заифлар ўз имкониятларига нисбатан бир хил иш бажарадилар. Тезлик ва куч имкониятларидан яхши фойдалана олмайдиган одамлар, одатда, чидамлиликнинг паст мутлоқ кўрсаткичларига эга.

Чидамлиликнинг тузилиши хар бир ҳол учун маълум фаолият турининг шартлари билан аниқланади. *Чидамлиликнинг ривожланганлик ва намоён бўлиши даражаси* бир қатор омилларга боғлиқ (8 расм).

♦ инсон организмида энергетик заҳиралар мавжудлиги;

- ◆ организмнинг турли тизимлари функционал имкониятлари даражаси (юрак - қон томир, марказий асаб тизими, асаб-мушак ва бошк.)
- ◆ ушбу тизимларнинг фаоллашув тезлиги ва мувофиқлаштирилганлиги даражаси;
- ◆ физиологик ва руҳий функцияларнинг организм ички мухитининг ноқулай шароитларига турғунлиги (кислород етиш-маслиги ва бошк.);
- ◆ организмнинг энергетик ва функционал салоҳиятини тежаб ишлатиш;
- ◆ таянч - ҳаракат аппаратининг тайёрланганлиги;
- ◆ контакт маҳорати техникасининг такомиллашганлиги;
- ◆ шахсий-рухий хусусиятлар (ишга қизиқиши, тиришқоқлик, чидамлилик, қатъийлик ва х.к.).

Инсон чидамлигига таъсир кўрсатадиган бошқа омиллар қаторида қуидагиларни кўрсатиш мумкин: ёш, жинс, инсоннинг морфологик хусусиятлари ва фаолият шароити.

Мазкур омиллар ҳаракат фаолиятининг қўп турларида аҳамиятга эга, лекин улардан ҳар бирининг намоён бўлиш даражаси ва уларнинг нисбати маълум фаолият хусусиятларидан келиб чиқкан ҳолда турлича бўлади. Шунинг учун чидамлиликнинг ҳар хил шакллари мавжуд, улар ўзларининг белгиларига кўра гурухланади. Масалан:

- ◆ даврий, нодаврий ёки аралаш хусусиятли ишга чидамлилик;
- ◆ статик ёки динамик чидамлилик; маҳаллий, дактақавий ёки глобал чидамлилик; аэроб ёки анаэроб чидамлилик (9-10 расм); тезлик, куч ёки мувофиқлашишга хос чидамлилик; умумий ёки ихтинослашган чидамлилик;
- ◆ масофавий, ўйин ёки кўпкураш чидамлилиги ва бошқалар. Бироқ фақат бир турдаги чидамлилик шакли намоён бўлишинг талаб қиласидиган ҳаракат амаллари мавжуд эмас. Ихтиёрий ҳаракат амалларини бажаришда чидамлиликнинг турли шакллари намоён бўлади. Амалиётда чидамлиликнинг алоҳида шаклларини боғлиқлиги бўйича баҳолаш имконини берадиган таснифни кўллаш максаддага мувофик.

Амалиётда жуда кўп чидамлилик шаклларининг намоён бўлиши икки турга ажратилади I. Умумий. II. Махсус (7 расм).

Умумий чидамлилик – инсоннинг одатий бўлмаган фаолиятни узоқ ва муваффақиятли бажара олиш қобилияти.

*Махсус чидамлилик* – фаолиятнинг маълум тури талаблари билан белгиланадиган шароитларда ишни самарали бажара олиш ва чарчоққа бардош бериш қобилияти.

Маълумки, фаолиятнинг у ёки бу тури куч, тезлик ва мувофиқлаш лаёқатларининг намоён бўлишига, демак чидамлиликка ҳам юқори талаблар қўйиши мумкин. Ва, ниҳоят, фаолиятнинг боғлик ҳолда чидамлиликнинг бу турларини намоён бўлиши мушак ишларининг энерготаъминоти билан боғлик.

Чидамлиликнинг намоён бўлишини фаолиятнинг хусусиятлари, талаблари ва унинг шиддатлилиги асосида тўла ифодалаш мумкин. Шундан келиб чикқан ҳолда чидамлиликнинг қўйидаги асосий шаклларини кўрсатиш мумкин.

Мувофиқлаш чидамлилиги ҳали етарлича ўрганилмаганлиги туфайли тезлик ва куч чидамлилигини ривожлантириш усулиятини очиш билан чегараланамиз.

## 6.2. Чидамлиликни ривожлантириш усулияти

Тезлик чидамлилигини ривожлантириш. Тезлик чидамлилиги тўғрисида даврий тавсифга эга бўлган машқларга (югуриш, юриш, сузиш, эшкак эшиш ва х.к.) нисбатан гапириш қабул қилинган. Уларнинг ҳар бири турли тезликда бажарилиши мумкин. Ҳаракатни белгиланган тезликда бошқаларга нисбатан узокроқ сақлай олган спортчи чидамли ҳисобланади. Табиийки, машқларнинг тури ва давомийлиги тезликка боғлик: у қанчалик юқори бўлса, ҳаракат давомийлиги шунча қисқа бўлади ва аксинча. Масалан, максимал тезликда югуриш давомий бўлмайди. У бир неча ўн секунд давом этиши мумкин ва бу вақтда 100 – 200 мдан узок бўлмаган масофалар босиб ўтилади. Агар одам узоқ масофага югурадиган бўлса, у тезлигини пасайтиради.

Турли масофаларга югуриш бўйича жаҳон рекордларини В.С.Ферфель таҳлил қилиб, «тезлик – вақт» боғлиқлиги тўрт тўғри чизиқли қисмга ажралишини аниқлаган, бу қисмлар нисбий кувват бўлаклари деб аталган: максимал, субмаксимал, катта ва ўртача кувват бўлаклари. Ҳар бир бўлак ўз ичига амалиётда мавжуд бўлган масофалар гуруҳларини олган – қисқа, ўрта, узоқ ва ўта узоқ.

Рекордлар эгри чизигининг кесмаларга бўлинishi нафақат югуришдаги рекордларга, балки бошқа даврий машқларга – сузиш,

коńькида югуриш, велосипедда учишга ҳам тегишлилиги аникланган. Барча ҳолларда қувват мезони бўлиб масофа эмас, уни босиб ўтиш учун кетган вақт қабул қилинган. Шунинг учун, масалан 500 мга югуриш ва 100 мга сузиш қуввати бўйича нисбатан тенг бўлиши мумкин, чунки иккала машқ ҳам деярли бир хил – бир дақиқага яқин вақтни талаб қиласди. Агар югурувчи 200 мни 19,72 с.да босиб ўтса бу максимал қувват иши бўлади, агар у худди шу масофани 40 с.да босиб ўтса, бу иш қуввати бўйича субмаксимал бўлади.

В.С.Ферфель томонидан таклиф этилган қувват бўлаклари классификациясига жаҳон рекордларининг ўсиши муносабати билан бир неча марта аниқликлар киритилган ва такомиллаш-тирилган. «Рекордлар эгриси», биринчидан, 4 қисмга эмас, ундан кўпроқ бўлакларга бўлинар экан. Масалан, Н.И.Волков субмаксимал қувват бўлагини икки кичик бўлакка ажратишни таклиф қиласди: давомийлиги 15 с.дан 40 с.гача ва 40 с.дан 2 дақ.гача. Ўртача қувват бўлаги ҳам баъзида икки қисмга ажратилади – углевод нафас олиш ва ёғ нафас олиш бўлаклари. Иккинчидан, турли ёшдаги, жинсдаги ва тайёргарликдаги одамларда ишнинг вақт чегаралари ҳар бир бўлакда маълум фарққа эга.

Нисбий қувват бўлакларида турли ёшларда вақт оралиқларини билиш муҳим амалий аҳамиятга эга. Мазкур маълумотлар машғулотлар вақтида тезлик юкламаларини меъёrlаш учун белги бўлиб хизмат қиласди.

Турли қувват бўлакларига (100 мга ва 10000 мга югуриш) тегишли бўлган даврий машқларда чарчашнинг физиологик механизmlари кескин фарқланиши аниқланган. Шу билан биргаликда, агар машқлар бир бўлакка тегишли бўлса (масалан, 100 ва 200 мга югуриш), чарчаш ва табиийки, чидамлилик механизmlари кўп жихатдан бир хил бўлади. Унинг ривожланиши даражасига бошқа омиллар ҳам таъсир кўрсатади. Инсон органлари ва организми тизимларидаги фарқлар тезлик чидамлилигини ривожлантириш усулиятини белгилайди.

Чидамлилик фақатгина чарчаш аломатлари борлигига намоён бўлади. Тезлик чидамлилиги қанчалик яхши ривожланган бўлса, турли масофаларга ҳаракатланишларда чарчаш аломатлари шунчалик кеч намоён бўлади ва тезлик ҳам шунга мос равишда сақланиб туради.

Ҳар бир қувват бўлагида тезлик чидамлилигини такомиллаштиришнинг асосий йўли – машқларда турли ёш гурухлари учун хос бўлган иш ҳажмидан бир оз кўпроқ иш бажариш, яъни маълум бўлакларда беллашувлардагидан юқори тезликда характланишдир. Мушаклар фаолиятининг энергия таъминоти тавсифидан келиб чиқиб, ҳаракат тезликлари уч гурухга бўлинади, улар ҳар бўлакда чидам-лиликни ривожлантиришни меъёrlашда муҳим аҳамиятга эга.

♦ *субкритик тезлик*, бунда энергия сарфи кичик ва кислородга эҳтиёж аэроб имкониятлардан кам (яъни истеъмол қилинаётган кислород барча эҳтиёжларни коплайди) – аэроб функцияларнинг ривожланишига таъсир кўрсатади.

♦ *критик тезлик*, кислородга эҳтиёж аэроб имкониятларга тенг ва машқлар кислороднинг максимал кўрсаткичлари шароитида бажарилади аэроб-анаэроб функцияларни ривожлантиради.

♦ *юқори критик тезлик*, кислород эҳтиёжи инсоннинг аэроб имкониятларидан юқори ва машқларни бажариш кислород етишмовчилиги шароитида бажарилади, - анаэроб имкониятларни такомиллаштиришга кўмаклашади.

Субкритик, критик ва юқори критик тезликларнинг мутлоқ кўрсаткичлари кўп жиҳатдан даврий машқларнинг тури, шуғулланувчиларнинг ёшига, жинсига ва тайёргарлик даражасига боғлиқ. Мисол учун кучли эркак спортчиларнинг тезлиги – сузишда 1,6 м/с, югуришда 5,92 м/с, конъкида югуришда 11,2 м/с, велосипедда 13,5 м/с ни ташкил қиласди.

Максимал ва субмаксимал қувват бўлакларида тезлик чидамлилигини ривожлантириш учун машқлар юқори критик тезликда бажарилади. Катта қувват бўлагида юқори критик ва критик тезликларда, ўрта қувват бўлагида асосан субкритик ва критик тезликларда бажарилади.

Максимал қувват билан иш бажарилганда тезлик чидамлилиги чегаравий давомийлиги 9 – 20 с бўлган машқлар учун тавсифли. Масалан, 30-60 мга кичик ёшдаги, 100 мга – катта ёшдаги мактаб ўқувчилари учун 100-200 м масофага югуриш – малакали спортчилар учун.

Максимал қувват бўлагида тезлик чидамлилигини ривожлантиришнинг асосий воситаси кесимларни беллашувлардагидай максимал ёки унга яқин тезликда босиб ўтишдир. Бу ерда инсоннинг

рекорд тезлиги эмас, балки унинг шахсий имкониятлари назарда тутилмоқда.

Максимал қувват бўлагида тезлик чидамлилигини ривожлантириш жараёнида чарчашибнинг ортиши билан боғлиқ бўлган тезликнинг ўзгариш динамикасини эътиборга олиш лозим. Агар инсон харакатнинг бошидаёқ чарчоқни сезса ва тезлик тез пасайса (масалан 20 мга югуришда натижга юқори, 50 мда эса нисбатан паст), демак, бошланғич босқичда (стартда) чидамлилик етарли эмас. Агар чарчоқ кейинроқ юз берса, тезлик масофанинг ўртасидан ёки охирига келиб пасая бошласа, масофавий тезлик чидамлилигини етарли эмаслиги тўғрисида сўз кетади.

Бундай ҳолларда чидамлилиknи ривожлантириш усулияти бир хил бўлмайди. Ишнинг бошланишида ўз имкониятларини тўла намоён қилиш ва тезлик суръатини пасайтиrmаслик учун ҳажми максималдан 95-100% бўлган машқлар 3-8 с давомийликда тақорориј бажарилади. Ҳордиқ учун танаффус 2-3 дақ. Бир серияда тақорорлашлар сони 3-5 марта. Машқлар организмга чукурроқ таъсир килиши учун 2-4 серия бажарилади. Сериялар оралиғида 4-6 дақ. Танаффус. Бундай иш тартиби қисқа масофаларга ўқув-машгулотлари учун тавсифли.

Машғулотларда тақорориј усул билан бир қаторда интервалли спринт қўлланилади. Унда машқлар максималдан 95-100% тезлик билан, 10 с тезланиш ва 10-15 секундлик танаффуслар билан бажарилади. Танаффуслар ҳажми катта бўлмаган 3-5 серияли иш билан тўлдирилади, ҳар бир серияда машқлар 3-5 марта тақорорланади. Сериялар орасида 8-10 дақ. Танаффус. Масофани юқори суръатларда, тезликни пасайтиrmай (ёки бир оз пасайтирган ҳолда) босиб ўтиш учун узоқ вақт мобайнида нисбий юқори тезликни қўллаб туриш қобилиятини такомиллаштириш зарур. Тўгри, беллашув масофасини ортиқча ошириш мумкин эмас, чунки бу иш ҳажмини асосий масофа талабларига жавоб бермайдиган дараражага пасайиши билан боғлиқ.

Машғулотларда асосан максималдан 90-95% ҳажмдаги ва 10-20 с давомийликдаги машқларни бажариш назарда тутилган. Ҳар бир серияда тақорорлашлар сони 3-4 марта. Спорт рязрядига эга бўлмаганлар учун сериялар микдори 2-3 та, яхши тайёрланган одамлар учун 4-6 та.

*Субмаксимал қувватда ишилаганда тезлик чидамлилиги турли ёшдаги ва тайёргарликли одамларда максимал давомийлиги 50 с. ва*

4-5 дақдан ортиқ бўлмаган машқларда намоён бўлади. Масалан, 10 ёшли болалар учун 9 дан 90 с.гача давомийликда югуришда, 50-400 м.га мос келади, 13 ёшли болалар 15 с.дан 4 дақ.30 с.гача, 90-1600 м. Масофага; катталарда юқори малакали спортчилар учун югуриш давомийлиги 20 сдан 2 дақ 16 с. оралиғида бўлади. Улар бу вақтда 200 дан 100 мгача масофани босиб ўтадилар.

Субмаксимал қувватда ишлаганда, тезлик чидамлилигини ривожлантиришнинг асосий воситаси турли масофадаги машғулот кесмаларини беллашувдаги тезликдан юқори суръатда босиб ўтиш хисобланади. Субмаксимал қувват бўлагига тегишли кўп масофалар учун чидамлиликтининг ўсиш катталиги кўлланилаётган харакат тезлиги оралиғига боғлиқ бўлиб, беллашув тезлигидан таҳминан  $\pm 10\text{-}15\%$  оралиғидаги чегаравий ўзгаришларга эга. Барча ҳолларда яққол чарчаш аломатлари пайдо бўлгунгача ишлаш чидамлиликини оширишнинг асосий шакли хисобланади.

Субмаксимал қувватнинг турли бўлакларида даврий машқларни бажаришда тезлик чидамлилигини ривожлантириш маълум фарқларга эга. Субмаксимал қувватда 40-45 с. чегаравий давомийликда ишлаганда, машқлар кислород етишмовчилигига қарамасдан жуда катта ҳажмда бажарилади. Мушак фаолиятининг энергия таъминоти бу ҳолда анаэроб гликолит қувват ҳисобига амалга оширилади.

Тезлик чидамлилиги бундай ишлаганда масофанинг қисқартирилган кесмаларини юқори тезликда босиб ўтиш йўли билан ривожлантириллади. Масалан, 400 мга югурувчи учун 200 мдан 3-5 марта. Сўнг кесмалар узунлиги ортиб боради. Улар беллашув масофасига яқин, teng ва ҳатто бир оз кўп бўлиши мумкин. Масалан, 400 мга югурувчи учун 350-400 м масофани такрор (2-4 марта) катта тезликда босиб ўтиш.

45 с-4,5 дақ. Оралиғида босиб ўтиладиган масофаларда тезлик чидамлилигини ривожлантиришда энерготаъминот анаэроб гликолитик ҳажмга (анаэроб емириладиган гликогенларнинг уммумий миқдори) боғлиқ бўлади. Машқларни бажаришнинг асосий усули – такрорий, бир такрорлаш давомийлиги 1 дан 5 дақ.гача. харакат тезлиги 80-85%. Бир серияда такрорлашлар сони 4-6 марта. Такрорлашлар орасида танаффус 4-8 дақ, сериялар орасида 10-15 дақ. Машқлар чукурроқ таъсир қилиши учун 2-4 серия бажарилади.

*Максимал қувватда ишилганда тезлик чидамлилиги давомийлиги 2-10 дақ. Ва ундан кўп давомийликдаги машқларни бажаришда номаён бўлади. Мазкур бўлак ичидан вақт чегараси оралиқлари турли ёшдаги шахслар учун бир хил эмас. Айниқса, бу фарқ кичик ва ўрта мактаб ёшидаги болаларда яққол кўзга ташланади. Бу ҳол боланинг ўсиши ва ривожланниши натижасида организмда юз берадиган морфологик, функционал, юрак-қон томир, асаб-мушак ва бошқа тизимларидағи ўзгаришлар билан боғлиқ. Юқори малакали спортчилардан ушбу бўлакка 1500-5000 мга югурувчилар, 400-1500 мга сузувлар, 3000, 5000 ва 10000 мга конъкида югурувчилар киради.*

Чидамлиликни ривожлантиришнинг асосий воситаси машғулот масофаларида критик тезликка яқин, тенг ва бир оз кўпроқ суръатда харакатланишдир. Таъсири бўйича бунақа иш организмда кислороднинг максимал истеъмол қилинишига сабаб бўлади ва узок вақт давомида уни юқори даражада сақлаб туриш имконини беради. Ишлаётган мушакларни энергия билан таъминлаш жараёни – аралаш, аэроб-анаэроб.

Мазкур бўлакда чидамлиликни ривожлантириш учун ўзгарувчан, такрорий ва оралиқ усуллар қўлланилади. Ўзгарувчан усулда харакат тезлиги ўртачадан беллашув тезлигигача бўлиши мумкин. Ўзгарувчан машғулот «фартлека» тури бўйича ўтказилади – узунлиги бўйича турли масофалар турли тезликларда босиб ўтилади, ёки бир хил кесмаларни навбат билан юқори ва паст тезликда босиб ўтилади. Масалан, конъкида 10 давра югуришда, 1 давра тез + 1 давра паст ўзгарувчан тезликда ўтилади. Такрорий усул қўлланилганда бир такрорлашнинг давомийлиги 5 – 10 дақ. Оралиғида бўлади. Босиб ўтиладиган кесмалар узунлиги беллашув масофасига тенг, бир оз кўп ёки кам бўлиши мукин. Масофага тенг ёки бир оз кўпроқ кесмалар беллашув тезлигидан 10% кам, кичик кесмалар (масофанинг  $\frac{1}{3}$  –  $\frac{1}{4}$  қисми) 8-12% кўп тезликда ўтилади. Машқни такрорлаш миқдори серияда 4 – 12 марта. Машғулотлар бир ёки бир неча сериядан иборат бўлади.

Масалан, эшкак эшувчи болаларнинг кесмаларда бажарган умумий иши 1000 м беллашув масофасига нисбатан 1,5 марта, ёшларда 2-2,5 марта, катталарда эса 2,5-3,5 марта катта. Такрорлашлар орасидаги танаффуслар давомийлиги машқ давомида бажарилган иш ҳажмига қараб 3-10 дақ. Оралиғида белгиланади.

Улар организмнинг тўла қайта тикланишини таъминлашлари лозим. Сериялар орасида ҳордик 10-15 дақ.

Ўрта қувватда ишилагандай тезлик чидамлилиги беллашув фаолиятининг давомийлиги 9-10 дақдан 1-1,5 соатгача ва ундан кўп вақт давомида бажариладиган машқлари учун хос. Мисол учун юқори малакали спортчиларда булаар:

- ◆ 10 кмга югуриш;
- ◆ марафонча югуриш;
- ◆ 1500 мга сузиш;
- ◆ 10 000 мга коńькида югуриш ва бошқ.

Турли ёшдаги болалар учун бу масофалар қувватнинг бошқа бўлакларига мос келиши мумкин. Хусусан, 9-11 ёшдагилар учун 5 кмга югуриш катта қувват бўлагига киради. Мазкур бўлакда бирон масофани энг яхши натижа билан босиб ўтиш учун беллашув тезлигини ошириш ва уни кўп вақт давомида сақлашни таъминлаш лозим.

Узоқ ва ўта узоқ масофаларда тезлик чидамлигининг асосида, аввало, аэроб механизм энергомаҳсулотининг ҳажми ётади, яъни мушаклар ва жигарнинг гликоген ва ёғ кислоталари захираси. Унинг ахборот кўрсаткичлари – *анаэроб алмашинув остонаси* (АНАО) даражасини *максимал кислород истеъмоли* (МКИ)га нисбати ва АНАО даражасида ҳаракатланиш тезлиги.

АНАОда тўла энерготаъминот учун яққол кислород етиш-маслиги кузатилади, энергиянинг кислородсиз (анаэроб) ҳосил бўлиш жараёнлари кескин ортади, бу жараён энергияга бой моддаларнинг (мушакларнинг креатинфосфати ва гликогени) емирилиши ҳисобига юз беради.

АНАО даражасининг ортиши спортчиларга масофанинг катта кисдаки аэроб шароитда босиб ўтиб, финиш тезланиши қисмида анаэроб заҳиралардан фойдаланиш имконини беради. Юқори тезликнинг узлуксиз ўсишини қўллаш қобилияти стайерлик масофаларида энергетик салоҳият ҳисобига амалга оширилиши мумкин:

- ◆ МКИнинг кўпайиши, яъни организмнинг кислород ҳажми вақт бирлигига ўзлаштира олиши;
- ◆ МКИга нисбатан АНАО даражасининг ошиши (унинг катталиги тайёргарлик қўрган одамларда МКИдан 80%гача ўсиши мумкин;

◆ энергия сарфланишини тежаш ва мушак механизмида юзага келадиган энергиянинг (тўқималар алмашиши) трансформацияси.

Чидамлиликни ривожлантиришнинг асосий воситалари: субкритик тезлиқда бажарилувчи югуриш, эшкак эшиш, сузиш, велосипедда юриш каби спорт турларидир.

Узлуксиз ва узлукли машқ усуллари ёрдамида чидамлиликни амалга ошириш мумкин. Усулни бир текисда қўллаш учун машқлар доимий тезлиқда бажарилади, яъни 75-80% ни ташкил қилувчи 20 дақиқа ёки ундан кўп жиддий вақт ичидা.

Бундай иш тартиби организмнинг нафас йўллари ва юрак-кон томир тизимидағи вазифаларни амалга оширишда энг қулай шароитдир. Чидамлиликни ошириш учун узлуксиз усул воситасини қўллашда харакат тезлик даражасини сақлаш муҳимдир. Уни ошириб юбормаслик керак, чунки анаэроб жараёнлар ортиқча харакатланиб кетади. У 60-80% ли диапазонда кескин ўзгариб кетиши керак.

Такрорлаш усулидаги машғулотларда мусобақа масофалари тезлигига кўра қисқароқ йўл эгалланади, яъни 15-25 дақиқа дам олиш оралиғи билан 6-10% мусобақа ошириш 6-10% га.

Интервал усулинини мусобақа машғулотларида қисқа йўлда, қисқа дам олиш орқали, лекин жуда куп такрорлаш билан қўллаш мақсадга мувофиқдир. (Масалан сузувчилар 50м x |15-30| суздади, дам олиши –30-45c.)

Мусобақа даражасида бўладиган харакат тезлигини узоқ вақт ушлаб туриш қобилиятини ривожлантириш учун машғулотларда қисқа масофаларни ўтишни текшириш фойдалидир.

*Чидамлилик кучини ривожлантириши.* Чидамлилик кучи яъни мушак кучланишининг узоқ вақт кўрсатиш қобилияти – бу жисмоний қобилиятларнинг муҳим аҳамиятга эга бўлган томонидир.

Унинг ривожланиш даражаси касбий, майший, ҳарбий ва спорт харакатлари фаолияти билан боғлиқ. Чидамлилик кучи бажариладиган харакат таъсирининг хусусиятидан қатъий назар, намоён бўлишнинг турли шаклларига эга. Унинг хусусиятлари тезлик қобилиятларининг хусусиятларига нисбатан оз даражада. Шунинг учун турли машқларда чидамлилик кучида «кўчиши» бўлиши мумкин.

Мушак кучланиш тартибига кўра қуидагиларга бўлинади:

- ◆ чидамлиликнинг динамик кучи;
- ◆ чидамлиликнинг статистик кучи;

Ишлашда қатнашадиган мушак гурухлари хажмига кўра бўлинади;

◆ чидамлиликнинг маҳаллий кучлари, яъни ҳаракатда гавда мушаклари умумий хажмининг 1/3 қисми қатнашади;

◆ чидамлиликнинг регионал кучлари, яъни ҳаракатда мушак хажмининг 1/3 дан 2/3 гача қисмини қатнашади;

◆ чидамлиликнинг глобал кучлари, яъни ҳаракатда гавда мушакларининг 2/3 дан кўпроқ қисми қатнашади.

Иш кучининг турли хусусиятлари анаэроб ёки аэроб энергия манбаларини таъминлайди.

Чидамлиликнинг динамик кучи унча юқори ҳаракатда бўлмаган такрорлаш ва мушак кучланиши оз бўлган машқлар учун хосдир, шунингдек, «тез» куч керак бўладиган даврий машқлар учун ҳам хосдир.

Динамик куч тавсифига эга бўлган машқлар кучнинг турли катталигида (жадаллик) ва бир неча марта такрорланиш (хажми) билан бажарилади.

Чидамлилик динамик кучининг кўрсаткичлари оз ўлчамда максимал кучларнинг (тежалган куч) ривожланиш даражасига боғлиқ.

Қоидага кўра, катта кучга эга бўлган одамлар куч машқларини бир неча марта бажарадилар.

Инсоннинг максимал куч имкониятлари енгиб ўтиш керак бўлган қаршиликнинг катталиги 20-30% бўлгандагина намоён бўлади.

Юк оз бўлганда такрорлаш имкониятлари тез ўсади ва максимал кучларга боғлиқ бўлмайди. Шунинг учун куч қобилиятлари озгина микдорда қаршилик ишлатиш йўли билан ривожланса, (таксиминан максимал кучдан 75-80% кўп, яъни субмаксимал кувват зонасида) чидамлилик маҳсус ривожланмаслиги мумкин. Қаршилик кам бўлганда максимумдан (30-70%, яъни оз ва катта кувват зонасида), бир хил вақтда куч ҳам, чидамлилик ҳам ошади. Агар енгиб ўтиладиган қаршилик максимал куч даражасидан 20-30% кам бўлса, чидамлилик амалда ривожланмайди. Куч юки оғирлигининг 20% (шунга яқин) максималда қўлланилиши чидамлиликнинг амалга ошишига олиб келади.

Чидамлилик динамик кучини ривожлантириш учун, асосан, такрорлаш, оралиқ ва айланма усусларидан фойдаланилади.

*Чидамлиликнинг статистик кучи* – асосан танани маълум ҳолатда ушлаб туриш учун зарур бўлган чегаравий, чегарага яқин ва ўртача кучланишларни узоқ вақт сақлаб туриш билан боғлиқ бўлган фаолият бўлиб, кўп жиҳатдан мушакларнинг кучланишига боғлиқ.

Мушак максимал кучга қанчалик кам таъсир кўрсатса, чидамлилик шунча катта бўлади 50% максимал кучга эга бўлган юқ билан бажариладиган машқни 1 дақиқа давомида бажариш мумкин. Агар оширилган куч максималдан 15 % кам бўлса, иш давомий бўлиши мумкин. Мушакнинг максимал кучи билан статистик чидамлилик ўртасида боғлиқлик йўқ. Максимал кучларни оширишда, масалан: орқа мушакларнинг статистик чидамлилиги, қоидага қўра, жуда оз ўзгаради. Статистик машқларни «охиригача» бажаришдаги иш қобилиятини 3 босқичга бўлиш мумкин:

1. Энг мувофиқ иш қобилияти.
2. Компенсацияланган чарчоқ.
3. Декомпенсацияланган чарчоқ.

Машқлар хусусиятидан қатъи назар, статистик кучланишни бажариш давомийлиги инсон оғаниздақинг ҳолати вазифаларининг биринчи босқичи давомийлиги 41,1-43,6%, иккинчиси 41,6-42,4% ни, учинчиси 13,6-16,5% умумий двомийлигини ташкил қиласди.

Шундай экан, статистик вазифага вақтнинг энг қулай таъсири (энг мувофиқ иш қобилияти плюс чарчоқни компенсациялаш) максимумда 82 дан 86% гача ташкил қиласди.


Бу қонунчилик, статистик вазифалардаги чарчоқни пайдо бўлишига эътибор берган ҳолда, статистик чидамлиликка эришишнинг ишлаш усулини қабул қиласди.

Ёш ўтган сари чидамлилик кучи статистик кучайишда доимо кўпайиб боради. Чидамлиликни ўсиши статистик кучда 13-16 ёш босқичида кузатилади, яъни жинсий ривожланиши даврида, кизларда 32% ўғил болаларда 29% ни ташкил қиласди.

Чидамлилик кучи статистикасини ривожлантириш учун турли изометрик машқлар қўлланади. Бу машқларни бажариш чарчоқни

**Инсоннинг харакат амалларини уз оқ вакт уларнинг самарасини пасайтиргасдан бажариш қобилияти.  
Мушак фоалияти жараёнида жисмоний чарчашига қарши турға олиш қобилияти**

## Чидамлилик



7 расм. Ҳаракат (жисмоний) сифати «чидамлилик»нинг умумий характеристикаси (К.Д.Чермит бўйича, 2005)



8 расм. Умумий чидамлиликтин ривожлантиришни асосий воситалари ва усуллари. (К.Д.Чермит бўйича, 2005)

## Чидамлилик



9 расм. Аэроб имкониятларни ошириш усулларининг баъзи хусусиятлари (К.Д.Чермит бўйича, 2005)

## Анаэроб имкониятларни ошириш услубиятини хусусиятлари



10 расм. Анаэроб имкониятларни ошириш услубиятини баъзи хусусиятлари (К.Д.Чермет бўйича, 2005)

компенсациялаш босқичларини чегаралаб қўяди, яъни статистик вазифаларга кўра максималдан 82 –86% (тўхтатгунча)

Улар ёрдамида хамма мушак гуруҳларига таъсир ўтказиш мумкин.

Изометрик машқлар тўпламига асосан 6-9 машқлар киради. Мушакнинг статистик кучланиш давомийлиги 12-20 с бўлиши керак. Табийки, ҳар бир инсоннинг максимал статистик кучланиш давомийлиги у ёки бу машқларда ҳар хил бўлади.

Статистик машқлар бир оҳангда бажарилиб, руҳий зўриқиши хосил килади., зерикарли бўлиб, тез чарчашиб олиб келади. У билан машғулотлар давомида узлуксиз равишда шуғулланиш тавсия этилмайди. Куч хусусиятига эга бўлган изометрик машқлар организмни қаттиқ кучантириш орқали бажарилади. Шунинг учун 7-14 ёшдаги ўсмирларда қўллашда эҳтиёт бўлиш керак ва жуда кичик ҳажмда ҳам кўидаги методологик усулий ҳолатга риоя қилиш керак:

- ◆ изометрик кучланишда бажариладиган машқлар қон айланишни яхшиловчи (лўқиллаб югуриш, ҳар хил ривожлантирувчи машқлар) мушакларни динамик ишлаши билан биргаликда бажариш статистик чидамликни тезроқ оширади;
- ◆ машғулотларда қўшимча юқ билан бажариладиган машқларни қўлламаслиги айтилади, қўлланса ҳам 1-2 кг дан ошмаслиги карак;
- ◆ статистик машқларни мушак чўзилтириш машқлари билан алмаштирган ҳолда бажариш керак, шундагина мушакларнинг асоссиз чўзилишига сабаб бўлмайди;
- ◆ статистик вазифа қанчалик кўп бўлса, дам олиш ҳам шунчалик кўп бўлиши керак;
- ◆ статистик машқларни дарснинг асосий қисми охирида бажариш тавсия этилади лекин, бир шарт билан, яъни тугатилаётган қисм давомий ва динамикали бўлиш керак.

### **Ўз-ўзини текшириш учун саволлар ва топшириқлар**

- 1.«Чидамлилик» атамасини таърифланг?
2. «Чарчоқ» тушунчасига таъриф беринг?
3. Чарчоқни пайдо бўлишини 3 та босқичсини айтинг?
4. Чидамлиликни ривожланиш даражасини қандай гуруҳлар асосида кўриб чиқиш мумкин?
5. Чидамлилик ташқи томонларини тавсифловчи машқлардан мисоллар келтиринг?

- 6.Чидамлиликни ривожланиш ва намоён бўлиш даражаси қандай омилларга боғлиқ?
- 7.Чидамлиликни қандай белгиларига қараб гурухлаш мумкин?
- 8.Чидамлиликни қандай турлари маълум?
9. Умумий чидамлиликка таъриф беринг?
10. Махсус чидамлиликка таъриф беринг?
- 11.Тезлик чидамлилигини ривожлантириш ҳақида сизга нималар маълум?
- 12.Мушак фаолиятининг энергетик таъминоти тавсифига боғлик харакатланиш тезлигини 3 та турини айтинг?
13. Субкритик тезликка таъриф беринг.
14. Критик тезликни ифодаланг.
15. Юқори критик тезлик ҳақида сизга нималар маълум?
16. «АНАО» нима?
- 17.Чидамлилик кучини ривожланиш хусусиятлари нимада?
- 18.Динамик чидамлилик кучи нима бмлан ифодаланади?
- 19.Статистик чидамлилик кучига таъриф беринг?

#### **Адабиётлар:**

- 1.Бомпа Т. Подготовка юных чемпионов: перев. С англ./Т. Бомпа – М.: ООО «Издательство Астрель»: ООО «Издательство АСТ», 2003. – XII, 260 с.: ил.
- 2.Вайщиковский С.М. Книга тренера. М.: Физкультура и спорт, 1971. – 312 с., ил.
- 3.Волков Л.В. Теория и методика детского и юношеского спорта. Киев, Олимпийская литература, 2002. – 294 с.
- 4.Зациорский В.М. Физические качества спортсмена. – Изд. 2-е. – М.: Физкультура и спорт, 1970.
- 5.Иванков Ч.Т. Теоретические основы методики физического воспитания. – М.: «Инсан», 2000. – 352 с.
- 6.Керимов Ф.А. Спорт кураши назарияси ва усулияти: Т.: УзДЖТИ, 2001. – 286 с.
- 7.Курамшин Ю.Ф. Методы обучения двигательным действиям и развития физических качеств: Теория и технология применения: Учебное пособие. – СПб., 1998.
- 8.Матвеев Л.П. Основы общей теории спорта и системы подготовки спортсменов. Киев, 1999.

- 9.Озолин Н.Г. Современная система спортивной тренировки. М.: Физкультура и спорт, 1970. – 480 с., ил.
- 10.Платонов В.П. Общая теория подготовки спортсменов в олимпийском спорте. – Киев. Олимпийская литература, 1997. – 584 с.
- 11.Развитие двигательных качеств школьников: (развитие быстроты, выносливости, силы и равновесия)/ Под ред. З.И. Кузнецовой. – М.: Просвещение, 1967. – 204 с.
- 12.Теория и методика физического воспитания: Учебник/Под ред. Т.Ю. Круцевич. – в 2-х томах. – Киев. Олимпийская литература, 2003. – 424 с.
- 13.Теория и методика физической культуры: Учебник/Под ред. Проф. Ю.Ф. Курамшина. – 2-е изд., испр. – М.: Советский спорт, 2004. – 464 с.
- 14.Теория спорта /Под ред. Проф.В.Н. Платонова. – К.: Вища шк., 1987. – 424 с.
- 15.Филин В.П. Воспитание физических качеств у юных спортсменов. – М.: Физкультура и спорт, 1974. – 232 с.
- 16.Харре Д. Учение о тренировке. – М.: Физкультура и спорт, 1971. – 328 с.
- 17.Холодов Ж.К., Кузнецов В.С. Теория и методика физического воспитания и спорта: Учебное пособие для студентов высших учебных заведений. – М.: «Академия», 2000. – 480 с.
- 18.Чермит К.Д. Теория и методика физической культуры: опорные схемы: учебное пособие – М.: Советский спорт, 2005. – 272 с.

## **VII. БОБ. ЭГИЛУВЧАНЛИК ВА УНИ РИВОЖЛАНТИРИШ УСУЛИЯТИ.**

### **7.1. Эгилувчанлик ҳақида тушунча. Эгилувчанликнинг турлари ва ўлчов мезони. Эгилувчанликнинг ривожланиш даражасини аниқловчи омиллар.**

*Эгилувчанлик – ҳаракат-таянч аппаратининг мажмуавий морфологик хусусияти бўлиб, инсон гавдасининг алоҳида бўғимларидағи бир-бирига нисбатан бўлган ҳаракатdir.*

“Эгилувчанлик” атамасини гавдани ёки умумий ҳаракат занжирини уловчи деб тавсифлашга мақсадга мувофиқдир (11-расм). Масалан умуртқа погонаси ҳаракатини баъзан эгилувчан деб аташади.

Алоҳида бўғимлар ҳақида гап кетганда, уларнинг ҳаракатчанлиги устида гапириб ўтиш керак. (елка бўғимлари, тизза бўғимлари ҳаракатчанлиги). Ривожланиш даражасининг кўрсаткичларига кўра ҳаракат амплитудаси жуда кенг. У бурчак даражаси гониометри воситасида ёки сантиметр чизгич ёрдамида ўлчанади. Амплитуданинг турли ҳаракатлардаги маълумотларини аниқ олиш учун турли оптик усуллар: кинога олиш, видео ёзув, стереоциклография, рентген - телевизор ёки ултра товушили локациялар кўлланилади.

Жисмоний тарбия ва спорт амалиётида эгилувчанликнинг ривожланишини текширишда турли тестлардан фойдаланилади.

#### **Эгилувчанлик фаол ва суст бўлади.**

*Фаол эгилувчанлик – ҳаракатнинг катта амплитудасига эришган инсон қобилияти бўлиб, бўғимлардан ўтувчи мушак гурухларининг қисқариши туфайли пайдо бўлади.*

Масалан “қалдирғоч” мувофиқлашида оёқ кўтаришнинг амплитудаси. Суст эгилувчанлик – ҳаракатнинг энг катта амплитудаси бўлиб, яъни гавдага, ҳаракатланаётган қўшимча ташқи кучнинг таъсиридир. Масалан бирор юк, снаряд, шерикнинг ёрдами.

*Суст эгилувчанликнинг кўрсаткичлари, биринчи навбатда қўйилган кучнинг катталиги натижасида (яъни пайлар ва мушакларнинг қўшимча куч таъсирида чўзилиш даражаси) айрим шахслардаги оғрикни сезиш ва бу ёқимсиз ҳолатга чидашига боғлик.*

Суст эгилувчанликнинг ҳажми фаол эгилувчанлиқдан катта. Фарқлар қанча катта бўлса, шунча чўзилиш захиралари юқори бўлади ва ҳаракатнинг амплитудалари кўпаяди. Эгилувчанликни такомиллаштириш керак бўлган ҳолдагина ҳаракатнинг суст амплитудасини кўпайтириш қўлланади.

Фаол эгилувчанлик турли жисмоний машқларни бажаришда ишлатилиди, шунинг учун у амалиётда суст эгилувчанликка нисбатан юқори ўринда туради.Faол эгилувчанлик ва суст эгилувчанлик ўртасидаги алоқа жуда кучсизdir. Эгилувчанлик фаоллиги юқори даражада бўлган одамлар жуда кўп учрайди, лекин уларда суст эгилувчанлик етарли бўлмайди ёки буни акси бўлиши мумкин. Суст эгилувчанликка нисбатан фаол эгилувчанликнинг ривожланиши 1,5-2 марта секин кечади.

Эгилувчанлик умумий ва маҳсус бўлиши мумкин.

**Умумий эгилувчанлик** – инсон гавдасининг ҳамма бўғимларидағи ҳаракатчанлик бўлиб, юқори амплитудада турли ҳаракатларни бажаришдир.

**Маҳсус эгилувчанлик** – алоҳида бўғимлардаги жуда катта ҳаракат бўлиб, алоҳида фаолият туридаги талабларга мос келади.

Эгилувчанликни ривожлантириш даражаси бўғимларни шаклига, бўғим тоғайларининг қалинлигига, мушакларнинг эгилувчанлигига, чандирларга, пайларга, бўғим бошчасига боғлиқ. Бўғимларнинг фаоллиги инсон мушакларининг қисқаришига ва ҳаракат таъсирида чўзилган мушакларнинг бўшашишига таъсир қиласи.

Мушак - антагонистларнинг машқлар давомида нотўғри бўшашиши эгилувчанликни оғирлаштиради. Чўзилган мушакларнинг бўшашиши ҳисобига 12-14% гача ҳаракатчанлиги ортади.

Шундай фикрлар борки, мушаклар кучининг ўсиши бўғимлардаги ҳаракатчанликни ёмонлаштиради.

Куч сифатлари билан фаол эгилувчанлик орасидаги ўзаро муносабатларнинг тўғри ва қайтиш алоқаси кузатилади: динамик куч қанчалик кўп бўлса, шунчалик бўғимлардаги ҳаракат узоклашиб кетади, фаол эгилувчанлик кўп бўлса, инсон ўз кучларини кўрсата олиши мумкин. Шу билан бирга куч сифатлари суст эгилувчанликнинг ошишига ўз-ўзидан ижобий таъсир ўтказмайди.

Баъзи муаллифларнинг маълумотларига кўра, кучларнинг кўпайиши бўғим ҳаракатининг ёмонлашишига, яъни мушак гипертрофиясига олиб келади. Бошқа томондан эса суст эгилувчанлик

кўрсаткичлари юқори бўлса, мушаклар чўзилувчанлигини намоён қиласди, демак турли шароитда улар кучларини кўрсата олади.

Жисмоний тарбия амалиёти фақат эгилувчанлик ва куч ривожланишининг юқори даражасига эришмасдан, улар ўртасидаги ривожланиш сифатларининг мувофиқлигини таъминлаши керак.

Бунинг учун, одатда мушакларнинг куч имкониятларини кўрсатувчи ва бўғимлардаги ҳаракатни оширувчи машқлар қўлланади.

Ҳаракат фаолиятининг турлари эгилувчанликнинг ривожланишига ҳар хил талаблар қўяди.

Масалан сузишда тўпиқ ва елка бўғимларининг ҳаракати керак, «брасс» сузишида тос-сон суяги, тизза ва тўпиқларнинг ҳаракати, гимнастикачиларга умуртқа погонаси тирсак, тизза, тизза, тўпиқ ва тос-сон бўғимларининг максимал ҳаракати керак. Инсон бир хил бўғимларида кўпроқ, иккинчисида озроқ максимал ҳаракатларни амалга ошириши мумкин.

Эгилувчанликнинг ривожланиш даражасига қараб инсон ҳаракатларини натижали амалга оширади.

Бўғимлардаги ҳаракатнинг камлиги тезлик, кучлилик, мувофиқлашган қобилиятлар фаоллигини очиб беролмайди, шунингдек, ишларни иқтисодий томондан пасайтириб, ҳаракатни чегаралаб қўяди ва мушакларни жароҳатланишига олиб келади.

Эгилувчанлик шуғулланувчиларнинг ёшига ва жинсига боғлиқ. Фаол эгилувчанлик 10-14 ёшда, суст эгилувчанлик 9-10 ёшда кузатилади. Эгилувчанлик ўсишининг турли босқичлари бор.

Қизларда 14-15 ва 16-17 ёшда эгилувчанлик ўсишининг юқори суръатлари белгиланган, ўғил болаларда эса 9-10, 13-14 ва 15-16 ёшдир. 13-15 ёш турли бўғимларнинг ҳаракатчанлиги ривожланадиган пайтдир.

Эгилувчанликни ривожлантириш устида ишлаш кичик ва мактаб ёшидаги болаларда катталарга нисбатан осон кечади. 12-20 ёшдан кейин ҳаракат амплитудаси камаяди ва ёш ўзгарган сари таянч-ҳаракат аппарати ривожланиши қийинроқ бўлади.

Қизларда ўғил болаларга нисбатан 20-30% юқори бўлади. Бу фарқ эркакларда ва аёлларда ҳам кузатилади.

Эгилувчанлик организм ҳолатида ташқи шароитда (кўп вақтда атроф – мухит ҳарорати) етарлича катта оралиқда тез ўзгаради.

Эгилувчанликнинг пасайиши эрталаб уйкудан кейин кузатилади ва у аста-секин кучайиб, кундузи юқори нуқтасини эгаллайди, лекин кечга бориб, яна пасаяди.

Эгилувчанликнинг энг кўп ўсиши 12-17 бўлган вақт оралиғида кузатилади. Бадан қиздириш, уқалаш, иситувчи муолажаалар (иссиқ ванна, қайноқ душ) харакат амплитудасини кўтаради. Бўғимлардаги харакатнинг пасайиши овқат егандан кейин мушакларнинг совиб қолишидан хосил бўлади.

Мушакларнинг чарчаб қолиш даражаси эгилувчанликка ҳар хил таъсир қиласиди: фаол эгилувчанлик камаяди ва суст эгилувчанлик - кўпаяди. Хаяжонланиш юқори бўлган пайтда (мусобақа вақтида) харакат амплитудаси ўсади. Эгилувчанлик қайсиидир маънода генетик омилларга ҳам боғлиқ. Шундай одамлар борки, уларнинг бўғимларидағи харакатчанлик туғма чегараланган бўлади, бошқаларида эса бунинг юқорилиги кузатилади. Бу эса эгилувчанлик муҳим бўлган спорт турлари учун болаларни танлашга ёрдам беради.

## **7.2. Эгилувчанликни ривожлантириш усулиятининг вазифалари ва воситалари**

Жисмоний тарбия жараёнида эгилувчанлик ривожлантиришни ўта кучайтириб юбориш бўғимлар, пайларнинг деформацияланишига ва гавда тузилишининг бузилишига, шунингдек, бошқа жисмоний қобилиятларни кўрсата ололмасликка олиб келади. Уни шу даражада олиб бориш керакки, харакатни бажаришга тўқсиналик қилмасин. Бунинг учун эгилувчанлик амплитудасининг катталиги ортиқча бўлиши, яъни эгилувчанликни сақлаб, эҳтиёт қилиб ишлатиш лозим. Бу эса харакатларни ортиқча зўрикишсиз, мушакларга зиён етказмасдан бажаришига ёрдам беради.

Эгилувчанликнинг ривожланишида умуртқа поғонасининг (биринчи навбатда кўкрак қисми ) тос сон суякларининг ва елка бўғимларининг катталашшига эътибор бериш керак.

Эгилувчанликни ривожлантиришда педагог қуйидаги вазифаларни хал қилиши зарур:

1. Эгилувчанликнинг ҳар томонлама ривожланишини таъминлаш учун турли харакатларни керакли амплитуда билан, таянч-харакат аппарати руҳсати орқали ҳамма йўналишларда бажариш.

2. Эгилувчанликнинг ривожланиш даражасини оширишда аниқ фаолиятнинг (касбга хос, спорт бўйича) талабларига мос келиш.

3. Инсон ёшининг турили босқичларидаги эгилувчанликнинг ушлаб туриш даражаси.

4. Касаллик, лат ейиш ва бошқа сабабларга кўра йўқотилган эгилувчанликни тиклаш.

Эгилувчанликни ривожлантириш учун ҳаракат амплитудасини кўпайтирувчи мушак чўзувчи машқлардан фойдаланиш керак. Бу машқлар мушакларнинг қисқариш механизмига тъсирик кўрсатишга эмас балки (мушакларни бирдан–бир хусусияти ўз узунлигига нисбатан икки марта кўп чўзилади ва яна ўз ҳолатига қайтади.) мушак тўқималарини боғлаб турувчи пайлар ва чандирларга қаратилганди. Улар чўзилиш хусусиятига эга эмас ва эгилувчанликнинг ривожланишига тўскинилек қиласди.

Ҳамма чўзилиш машқлари мушакларнинг ишлаш тартибига кўра 3 гурӯхга бўлинади:

I. Динамикалаштирилган.

II. Статистикалаштирилган.

III. Арапаш.

Булардан баъзилари мушакларни зўриқтириб чўзилтирувчи кучларга, баъзилари эса ташқи кучларга таъсири киласди. Динамик фаол машқларда турили юклар – амортизаторлар билан гавдани ҳар томонга букиб силтаниш, сакраш ташлаш каби ҳаракатлар бажарилади.

*Динамик суст машқлар* шерикнинг ёрдами таъсирида, ўз гавдаси билан ёки қўшимча ишлатиб ташқи қаршиликни енгишдир.

Статик фаол машқлар гавдани маълум ҳолатда ушлаб туради.

*Статик фаол машқлар* мушаклар чўзилгани ҳолда танани маълум ҳолатда сақлаб туришни назарда тутади. Бунда мушаклар бўғимларни ўраб турган ва ҳаракатни таъминлаётган пайлар қисқариши ҳисобига чўзилиб максималга яқин бўлади. Мушаклар 5-10 секунд давомида чўзилган ҳолда бўлади.

Статик суст машқлар гавда ҳолатини ташқи кучлар остида-шериклар, снарядлар ва ўз гавдасининг кучи ёрдамида тик тутиб бажарилади. Мушак чузилишидаги суст машқларнинг бажарадиган вазифаси бир хил эмас, статик ҳолатда динамикага нисбатан кўпроқ. Статик суст машқларнинг динамикага нисбатан таъсири кам.

*Аралаш машқлар мушак чўзилишида ҳам ташки, ҳам ички кучларни таъминлайди. Уларни бажаришда фаол ва суст ҳаракатларни алмаштириб туриши зарур. Масалан шерик ёрдамида астасекинлик билан оёқлар олдинга кўтарилади ва 3-4 секунд давомида ушлаб турган ҳолда орқага сакралади.*

Эгилувчанликни ривожлантиришнинг асосий усули тақрорлаш яъни машқлар бажарилади ва дам олиб, яна бажарилади. Шу ҳолатни маълум оралиқда тақрорлаш ишчанлик қобилиятини тиклаш учун фойдалидир. Бу усулнинг турли варианatlари бор: динамик машқларни тақрорлаш усули ва статик машқларни қайтариш усули. Эгилувчанликни ривожлантиришнинг статик машқлар ёрдамидаги усули «стретчинг» номини олган.

Охириг йилларда эгилувчанликни ривожлантиришининг янги ноањнавий усули пайдо бўлди. Масалан В.Т Назаров томонидан ишланган мушакларни биомеханик қўзғатиш усули.

У биопотенциал энергия ва тўлқин тебранишлар назариясига асосланган, яъни мушак кучланишининг қайишқоқлик энергияси. Электромеханик вибратор мушак гурухларини частотасини (5-50 ги ва ундан кўп) тўғрилади. Вибратор таъсирида қисқараётган мушаклар берилган частотада чўзилишга мажбур бўлади. Бу усул ёрдамида эгилувчанлик ривожланиши 10 мартағача тезлашади. Бундан ташқари биомеханик қўзғатиш сеансларидан кейин мушеклардаги ҳаракат даражасининг сақланиш вақти анъанавий усулга нисбатан анча кўп бўлади.

Усул муаллифнинг таъкидлашича, вибрация вақти-вақти билан мушак томирларида ўз - ўзидан модда алмашиниши ва қоннинг шаклий элементларининг улар орқали ўтишига сабаб бўлади.

Вибрация механорецепторларни жуда кучли қўзғатади ва МАТга таъсир қилиб, бош мия пўстидаги ҳаракат зоналарида қўзғалишнинг мустаҳкам манбаларини ҳосил қиласди.

Эгилувчанлик ривожланшининг навбатдаги усули электростимуляция ва вибростимуляция билан боғлиқ. Электровибростимуляцияли усул шунга асосланганки мушак чўзилишига машқ бажарилаётганида вибростимуляция мушак-антагонистларга йўлиқади, электростимуляция эса мушак-синергистларга учрайди. Бу ҳаракат амплитудасини амалга оширишда муҳим аҳамиятга эга, чунки таянч ҳаракат аппаратида фаол ҳаракат юзага келади. Мушак-синергистлар ва мушак-антагонистларни бир вақтда рағбат-

лантириши у ёки бу бўғимдаги ҳаракатнинг энг қулай тизими шаклланишига таъсир қиласи ва фаол эгиувчанлик суст эгиувчанлик кўрсаткичлари билан яқинлашади.

Бу усулнинг самарадорлиги юқори чунки, қисқа вақт ичida 30% ҳаракат даражасини кўтаради.

Эгиувчанликни ривожлантиришнинг аралаш усули.

Улардан бири суст мушак чўзилишининг дастлабки усули бўлиб, фаол статик кучланиши камайтиради (бўшаштириш) ва кейинчалик чўзади. Чет эл адабиётларида «контракцияси, релаксацияси ва чўзилиш усули» номини олган. Унинг асосида мушаклар чўзилганидан кейин нафақат кучли қисқаради, балки яна ҳам эгиувчан бўлади.

Эгиувчанликнинг ривожланиши билан боғлиқ бўлган машқларни режалаштирганда бир қатор усулий талабларга риоя килиш керак.

Амплитудани оширишдаги юк билан бажариладиган суст машқларда алоҳида эҳтиёткорликни сақлаш керак. Ҳаракат амплитудасини кўпроқ эгаллаш учун маълум мақсадлар белгилаб олинади (маълум бир баландликда осилган тўпга оёқ кафтини теккизиш, шпагат очиш, олдинга эгилиб кафтни полга теккизиши).

Ҳаракат амплитудаси пасайиши ва мушакларда кучли оғриқ пайдо бўлиши билан чўзилиш машқларини тўхтатиш керак.

Вақт-вақти билан бўғимлардаги ҳаракатнинг яхшиланишини чизгич, гониометр, девордаги белгилар билан текшириб туриш керак.

Эгиувчанлик машқларини бажариш тўхтатилганда унинг даражаси аста-секин пасайиб, 2-3 ойдан кейин аввалги ҳолатига қайтади.

Эгиувчанликни ривожлантириш устида ишлагандаги, куч сифатларига оид машқлар билан биргаликда олиб бориш керак. Кўшимча юк кўлланган бўғимлардаги ҳаракатчанликнинг катталиги 50 % ошмаслиги керак.

*Эгиувчанликни ривожлантиришда чўзилишига таъсир қиласидаги турли машқларнинг муносабати.* Эгиувчанлик машқларини машғулотларнинг турли қисмларига: тайёрлов, асосий ёки якуний қисмида мажмууга 6-8 машқни киритиши мумкин. Бўғимдаги ҳаракатни ривожлантиришда муҳим бўлган хаётий

харакатларда катта рол ўйнайдиган машқлар орқали бўғимлар фаоллигини ривожлантириш керак.

Мушакларни чўзиш машқларини бир кунда 2 марта (эрталаб ва кечкурун ) бажариш жуда катта натижа беради.

Бўғимлардаги ҳаракатни юқори даражага етказиш учун машғулотларни бир хафтада 3-4 марта ўтказиш керак, тақрорлаш сони мушак гурухларининг кўплигига, машқ бажаришдаги чўзилишига, шуғулланувчининг ёшига ва тайёргарлигига боғлиқ (4-жадвал).

Эгилувчанлик машқларини дастлаб яхши қизиб, тер пайдо бўлгунча бажариш керак, шунда мушакларнинг жароҳат олиши кутилмайди; машқларнинг амплитудасини аста-секин кучайтирган холда, аввал секин, сўнгра тезроқ бажариш керак.

### **Эгилувчанликни ривожлантириш учун машқларнинг тахминий меъёри. (Б.В.Сермеев бўйича)**

*4-жадвал*

Танани асосий қисмига машқлар	Шуғулланувчилар тоифаси		
	15 ёшгача бошланғич	15 ёшли ихти- сослашган	Такомиллашган спортчилар
елка	40-50	50-60	90-100
тос қисми	45-50	60-70	60-70
умуртка погонаси	50-60	80-90	20-25
тизза-товор	15-20	20-25	20-25

Эгилувчанлик машқларини мустакил тур сифатида уйга вазифа қилиб берган маъқул. Динамик фаол-40-45% статик-20%, суст-35-40%.

Болалар билан ўтказилган машғулотларда статистик машқлар озроқ, динамик машқлар кўпроқ бўлиши керак.

Шунингдек, мушакдаги кучланишни пасайтириш ва бўшашибутириш учун руҳий созлаш машғулоти усувларини ишлатиш керак.

Эгилувчанлик – таянч-харакат аппаратининг мажмумавий морфологик хусусияти бўлиб, унинг бўғинларини харакетчанилик даражасидир



11 расм. Эгилувчанлик жисмоний сифат кўринишида (К.Д.Чермит бўйича, 2005)

## **Үз-үзини текшириш учун саволлар ва топшириқлар**

- 1.«Эгилувчанлик» атамасига таъриф беринг?
2. Сиз эгилувчанликнинг қандай турларини биласиз?
- 3.«Фаол эгилувчанлик» атамасини қандай тушунасиз?
- 4.«Суст эгилувчанлик» атамаси нимани ифодалайди?
- 5.Умумий эгилувчанликка таъриф беринг
- 6.Махсус эгилувчанликни таърифланг. Мисоллар келтиринг
- 7.Педагог учун эгилувчанликни ривожлантариш жараёнида қандай вазифаларни ечишга тўғри келади?
8. Мушакларнинг қандай ишлашидан қатъи назар, чўзилтириш машқлари қандай гурухларга бўлинади?
- 9.Динамик машқларга таъриф беринг. Мисоллар келтиринг?
- 10.Статик машқларга таъриф беринг. Мисоллар келтиринг?
11. Аралаш машқларга мисоллар келтиринг ва таъриф беринг?
12. Сиз қандай ноанъанавий усулларни биласиз?
13. Мушакларнинг биомеханик стимуляцияси усуллари ҳақида нималарни биласиз?
14. Электровибростимуляция усулига таъриф беринг.
15. «Релаксация» ва «контракция» усуллари ҳақида нималарни биласиз?

### **Адабиётлар:**

- 1.Бомпа Т. Подготовка юных чемпионов: перев. С англ./Т. Бомпа – М.: ООО «Издательство Астрель»: ООО «Издательство АСТ», 2003. – XII, 260 с.: ил.
- 2.Вайщиковский С.М. Книга тренера. М.: Физкультура и спорт, 1971. – 312 с., ил.
- 3.Киев, Олимпийская литература, 2002. – 294 с.
- 4.Зациорский В.М. Физические качества спортсмена. – Изд. 2-е. – М.: Физкультура и спорт, 1970.
- 5.Иванков Ч.Т. Теоретические основы методики физического воспитания. – М.: «Инсан», 2000. – 352 с.
- 6.Керимов Ф.А. Спорт кураши назарияси ва усулияти: Т.: УзДЖТИ, 2001. – 286 с.
- 7.Курамшин Ю.Ф. Методы обучения двигательным действиям и развития физических качеств: Теория и технология применения: Учебное пособие. – СПб., 1998.

- 8.Матвеев Л.П. Основы общей теории спорта и системы подготовки спортсменов. Киев, 1999.
- 9.Озолин Н.Г. Современная система спортивной тренировки. М.: Физкультура и спорт, 1970. – 480 с., ил.
- 10.Платонов В.П. Общая теория подготовки спортсменов в олимпийском спорте. – Киев. Олимпийская литература, 1997. – 584 с.
- 11.Развитие двигательных качеств школьников: (развитие быстроты, выносливости, силы и равновесия)/ Под ред. З.И. Кузнецовой. – М.: Просвещение, 1967. – 204 с.
- 12.Теория и методика физического воспитания: Учебник/Под ред. Т.Ю. Круцевич. – в 2-х томах. – Киев. Олимпийская литература, 2003. – 424 с.
- 13.Теория и методика физической культуры: Учебник/Под ред. Проф. Ю.Ф. Курамшина. – 2-е изд., испр. – М.: Советский спорт, 2004. – 464 с.
- 14.Теория спорта /Под ред. Проф.В.Н. Платонова. – К.: Вища шк., 1987. – 424 с.
- 15.Филин В.П. Воспитание физических качеств у юных спортсменов. – М.: Физкультура и спорт, 1974. – 232 с.
- 16.Харре Д. Учение о тренировке. – М.: Физкультура и спорт, 1971. – 328 с.
- 17.Холодов Ж.К., Кузнецов В.С. Теория и методика физического воспитания и спорта: Учебное пособие для студентов высших учебных заведений. – М.: «Академия», 2000. – 480 с.
- 18.Чермит К.Д. Теория и методика физической культуры: опорные схемы: учебное пособие – М.: Советский спорт, 2005. – 272 с.

## **ВIII. БОБ. ЖИСМОНИЙ ТАЙЁРГАРЛИК ЖАРАЁНИДА ЁШ СПОРТЧИЛАРНИНГ ЖАРОҲАТ ОЛИШИНИ ОГОҲЛАНТИРИШ.**

### **8.1. Ёш спортчиларнинг машғулот жараёнида жароҳатланиши сабаблари.**

Таянч – ҳаракат аппаратининг жароҳатланиши ва организмнинг функционал ишлаши тизими бузилиши биринчи навбатда машғулотлардаги жисмоний машқларнинг усулий хатосига ва ташкилий камчиликларга боғлиқ.

Шунга қарамасдан, биз қанчалик жисмоний сифатларни ривожлантиришайлик жароҳатларнинг сабаблари шундай ташкилий кам-чиликлардир:

- 1) машғулотларда хавфсизлик қонун-қоидасини билиш;
- 2) асбоб-анжом ва қуролларнинг сиратақилиш.

3) санитария ва гигиена шароитининг ёмонлиги (ёргулик камлиги, машқ бажариладиган қопланган мойнинг қаттиқлиги ва сирпанчиқлиги, хавонинг ифлослиги) ва машқларда машғулотларда об-ҳаво шароити (паст ёки юқори ҳарорат, намликтин юқорилиги).

Усулий хатолар кўпроқ дарс тизимига ва алоҳида машғулотларда қандай жисмоний сифатлар ривожлантирилаётганига боғлиқ.

### **8.2. Куч ишлатиладиган машқлар машғулотидаги усулий хатолар.**

Турли мушак гурухларида кучнинг ривожланиш уйғунлиги бузилади, оқибатда, уларнинг кучларини ривожлантиришда номутаносиблик пайдо бўяди.

Таянч-ҳаракат аппаратида жароҳатланишга олиб келадиган ва бошқа аъзоларни ҳам жароҳатлантирадиган етарлича шуғулланмаган заиф аъзо пайдо бўлади.

Етарлича ривожланмаган оёқ кафти унинг таранглигини пасайтириб юборади. Саралаш машқларини бажаришда оёқ кафтлари мушакларига тушадиган вазифани товон ва уч бошли тўпик мушаклари бажаришга мажбур бўлади. Бу эса уларга ортиқча юқ бўлиб қолади.

1) корин мушакларининг етарлича ривожланмаганлиги туфайли умуртқа погонасининг бел қисмida юк кўпайиб, гавда қомати бузилиши мумкин.Шунингдек, умуртқа погоналари ўртасидаги тўқималарнинг ўта ёйилиб кетиши натижасида соннинг орқа томонидаги мушакларнинг жароҳатланади ва бел қисмда оғриқ пайдо бўлади.

2) куч ишлатиш машқларининг пухта бадан қиздириш машқларисиз бажариш мушакларнинг чўзилишига, йиртилишига, пайлар, чандирлар, бўғимларнинг жароҳатланишига, юрак қон томири тизимининг зўриқишига кетишига олиб келади;

3) машқларни жуда катта юк билан чарчаган холда бажариш мушаклар, пайлар, бўғимлар, чандирларнинг жароҳатланишига олиб келади;

4) жуда катта юк билан ўтириб туриш машқларини суиистеъмол қилиш тизза бўғим пайларининг жароҳатланишига олиб келади;

5) чукурликка юқори баландлиқдан сакрашни суиистеъмол қилиш тизза бўғимлари ва оёқ кафтларининг жароҳатланишига олиб келади;

6) катта оғирлиқдаги юкни суиистеъмол қилиш гавданинг бузилиб,ўзгаришига, умуртқа погоналари дисклари орасида чурра пайдо бўлишига олиб келиши кўп кузатилган;

7) машқларнинг катта юклар билан бажарилиши етарлича ўрганилмаган лекин улар, таянч-харакат аппаратларида бўлимларнинг жароҳатланишига олиб келиши кўп кузатилган;

8) узоқ куччанишни суиистеъмол қилиш юрак фаолиятининг бузилишига, томирларнинг кенгайишига, капилляр қон айланишининг ишдан чиқишига олиб келади.

### **8.2.1. Куч ишлатиш машқларида жароҳатнинг олдини олиши тавсия этиш усулари.**

Куч ишлатиш машқларини бажариш жараёнида жароҳат олишдан сақланиш учун тавсияялар.

1. Куч ишлатиши машқларидан олдин яхшилаб бадан қиздириш машқларини бажариш ва бутун машғулот вақтида организмдаги иссиқликни сақлаш керак.

2. Куч ишлатиш машқларининг бошланиш босқичлари-да юкламанинг катталигини ва умумий миқдорини аста-секин ошириб бориш керак.

3. Хар бир машғулотда юкламанинг хажмини эҳтиёт бўлиб ўрганиш муҳим. Аввал жуда оз юкламалар билан бажариш техникасини ўзлаштириб олиш керак.

4. Куч машқларига тайёргарликнинг даслабки босқичларида ҳамма суяқ мушакларини ҳар томонлама ривожлантириш лозим, бунинг учун турли ҳолатда ҳар хил куч ишлатиш машқлари қўлланилади.

5. Жуда катта юк билан бажарилаётган машқларда нафасни узоқ ушлаб туриш мумкин эмас.

6. Умуртқа поғоналарига таъсир қиласидиган кучлардан сақланиш учун маҳсус оғир атлетикалар белбогидан фойдаланиш зарур. Куч билан бажариладиган машқлардаги дам олиш оралиғида умуртқа поғонасига дам бериш, яъни якка чўпга осилиш, гимнастик айланишларни бажариш керак.

7. Умуртқа поғонаси жароҳат олмаслиги учун гавда ва қорин мушакларини мустаҳкамлаб туриш керак.

8. Умуртқа поғонасига тушадиган юкламали машқларни бажаришда уни имкон борича тўғри ушлаш лозим. Шунда у мустаҳкам бўлади.

9. Оёқ кафти мушакларини мунтазам равишида мустаҳкамлаш учун ўша ерга хос бўлган машқларни бажариш зарур.

10. Қўлни жароҳат олишдан сақлаш учун қўл билан ушлатиб бажариладиган машқлардан фойдаланиш керак.

11.Юк билан ўтириб бажариладиган машқларда товон учун шундай ҳолатни танлаш керакки, тизза бўғимларида ҳаракат кўпроқ бўлсин.

12.Оғир юк билан бажариладиган машқларда тизза бўғимларини жароҳатланишдан сақлаш зарур. Оёқ мушакларида кучни кўпайтириш учун маҳсус тренажёрларда ўтирган ва ётган холда машқлар бажариш керак.

13.Оғир юк билан бажариладиган машқларни оёқ кийимда ва қаттиқ полда бажариш керак, шундагина тўпик бўғимларини мустаҳкамлаш мумкин.

14. Юрак-қон томир тизими зўриқтирмаслик учун кучанишдан олдин чуқур нафас олмаслик керак.

15. Узоқ кучанишдан сақланиш зарур.
16. Кўз томирлари жароҳатланмаслиги учун кучанишдан олдин кўзни юмиб олиш керак.
17. Куч ишлатиш ва чўзиш машқларини катта зўриқиши билан бажариш керак эмас. Бўғимдаги максимал ҳаракат амплитудаси 10-20% ни ташкил қилиши керак.
18. Мушакларда, пайларда ва бўғимларда оғриқ пайдо бўлса, машқларни тўхтатиш керак.

### **8.3. Тезликни ривожлантиришдаги усулий хатолар**

Жароҳатларнинг 25% и тайёргарлик ва тезлик машқларини бажаришдаги машғулотларда олинади.

1. Тезлик машқларини совуқ хавода ва сирпанчиқ ёки нотекис жойда бажариш.
2. Машғулот таъсирининг камлиги.
3. Машқлар ҳажмини тез кўпайтириб юбориш.
4. Тезлийи машқлари техникасини ўзлаштириб олмаганлиги.
5. Таянч-ҳаракат аппаратининг алоҳида бўлимларига ортиқча куч ишлатиш.
6. Тезлик машқларини бажаришда тайёргарликнинг сифатсизлиги.
7. Тезлик машқларини жисмоний ёки мувофиқлик чарчоғида бажариш.

#### **8.3.1. Тезликни ривожлантиришда жароҳатни олдини олишнинг усулий тавсияномалари.**

Тезлик машқларини бажаришдан олдин яхшилаб бадан қиздириш ва машғулотларга ҳам шаклан, ҳам мазмунан тегишли бўлган ҳаракатларни бажариш керак. Тайёргарлик машқларини бажаришнинг самарадорлигини оширишда уларни аста-секин кўпайтириб бориш керак. Айнан юқори сифатли бадан қиздириш жароҳатдан қочишга ва тезлик машқларини бажаришдаги ютуқларни эгаллашга сабаб бўлади.

Таянч - ҳаракат аппаратининг мутаносиб ривожланишига қаратилган хар томонлама жисмоний тайёргарлик жароҳатнинг олдини олишда асосий рол ўйнайди. Тезликни ривожлан-

тиришнинг бошланғич босқичларида дикқатни унинг алоҳида заиф бўлимларини мустаҳкамлашга қаратилади. Тезлик машқлари чарчаган ҳолда бажарилса, бу мушакларнинг жароҳатланишига олиб келади.

Мушакларда оғриқ ёки томир тортилиб қолса, дарҳол машқларни тўхтатиш керак. Совуқ ҳавода шамолдан ҳимоя қиласидиган костюм ва иссиқ кийимлар кийиш керак.

#### **8.4. Чидамлиликни ривожлантиришдаги усулий хатолар**

1. Таянч - харакат аппаратини мустаҳкамлашга етарлича эътибор бермаслик.

2. Чидамлиликни ривожлантириш усулияти ва воситаларининг бир хиллиги.

3. Машғулот вазифаларини кучайтириб юбориш (организм тикланиб олмасдан, яна узоқ вақт шугулланиши).

4. Машғулот вақтида бетоб бўлиб қолиш (тумов, ангинা).

##### **8.4.1. Чидамлиликни ривожлантириш вақтида таянч-харакат аппарати функционал тизимини зқриқтиришдан олинадиган жароҳатлардан огоҳлантириш тавсияномалари.**

Товон таянч-харакат аппаратининг энг оғир ишларни бажарувчи бўлими хисобланади. Товоннинг мушаклари ва пайлари ортиқча куч таъсирида ўз хусусиятларини йўқотиб, яссиоёкликка учрайди. Бу ходисани йўқотиш учун, биринчидан, машғулот вазифалари ҳажмини аста - секин кўпайтириб бориш, иккинчидан, товон мушаклари кучини ривожлантирувчи машқларни қўллаш керак.

Организмни мустаҳкамлаш ва ишлаш қобилиятини ошириш учун чидамлилик машқлари қўлланилади. Юрак - қон томир тизими организмнинг энг нозик бўлимидир. Самарали машғулот вазифалари, тайёргарликни бир маромда ўтиши, ишдаги тезликнинг ўртача давомийлиги юрак деворларининг яхши шаклланишига ижобий таъсир қиласиди. Бундай юракнинг итариш кучи катта бўлади лекин уриш ҳажми нисбий оз бўлади. Машғулотлардаги вазифаларнинг юқори жадаллиги ва спортчига ишлаш қобилиятининг етарли эмаслиги юракда зўриқишини оширади. Булар эса юрак деворларидаги артерияларни қаттиқлаш-

тириб, қон қуишига түсқинлик қиласы да ишлашини мураккаблаштиради. Бу салбай ходисанинг олдини олиш учун дастлаб жуда суст суръатли машқларни бажариш тавсия этилади, кейинчалик тұхтосиз усулда вариатив - оралиқ машқларини бажаришга ўтилади. Юқорида айтилған ишнинг давомийлигидаги суст ҳаракат юрак - қон томирлар тизимида күвватини оширишга, тежалиб ишлашига, нафас йўлларига ва организмнинг бошқа тизмларига катта таъсир кўрсатади. Бунда юрак функцияларининг имкониятлари ўсади, миокард дистрофияси пасаяди ва мушаклардаги қон айланиш яхшиланади.

Аммо шуни эсда тутиш керакки, машғулот вазифалари ҳажмининг бир хиллиги МАТга салбай таъсир қиласы, юрак фаолияти ва қон айланиш тизимидағи тартиб бузилади. Бу асосан, болалар ва ўсмирларга тегишли. Ушбу ҳолатдан кутулиш учун машғулотларни турли-туман қилиш, яъни дарсларни манзарали жойларда ўткизиш, машғулот трассаларини ўзгартириш ва ўйин усулларидан фойдаланиш керак.

## **8.5. Эгилувчанликни ривожлантиришдаги хатолар**

1. Организмнинг етарлича қизимаганлиги.
2. Қизишнинг сифатсизлиги.
3. Мушак тонусининг юқорилиги.
4. Ҳаракат амплитудасини бирдан ошириб юбориш
5. Қўшимча юкнинг кўплиги.
6. Дам олиш ва машғулотлар ўртасидаги оралиқни кат-талиги.
7. Чарчаган ҳолда мушғулотларда қатнашиш.

### **8.5.1. Эгилувчанликни ривожлантиришдаги жароҳатларнинг олдини олиш бўйича усулий тавсиялар**

Таянч-ҳаракат аппаратини яхшилаб қиздириш эгилувчанликни ривожлантиришдан олинадиган жароҳатлардан сақлайди. Бунинг учун машқлар бажаришдан олдин мушакларни ривожлантирувчи ҳаракатлар ёрдамида қиздириш ва бу ҳолатни бутун машғулот давомида сақлаб туриш керак. Ҳар бир бўғимдаги ҳаракатни ривожлантирувчи машқларни бажариш бир текис ҳаракатлар билан бошланади. Ҳаракатни бажариш суръати машғулотларнинг биринчи қисмida жуда секин кечади. Максимал

амплитуда билан машқ бажариш эгилувчанликни ривожлантиришда юқори натижаларни беради. Лекин мушаклар, пайларнинг чўзилиш имкониятларини топиш жуда мураккаб. Асосан, қўшимча юқ билан тез ҳаракат қиласиган ёки сакраб бажариладиган мажбурий чўзиш машқларига катта эътибор бериш лозим. Ҳаракат амплитудасини ортиқча қўллаш тўқималарда оғриқ ҳосил қиласи ва бу оғриқ кичкина жароҳат пайдо қиласи. Шунинг учун озгина оғриқ пайдо бўлиши билан машқлар тўхтатилади ва тўқималар хусусияти тўлиқ ўз ҳолига келгунча машқлар тўхтатиб турилади.

Ўз ҳолига келтиришни тезлатиш учун мушакларни массаж қилиш, иссиқлик муолажалари ўтказиш ва бўшаштирувчи машқлар бажариш керак. Машғулотлардаги машқ натижасини ошириш учун эгилувчанликни ривожлантиришда бўладиган жароҳатларнинг олдини олиш мақсадида чўзиш машқларидан ва бўшаштирувчи машқлардан фойдаланилади. Мушакларни ривожлантиришдан чарчаган ҳолда сакраб ёки тез ҳаракат билан бажариладиган машқлар чидамлиликка ва кучни ривожлантиришга салбий таъсир қиласи.

Бу вазифалардан кейин мушаклар орасидаги мувофиқлик ва эгилувчанлик ёмонлашади, шунингдек, эгилувчанликни ривожлантиришдаги машғулотлар натижаси пасайиб кетиб, жароҳатланишга олиб келади.

Эгилувчанликни ривожлантиришда бўғимларнинг жароҳатланиши сабаби, мушакларнинг етарлича ривожланмаганлиги, яъни уни ўраб турган пайлар ва бўғим қопчасининг мустаҳкам эмаслигидир.

## **8.6. Мувофиқлаш лаёқатларини ривожлантиришдаги усулий хатолар**

Модомики, мувофиқлаш лаёқатлари бошқа ҳаракат сифатлари билан ўзаро боғлиқ экан, юқорида кўрсатилган ҳаракатни ривожлантириш усулиятидаги камчиликлар бу сифатларга салбий таъсир этиши мумкин. Бундан ташқари, А.Тер-Ованесяннинг (1978) маълумотларига кўра, мукаммалликка етмаган мушаклар ўртасидаги мувофиқлик, мувофиқлаш, сифатларининг ривожланишидаги чўзилишга, пайлар, тўқималарнинг йиртилишига асосий сабаб бўлади.

### **8.6.1 Мувофиқлаш лаёқатларини ривожлантиришда олинадиган жароҳатлардан огоҳлантиришнинг усулий тавсияномалари**

Мувофиқловчи ривожлантириш машқларини бажаришдан олдин машғулотларга ҳам шаклан, ҳам мазмунан мос, бадан қиздириш машқларини бажариш керак

Машқлар бажариш тезлигини, уларнинг амплитудасини ва мувофиқликка оид мураккаблигини машғулотларда аста секин кўпайтириб бориш керак. Кўшимча юкли машқларни бажаришда ўкувчиларнинг шахсий имкониятларини хисобга олган ҳолда, унинг катталигини келишиб олиш лозим. Чарчаган ҳолда машғулотларда қатнашмаслик керак. Мураккаб мувофиқликка оид машқларни нокулай шароитда бажариш мумкин эмас (сирғанчик, коронгулик ва чалгитувчилар).

Шундай қилиб, масъулиятсиз ташкил қилинган ва режалаштирилмаган машғулотлар ўкувчининг организмига салбий таъсири қиласи. Бу ҳолат юз бермаслиги учун аввалроқ мақсадга мувофиқ равишда, контингент хусусиятларини ва жисмоний сифатларни ривожланиш хусусиятини хисобга олган ҳолда режалаштириш керак.

#### **Ўз-ўзини текшириш учун саволлар ва топшириқлар**

- 1.Қандай ташкилий камчиликлар жароҳатларга сабаб бўлиши мумкинлигини санаб беринг.
- 2.Куч машқлари қўлланиладиган дарсларда йўл қўйилиши мумкин бўлган қандай услубий хатоларни биласиз?
- 3.Куч машқлари қўлланиладиган дарсларда жароҳатларнинг олдини олишга ёрдам берадиган усулий тавсияларни айтиб беринг.
- 4.Тезкорликни ривожлантиришдаги умумий хатоликлардан қайсилари сизга маълум?
- 5.Тезкорликни ривожлантиришда жароҳатлар олдини олишга ёрдам берадиган усулий тавсияларини айтиб беринг.
- 6.Чидамлиликни ривожлантиришда йўл қўйиладиган қандай усулий хатоларни биласиз.

7. Чидамлиликни ривожлантиришда таянч-харакат аппарати жароҳатларининг олдини олиш учун қандай тавсиялар бериш мумкин.
8. Эгилувчанликни ривожлантиришда қандай хатоларга йўл қуилиши мумкин.
9. Эгилувчанликни ривожлантиришда жароҳатларнинг олдини олиш учун қандай тавсиялар бериш мумкинлигини сананг.
10. Ҳаракатларни мувофиқлаш қобилятларини ривожлантиришда қандай хатоликларга йўл қуилиши мумкин?
11. Ҳаракатларни мувофиқлаш қобилятларини ривожлантиришда жароҳатларнинг олдини олиш учун қандай тавсиялар бериш мумкинлигини айтинг.

#### **Адабиётлар:**

1. Бернштейн Н.А. О ловкости и ее развитии. – М.: Медицина, 1991.
2. Вайщеховский С.М. Книга тренера. М.: Физкультура и спорт, 1971. – 312 с., ил.
3. Волков Л.В. Теория и методика детского и юношеского спорта. Киев, Олимпийская литература, 2002. – 294 с.
4. Зациорский В.М. Физические качества спортсмена. – Изд. 2-е. – М.: Физкультура и спорт, 1970.
5. Иванков Ч.Т. Теоретические основы методики физического воспитания. – М.: «Инсан», 2000. – 352 с.
6. Керимов Ф.А. Спорт кураши назарияси ва усулияти: Т.: УзДЖТИ, 2001. – 286 с.
7. Курамшин Ю.Ф. Методы обучения двигательным действиям и развития физических качеств: Теория и технология применения: Учебное пособие. – СПб., 1998.
8. Курьес В.Н. Основы силовой подготовки юношей. – М.: Советский спорт, 2004. – 264 с.: ил.
9. Лях В.М. Координационные способности школьников. – Минск, Полымя, 1989.
10. Матвеев Л.П. Основы общей теории спорта и системы подготовки спортсменов. Киев, 1999.
11. Озолин Н.Г. Современная система спортивной тренировки. М.: Физкультура и спорт, 1970. – 480 с., ил.

- 12.Платонов В.П. Общая теория подготовки спортсменов в олимпийском спорте. – Киев. Олимпийская литература, 1997. – 584 с.
- 13.Теория и методика физического воспитания: Учебник/Под ред. Т.Ю. Круцевич. – в 2-х томах. – Киев. Олимпийская литература, 2003. – 424 с.
- 14.Теория и методика физической культуры: Учебник/Под ред. Проф. Ю.Ф. Курмышова. – 2-е изд., испр. – М.: Советский спорт, 2004. – 464 с.
- 15.Теория спорта /Под ред. Проф.В.Н. Платонова. – К.: Вища шк., 1987. – 424 с.
- 16.Филин В.П. Воспитание физических качеств у юных спортсменов. – М.: Физкультура и спорт, 1974. – 232 с.
- 17.Харре Д. Учение о тренировке. – М.: Физкультура и спорт, 1971. – 328 с.
- 18.Хартман Ю. Тюннemann Х. Современная силовая тренировка. Шпортферлаг: Берлин. – 1988. – 336 с.: ил.
- 19.Сухоцкий И.В. Силовая подготовка учащихся ПТУ допризывного и призывного возрастов: Метод. Пособие для ПТУ. – М.: Высш. Шк., 1990. – 80 с.: ил.
20. Холодов Ж.К., Кузнецов В.С. Теория и методика физического воспитания и спорта: Учебное пособие для студентов высших учебных заведений. – М.: «Академия», 2000. – 480 с.

## **Мундарижа**

Кириш .....	3
<b>I.БОБ. СПОРТ МАШГУЛОТЛАРИНИНГ МАҚСАДИ, ВАЗИФАЛАРИ, ВОСИТАЛАРИ, УСУЛ ВА ТАМОЙИЛЛАРИ</b>	
1.1. Спорт машғулотларининг мақсад ва вазифалари.....	5
1.2. Спорт машғулоти воситалари.....	6
1.3. «Усул», «усулий йўл», «усулият», «усулий ёндашув», «усулий йўналиш» каби дастлабки тушунчалар.....	12
1.4. Спорт машғулотининг тамойиллари .....	19
<b>II.БОБ ЁШ СПОРТЧИЛАРНИ ЖИСМОНИЙ ТАЙЁРЛАШ</b>	
2.1. Ёш спортчиларни жисмоний тайёрлаш тушунчаси, унинг аҳамияти, турлари, вазифалари ва воситалари.....	27
2.2. Жисмоний қобилияйтларнинг умумий тавсифи.....	29
2.3. Жисмоний қобилиятлар ривожланишининг асосий қонуниятлари.....	32
2.4. Жисмоний қобилиятларни ривожлантириш тамойиллари....	38
<b>III. БОБ КУЧ ҚОБИЛИЯТЛАРИ ВА УЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ УСУЛИЯТИ</b>	
3.1. Куч қобилияtlари ҳақида тушунча, уларнинг турлари.....	60
3.2. Куч қобилиятларининг ривожланиши усулияти.....	67
3.3. Мушаклар ҳақида қисқача маълумотлар.....	68
3.4. Мушаклараро мувофиқлаш ҳақида тушунча.....	70
3.5. Турли мушак гурухларининг куч қобилиятларини ривожлантириш учун машқлар.....	72
3.6. Куч қобилиятларини ривожлантириш усуллари .....	74
3.7. Куч қобилиятларининг турлари ва уларни ривожлантириш усуллари.....	79
<b>IV. БОБ. ТЕЗЛИК ҚОБИЛИЯТИ ВА УНИ РИВОЖЛАНТИРИШ УСУЛЛАРИ</b>	
4.1. Тезлик қобилияти ҳақида тушунча. Тезлик қобилияти даражасини ривожлантириш омиллари ва тезлик қобилият-	

ларининг пайдо бўлиши.....	93
4.2. Тезкорлик ҳаракатини сезиш ривожланишининг услулияти .....	95
4.3. Якка щаракат тезлиги ва ҳаракат частотасининг ривожланиш усулияти .....	100
4.4. Тезлик қобилиятларининг пайдо бўлишида мажмуавий шаклларнинг ривожланиш усулияти.....	102
<b>V. БОБ. МУВОФИҚЛАШ ЛАЁҚАТЛАРИ ВА УНИ РИВОЖЛАНТИРИШ УСУЛИЯТИ</b>	
5.1. «Ҳаракатларни мувофиқлаш», «мувофиқланганлик», «муво- фиқлаш лаёқатлари» тушунчаларининг търифи.....	110
5.2. Чақонлик - мувофиқлаштириш лаёқатларининг мажмуавий намоёнлиги сифатида.....	113
5.3. Мувофиқлаш лаёқатларининг намоён бўлиш шакллари ва баҳолаш мезонлари .....	115
5.4. Мувофиқлаш лаёқатларини ривожлантириш усулияти .....	118
<b>VI. БОБ. ЧИДАМЛИЛИК ВА УНИ РИВОЖЛАНТИРИШ УСУЛИЯТИ</b>	
6.1. Чидамлилик тушунчаси. Чарчаш ва чидамлилик.....	131
6.2. Чидамлиликни ривожлантириш усулияти.....	135
<b>VII. БОБ. ЭГИЛУВЧАНЛИК ВА УНИ РИВОЖЛАН- ТИРИШ УСУЛИЯТИ</b>	
7.1. Эгилувчанлик ҳақида тушунча. Эгилувчанликнинг турлари ва ўлчов мезони. Эгилувчанликнинг ривожланиш даражасини аниқловчи омиллар.....	152
7.2. Эгилувчанликни ривожлантириш усулиятининг вазифалари ва воситалари .....	155
<b>VIII. БОБ. ЖИСМОНИЙ ТАЙЁРГАРЛИК ЖАРАЁНИДА ЁШ СПОРТЧИЛАРНИНГ ЖАРОҲАТ ОЛИШИНИ ОГОҲЛАНТИРИШ</b>	
8.1. Ёш спортчиларнинг мушғулот жараёнида жароҳатланиши сабаблари.....	163
8.2. Куч ишлатиладиган машқлар машғулотидаги усулий	163

хатолар.....	
8.2.1.Куч ишлатиш машқларида жароҳатнинг олдини олиши тавсия этиш усулари.....	164 166
8.3. Тезликни ривожлантиришдаги усулий хатолар.....	166
8.3.1.Тезликни ривожлантиришда жароҳатни олдини олишнинг усулий тавсияномалари.....	167
8.4. Чидамлиликни ривожлантиришдаги усулий хатолар.....	167
8.4.1.Чидамлиликни ривожлантириш вактида таянч - ҳаракат аппарати функционал тизимини зўриқтиришдан олинадиган жароҳатлардан огоҳлантириш тавсияномалари.....	168
8.5. Эгилувчанликни ривожлантиришдаги хатолар.....	168
8.5.1.Эгилувчанликни ривожлантиришдаги жароҳатларнинг олдини олиш бўйича усулий тавсиялар.....	169
8.6. Мувофиқлаш лаёқатларини ривожлантиришдаги усулий хатолар.....	170
8.6.1.Мувофиқлаш лаёқатларини ривожлантиришда олинадиган жароҳатлардан огоҳлантиришнинг усулий тавсияномалари.	

Мұхаррір М.Айхұжаева

Техник мұхаррір М. Султанов

Мусақхіх А. Усманов

Компьютерда сақиғаловчы Ш.Бердиев